339(076)
И-83

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

А.А. Исаджанов

“ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ”

фани бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

5А610301 - Туризм
(зиёрат туризмини ташкил этиш ва бошқариш)
таълим йўналиши учун



338.(076)
И-83

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

А.А. Исаджанов

“ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ”

фани бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

5А610301 - Туризм (зиёрат туризмини ташкил этиш ва бошқариш) таълим йўналиши учун

5 ma
55207 - 55211

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Axborot-resurs ma'. kazi
Inv. № 55210
20___ yil "__"_____

Тошкент - 2019

А.А. Исаджанов. Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон халқаро ислом академияси. –Т.: 2019 -300 б.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фанидан ўқув қўлланма 5А610301 - Туризм (зиёрат туризмини ташкил этиш ва бошқариш) мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистратура талабалари учун мўлжалланган. Мазкур ўқув қўлланмада "Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фани бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурларида биринчи семестр учун белгиланган мавзуларнинг асосий мазмуни ёритилган, назорат саволлари ва таянч иборалар келтирилган. Мазкур ўқув қўлланма талабаларга "Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фанини янада чуқурроқ ўзлаштириш учун ҳамда маърузалар давомида олинган билимларни чуқурлаштириш учун қўшимча адабиёт сифатида ишлатилиши мумкин.

А.А. Исаджанов. Сфера услуг в глобальной экономике. Учебное пособие. Международная исламская академия Узбекистана. –Т.: 2019. -с. 300.

Учебное пособие «Сфера услуг в глобальной экономике» предназначено для студентов магистратуры, обучающихся по специальности 5А610301 - Туризм (организация и управление паломнического туризма). В учебном пособии отражены вопросы, рассматриваемые в первом семестре данного курса, и предусмотренные типовой и рабочей программами курса. Данное учебное поособие будет способствовать более глубокому изучение данного курса и может быть использовано в качестве дополнительной литературы при изучении курса "Сфера услуг в глобальной экономике".

Тузувчи: А.А. Исаджанов – "Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми" кафедраси профессори, и.ф.д.

Тақризчилар:

Ш.А. Шарифходжаев – Жаҳон иқтисолдиёти ва дипломатия универси-тети "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" кафедраси мудири, и.ф.д.

З. Содиқов – "Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

© А.А. Исаджанов, 2019 йил.
© Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2019 йил.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 6

1-боб. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ 8
1.1. Фаннинг предмети, моҳияти, мақсади ва вазифалари 8
1.2. "Глобал иқтисодиёт" тушунчаси ва унинг таснифи 10
1.3. Халқаро меҳнат тақсимоти – глобал иқтисодиётнинг асоси сифатида 19
1.4. Глобал иқтисодиётнинг асосий субъектлари 21

2-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ 24
2.1. Глобал муаммолар тушунчаси. Рим клубининг фаолияти 24
2.2. БМТ Саммитининг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари (МТМ). Глобал мақсадлар ва Мингйиллик масалалари 36
2.3. Ўзбекистон ва Минг йиллик ривожланиш мақсадлари 40
2.4. Барқарор ривожланиш дастурининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчамлари (2016-2030 йиллар) 52

3-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОҲИЯТИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ 56
3.1. Глобал иқтисодиётнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари 56
3.2. Глобал иқтисодиётнинг объектив манбалари ва ривожланишининг асосий омиллари 62
3.3. Глобал иқтисодиётнинг муаммолари, мавжуд ечимлари ва ривожланиш истиқболлари 65

4-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ: БАЙНАЛМИНАЛЛАШУВ, ТРАНСМИЛЛИЙЛАШУВ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ 71
4.1. Глобал иқтисодиёт ривожланишининг тарихий даври: байналминаллашув ва трансмиллийлашув 71
4.2. Глобаллашув назариялари 78

5-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ 81
5.1. Глобал иқтисодиётнинг ривожланишининг умумий индикаторлари 81
5.2. Ишлаб чиқаришнинг трансмиллийлашув индекслари 85
5.3. Халқаро рейтинг ва индексларда Узбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш 86

6-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ 88
6.1. Халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ва уларнинг фаолият йўналишлари 88

6.2. Минтақавий иқтисодий бирлашмалар ... 92
6.3. Халқаро хукуматлараро ва нохумат ташкилотлар (G 7, G 20 ва бошқалар) ... 96

7-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ: МАНБАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ ... 98
7.1. Глобал молиявий ресурслар тушунчаси, жамғармалар ва инвестициялар капитал манбаи сифатида ... 98
7.2. Молиявий ресурслар оқими ... 107
7.3. Глобал иқтисодиётда суверен фаровонлик жамғармалари ... 115
7.4. Жаҳон молия ресурсларининг глобаллашуви ... 121
7.5. Глобал молия тизимининг янги архитектураси ... 126

8-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ (ТМК) ТУТГАН ЎРНИ ... 131
8.1. ТМКлар тушунчаси ва уларнинг трансмиллийлашув даражаси ... 131
8.2. Глобал иқтисодиётда ТМКлар фаол ва динамик иштирокчи сифатида ... 137
8.3. ТМКларнинг ташкилий-иқтисодий фаолият шакллари ... 143

9-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ... 148
9.1. Капитал олиб чиқишнинг асосий шакллари ... 148
9.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) хусусиятлари ва глобал иқтисодиётда тутган ўрни ... 151
9.3. ТТХИларнинг тармоқлар ва ҳудудий оқимлари ... 155

10-боб. ГЛОБАЛ ИКТИСОДИЁТНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ ВА ТАХДИДЛАРИ ... 163
10.1. Глобал иқтисодиётда зиддиятлар ва таҳдидлар ... 163
10.2. Антиглобаллашув ҳаракатлари ... 165

11-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАР ... 172
11.1. Буюк депрессия. Осиё молиявий-иқтисодий инқирози ... 172
11.2. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози (2008 йил): келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари ва бартараф этиш дастурлари ... 176
11.3. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва унга қарши чора-тадбирлар ... 181

12-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ... 195
12.1. "Глобал иқтисодий хавфсизлик" тусҳунчаси ва моҳияти, таъминлаш механизми ... 195

12.2. "Миллий иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси, кўрсаткичлари ва чегаравий микдорлари ... 199
12.3. Глобал ва миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асослари ... 206

13-боб. ГЛОБАЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ... 210
13.1. Глобаллашув шароитида озиқ-овқат муаммоси тушунчаси ва моҳияти ... 210
13.2. Жаҳонда озиқ-овқат муаммосининг сабаблари, ҳозирги ҳолати ва оқибатлари ... 218
13.3. Глобал ва миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими ... 220

14-боб. ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ ... 245
14.1. Глобал экологик таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари ... 245
14.2. БМТнинг Барқарор ривожланиш дастурининг (2016-2030 йиллар) экологик мақсадлари ва устувор йўналишлари ... 249
14.3. Глобал иқлим ўзгаришининг хусусиятлари, сабаблари ва унинг иқтисодий оқибатлари, Глобал яшил иқтисодий индекс (The Global Green Economic Index) ... 259
14.4. Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш механизми ... 264
14.5. Барқарор ривожланиш концепцияси шароитида Ўзбекистоннинг экологик сиёсати ривожлантириш хусусиятлари ва устуворликлари ... 268

ГЛОССАРИЙ ... 272
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ... 286
ИЛОВАЛАР ... 289

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан имзоланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида" мамлакатимизни глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирокчи сифатида қатнашиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фанини ўзлаштириш халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий йўналишларини англаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг миллий иқтисодий сиёсати ва халқаро стратегиясининг устувор йўналишларини аниқлашда ва самарали иқтисодий механизмларини шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ривожланишнинг муҳим бир жиҳатларидан бири очиқ иқтисодиётни шакллантириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш ва глобал иқтисодиётдаги хизматлар соҳаси билан кенг қамровли алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан иборат.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фани глобал иқтисодиётнинг шакллантириш, ривожланиш омиллари ва унинг таркибий қисми бўлган хизматлар соҳасининг хусусиятлари ва турлари, ривожланиш тенденциялари, глобал иқтисодиётда тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш зарурлиги ва асосий йўналишлари қайд этилган.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистон жаҳон хўжалигида ўзининг муносиб ўрнини топишга интилмоқда. Охирги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Миллий иқтисодий ривожланишда глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бўлган таъсир этувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, "Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фани мамлакат иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида ва мамлакатнинг жаҳон хўжалигига самарали интеграциялашувини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ўқув қўлланма таркиби мантиқан унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда мазкур фаннинг предметининг асосларини, назарий ва амалий жиҳатларини узвий боғлиқ ҳолда ёритишга қаратилган.

Мазкур ўқув қўлланмада халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ҳолда глобал иқтисодиётнинг ривожланиш омиллари, унинг муҳим назарий ва амалий жиҳатлари ва хусусиятлари ўрганилади.

1-боб. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1.1. Фаннинг предмети, моҳияти ва вазифалари.
1.2. "Глобал иқтисодиёт" тушунчаси ва унинг таснифи.
1.3. Халқаро меҳнат тақсимоти – глобал иқтисодиётнинг асоси сифатида.
1.4. Глобал иқтисодиётнинг асосий субъектлари.

Таянч сўзлар: *глобал иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, жаҳон бозори, халқаро меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, кооперация, трансмиллий корпорациялар.*

1.1. Фаннинг предмети, моҳияти ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ривожланишнинг мухим бир жиҳатларидан бири очиқ иқтисодиётни шакллантириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш ва глобал иқтисодиётдаги хизматлар соҳаси билан кенг қамровли алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан иборат.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фани глобал иқтисодиётнинг шакллантирилиши, ривожланиш омиллари ва унинг таркибий қисми бўлган хизматлар соҳасининг хусусиятлари ва турлари, ривожланиш тенденциялари, глобал иқтисодиётда тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ўзининг салмоқли таъсирини ўтказадиган жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг муҳим тенденцияси бу унинг глобаллашувидир. Ўқув қўлланма таълим йўналиши: 5А610301- Туризм (зиёрат туризмини ташкил этиш ва бошқариш) мутахассисликлари учун мўлжалланган. "Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси"

фани танлов фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб 1- курсда (1-ва 2-семестрларда) ўқитилади.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фанининг асосий максади талабаларда глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси бўйича назарий ва амалий билимларини шакллантириш, унинг асосий тушунчалар ва категорияларини, ривожланиш омилларининг шаклланиши ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фанининг асосий вазифалари талабаларда глобал иқтисодиёт ва хизматлар соҳасининг хусусиятлари, глобал муаммоларнинг мазмун - моҳияти ва уларнинг глобал иқтисодиётнинг шакллантирилишидаги ўрни, хизматлар соҳасидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва трансмиллий корпорациялар ҳамда уларнинг глобал иқтисодиётда тутган ўрни, БМТ Саммитининг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари, Барқарор ривожланиш дастурининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчамлари, глобал иқтисодиётнинг институционал жиҳатлари, унинг молиявий ресурслари: манбалари ва турлари, глобал иқтисодиётда молиявий - иқтисодий инқирозлар ҳамда мавжуд зиддиятлар ва таҳдидлар, глобал иқтисодиётнинг иқтисодий хавфсизлик масалалари, глобал экологик таҳдидларнинг хусусиятлари, сабаблари ва иқтисодий оқибатлари тўғрисида илмий тушунчаларни ва амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

"Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси" фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистрант:

– жахон иктисодиётининг глобал муаммолари, глобал иктисодиётнинг хусусиятлари ва ривожланиш омиллари, унинг ривожланиш тарихий даврлари: байналминаллашув ва трансмиллийлашув жараёнлари, глобал иқтисодиётда хизматлар соҳасида фаолият юритаётган трансмиллий корпорация (ТМК)лар фаолияти, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) хусусиятлари, ўсиш омиллари, уларнинг минтакавий ва тармоқлараро тақсимланиш тенденциялари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

– талаба глобал иқтисодиётнинг хизматлар соҳасининг муаммолари ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқ белгилаш, глобал иқтисодиёт асосларини, унинг субъектларини, категориялари ҳамда ривожланиш кўрсаткичларини ва хусусиятларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

– глобал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятларини, хизматлар соҳасининг ривожланиш истиқболларини ва таркибини, глобал иқтисодиётдаги зиддиятлар ва таҳдидларни тўғри аниқлаш ва ечимлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

1.2. "Глобал иқтисодиёт" тушунчаси ва унинг таснифи

Маълумки, жаҳон иқтисодиётига кенг ва тор маъноларда таъриф бериш мумкин[1]. Кенг маънода жаҳон иқтисодиёти - бу миллий иқтисодиётлар йиғиндиси сифатидаги тизим ҳисобланса, тор маънода - бу миллий иқтисодиётларнинг ташқи дунёга товарлар, хизматлар ва иқтисодий ресурслар етказиб берувчи қисмларини қамраб олувчи тизимдир. Жаҳон иқтисодиётига берилган тор маънодаги таъриф иқтисодий назариядаги сотиладиган маҳсулотлар ва омиллар тушунчасига мос келади. Амалиётда кенг маънодаги таъриф кўпроқ қўлланилганлиги боис ҳам кейинги матнларда ушбу тушунчадан фойдаланамиз. Шу билан бирга, сотиладиган маҳсулотлар ва омилларга асосланган хўжалик алоқалари юзлаб миллий хўжаликларни "жаҳон иқтисодиёти" деб аталадиган бир тизимга бирлаштиришини эътиборга олиш лозим.

"Жаҳон иқтисодиёти" тушунчаси билан бирга "глобал иқтисодиёт" тушунчаси кенг қўлланиб келинмоқда. Ҳозирда, ягона яхлит бир "глобал иқтисодиёт" тушунчаси шаклланмаган бўлиб, мураккаб тизим сифатида эътироф этилиб келинмоқда ва, айниқса, сўнгги йилларда бу тизимда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришлар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви; халқаро иқтисодий муносабатларнинг

[1] Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. / A.V. Vaxabov, D.A. Tadjibaeva, Sh.X. Xajibakiyev. – Toshkent.: «Baktriy press», 2015. – 15 b.

глобал тус олиши ва жаҳон молия бозорининг тез суръатларда ривожланиши; жаҳон ва минтақавий инқирозларнинг келиб чиқиши; турли мамлакатлар иқтисодий ривожланишида фарқларнинг чуқурлашуви, шунингдек, ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши ва "рақамли", "янги" иқтисодиёт тушунчалари кириб келиши.

Глобал иқтисодиёт тушунчаси. "Жаҳон иқтиосодиёти" ёки "Жаҳон хўжалиги" тушунчаси илмий ва сиёсий муомалага мустаҳкам кириб бўлди, бироқ унинг мазмуни турлича талқин қилинади.

Айрим мутахассислар жаҳон иқтисодиётини барча мамлакатларнинг ўзаро боғланган миллий хўжаликлари мажмуи сифатида ифодалайди, бошқа мутахассислар эса "бу ўзига хос функцияларига, махсус институтларига эга организмдир ва биз жаҳон хўжалиги ҳақида айрим мамлакатлар хўжаликлари йиғиндисидан фарқ қиладиган хўжалик деб сўз юритишга тўла ҳақлимиз", деб айтади[2]. Бу таъриф шаклланаётган глобал иқтисодиёт моҳиятини аниқроқ акс эттиради.

Шубҳасиз, жаҳон иқтисодиёти – жуда йирик бўлиб кетганидан миллий доираларга сиғмаётган ва маҳсулот сотиш учун ташқи бозорларни ва хомашё манбаларини излаётган миллий хўжаликлар ҳамда миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш маҳсулотидир.

Замонавий жаҳон бозори, жаҳон хўжалик муносабатлари ва институтлари миллий хўжалик тизимларининг ривожланишининг шунчаки давоми ҳисобланмайди, балки улардан жиддий фарқ қиладиган ўзига хос тузилмани ва глобал иқтисодиётни шаклланишини ифодалайди.

О. Богомоловнинг фикрича, глобал иқтисодиёт тараққиётимизнинг кўп жиҳатларига таъсир кўрсатадиган ҳозирги замоннинг энг муҳим феноменидир. Янги XXI асрни чиндан ҳам глобал муаммолар асри деб атай бошлашди, инсониятнинг келажаги уларни ҳал қилишга боғлиқ деб таъкидланмоқда[3].

XX асрнинг оҳири – XXI асрнинг бошида глобаллашув

[2] Кучински Ю. Очерки по истории мирового хозяйства. – М., 1954. – С. 8.

[3] Мировая экономика в век глобализации: Учебник /О.Т. Богомолов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. – 359 с.

жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий, фундаментал тенденцияси сифатида қарор топди.

Кенг тарқалганига қарамай, "глобаллашув" тушунчасининг моҳияти қарама-қарши таърифларга эга бўлиб, унинг асосий сабаблари қуйдагилардан иборат:

- талқинлар ва таърифларининг кўплиги;
- ушбу феномен сабаблари ва тарихий доираларининг кенглиги;
- глобаллашув натижалари талқинининг турлилиги ва ривожланиш истиқболларининг ноаниқлиги.

"Глобаллашув" деганда кўпинча иқтисодий очиқликнинг ошиши, савдо-сотиқ ва халқаро капитал эркинлашиши тушунилади[4]. Ушбу муаммони таҳлил қилар экан, муаллиф Г. Колодконинг фикрини келтиради: "Глобаллашув – бу аввал айрим ҳолда мавжуд бўлган товарлар, капиталлар ва меҳнат бозорлари эркинлашишининг ва ягона жаҳон бозорига интеграциялашувининг тарихий жараёнидир"[5].

Глобаллашув жаҳон мамлакатлари иқтисодиётларининг ўзаро бир-бирига кириб боришини, ўзаро боғлиқлигини ва бир-бири билан қўшилиб кетишини ифодалайди. Бунда бир мамлакатда юз бераётган иқтисодий жараёнлар бошқа мамлакатларда ўз аксини топади, у янги ахборот технологияларига асосланган бўлади ва бутун дунёни бир бутун сифатида ифодалайди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперацияси, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиши натижасида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги кучаяди.

Бу ҳодиса иқтисодиётнинг байналминаллашуви деб аталади. *Иқтисодиётнинг байналминаллашуви* – бу айрим мамлакатлар иқтисодиётларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги кучайишидир.

Глобаллашув жараёни турлича қабул қилинади ва

[4] Янченюк Е. Глобализация мировой экономики: объективные тенденции и субъективные факторы. //Журнал международного права и международных отношений. 2010. № 3. http://evolutio.info/content/view/1729/232/

[5] Янченюк Е. Глобализация мировой экономики: объективные тенденции и субъективные факторы. – С. 140-148.

баҳоланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда унга турлича муносабатда бўлишади. Бир тарафдан, хорижий рақобат учун бозорларнинг очилиши, халқаро савдо, капитал ва меҳнат ресурслари кўчиб юришининг кучайиши жаҳон ишлаб чиқариш омилларидан самаралироқ фойдаланиш, жаҳон ишлаб чиқаришини ошириш учун янги имкониятлар яратади ва унда иштирок этувчи мамлакатлар учун ютуқ деб аташ мумкин.

Бошқа тарафдан, глобал бозорларда рақобатнинг кучайиши, хўжалик фаолиятининг кенг эркинлашуви мамлакатлар учун хавф-хатарлар туғдириши муқаррардир.

Ривожланган мамлакатлар учун бунинг фойдали жиҳатлари аниқ кўриниб турибди, бироқ ривожланаётган мамлакатлар ҳақида, айрим ҳолларда, бундай деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги байналминаллашувда хомашё ва меҳнат ресурслари етказиб берувчилар сифатида иштирок этиб, ривожланган ва қудратлироқ давлатларга қарам бўлиб қолишини эътироф этиш мумкин.

Собиқ АҚШ Президенти Б. Клинтон ҳузурида иқтисодий маслаҳатчилар гуруҳига раҳбарлик қилган Ж. Стиглиц иқтисодий сиёсат хусусиятларини таърифлаётиб, давлат ва бозор муносабатлар ўзаро ҳамкорликка қаратилган бўлиши кераклигини ҳамда давлат бозордаги муваффақиятсизликларни юмшатишда ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнаши кераклигини қайд этган. У очлик, ҳаёт стандартлари пасайиши, ишсизликни глобаллашувнинг салбий оқибатлари қаторига киритган[6].

"Глобал иқтисодий тизим реал воқеага айланган ва унинг қонунлари ҳамда ривожланиш шакллари жиддий ўзгаришни талаб қилади" [7] ва "Глобал иқтисодиёт тараққиётимизнинг кўп жиҳатларига таъсир кўрсатадиган ҳозирги замоннинг энг муҳим феноменини ифодалашини исботлайдиган қўшимча далиллар керак эмас", деб қайд этади О. Богомолов[8].

Глобаллашув жараёнларнинг ҳозирга келиб бир қатор хусусиятларини эътироф этиш мумкин.

[6] Stigliz J. Globalization and Its Discontents. New York, W.W. Norton. 2002. P. 248.

[7] Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник /О.Т. Богомолов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. – С.7.

[8] Ўша манба. – 11-б.

Биринчидан, глобаллашувнинг муқобиллиги – глобаллашувнинг ички қарама-қаршилигини акс эттирувчи глобаллашув жараёнларининг турли вариантларидир[9]. Глобаллашув муқобиллиги глобаллашув жараёнларининг ўрнини босадиган бирор нарса таклиф қилмай, уларнинг ички вариабеллигини ифодалайди. Бу, энг аввало, глобаллашув рўёбга чиқариладиган қуйидаги моделларга тааллуқли: либерал модель (баъзида "неолиберал" терминидан фойдаланилади) ёки ижтимоий мўлжал олган модель.

Иккинчидан, глобаллашув муқобиллари минтақаларга бўлинишда намоён бўлади, унга муайян изчиллик берадиган ва унинг энг салбий оқибатларини камайтирадиган ўзига хос шакли сифатида қаралади. Глобаллашувнинг муқобиллигининг борлиги жаҳон глобаллашиб бораётган бир пайтда глобаллашувнинг ўзи учун салбий оқибатларини камайтириб ва бу жараёнлардан имкон қадар кўп фойда олиб, инсон учун глобаллашув жараёнларига таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.

Глобаллашув жараёнлари тўлқинсимон ривожланиш хусусиятларига эга бўлиб, унинг ривожланишида бир қатор тўлқинларни келтириш мумкин. Глобаллашув тўлқинлари – дискрет ночизиқли жаҳон-тарихий жараён сифатида глобаллашув босқичлари, улар ёпиқ бўлмаган даврлар бўлиб, ўзгаришларнинг икки хил табиатини – изчиллик ва даврийлик нисбатини акс эттиради.

Глобаллашув жараёни тўлқинлилиги иккита қарама-қарши тенденция – жаҳон ҳамжамияти субъектларининг яқинлашиш тенденцияси ва қарама-қаршилиги тенденцияси ўзаро таъсири зидлиги билан изоҳланади[10]. Ушбу тенденцияларни таҳлил қилар экан, таниқли иқтисодчи олим Н.Д. Кондратьевнинг ошиб борадиган ва пасаядиган тўлқинлар алмашинуви асосидаги узоқ муддатли иқтисодий даврларни ажратиб кўрсатиш хусусидаги ишланмалари ва инглиз олими А. Тойнби киритган "чақириқ – жавоб" тамойили бўйича ижтимоий ҳамкорлик таҳлили – глобаллашув ижтимоий тўлқини

[9] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, – СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 26.

[10] . Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, – СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С 119-120.

механизмини аниқлаш муҳим методологик воситалар сифатида намоён бўлди.

XIX ва XX асрларда глобаллашувнинг биринчи тўлқини назариячилари (Р. Кобден ва Ж. Брайт) эркин савдо шубҳасиз иқтисодий ўсишга олиб келиши ва мисли кўрилмаган тараққиёт туфайли халқлар ўзаро адоватни унутиши ҳақидаги қоидани ишонч билан асослаб беришди. Британия ўзининг денгиздаги, саноатдаги ва молиявий қуввати билан глобаллашувнинг биринчи тўлқинига кафил бўлди.

Глобаллашувнинг жаҳондаги низоли муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши ҳақидаги ғоя Н. Эйнжелнинг "Буюк иллюзия" номли китобида (1909) ишончли таърифлаб берилди. Асарда муаллиф жаҳон мамлакатларининг бир-бирига иқтисодий боғлиқлиги натижасида глобал низолар пайдо бўлиши мумкин эмаслигини исботлаб берди: 1914 йил арафасида Британия ва Германия (асосий ташқи сиёсий антагонистлар) бир-бири учун аҳамияти бўйича иккинчи ўринда турадиган савдо ҳамкорлари эди. Британия ва Германия ялпи миллий маҳсулотининг тегишли равишда 52 фоизи ва 38 фоизи ташқи савдога тўғри келарди. Бироқ 1914 йил августда миллатларнинг глобал яқинлашуви муқаррарлиги ҳақидаги тахмин асоссизлигини кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши миллатларнинг иқтисодий-ахборот-алоқавий яқинлашувига қаттиқ зарба берди.

Жараённи жонлаштириш учун кўп вақт талаб этилди. XX асрнинг охирги ўн йиллигидагина (иккита жаҳон уруши, Буюк турғунлик ва кўп сонли ижтимоий синовлардан кейин) XX асрда яратилган либерал иқтисодий тартиб жаҳон амалиётига қайтадан жорий этила бошланди. Режали иқтисодиёт билан рақобатлашишда Ғарбнинг бозор иқтисодиёти тизими жаҳонни ягона бозор иқтисодиётига айлантириб, ғолиб бўлиб чиқди.

Глобаллашувнинг иккинчи босқичи (тикланиш) 1970-йилларнинг охирида ахборот ва телекоммуникацияларда юз берган инқилоб асосида бошланди ва глобаллашув жараёнларининг янги хусусияти яққол намоён бўлди. Трансмиллий корпорациялар ва ноҳукумат ташкилотлар миллий чегараларни осонлик билан ёриб ўтиб, барча мамлакатларда фаолият юрита бошлади.

"Жаҳоннинг ривожланган индустриал негизи", саноатла-

шиб борадиган иқтисодиётлар яримполуфериями ва ривожланмаган мамлакатлар перифериями ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланган халқаро меҳнат тақсимотининг аввалги тизими ягона глобал иқтисодиёт яратиш томон ўзгариб борди. Унда Шимолий Америка, Европа Иттифоқи ва Шарқий/Ғарбий Осиёнинг "глобал учлиги" ("триадаси") ҳукмронлик қила бошлади. Бу минтақада жаҳоннинг асосий ишлаб чиқариш кучлари – глобал иқтисодиётининг "мегабозорлари" жойлашган бўлиб, унда глобаллашган трансмиллий корпорациялар марказий роль ўйнай бошлашди.

Глобаллашув сиёсатда миллий муассасалардан юқори турадиган муассасаларнинг (БМТ, НАТО, "Катта еттилик – G7", "Катта йигирматалик – G20"), иқтисодиётда трансмиллий корпорациялар ва миллий муассасалардан юқори турадиган органларнинг (Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти ва ҳоказоларнинг) устунлик қилишга ўтиши, глобал маданият, кўпинча оммавий (кино, адабиёт, рок-мусиқа ва поп-мусиқа ва ҳоказолар) юзага келиши, глобал бир хил ҳаёт тарзи (бир хил кийим, овқатланиш, бўш вақтни ўтказиш шакли) пайдо бўлиши сифатида намоён бўлади.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, глобаллашув антик даврдан бошлаб инсониятнинг йўлдоши бўлган (С. Амин, А.Г. Франк). Қадимги даврда ҳам кўп миллатли империялар ва трансминтақавий савдо йўллари мавжуд бўлган. Кўплаб олимлар глобаллашув бошланишини "Уйғониш ва Буюк географик кашфиётлардан" ва Ғарбий Европа капитализмга ўтгандан кейинги Янги давр, модернизация жараёнлари билан боғлайди (Р. Робертсон, М. Уотерс). Аммо кўпчилик муаллифларнинг фикрича, глобаллашув XX асрнинг охирги ўттиз йиллигида бошланган ва ахборот технологияларида юз берган инқилоб ва совуқ уруш тугаши билан изоҳланади.

Глобаллашувга доир адабиётларда бу тушунчанинг кенг ва тор талқинини (жаҳон тарихий жараёнининг ўзига хос босқичини билдиришидан тортиб то аниқ ҳодисалар ва тенденциялар номигача) учратиш мумкин. "Глобал таҳдидлар", "Глобал иқтисодиёт" ёки "Глобал хавфсизлик" тўғрисида сўз юритилади, иқтисодиётда миллий тўсиқларни ёки давлатлар суверенитетини емирадиган белгилар – тенденциялар ҳақида

айтилади, ахборот ёки технологик инқилоблар билан тенглаштирилади.

Ҳозирга келиб, кўпчилик муаллифлар глобаллашув тушунчасини "глобал" сўзи этимологиясига яқин маънода, яъни яхлит, умумий, умумжаҳон маъносида талқин этади ва қўллайди. Жаҳон ҳамжамияти учун умумий аҳамиятга эга бўлган, умуминсоний ҳисобланган, барча халқлар ва фуқаролар, мамлакатлар ҳамда маданиятлар манфаатларига дахл қиладиган ва эҳтиёжини ифодалайдиган омиллар, тенденциялар ва жараёнлар глобал ҳисобланади ҳамда шундай қабул қилинади ва баҳоланади[11].

Глобал муаммолар бу умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ, ҳозирги замон муаммоларидир. Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши курашиш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш; ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий иқтисодий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез суръатлар билан кўпаяётганлигини тартибга солиш, атроф муҳит ҳалокатли тарзда ифлосланиб бораётганлигининг олдини олиш; инсониятни керакли ресурслар озиқ-овқат, саноат хомашёси, энергия манбалари билан таъминлаш, фан ва техника тараққиёти салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик кабилар киради. Глобал муаммолар аввало жаҳонда кечаётган иқтисодий, ижтимоий сиёсий, ҳарбий, илмий-технологик, ижтимоий-маданий жараёнларнинг умумбашарий аҳамият касб этиши натижасида юзага келди.

Глобал муаммоларни 4 гурухга ажратиш мумкин:

1. Халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган глобал муаммолар – жаҳонда ривожланган, ривожланиб келаётган ва қолоқ мамлакатларнинг мавжудлиги. Ҳозирги кунда жаҳон сиёсий тартиботини белгилашда дунёдаги 7 ривожланган мамлакатнинг мавқеи катта. Бу мамлакатлар билан қолоқ мамлакатлар орасидаги тафовут ғоят кучайди. Тараққий қилган мамлакатларда демократик қадриятлар ривожланган

[11] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь / Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков. – СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 163-167.

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi Axborot-resurs markazi
Inv. № 55210
20__ yil "__"

бўлса, қолоқ мамлакатларда авторитаризм, демократияга зид бўлган ижтимоий муносабатлар авж олди, халқаро хавфсизликка қарши таҳдидлар пайдо бўлди. Буни террорчилик, экстремизм кўринишлари вужудга келганлиги тасдиқлайди.

2. Халқаро иқтисодий муносабатларда пайдо булган глобал муаммолар – жаҳон хўжалик тизими вужудга келиб, унда асосан иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар устунлиги қарор топди. Иқтисодиёти ҳаддан ташқари ривожланган мамлакатлар, трансмиллий корпорациялар жаҳон иқтисодиётини бошқараётган бир пайтда, иккинчи томонда уларга қарам, иқтисодиёти жуда ҳам паст даражадаги мамлакатлар мавжуддир. Жаҳонда иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт ютуқларига қарамасдан бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги фарқ ўсиб бормоқда. XX аср охирида ривожланган мамлакатлар жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 86 фоизини ишлаб чиқарган бўлса, камбағал давлатлар атиги 1 фоизни ишлаб чиқарди. Айрим мамлакатлар ривожланган давлатлардан жуда катта миқдорда қарзга ботди. Натижада улар сиёсий жиҳатдан мустақил бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга қарамдир. Жаҳон иқтисодий муносабатларидаги глобаллашувнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Масалан, миллий бозорни сиқиб қўяди, ишсизликни, фермерларнинг синишини кучайтиради. Бу глобаллашувга қарши ҳаракатни келтириб чиқарди.

3. Ижтимоий соҳада вужудга келган глобал муаммолар – жаҳон аҳолиси муттасил кўпайиб бориши натижасида Осиё ва Африка мамлакатларида озиқ-овқат, ичимлик сув танқислиги кучайиб, бу ҳол бошқа мамлакатларда ҳам кузатилаётгани, жаҳон аҳолисининг муайян қисми очарчиликни бошдан кечираётгани, саводсиз эканлиги, ахборот-технология ва умуман фан-техника инқилоби самараларидан баҳраманд эмаслиги, бутун инсониятга хавф туғдирувчи касалликлар тез тарқалаётганлиги шундай муаммолар сирасига киради.

4. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши натижасида вужудга келган глобал муаммолар - улар қаторига денгиз ва сув ҳавзаларининг булғаниши, ўрмон майдонларининг тобора қисқариши, атмосфера озон қатламининг йўқолиб бориши кабилар киради. Хатарли кимёвий

моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши натижасида қишлоқ хўжалигида экин экиладиган ерларнинг катта қисми яроқсиз ҳолатга келиш хавфи кучайди. Орол денгизи суви камайиб, ғоят мушкул экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

1.3. Халқаро меҳнат тақсимоти – глобал иқтисодиётнинг асоси сифатида

Меҳнат тақсимоти – тарихан берилган ижтимоий меҳнат тизимидир. У жамият ривожланиши жараёнида фаолиятнинг сифат жиҳатдан дифференциацияси натижасида келиб чикади. Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасидаги ижтимоий-худудий меҳнат тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У давлатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувига асосланади.

Халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги қарашлар концепцияси XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида яшаб ўтган инглиз классик таълимотчилари А. Смит ва Д. Рикардо ишларида асосланиб, ривожлантирилган эди. А. Смит "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари" китобида (1776 и.) халқаро меҳнат тақсимоти назариясини таҳлил қилиб, савдо ва тадбиркорликда эркинлик зарурлигини исботлаган. Унинг фикрича, савдо эркинлигида рўй бераётган турли *тўсиқлар* бутун бир давлатлар ўртасида рўй бераётган халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашувига халақит беради. Тўсиқларнинг тугатилиши ва халқаро алмашув майдонларининг кенгайиши натижасида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашуви ва ўзаро боғлиқлиги кенгайиши, умумжаҳон хўжалиги юзага келиши рўй беради.

Хуллас, А. Смит кейинчалик ўзининг жуда машхур бўлган эркин савдо шиорини олға сурган эди. Унинг концепциясини эса кейинчалик инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ривожлантирди. Ушбу классикларнинг халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги илмий назариясиининг асосий ютуқларини биз ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлар назариясида кўрамиз. Бу назария халқаро савдо тўғрисидаги иктисодий таълимотнинг "классик" асоси

хисобланади.

Глобал иқтисодиётда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига қандай омиллар таъсир килади? Биринчидан, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, иккинчидан, ишлаб чиқаришда самарадорликни кўтариш, учинчидан, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга интилиш зарурати каби омиллар таъсир қилади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг асосий йуналиши – ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси билан чамбарчас боғлиқ. Халқаро кооперация ва халқаро ихтисослашув халқаро меҳнат тақсимотининг асосий шакллари ҳисобланади,

Турли давлатлардаги корхоналарнинг маълум бир товарларни чиқаришга ихтисослашуви замонавий илмий-техника инқилобига чамбарчас боғлиқ. Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви иккита йўналиш (ишлаб чиқариш ва ҳудудий йўналиш) бўйича ривожланиб боради, ўз навбатида ишлаб чиқариш йўналиши:

а) соҳалараро;

б) давлатлараро;

в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлинади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли – халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси, ишлаб чиқариш ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси хамда мамлакат ташқарисида рўй беришидан қатьи назар, мустақил корхоналар ўртасида рўй бераётган барқарор ишлаб чиқаришдаги алоқалар жараёни ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш кооперацияси маълум бир муносабатлар тизими сифатида хизмат кўрсатаётган фаолиятнинг соҳаси ва ҳамкорликнинг усули ҳисобланадн Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) маълумотларига қараганда, глобал қўшилган қиймат занжирлари (ГҚҚЗ) халқаро меҳнат тақсимотида катта аҳамиятга эга. Глобал иқтисодиётда корхоналарнинг ГҚҚЗга уланишини назарда

тутувчи жараёнларини жадаллаштириш катта аҳамиятга эга бўлмоқда[12]. Ҳозирга келиб, халқаро савдонинг 80 фоизи ГҚҚЗ орқали амалга оширилиб[13], мазкур жараёнда трансмиллий корпорациялар етакчи роль ўйнамоқда[14].

1.4. Глобал иқтисодиётнинг асосий субъектлари

Глобал иқтисодиёт тизимини содда ҳолда унинг таркибий қисмлари ёки асосий қатнашчилари – субъектларидан иборат механизм кўринишида ифодалаш мумкин. Ушбу субъектларнинг асосийлари миллий иқтисодиётлар, трансмиллий корпорациялар (ТМК), интеграцион бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётлар глобал иқтисодиётининг асосий субъекти саналади. Миллий иқтисодиётларга хос асосий хусусият шундаки, дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодий суверенитетни сақлаб келишмоқда. Глобаллашув жараёни туфайли ташқи босимнинг кучайишига қарамасдан, мамлакатларда энг муҳим иқтисодий қарорлар ташқаридан эмас, балки миллий ҳукуматлар томонидан қабул қилинмоқда. Шунинг учун ҳам глобал иқтисодиётни таҳлил этишда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда мавжуд иқтисодий ривожланиш тенденцияларига таяниш лозим. Баъзи интеграцион бирлашмаларда иқтисодий суверенитет қарорлар қабул қилишнинг умумий механизми билан уйғунлашиб кетмоқда.

Миллий иқтисодиёт доирасида (жумладан, кичик мамлакатларда) иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳукумат ўз компания ва фуқаролари талабларидан эмас, балки аксарият ҳолларда халқаро иқтисодий ташкилотлар ва хорижий ТМКлар талабларидан, манфаатларидан келиб чиқишмоқда.

Аввалларн у ёки бу мамлакатда ташқи иқтисодий фаолият билан миллий фирмалар шуғулланишган ва улар учун мамлакат ички бозори асосий бозор ҳисобланган. Аммо охирги ўн йилликда

[12] Industrial Development Report 2018: Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development, UNIDO, 2017.

[13] Global Value Chains and Development: Investment and Value Added Trade in the Global Economy. UNCTAD, 2013.

[14] Аъзам С.Э. Перспективы включения Узбекистана в глобальные производственные цепочки и рынок услуг аутсорсинга // "Рынок, деньги и кредит". - Ташкент, 2015. - № 6. - С. 12-17.

уларнинг кўпчилиги ТМКлар даражасига кўтарилишди ва бутун дунё уларнинг фаолият (савдо, саноат, молия) юритиш майдонига айланди.

Натижада ТМКлар глобал иқтисодиётининг муҳим мустақил таркибий қисмига айланишди ва улар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 1/5—1/4 қисми тўғри келмоқда. ТМКларнинг аксарият қисми ўз мамлакатлари ички бозори учун ишлашига қарамасдан, глобаллашув жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисоблашади. Глобаллашув жаҳонни ягона бозорга айлантириш воситаси сифатида ТМКлар учун манфаатли ҳисобланади, чунки улар ушбу бозорда энг кучли хўжалик субъектлари саналади.

Шу билан бирга, ТМКларнинг манфаатлари доимо миллий иқтисодиёт манфаатлари билан мос келавермайди. Шунга қарамасдан, глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви натижасида ТМКларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва жаҳон хўжалигининг бошқа субъектларига таъсири ортиб бормоқда.

ТМКлар фаолияти натижасида аксарият мамлакатлар иқтисодиёти ўзаро бирлашиб, халқаро ҳудудий иқтисодий бирлашмаларни ташкил этмоқда. Ушбу бирлашмалар жаҳон хўжалигининг муҳим механизмига айланди, баъзилари, жумладан Европа Иттифоқи (ЕИ) ташқи дунёда ўз аъзолари номидан фаолият олиб бормоқда.

Аммо кўпчилик минтақавий интеграцион бирлашмалар (ЕИ ва Шимолий Америка Эркин савдо ассоциациясидан (НАФТА) ташқари) ўз аъзолари миллий иқтисодиётига кучли таъсир кўрсатмайди. Ҳозирча халқаро иқтисодий интеграция жаҳоннинг нисбатан ривожланган ҳудудларида муваффақиятли амалга ошмоқда, бошқа ҳудудларда эса ушбу жараён уларнинг ривожланиш даражасининг ортиши билан чуқурлашиб боради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг сони ва аҳамияти тубдан ошди. Ушбу ташкилотларда жаҳон иқтисодиётидаги улуши катта мамлакатлар ҳал қилувчи ролга эга. Айрим ҳолларда, бошқа мамлакатлар товарлар, хизматлар, капитал ва технология жиҳатдан қайд этиб ўтилган мамлакатларга боғлиқлиги сабабли халқаро ташкилотларда уларнинг фикрини қабул қилишга мажбур бўлмоқда.

Шу билан бир вақтда, глобаллашув жараёни миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайишига олиб келмоқда. Шу сабабли миллий иқтисодиётларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишга интилиши кучайиб бормоқда ва ушбу ташкилотларга аъзолик кўплаб иқтисодий муаммоларни кўптомонлама келишувлар асосида ҳал этиш имконини беради. Натижада халқаро ташкилотлар жаҳон иқтисодиётининг (аввало, ривожланаётган кичик ва ўрта мамлакатларга нисбатан) кучли субъектларига айланиб бормоқда.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг муҳим вазифалари-дан бири глобал иқтисодиётининг ривожланиши тўғрисида статистик таҳлиллар, ҳисоботлар тайёрлашдан иборат. Амалиётда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Умумжаҳон банки гуруҳи, ЮНКТАД, Умумжаҳон савдо ташкилоти ва бошқа ташкилотларнинг нашрларидан кенг фойдаланилади.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон иқтисодиётининг тор ва кенг маъноларидаги тавсифи нима билан фарқланади?
2. Глобал иқтисодиёт тизим сифатида нимани ифода этади?
3. Глобал иқтисодиётининг субъектларига нималар киради?
4. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қандай шакллари мавжуд?
5. Жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичи қандай хусусиятларга эга ва глобал иқтисодиёт билан нималар билан фарқланади?
6. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражаси қайси кўрсаткичлар орқали аниқланади?
7. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги қайси илмий концепсиялар мавжуд?
8. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви нима ва унинг қандай белгилари мавжуд?
9. Халкаро мехнат таксимотининг мазмуни ва мохияти нимадан нборат?
10. Халкаро мехнат тақсимоти ривожланишига таъсир этувчи қандай омилларни биласиз?
11. Халкаро мехнат таксимоти ривожланишининг узига хос томонаррини характерлаб беринг.
12. Халқаро ихтисослашув нима?
13. Ишлаб чиқариш кооперациясининг мазмуни ва моҳиятини тавсифлаб беринг.

2-боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ

Режа:

2.1. Глобал муаммолар тушунчаси. Рим клубининг фаолияти.

2.2. БМТ саммитининг Минг йиллик тараққиёт мақсадлари (МТМ). Ўзбекистон ва Минг йиллик ривожланиш мақсадлари. Барқарор ривожланиш дастури (2016-2030 йиллар).

2.3. БМТнинг Барқарор ривожланиш дастурининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчамлари.

Таянч сўзлар: *Барқарор ривожланиш, глобал муаммолар, иқтисодий, экологик, ижтимоий, сиёсий, минтақавий, ҳуқуқий, тараққиёт, глобал мақсадлар, БМТ.*

2.1. Глобал муаммолар тушунчаси. Рим клуби маърузаси

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният олдида жуда кўп мураккаб муаммолар вужудга келди. Уларнинг асосий қисми таъсир доирасининг миқёси ва аҳамиятига кўра глобал муаммолар номини олди.

XX асрнинг 60 – йилларига келиб глобал муаммолар тор доирадан кенг доирада ишлатилишига ўтиб қолди. Ушбу даврдан бошлаб жамиятнинг ушбу мавзуга қизиқиши жадал равишда ошиб борди ва унинг мухокамаси кенг доирадаги мажлисларда кўрила бошлади.

Ушбу мавзуга жуда катта қизиқишнинг сабаби бўлиб биринчи ўринда инсониятнинг ер куррасининг ҳатто бир чеккасида юзага келган жиддий муаммо бир кун келиб бутун сайёрага ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигини тушуниб етганлиги бўлди.

Глобал муаммоларни ўрганиш ва инсониятнинг келажагини таъминлаш жараёни бўйича илмий ишларни олиб боришда италиялик менеджер Аурелио Печчеи томонидан ташкил этилган халқаро ноҳукумат ташкилоти – Рим клуби алоҳида ўрин эгаллайди.

У 1968 йилнинг 30 апрелида бир қанча европалик олимлар, шу жумладан иқтисодчилар, социологлар, табиатшунослар ва бошқаларни ушбу клубга таклиф этади.

Рим клуби аъзолари ўз олдиларига иккита мақсадни қўяди:

биринчиси, инсоният олдида турган асосий глобал муаммоларни аниқлаш;

иккинчиси, жамиятга ушбу глобал муаммоларни тақдим этиб, уларнинг бартараф этиш борасидаги энг долзарб ишларни белгилаб олиб амалга ошириш.

Рим клубидаги маърузалар ушбу изланишлар натижаси бўлди ва уларда машҳур олимлар глобал муаммоларни ҳал этишнинг турли йўлларини ёритган эдилар.

Рим клубининг илк ишларидан бири бўлиб, умумжаҳон ривожланишини математик моделга қўйиш бўлди. Ушбу модель ривожланишнинг асосий параметрлари бўлган аҳоли, капитал қўйилма, қайта тикланмайдиган ресурсларнинг ишлатилиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши, истеъмол молларини ишлаб чиқарилиши кабиларни эътиборга олган эди.

"Дунё-1" деб номланган ушбу моделнинг асосчиси кибернетика ва математика фанлари профессори Джей Форрестор эди. Ушбу модель асосида олиб борилган изланишлар натижасида инсоният олдида келажакда катта глобал муаммолар юзага келиши мумкинлиги башорат қилинди. Аммо моделнинг айрим муҳим иккиламчи омилларнинг эътиборга олинмай тузилгани глобал моделлаштириш соҳасида ҳали анча изланишларни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, "Дунё-3" модели юзага келди. Ушбу модель динамика тизими соҳасидаги мутахассис Денис Медоуз томонидан тузилган бўлиб, ушбу моделдан сўнг "Ривожланиш чегараси" номли машҳур маъруза юзага келди.

Д. Медоуз маърузаси 1972 йилнинг 12 мартида Вашингтоннинг Смитсон институтида ўқилган бўлиб, унда 75 йилдан сўнг сайёранинг хомашё манбалари тугайди ва истеъмол молларининг етишмаслиги кўзда тутилмаган масштабда глобал инқирозга олиб келади, инсониятнинг олдига кейинчалик яшаш муаммосини қўяди, дейилган эди.

Аммо шу нарсани таъкидлаш лозимки, ушбу математик моделлар кейинчалик турли томондан бир неча маротаба танқид остига олинган. Бундай моделларнинг асосий камчилиги ҳозирги кундаги жараёнлар турли туман ва шу қадар мураккабки, уларни битта моделга жойлаштириш ишончли натижа бермайди ҳамда ҳар қандай жараён ҳам математик миқдорларда ўз аксини топмайди.

Лекин бундай хулосалар Рим клубининг маърузаларига эътиборсизлик билан қараш керак, деган хулосага олиб келмайди.

Рим клуби аъзолари орасидан кейинчалик бир қанча маърузалар тайёрланди. Бу маърузаларда цивилизацияни тиклаш ва атроф муҳитни ифлословчи инсонлар онгини янгилаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Дарҳақиқат, глобал муаммоларнинг бу қадар чуқурлашиб кетишига асосий сабаблардан бири – одамлар ҳаётининг ҳар жиҳатига ўз таъсирини ўтказиб бўлган илмий-техник тараққиёти деса бўлади.

Унинг ижобий натижалари билан бирга, илмий, техникавий, технологик имкониятлар инсонлар учун кимёвий, бактериологик, ядровий қуролларини яратиш имконини ҳам берди.

Шу жихатдан, бутун дунёни ва инсониятнинг бугунги куни ва келажагига хавф солувчи, ечимини топишда барча давлатлар ва халқларнинг ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳаракатини талаб қилувчи муаммоларни глобал муаммолар деб аташ мумкин.

Глобал муаммолар, ўз навбатида, аҳоли иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ва атроф муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасидир.

Глобал муаммолар:

биринчидан, бутун инсониятга, барча мамлакатлар, халқлар, ижтимоий табақалар манфаатлари ва тақдирларига таъсир кўрсатувчи;

иккинчидан, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта талофатларга, инқирозларга сабаб бўлувчи, чуқурлашган тақдирда эса жаҳон цивилизациясининг мавжудлилигига ҳам хавф солувчи;

учинчидан, ечимини топишга умумсайёра миқёсидаги ҳамкорликни барча мамлакатлар ва халқларнинг биргаликда ҳаракат қилишини талаб қилувчи муаммолардир.

Глобал муаммоларнинг орасида энг муҳимларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш муаммоси;
- тинчлик ва қуролсизлантириш муаммоси;
- экологик муаммолар;
- энергетик муаммолар;
- хомашё муаммоси;
- гуманитар муаммолар;
- озиқ-овқат муаммоси каби муаммолар алоҳида ажралиб туради.

Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш муаммоси.

Ҳозирги кунда жаҳонда мавжуд барча мамлакатларнинг 30 фоизига яқини қолоқ ҳисобланади. Шуларнинг 75 фоизи Африкада, 1 таси Европада, 4 таси Жанубий Америкада ва 11таси Осиёда жойлашган. Иқтисодий қолоқлик мазкур мамлакатларда сиёсий беқарорлик ҳамда ижтимоий тенгсизлик, ирқий ва диний зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Охирги пайтларга қадар камбағаллик, асосан даромаднинг борлиги ёки йўқлиги нуқтаи назаридан қараб келинган. Аммо камбағаллик даромаднинг ёки қабул қилинган калорияларнинг камлигига қаранда ғоят кенг кўламдаги тушунчадир.

Бу – узоқ, соғлом ва онгли ҳаёт кечириш ҳамда яхши турмуш даражаси, қадр-қиммат, ғурур ва ўзгаларни хам қадрлаш даражисига эришиш учун кенг кўламда зарур бўладиган имкониятлар ва танлаш ҳуқуқидан махрумлик демакдир.

Ер куррасининг пана-пасткамларида, омонат бошпаналарда, ноқонуний кириб олган кулбаларда, энг кам ижара ҳақи тўланадиган уйларда, саломатлик борасида бир олам муаммолари мавжуд дунё аҳолисининг катта қисми ўз ҳаёт тарзини яхшилаш имконига эга бўлмаган ҳолда камбағаллик искан-жасида яшамоқда.

Энг ривожланган давлатлар ва учинчи дунё давлатлари ўртасидаги ривожланишда ва яшаш шароитида ўсиб бораётган фарқ муаммоси ечимини топмаяпти.

Албатта, ҳозирги кундаги асосий муамммолардан бири ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммосидир. Учинчи дунё давлатлари қаторига кирувчи Осиёнинг бир нечта камбағал давлатлари, Африка ва бошқа худудлардаги камбағал давлатлар билан ривожланган Ғарб давлатлари ўртасидиги фарқ кундан кунга ошиб бормоқда.

Дунёнинг ривожланган Еттилиги ҳамда Ғарбий Европанинг ривожланган 24 мамлакатида дунё аҳолисининг 23 фоизи яшайди.

Аммо ушбу аҳоли жаҳон ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 75 фоизини, ёқилғини 79 фоизини, ўрмон маҳсулотларини 95 фоизини истеъмол қилади. Энг қизиғи ушбу ашёларнинг асосий қисми учинчи дунё давлатларидан олинади.

Биринчи ва учинчи дунё давлатлари ўртасидаги муаммо "Шимол ва Жануб" деган номни олди. Албатта бу ерда икки хил қарама - қарши концепция мавжуд.

Биринчи концепция тарафдорлари "Жануб" давлатларини қашшоқлашишига олдиндан камбағал бўлишгани ва бу камбағаллик қудуғидан чиқиш имконияти умуман бўлмаётгани асосий сабаб деб кўрсатиб, "Жануб" давлатлари ўзларининг камбағал яшашига асосий айбдор ҳам ўзларидир дейишса, иккинчи концепцияга кўра учинчи дунё давлатларининг бу қадар камбағаллигига жавобгарликни айнан "цивилизациялашган дунё" жавобгардир.

Чунки бой давлатларнинг буйруғи билан замонавий иқтисодий тизимнинг шаклланиш жараёни содир бўлган ва, табиийки, бой давлатлар бу жараёндан энг кўп фойда олишган, бу эса бугунги кунда уларни ҳозирда камбағаллашиб қолган давлатлар ресурсларини эксплуатация қилиб, "олтин миллиардер"ларга айланиб , учинчи дунё давлатларини камбағаллашувига олиб келган.

Ҳозирги кунда мавжуд халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини қайта баҳолаб, янги иқтисодий тартибни ўрнатиш, бу билан камбағал давлатларнинг хақ - хуқуқлари поймол

бўлишини олдини олиш ҳамда жаҳон иқтисодиётига қўшилишда тенг имкониятларни яратиб бериш зарур.

Тинчлик ва қуролсизлантириш муаммоси.

XX асрнинг энг асосий ҳодисаларидан бири саналган икки қутбли тизим йўқолганидан сўнг кўпчилик энди дунёда фақат тинчлик бўлади, энг асосий қарама-қарши кучга барҳам берилди, деб ҳисоблаган эди.

Уруш ва тинчлик муаммоси XX асрнинг иккинчи ярмининг деярли 40 йили мобайнида ҳақли равишда инсониятнинг энг муҳим муаммоси бўлиб келган.

Албатта, бизнинг асосий мақсадимиз Ер шарида тинчликни сақлаш, инсоният учун қайтариб бўлмас кулфатлар келтирувчи турли зиддиятларнинг олдини олиш, геосиёсий тенглик ва барқарорлик муаммоларини ҳал этишдир.

Инсониятнинг шу вақтгача орттирган ҳарбий салоҳияти Ер шаридаги барча тирикликни бир неча марта йўқ қилиш имконини беради, шу сабабли бундай ҳолатларга жавобгарлик ва масъулият хукумат ва давлат раҳбарларига тааълуқлидир.

БМТнинг маълумотларига қараганда, ҳар бир дақиқада дунёда 30 га яқин бола тўйиб овқат емаслик, очлик ва бедаво касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмади. Худди шу муддат мобайнида харбий мақсадларга 1,7 млн. АҚШ доллари сарфланади. Кўплаб мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун ўзи етишмай турган ресурсларни ҳарбий харажатлар яна ҳам қисқартириб юбормоқда.

Қуролланиш пойгасининг иқтисодий ва ижтимоий харажатлари борасида қуйдаги айрим рақамларни келтириш мумкин:

- битта аскарни ўқитиш харажатлари 80та болани ўқитиш харажтларига тенг;
- битта бомбани ишлаб чиқишга кетган харажатлар чечак касаллигини 10 йил бартараф этишга кетадиган харажатга тенг;
- бортида ядро ракетаси бўлган битта сувости кемасини қуришга кетган маблағга 450 минг уй қуриш мумкин [15].

[15] We the Peoples, The Role of the United Nations in the 21 st Century. UN. Briefing Papers for Students. Tashkent. 2003. P. 239.

Маълумки, одатдаги ва ўқотар қуроллар билан бирга XX асрда ядро, кимёвий ва бактериологик қуроллар ҳам кенг тарқала бошлади.

Ядро қуроллари. 1945 йилнинг августидан, жаҳон ядро урушлари даврига кириши билан дунё бутунлай ўзгариб кетди. 1945 йилнинг 6 августида Япониянинг Хиросима шаҳрига биринчи атом бомбаси ташланди. Ушбу бомба 78 минг одамни ўлдирди ва яна 40 минг кишини майиб-мажруҳ қилиб қуйди.

Орадан уч кун ўтганидан сўнг бошқа бир бомба 40 минг кишини ёстиғини қуритиб, Нагасаки шаҳрини бутунлай вайронга айлантирди.

Ядровий қуролларни кенг кўламда тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ядровий қуролсизлантириш ва ядро қуролларини тарқатмаслик учун кураш тарихида муҳим босқич ҳисобланади.

2000 йилнинг 26 июлида "Тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани" 155 мамлакат имзолади ва уларнинг 60 таси ратификация ҳам қилди. Аммо айрим давлатлар, шу жумладан Ҳиндистон, Покистон, Куба ва Исроил "Тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан" ташқарида қолмоқдалар.

Кимёвий, бактериологик қуроллар ҳам ядро қуроллари сингари, ўлим сочиши ва вайронагарчиликлар келтириши мумкин. Кимёвий ва биологик қуроллар ҳам, ядро қуроли сингари оммавий қирғин қуроллари ҳисобланади.

Одатдаги қуроллар таркибига қуруқлигда, денгизларда ва ҳавода фойдаланиладиган анъанавий қурол-яроғ киради. Бутунжахон ҳарбий харажатларнинг 80 фоизидан ортиғи одатдаги қуроллар ва қуролли кучларга тўғри келади.

Ўқотар қуроллар. Ҳозирги можароларда ўқотар қуроллар кенг тарқалган. Ангола, Конго Демократик Республикаси, Сьерра-Леоне, Руанда, Бурунди, Афғонистон ва бошқа давлатларда ички можароларда ўқотар қуроллар хавф-хатар солишда давом этмоқда.

Марказий ва Шарқий Африкада, Руанда ва Бурунди давлатларида 1994 – йилларда юз берган этник можаролар бир миллиондан ортиқ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Айнан шундай зиддиятлар чуқур таҳлилни талаб этмоқда ва бундай зиддиятларни ҳал этишда ўта эҳтиёткорлик билан

ечим топиш ҳамда қон тўкилишни олдини олишни талаб этмоқда.

Кундан – кунга ядро бомбасига эга бўлишни хоҳловчи давлатлар сони кўпайиб бормоқда, чунки бу уларга хавфсизлик хиссини ва харакатларини эркин қилиш имкониятини яратади. Яқинда бир-бири билан алоқаси жуда нозик бўлган Ҳиндистон ва Покистонда ҳам ядро қуроли пайдо бўлди.

Бунинг натижасида ядро қуролини назорат қилиш масаласи вужудга келмоқда. Чунки уларни назоратсиз тарқатиш ва ишлатиш имконияти қайтариб бўлмас ходисаларга ва катта талофатларга олиб келиши мумкин. Халқаро терроризм ҳам жиддий муаммолардан бирига айланиб бўлди. Сўнгги вақтлардаги ходисалар шуни кўрсатмоқдаки, замонавий дунёда ҳеч ким бутунлай хавфсизлигига ишонч билдира олмайди, терроризм бутун дунёга ўзининг жиддий таъсирини кўрсатди.

Ҳозирги кунда давлатлар биргаликда терроризмга қарши курашмоқда. Бу кураш терроризм оқибатларига қарши чиқишга қаратилган. Терроризмнинг асл илдизи, унинг иқтисодий ва ижтимоий асоси эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Экологик муаммолар.

Хозирги вақтда глобал экологик тизимнинг таназзули тўғрисида сўз юритилмоқда. Ушбу жараённи шартли равишда куйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

- илмий асосланмаган, бетартиб тарзда табиатдан фойдаланиш оқибатида атроф муҳитнинг таназзули;
- атроф муҳитнинг инсон фаолияти чиқиндилари билан ифлосланиши;
- атроф муҳитни ушбу чиқиндилар билан заҳарланиши.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, илмий-техник революцияси натижалари ва табиий бойлилардан ўйламай фойдаланиш дунё глобал экологик инқироз олдида турганлигини билдирмоқда.

Бунга исбот сифатида Шимолий ярим шарнинг ўзида сўнгги йилларда табиий офатлар сув босиш, кучли шамол, қуруқлашиш ҳолатларининг 2,5 баробар ошганини, Арктика музларининг қалинлиги ўзгарганлигини келтириш мумкин.

Охирги йилларда қорнинг эриши тезлашиб, йилига 10 см га етган ва бу жараён кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатининг назоратсиз ўсиши давом этиши ва шу билан боғлиқ бўлган табиатдан ўйламай фойдаланиш кейинчалик инсонларга зарур бўлган ресурслар ҳам тугатилишига олиб келиши мумкинлигини тушуниш зарур.

Ресурсларнинг тўхтамай ва бетартиб истеъмол қилиниши инсониятни жаҳон инқирози поёнида турганлигини англатмоқда. Сайёранинг экологик ифлосланишига алоҳида ҳисса қўшаётган манбалар бутан, газ, автомобил газлари, химикатлардир.

Атмосферага гази кунига 5 млрд. тонна миқдорида чиқарилмоқда. Натижада атмосферанинг озон қатлами йўқолиши муаммоси вужудга келмоқда. АҚШ олимларининг фикрига кўра, 1992 йилда озон қатлами Шимолий ярим шарда 30-40 фоизга камайгани тасдиқланган. Ерларнинг саҳролашиши давом этиши бир млрд.дан ортиқ одамнинг ҳаётини хавф остига солмоқда.

Дунё мамлакатлари бу жараён оқибатида кўраётган зарари ҳар йили 42 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Муаммо глобал хусусиятга эга бўлиб, Марказий Осиё минтақаси учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади.

Энергетик муаммолар.

1973 йилда юз берган энергетика инқирози ва унинг оқибатлари ҳозирги кунгача сезилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги кундаги ёқилғи истеъмоли ҳажмида (агар ёқилғи истеъмолининг ҳажми ўзгармаса) Ер сайёрасида шу кунгача аниқланган ёқилғи захиралари яна 150 йилга етиши мумкин. Хусусан, нефть захиралари 35 йилга, табиий газ – 50 йилга ва кўмир 425 йилга етади.

Маълумки, қазилма бойликлар конлари бир текисда жойлашмаган. Жаҳон нефтининг 35 фоиз ва табиий газнинг 17 фоиз Ўрта Шарқда жамланган бўлиб, Шимолий Америка ҳам ушбу турдаги ёқилғи захираларига бойдир.

2007 йил бошига аниқ маълумотларга асосан жаҳон бўйича нефть захиралари 179,7 млрд. тоннани ташкил этган,

шу жумладан, Саудия Арабистонида – 19,7, Эронда – 10,3, Ироқда – 8,7, Қувейтда – 7,5 млрд. тонна).

Жаҳон табий газ захиралари эса нефть захираларидан кўра номутаносиб жойлашган бўлиб – атиги учта давлатга (Россия, Эрон ва Қатар) 60 фоиз тўғри келади. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра жаҳон бўйича табиий газ захиралари 175,1 трлн. куб. метрни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари ҳам нефть ва табиий газ бўйича юқори салоҳиятга эга, зеро республика ҳудудининг қарийб 60 фоизи истиқболга эгадир. Нефть ва табиий газга бой бўлган бир қатор минтақаларда (Устюрт, Бухоро-Хива, Сурхондарё ва Фарғона) кўплаб конлар очилган.

Ўзбекистон Республикасида жами 187 та углеводород хомашёси конлари очилган бўлиб, улардан 91 таси газ ва газ конденсати, 96 таси нефть-газ ва нефть-газ-конденсат конларидир. Аниқланган конларнинг 47 фоизидан фойдаланилмоқда, 35 фоизи ўзлаштириш учун тайёрлаб қўйилган, қолганларида эса қидирув ишлари давом этмоқда.

Маълумки, ҳозирги замонда ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб бутун дунёда ошиб бормоқда.

Саноати ривожланган давлатларда табиий газнинг доимий истеъмоли ўсиб бориши сабабли уларда қазиб чиқарилаётгани миқдори қоплана олинмаяпти. 2005-2006 йилларда Евроиттифоқ бўйича газ билан ўзини таъминлаш 42,2 фоиздан 40,7 фоизгача тушиб кетган.

Умуман олганда, жаҳон бўйича нефть маҳсулотлари захиралари билан таъминланганлик даражасида пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Мисол учун, 2006 йилда бу кўрсаткич 42.3 фоиздан 42.0 фоизгача тушиб кетган.

Шу тариқа, жаҳон ва миллий таббиий захираларнинг камайиб бориш тенденциясининг объектив жиҳатлари, атроф муҳитнинг ифлосланиб бориши, нефть-газ қазиб чиқаришнинг глобаллашуви, саноати ривожланган давлатлар томонидан углеводород хом-ашёси билан ўзини таъминланишининг пасайиб бориши, нефть ва газ нархларининг тез ўсиб кетиши натижасида ва тўлаш қобилиятга эга йирик истеъмолчилар-

нинг пайдо бўлиши глобал энергетик хавфсилик муаммоларини келиб чиқишига олиб келаяпти[16].

Хомашё муаммоси.

Энергетик муаммо ва ундан кейинги чуқурлашган хомашё муаммоси ёқилғи ва хом-ашёга бўлган талаб ва таклиф нисбати билангина белгиланмасдан, балки уларни қазиб чиқариш шароитлари, хом-ашё қазиб олинаётган ва у дастлабки қайта ишланаётган ҳудудларда экологик вазиятнинг ёмонлашуви билан ҳам боғлангандир.

Глобал муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўналиши бўлиб ўсиш чегарасини аниқлаш, сайёранинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга ўрганиш, қайта тиклаш имконисиз ёки қийин бўлган ресурсларни тежаб ишлатишдан иборат.

Маълумки, АҚШ ўзининг марганецга бўлган талабининг 99 фоизини, Европа Иттифоқи (ЕИ) эса 99 фоизини, олтинга бўлган талабининг АҚШ 43 фоизини, ЕИ эса 99 фоизини, платина талабининг АҚШ 85 фоизини, ЕИ эса 100 фоизини, АҚШ хромга бўлган талабининг 88 фоиз ини, ЕИ 97 фоизини, никелга АҚШ 75 фоизини, ЕИ 10 фоизини, танталга АҚШ 90 фоизини, ЕИ 100 фоиз талабини Африка давлатлари орқали қондиради.

Ресурсларни сақлаш муаммоси улардан оқилона фойдаланиш ва инсониятга оптимал ва тўғри тақсимланиш заруриятини кўрсатади. Чунки бунинг орқасидан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар юзага келиб, уларнинг ҳал этиш йўли тўғридан-тўғри атроф муҳит билан ҳал этиш лозимлиги билан ҳам белгиланади.

Гуманитар муаммолар.

Бугунги кунда гуманитар муаммолар асосий ва жиддий масалалардан бўлиб кўринмоқда. Ҳозирда 1 млрд. аҳоли ўта қашшоқликда ва очликда яшашини ҳамда 4,8 млрд. аҳоли замонавий тиббиёт хизматларидан маҳрумлиги, 1,5 млрд. аҳоли муносиб яшаш шароитига эга эмаслиги жуда ачинарли ҳолдир. Ривожланаётган давлатларнинг аҳолиси ўз даромадларининг 90 фоиз ини озиқ-овқат харажатлари учун сарфлайди, аммо бу уларни нормал озиқ-овқат билан таъминлаш учун

[16] Сергеев П.А. Проблемы мировой энергетической безопасности. // Мировая экономика и международные экономические отношения. 2007. №-12. С. 15-24.

етарли эмас, оддий америкалик эса даромадининг 20 фоизини озиқ-овқатга харажат қилади ва бунинг унинг учун етарли ҳисобланади.

Бу муаммо кўринишидан юзаки бўлгани билан, чуқур муаммолардан биридир. Камбағаллик ҳукм сурган ривожланаётган давлатларда ОИТС, гепатит, саратон (рак) каби касалликлар асосий муаммолардан бирига айланмоқда. Тўғри, ҳозирда ривожланган давлатлар томонидан гуманитар ёрдам кўрсатилмоқда, аммо бу ёрдам етарли даражада бўлмаяпти.

Жуда жиддий муаммолардан бирига ҳозирги кунда *ичимлик суви муаммоси* ҳам айланиб бормоқда. Чунки ичимлик сувининг умумий захираси барча мавжуд сувларнинг атиги 3 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, ичимлик сувининг, яъни чучук сувнинг 75 фоиз Арктика ва Антарктида музларига таалуқли бўлса, 20 фоиз эса ер ости сувларидир, 1 фоиз дарё, кўл, қудуқ ва булутлардадир. Ернинг 80 фоиз ҳудудидаги касалликларнинг асосий сабаби сифатсиз сув натижасида келиб чиққан.

Озиқ- овқат муаммоси.

Глобал озиқ-овқат муаммоси инсониятнинг энг қадимги муаммоларидан бири ҳисобланади. Очарчилик қадимги давлатларда ҳам, ўрта асрларда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам инсонларни бошига тушган энг катта муаммодир.

Очарчилик икки шаклда намоён бўлади. Биринчи шаклда очарчилик сурункали давом этади, унинг натижасида одамларнинг аҳволи ёмонлашади, тинкаси қурийди ва хавфли касалликларга чалиниш эҳтимоли кучаяди. Очарчиликнинг бу шакли тўйиб овқат емаслик деб номланади.

Иккинчи шаклда маълум бир вақтда ва маълум бир ҳудудда қурғоқчилик ёки бошқа бир сабаблар билан боғлиқ бўлган очарчилик оқибатида млн.лаб инсонлар ҳалоқ бўлади.

Инсоннинг бир кунлик озиқ-овқат нормаси 2400-2500 ккалдан паст бўлмаслиги лозим. Овқат тўйиб емаслик ҳолати 1800 ккалдан тушган пайтда сезила бошлайди. Очарчилик эса ушбу кўрсаткич 1000 ккалдан кам бўлганда кузатилади.

Ғарбда яшовчи 1,2 млрд. киши организмлари талаб қиладигандан кўпроқ озиқ-овқат истеъмол қиладилар. Масалан, АҚШ да ортиқча овқатланиш оқибатларини бартараф

этиш учун ҳар йили 100 млрд. АҚШ долл. дан кўпроқ маблағ сарфланади. АҚШ, Франция, Бельгия ва Австрияда энг кўп реклама қилинадиган товарлар озиқ-овқатлар ҳисобланади. Ҳар икки АҚШ фуқаросининг бири (аҳолининг 55 фоизи) ортиқча вазнга эга.

АҚШ аҳолисининг айрим қатламларининг ортиқча семизлиги миллий иқтисодиёт учун ҳар йили 118 млрд. долл. га тушади (турли диета дастурларига сарфланадиган 33 млрд. долл. ни ҳисобламаганда). Буюк Британия аҳолисининг 51 фоизида ортиқча вазн кузатилган (сўнгги 10 йил ичида бу ердаги семиз одамлар сони 2 баробар ортган). Германия аҳолисининг 50 фоизи ортиқча вазнга эга.

БМТ экспертлари томонидан амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатдики, 1,2 млрд. киши очлик туфайли у ёки бу турдаги касаллик билан оғриган, бундан 3 баробар кўп киши эса яхши овқатланмайди. Ҳиндистонда аҳолининг 53 фоизи, Бангладешда 56 фоизи, Эфиопияда 48 фоизи очликдан азият чекади.

2.2. БМТ Саммитининг Минг йиллик тараққиёт мақсадлари (МТМ)

Глобал экологик ҳолатнинг ёмонлашуви муаммоларнинг ҳам глобал, ҳам миллий, ҳам минтақавий даражада фаоллик билан ҳал этилиши лозимлигини талаб этмоқда. Маълумки, 2000 йил сентябрь ойида Ўзбекистон 189 та давлат қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Саммитида Минг йиллик ривожланиш декларациясини имзолаб, инсон салоҳиятини ривожлантириш борасида саккизта мақсадни белгилаб олиб, аниқ чора-тадбирлар асосида белгиланган кўрсаткичларга эришди (иқтисодий ривожланиш ва бошланғич таълим соҳасида, оналар ўлимини қисқартириш борасида ва бошқа мақсадлар бўйича).

Мазкур масалаларга Ўзбекистон БМТнинг Саммитида (2010 йил сентябрь, Нью-Йорк) Марказий Осиё мамлакатларининг экологик муаммоларига яна бир бор эътибор қаратиб, ҳозирги кунда минтақа мамлакатлари билан ҳамжиҳатликда ҳал қилиниши зарур эканлигини таъкидлади. Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса,

ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Минг йиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш катта аҳамият касб этмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 55-махсус сессияси – Минг йиилик Саммити (2000 йил, 6-8 сентябрь) арафасида тайёрланган маъруза БМТнинг глобаллашуви давридаги ролига бағишланган.

Бош котиб ўзининг "Биз, халқлар: XXI асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли" маърузасида инсоният олдида турган муаммолар шарҳини тақдим этди ва уларни амалий ҳал этишни тавсия қилди. Ушбу ҳужжат "Минг йиллик маърузаси" номи билан машҳур бўлиб, маърузада Бош котиб глобаллаштириш ҳаммага фойдаси тегиши учун бўйсундиришга йўналтирилган ҳаракатлар режасини тавсия этди.

Ҳозирда бир млрд.га яқин аҳоли ўта қашшоқликда яшамоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш асосий масалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли 2000 йилги БМТнинг Минг йиллик учун режалар Саммитида ушбу муаммога қарши курашиш декларацияси қабул қилинди.

Дунёнинг 1,1 млрд. аҳолиси кунига бир АҚШ долларидан кам миқдор маблағга яшайди. Шу сабабли ривожланган давлатлар ўз ёрдам ҳажмини кенгайтириши ва ривожланаётган давлатлардаги қашшоқликни қисқартириш учун халқаро савдони либераллаштириши зарур.

Африканинг 47 фоиз аҳолиси ўта қашшоқ ҳолатда кун кечиради. Дунё аҳолисининг 2,7 млрд. қисми кунига 2 АҚШ долларидан кам миқдордаги даромадга эгадир. Қашшоқ халқ таълим, айнан мос медицина хизматлари, тоза сув ва канализациядан фойдаланиш имкониятига эга эмас. 2000 йил БМТ нинг 189 аъзоси қашшоқлика қарши курашишда 2015 йилгача 8 та мақсадни белгилаб олишди. Булар:

- 1990 йилга нисбатан 1 АҚШ долларидан кам маблағга яшовчи аҳоли миқдорини икки баробар қисқартириш;
- умумий бошланғич таълимни барча жойда жорий этиш;
- таълимнинг барча босқичида ўзаро номутаносибликни йўқотиш;
- 1990 йилга нисбатан 5 ёшгача болалар ўлими даражасини 60 фоизга қисқартириш;

• ОИТС касаллагига қарши курашиш;

• 1990 йилга нисбатан оналар ўлимини 75 фоизга қисқартириш;

• экологик барқарорликка эришиш;

• Ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорликни шакллантириш;

Баъзи статистик маълумотларга кўра Хитой ва Ҳиндистондаги иқтисодий ўсиш кунлик бир доллардан кам маблағ миқдорига яшовчи аҳоли миқдори бирмунча қисқаради.

2015 йилга келиб энг қашшоқ аҳолининг ярмидан кўпи Африка давлатларига тўғри келган. Ҳозирда ушбу муаммони ҳал этиш йўлларидан бири ушбу давлатларнинг қарзларидан кечиш механизми ҳисобланади. Қашшоқлика қарши курашишда Жаҳон банки давлатларда асосан инвестицион муҳитни яхшилашга ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга асосий эътиборни қаратмоқда.

Барқарор макроиқтисодий сиёсат, халқаро савдога очиқлик, бюрократия ва коррупциядан холи эркин бошқарув ҳамда сифатли инфратузилма буларнинг барчаси инвестицион муҳитни яхшиловчи асосий омиллардандир.

Жаҳон банкининг турли давлатларда олиб борган тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, бошқарув, ривожланиш ва қашшоқликнинг камайиши ўртасида тўғридан-тўғри боғликлик мавжуддир.

Шу сабабли 2003 йилда 2,5 млрд. АҚШ доллари давлат сектори ва бошқарув тизимларидаги ислоҳотлар учун ажратилган. Албатта, бу йўналишда асосий қилиниши зарур бўлган ишлардан бири давлат секторининг самарасини ошириш учун ушбу соҳани бутунлай электронлаштиришдир. Чунки аҳолини қашшоқ қатламининг асосий харажатлари носамарали бошқарув тизими туфайли келиб чиққандир.

Бошқарув тизимининг яхшилиниши фуқаролар учун янги иқтисодий ва ижтимоий имкониятларни юзага келтиради.

ОИТС касаллиги ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб, 2002 йилда банк ушбу касалликка қарши курашиш учун 250 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Ушбу кредитлаш жараёни Чад, Буркино Фасо, Бенин, Ямайка ва Сенегал давлатлари учун бўлди. Тадқиқотларга кўра, агар

давлат фуқароларининг 8 фоизи ушбу касалликка чалинса, ЯИМнинг жон бошига қиймати ҳар йили 0,8 фоизга пасайиши содир бўлади.

Барбадос ва Доминикан Республикаси учун ушбу масалада 40 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. ОИТС касаллиги ривожланишни орқага сурувчи омиллардан бири ҳисобланади, чунки оилавий шароит ёмонлашади, аҳоли жон бошига тўғри келувчи озиқ-овқат товарлари истеъмоли ҳажми камаяди, мактабга қатновчи болалар сони камаяди.

Шунингдек ушбу касаллик сил ва бошқа инфекцион касалликларга олиб келади. Ушбу касаллик билан асосан 15-49 ёшдагилар касалланиб, бу ишчи кучи миқдорини камайишига олиб келади.

ОИТС, сил касаллиги туфайли ҳар йили 6 млн. инсон бу ҳаётдан кўз юмади. Ушбу касалликка қарши эмлатиш учун вакциналарни яратиш билан Рокфеллер фонди 1996 йилдан бери шуғулланади.

Жаҳон Банки 1998-2002 йиллар давомида ушбу Фондга 3,8 млн. АҚШ доллар миқдорида грант ажратган. ОИТСга қарши курашишда Жаҳон Банки Африка давлатларига 500 млн. АҚШ доллари, Кариб денгизи яқинидаги давлатларга 155 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган. 1986 йилдан бошлаб ушбу йўналишда ажратилган маблағлар суммаси 2 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

2005 йилнинг ўрталаригача атроф муҳитни асраш билан боғлиқ дастурлар учун 1,2 млрд. АҚШ доллари ажратилган бўлиб, бу 2004 йилга нисбатан 6,5 фоизга кўпдир.

Табиатни муҳофаза қилишга курашиш фондининг актив портфелли қиймати 11,25 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ушбу маблағни учдан бири атроф муҳитни ифлосликдан тозалашга, тўртдан бир маблағ эса сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва бошқариш учун ажратилган.

Жаҳон Банки томонидан 2004 йилда 51 та иқтисодий ва тармоқ тадқиқотлари олиб борилган бўлиб, 47 та кредитлаш дастури ишлаб чиқилган эди. Глобал иқтисодий фонд ҳам ушбу Банк томонидан ташкил этилган бўлиб, 12 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ турли глобал муаммоларни бартараф этиш дастурларига ажратилган.

2004 йилда ушбу Фонд 2,3 млрд. АҚШ доллари қийматидаги дастурларни молиялаштирди. Мадагаскардаги экологик ҳолатни яхшилашга энг катта маблағ ажратилган бўлиб, ушбу қиймат 148,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 12 йил давомида озон қатламини бузувчи маҳсулот ишлаб чиқариш 139495 тоннага қисқарган.

2004 йилда Банкнинг экология масалаларига бағишланган 245 та янги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, улардан 21 таси «А» тоифадаги 3,1 млрд. АҚШ доллар қийматда, 115 та «В» тоифадаги 7,4 млрд. доллар қийматда ҳамда «С» тоифадаги 71 та 4,6 млрд. АҚШ доллари қийматдаги лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Ҳозирда кўпгина ҳудудларда турли хилдаги зиддиятлар содир бўлмоқда. Ушбу зиддиятлар ҳам ривожланишни орқага суришга сабаб бўлмоқда. Банкнинг зиддиятларга қарши фонди 71,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қийматга эга бўлган 38 мамлакатдаги 142 та лойиҳани молиялаштиришга грант ажратган. Тасдиқланган грантларнинг 42 фоизи Африка давлатларига тўғри келади.

Маълумотларга қараганда ҳар йили ривожланаётган мамлакатларда сув ресурсларини яхшилашга 60 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ инвестиция қилинади. Ушбу маблағларнинг 90 фоиз ички имкониятлардан келиб чиқади.

1995 йилда 29 та давлатда сув танқислиги кузатилган эди. Ушбу давлатдаги аҳоли 436 млн. кишини ташкил этган. 2025 йилга келиб эса бу ҳолат 48 та давлатда кузатилиши ҳамда 1,4 млрд. аҳоли сув танқислигига учраши башорат қилинмоқда. 2035 йилга келиб эса 3 млрд. аҳоли сув танқислиги мавжуд давлатларда яшашига тўғри келиши мумкин.

2.3. Ўзбекистон ва Минг йиллик ривожланиш мақсадлари

Ҳозирги кундаги глобал муаммолар дунёдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг асосий тенденциялари билан боғлиқдир. Маълумки, ушбу муаммоларни ҳал қилишга ҳозирда турли ташкилотлар ҳамда давлатлар катта миқдорда маблағ ажратишган ва ажратишмоқда.

Глобаллашувнинг фойдаси кўз олдимизда: янада тезкор иқтисодий ўсиш, янада юксак турмуш даражаси, янги имкониятлар. Бироқ бу жараёнда аллақачон салбий таъсир ўзини намоён этмоқда, чунки бу фойдалар хаддан ташқари нотекис тақсимланаяпти, чунки ҳозирга қадар глобал бозор ҳамжиҳатликдаги ижтимоий мақсадларга асосланган қоидаларга амал қилмайди[17].

1945 йилда БМТ асосчилари халқаро дунёнинг очиқ ва ҳамкорликка асосланган тизимини яратган эдилар. Бу тизим ўз вазифаларини бажараяпти ва глобаллашувни ҳаётий воқеликка айлантирди.

Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамияти томонидан Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари (МРМ)нинг ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. МРМ 2015 йилгача амалга оширилиши зарур бўлган 8 мақсад, 18 вазифа ва 48 кўрсаткични ўз ичига олади.

1-жадвал

Минг йилликнинг глобал мақсад ва вазифалари

1-мақсад. Ўта қашшоқликка ва очликка барҳам бериш	1-вазифа. Кунига 1 доллардан кам маблағ ҳисобига ҳаёт кечираётган кишилар миқдорини 2 баробар камайтиришга эришиш. 2-вазифа. Очликдан азоб чекаётган кишилар миқдорини 2 баробар камайтиришга эришиш.
2-мақсад. Умумий бошланғич таълимга эришиш	3-вазифа. Ҳамма қизлар ва болаларнинг бошланғич таълим мактабларида қатнашиши ҳамда унинг тўла курсини тамомлашига эришиш.
3-мақсад. Аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ва аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш	4-вазифа. 2015 йилга келиб таълимнинг барча даражаларида гендер тенгсизлигини бартараф этиш.
4-мақсад. Болалар ўлимини қисқартириш	5-вазифа. 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражасини учдан икки қисмга қисқартириш.
5-мақсад. Оналар саломатлигини яхшилаш	6-вазифа. Оналар ўлими сонини тўртдан уч қисмга қисқартириш.
6-мақсад. ОИВ (ОИТС), безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш	7-вазифа. ОИВ (ОИТС) касаллигининг тарқалишини тўлиқ тўхтатиш ва касалликка чалиниш ҳолатларини қисқартириш тамойилига асос солиш. 8-вазифа. Безгак ва бошқа ўткир юқумли

[17] We the Peoples, The Role of the United Nations in the 21 st Century. UN. Briefing Papers for Students. Tashkent. 2003., p. 6.

	касаллигининг тарқалишини тўлиқ тўхтатиш ва касалликка чалиниш ҳолатларини қисқартириш тамойилига асос солиш.
7-мақсад. Экологик барқарорликни таъминлаш	9-вазифа. Айрим мамлакатлар стратегияси ва дастурларига барқарор ривожланиш тамойилларини киритиш ва табиий захиралардан маҳрум бўлиш жараёнига барҳам бериш. 10-вазифа. Тоза ичимлик сувидан доимий баҳраманд бўлиш имконияти бўлмаган кишилар миқдорини 2 баробар камайтириш. 11-вазифа. 2020 йилга бориб ҳаробаларда яшовчи камида 100 млн. кишининг ҳаётини яхшилашни таъминлаш.
8-мақсад. Ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорликни шакллантириш	12-вазифа. Очиқ, бошқариладиган, фаолиятини олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳамда нодискриминацион савдо ва молия тизимини шакллантиришни давом эттириш. 13-вазифа. Энг кам ривожланган мамлакатларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш, жумладан, энг кам ривожланган мамлакатларнинг экспорт товарларини тариф ва квоталардан озод қилиш, қашшоқ давлатларнинг қарз юкини енгиллаштириш ва расмий қарзлардан иккитомонлама воз кечилиши бўйича дастурларни кенгайтириш, қашшоқликни қисқартириш йўлидан бораётган мамлакатларга янада катта ёрдам кўрсатиш. 14-вазифа. Денгиз йўлларига эга бўлмаган давлатлар ҳамда ривожланаётган кичик орол-давлатларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш. 15-вазифа. Узоқ муддатда ташқи қарзлари даражасини қисқартириш мақсадида миллий ва халқаро миқёсда ташкил этиладиган чоралар ёрдамида ривожланаётган мамлакатларнинг қарздорлик масалаларини ижобий хал қилиш. 16-вазифа. Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликда ёш мутахассисларга ўзи учун мос ва самарали иш топишларида кўмаклашадиган стратегияларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш. 17-вазифа. Дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорликда арзон дориларни етказиб беришни таъминлаш. 18-вазифа. Янги технологиялар ютуқларидан (айниқса, телекоммуникация соҳасидаги) барча фойдаланиши учун хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш.

Манба: *Экономическое обозрение. 2004, № 10.*

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ҳукуматларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг мақсадга йўналтирилган ва ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатлари Минг йиллик Декларациясида кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришишнинг асосий механизми саналади.

Ўзбекистоннинг МРМга эришиш йўлида олиб бораётган ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Зеро, мамлакатда бунинг учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд. Ижтимоий йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда етарли тажрибага эга бўлган ҳукумат сиёсий институтлари ва механизмлари, шунингдек, кўп сонли халқаро ташкилотлар билан яхши йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари шулар жумласидандир.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ижобий томонга ўзгаришига қарамай, замонавий дунё юзма-юз келаётган таҳдидлар йўқолмай, комплексли аҳамият касб этмоқда.

"Парранда гриппи"нинг кенг тарқалиб кетиши бунинг яққол исботидир. Ушбу муаммо юзасидан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 2005 йилнинг 7-9 ноябрь кунлари 10 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирокида халқаро йиғилиш ўтказди ва бу касаллика қарши курашиш дастурининг асосий масалаларини белгилаб олди.

Сўнгги йилларда БМТ ушбу таҳдидларга коплекс тарзда қаршилик кўрсатиш учун барча чорларни кўрмоқда. 14-16 сентябрь кунлари БМТнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган Саммитида умумий муаммолар кўриб чиқилиб, қўйилган мақсадларга эришиш сиёсати ва стратегияси белгилаб олинди.

Саммит давомида бир қатор глобал таҳдид ва муаммоларга нисбатан кўриладиган чоралар белгиланди. Жумладан, терроризмга қарши кураш, тинчликни ўрнатиш, демократия тамойилларига риоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ва қонун устуворлигини таъминлаш, атроф муҳитни асраш ва соғлиқни сақлаш, гуманитар ёрдам бериш ва б.

Жиноятчилик, гиёҳвандлик, терроризм, ифлосланишлар, касалликлар, қуроллар, қочоқлар ва мигрантлар – буларнинг ҳаммаси у ёқдан-бу ёққа илгарига қараганда катта тезликда ва катта ҳажмда ҳаракатланмоқда.

Камбағаллик. Кейинги ярим аср мобайнида беқиёс иқтисодий ютуқлар қўлга киритилди. 2,8 млрд. киши ёки Ер юзи аҳолисининг ярми 2 АҚШ доллари қийматидан камроқ пулга кун кечиради. Ҳалигача 1,2 млрд. инсон кунига 1 АҚШ долларидан кам маблағ ҳисобига кун кечирмоқда.

Камағалларнинг аксарияти Жанубий Осиёда яшайди. Камбағалларнинг энг юқори улуши Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка мамлакатларига тўғри келади. Бу ерда одамларнинг 46,3 фоиз - минтақанинг қарийб ярим аҳолиси камбағалликда ҳаёт кечиради.

Қарийб 1 млрд. инсонлар саводсиз, 1 млрд.дан ортиқ инсон тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 840 млн. одам очлик исканжасида ёки озиқ-овқати етарли эмас, 5 ёшгача бўлган барча болаларнинг учдан бир қисми қорни тўймаганликдан азоб чекадилар.

Ер курраси аҳолисининг бешдан бир қисми (20 фоиз) катта даромад олиш мумкин бўлган мамлакатларда яшайди, улар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 86 фоизи тўғри келади. Энг камбағал мамлакатларда яшайдиган бешдан бир қисм аҳолига эса ялпи ички маҳсулотидан бир фоизи тўғри келади.

Дунёдаги учта энг бой кишининг сармояси энг камбағал 48 мамлакатининг биргаликдаги ялпи ички маҳсулотидан ортиқроқдир.

1998 йилда тараққий этаётган мамлакатлар томонидан грант сифатида олинган ҳар бир долларга қарзни узиш чоғида 13 доллар тўғри келади[18].

Дунё аҳолиси тез суръатларда кўпайиб бормоқда, айниқса, бундай ўсиш камбағал мамлакатлар учун кўпроқ хосдир.

Камбағаллик кўламини қисқартиришнинг миллий ва халқаро мақсадли кўрсаткичлари қуйдагилардан иборат:

- ассосий хизматлардан баҳраманд бўлиш;
- сермаҳсул бандлик;
- турмуш кечириш учун барқарор имконият манбалари;
- ҳимояланганлик ҳисси;
- нотенгликларни қисқартириш;

[18] We the Peoples, The Role of the United Nations in the 21 st Century. UN. Briefing Papers for Students. Tashkent. 2003., p. 12.

- камситишларни бартараф этиш;
- ўз ҳамжамияти ҳаётида иштирок этиш.

Саммитда камбағалликни бартараф этиш бўйича 117 мамлакат ўз зиммасига мажбуриятлар олдилар.

Янги Минг йилликда кўзланган мақсадлар:

- 2015 йилга бориб кунига 1 доллардан кам ҳисобига кун кечираётганлар сонини икки баробарга қисқартириш;
- 2015 йилгача камбағалликдан азоб чекаётганлар сонини икки баробар қиқартириш;
- 2015 йилга бориб ОИТСни тўхтатиш ва ҳатто, ортга қайтариш ва безгакни бартарф этиш;
- 2015 йилга бориб оналар ўлимини тўртдан уч қисмга, гўдаклар ўлимини учдан икки қисмга қисқартириш;
- 2020 йилга бориб ҳаробаларда яшаётган камида 100 млн. кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш.

Ушбу мақсадларга эришиш йўллари:

- бирмунча камбағал мамлакатларда тайёрланган маҳсулотларини, уларнинг бозорларига эркин киритиш учун имконият яратиш;
- ташқи қарзларини йўқотиш;
- таррақиёт учун янада кўпроқ ёрдам кўрсатиш;
- ОИТСга қарши самарали ва муносиб ишлар чиқиш борасида фармацевтика компаниялари билан ҳамкорлик.

Иқлим ўзгаришлари. Илгари глобал муҳит одамларни ўзгартирган, энди эса одамлар муҳитни ўзгартириб юбормоқда. Бугунга келиб энг жиддий ўзгариш Ер атмосферасида юз берди.

Бу айниқса, карбонат ангидрид (CO2), метан (CH4), ва азот оксиди (N2O) сингари "иссиқхона" газларига тааллуқлидир.

Мазкур мувозанат бузулиши кўмир, нефть, таббиий газ ёқиш ва атмосферага жуда катта ҳажмда карбонат ангидрид чиқариш натижасида содир бўлаяпти.

Агар улар худди ҳозирги суръатлада ажралиб чиқаверадиган бўлса, атмосферадаги карбонат ангидрид газининг миқдори, XXI асрда, шубхасиз, саноат тараққиёти даврига қадар бўлган даражага қараганда қарийб икки баробар ошиб кетади. Агар иссиқхона газлари ажралиб чиқишини қисқартириш

чоралари кўрилмаса, уларнинг миқдори 2010 йилга бориб уч баробарига кўпайиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Иқлим ўзгаришлари узоқ даврлар мобайнида жуда муҳим муаамо сифатида тан олиб келинган эди. 1979 йилда иқлим ўзгаришлари тўғрисида ўтказилган Биринчи бутунжаҳон конференциясида иқлимнинг ўзгариши инсон фаолиятига қандай таъсир этиши мумкинлиги масласи кўриб чиқилди. 1992 йилнинг май ойида Нью-Йоркда ушбу муаммони бартараф этиш бўйича Конвенция қабул этилди ва Рио-де-Жанейрода 154 давлат ва Европа ҳамжамияти томонидан имзоланди. Конвенция 21 мартда кучга кирди, 2000 йилга бориб унинг қатнашчиларининг умумий сони 184 тага етди.

1990 йилда Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи ўзининг биринчи баҳоловчи ҳисоботини чиқарди.

1995 йилнинг декабрида Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳ ўзининг иккинчи баҳоловчи ҳисоботини чиқарди.

1997 йилнинг декабрида, Японияда Конвенцияга имзо чеккан давлатларининг учинчи конференциясида қарийб юз минг делегат, шарҳловчи ва журналистлар тарихий Киото протоколини қабул этилишининг гувоҳи бўлишди. Киото протоколига биноан:

- саноати тараққий этган мамлакатлар ажралиб чиқаётган иссиқхона газлари умумий ҳажмини 2008-2012 йилларга бориб 1990 йилги даражага нисбатан камида 5 фоизга қисқартириш учун расман мажбурият олдилар, кўпчилик Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари 8 фоиз, АҚШ 7 фоиз, Венгрия, Канада, Япония ва Польша 6 фоизга қисқартиришлари керак. Ажратилаётган газларни Норвегия 1 фоиз, Австралия ва Исландия 10 фоизга қисқартиришлари керак;
- асосан олтита иссиқхона газига, жумладан, карбонат ангидрид, метан, азот оксиди, фторли углеводород, перфторуглеродлар ва элегазларга эътибор қаратилди;
- газ ажралиб чиқишини қисқартириш ишончли ва текшириб аниқлаш имкони бўлгандагина тан олинади.

Протоколда эмиссияни қисқартириш борасида қўйидаги стратегиялар белгилаб берилган:

- углеродни кўп чиқарадиган тадбирларни аста-секин қисқартириш;
- энг яхши технологияларни қўллашни рағбатлантириш, энергияни тежаб-тергайдиган ва бошқа меъёрларни жорий этиш;
- жамотчилик транспортининг такомиллашган тизимини ишлаб чиқиш ва яратиш;
- одамлар ўзларининг шахсий автомобиллардан эмас, балки жамоатчилик транспортидан кўпроқ фойдаланишларини рағбатлантириш;
- янги уйлар ва жамоатчилик биноларнинг кам миқдордаги ёқилғи билан иситилиши учун қурилиш меъёрларига талабчанликни ошириш.

Гиёҳвадлик. Гиёҳвадлик масаласини ҳал этиш муаммолари билан БМТ ўзининг ташкил этилган пайтданоқ шуғулланмоқда:

- 1946 йилда, унинг таркибига сайланма асосда 53 мамлакат кирадиган Гиёхванд воситалар бўйича комиссия тузилган;
- БМТнинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш билан шуғулланадиган бўлинмаси 19990 йилда БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро дастури (ЮНДСП) билан бирлашди;
- Дастур 1999 йилда Халқаро жиноятчиликдан огоҳлантириш бўйича Марказ билан бирлаштирилиб, Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарманинг қароргоҳи Вена шаҳрида жойлашган.

Гиёҳвадлик жиддий муаммолар келтириб чиқариши ва бу масалага жиддий эътибор зарурлигини англаб етиш оқибатида 1990 йилда Шанхайда илк бор пайдо бўлган Опиум коммиссиясининг ишлари натижаси ўлароқ биринчи халқаро чеклашлар ўрнатилди. Шундан буён медицина мақсадларида ишлатиладиган турли моддаларни сотиш ва улардан фойдаланишни чеклайдиган кўплаб халқаро битимлар имзоланди.

Гиёҳвад воситалар тўғрисида ягона конвенция (1961 йил) медицинада фойдаланиладиган турли моддаларни сотиш ва улардан фойдаланишни чеклайдиган хар хил шартномаларни бирлаштирди. У 1972 йилда гиёҳвандларни даволаш ва авф этиш бўйича хизматларнинг тақдим этилиши зарурлигини таъкидлаган Протокол билан тўлдирилди.

Беҳуш қилувчи моддалар тўғрисидаги конвенция (1971 йил) ақлий фаолиятига таъсир этадиган фармацевтика дори-дармонларни ва бошқа моддалар рўйхати бўйича халқаро назорат тизимини ўрнатди.

БМТнинг гиёҳванд ва беҳуш қилувчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши бўйича конвенцияси (1988 йил) гиёўванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш масалалари билан шуғулланади ва ўз ичига бундан даромад олиш ҳамда ноқонуний гиёҳванд моддалар тайёрлаш учун фойдаланилган кимёвий моддаларни асраб қолиш масалалари билан шуғулланади.

БМТ бу муаммони ҳал этилишида нафақат унга курашиш, балки гиёҳванд ва беҳуш қилувчи моддаларга бўлган талабни ҳам қисқартириш йўлларини ишлаб чиқди. 1998 йилда Бош Ассамблея ўзининг гиёҳванд моддаларнинг бутунжаҳон муаммолари бўйича махсус сессиясида қатор мақсад ва вазифаларни кўзда тутган аниқ муддатлар билан чекланган ва ушбу мувозанатнинг иккала томонини бирдек кўзда тутган Сиёсий декларация қабул қилди:

- 2003 йилга қадар талаб-эҳтиёжни қиқартириш бўйича янги стратегияни ишлаб чиқиш ёки мавжуд стратегияни мустаҳкамлаш ва гиёўванд моддаларга қарши кураш борасидаги миллий қонунчиликни ва дастурларни яратиш ёки мавжудларини мустаҳкамлаш, шунингдек гиёҳванд моддалардан олинадиган даромадларга қарши миллий қонунлар қабул қилиш;
- 2008 йилга бориб эҳтиёжни анчагина камайтириш ва бартараф қилиш ёки гиёҳванд моддаларни бирмунча камайтириш.

БМТнинг гиёҳванд моддаларга қарши курашиш борасидаги барча фаолиятларини мувофиқлаштириш учун жавоб берадиган ЮНДСП қуйидаги уч мақсадни кўзда тутади:

- ноқонуний гиёҳванд моддаларга бўлган эҳтиёжни;
- ноқонуний гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришни ва
- гиёҳванд моддалар билан савдо қилишни қисқартириш.

ЮНДСП мамлакатларга миллий дастурлар ва сиёсатни ишлаб чиқишда ёрдам бериш учун гиёҳвандлик тўғрисидаги маълумотни тўплайди ва тарқатади. У гиёҳванд ўсимликларнинг ноқонуний экин зонларини йўқ қилиш ва фермерларнинг муқобил фаолият билан шуғулланишларига ёрдам бериш бўйича лойиҳаларни мувофиқлаштиради.

Экологик муаммолар. Атроф муҳит муҳофазаси борасидаги ташвиш-хавотирлар бутун тарихда бир қизил ип каби бўлса-да, экологик таназзул, турлар ва экотизимларнинг йўқолиб бораётгани тўғрисидаги чақириқлар халқаро саъй-ҳаракатларни фақатгина ўтган XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб жипслашишига олиб келди.

1972 йилда Стокгольм шаҳрида ўтган БМТнинг Атроф муҳит борасидаги конференцияси БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастурини (ЮНЕП) тузиш билан якунланди. 1992 йилда эса Бразилиянинг Рио-де-Жанейродаги БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тараққиёт борасидаги конференциясида жаҳон раҳбарларининг тарихда энг йирик учрашуви бўлди.

"Ер саммити"да битимларнинг тарихий пакети, жумладан, иккита мажбурий келишув: карбонад ангидрид сингари саноат ва бошқа иссиқхона газлари ажралиб чиқишининг келгусидаги чегаралирини белгилаб берган Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенция ва биологик рангбаранглиқни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича биринчи халқаро битим – Биологик рангбаранглик тўғрисидаги конвенция имзоланди.

Конвенция қуйдаги учта асосий мақсадни белгилаб беради:

- Биорангбаранглиқни сақлаш;
- Биорангбаранглиқнининг таркибий қисмларидан барқарор фойдаланиш;
- Генетик ресурслардан савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда фойдаланишдан пайдо бўладиган фойдани адолатли ва тенг сақсимлаш.

Конвенция тарихда биринчи бўлиб, биологик рангбаранглиқни сақлаб қолиш "инсониятнинг умумий вазифаси" ва тараққиёт жараёнининг таркибий қисми эканини тан олади. Глобаллашув жараёнида Конвенция биологик хавфсизликка дахл қилган ҳолда кенгайиб бораётган биотехнология соҳасини тез қамраб олмоқда.

Конвенцияда кўплаб масалалар кўриб чиқилади, жумладан:

- биологик рангбаранглиқни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш;
- генетик ресурслардан тартибли ҳолда фойдаланиш;
- технологиялардан баҳраманд бўлиш ва уларни алмашлаш, жумладан, биотехнологиялардан баҳраманд бўлиш;
- техник ва илмий ҳамкорлик;
- таъсирнинг даражасини баҳолаш;
- таълим ва жамоатчилик тушунчасини кенгайтириш;
- молиявий ресурсларни тақдим этиш;
- шартнома бўйича мажбурият бажарилиши тўғрисидаги миллий ҳисоботни тақдим этиш[19].

Халқаро шартнома ҳисобланган Биологик рангбаранглик бўйича конвенция умумий муаммоларни белгилайди, асосий мақсадлар ва масалаларни, сиёсатни ва умумий мажбуриятларни аниқлаб беради ва техник ҳамда молиявий ҳамкорликни ташкил этади.

Конвенцияга мувофиқ ҳукуматлар биорангбаранглиқни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегияни ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишлари лозим ва уларга атроф муҳит муҳофазаси ва тараққиётнинг янада кенгроқ миллий режаларини киритишлари зарур. Бу айниқса, ўрмончилик, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, энергетика, транспорт ва шаҳарларни режалаштириш сингари секторлар учун айниқса муҳимдир.

Шартнома ҳар қандай мамлакатни унинг генетик ресруслари устидан суверенитетини тан олади ва кўрсатиб берадики, қимматбаҳо биологик ресурслардан баҳраманд бўлиш "ўзаро келишилган шартлар асосида" ва келиб чиққан

[19] We the Peoples, The Role of the United Nations in the 21 st Century. UN. Briefing Papers for Students. Tashkent. 2003., p. 41.

мамлакатларни "олдиндан хабардорлиги, розилиги" шароитда амалга оширилиши керак.

Агар бирор-бир микроорганизм, ўсимлик ёки жонивор тижорат учун ишлатилса, унинг келиб чиққан мамлакати нақд пул ёки миллий тадқиқодчиларни ўқитиш, иштирок эттириш, ноу-хау ва биотехнологик жиҳозларни бериш ҳамда даромаднинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Биотехнология ютуқлари кейинги йилларда бизга бир турдаги генларни бошқасига ўтказиш ёрдамида турлар ўртасидаги тўсиқни олиб ташлашга ёрдам берди. Модификация қилинган, яъни ўзгартирилган тирик организмалар, маҳсулотлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари, овқатларга ишлатиладиган қўшимчалар, ичимликлар, дори-дармонлар, елимлар ва ёқилғиларнинг таркибига яна ҳам кўпроқ қўшилмоқда. Аммо бу ҳолат одамларнинг саломатлиги ва атроф муҳитга бериши мумкин бўлган қўшимча таъсир борасида ташвиш-хавотирни кучайтираяпти.

Жамоатчиликнинг бу хавотирига жавобан ҳукуматлар Конвенцияга трансчегаравий савдода яширин хавф-хатарлар ва модификация қилинган тирик организмларни тасодифий тақдим этилиши тўғрисида қўшимча битим ишлаб чиқдилар.

Биологик хавфсизлик тўғрисидаги Карфаген протоколи давлатларга, айни пайтнинг ўзида модификация қилинган тирик организмлар ва улардан фойдаланиш тажрибаси бўйича ахборотлар алмашинишни осонлаштириш учун таъсис этилган механизм – Биологик хавфсизлик бўйича ҳисоб-китоб палатаси орқали жаҳон ҳамжамиятига ўз қарори хақида хабар берган ҳолда, улар таркибида модификация қилинган тирик организмалар бўлган импорт қишлоқ хўжалик товарларини қабул қилишни хоҳлаш-хоҳламасликларидан хабардор бўлишларига имкон беради. Бунга қўшимча сифатида, модификация қилинган тирик организмлари бўлган товарларда, улар экспорт қилинганда, албатта, тегишли ёрлиқлари бўлиши керак.

Экспорт қилувчилар ҳам атроф муҳитга киритишга мўлжалланган уруғлар, тирик балиқлар ва бошқа модификация қилинган тирик организмларни етказиб беришдан олдин импорт қилинаётган мамлакатларнинг ҳар бирига аниқ

маълумотлар тақдим этиши керак, фақат шундан кейингина импорт қилувчи етказиб беришга рухсат этиши керак.

Ушбу механизмнинг мақсади – ҳозирги замон биотехнология маҳсулотларига хос бўлган хавф-хатарни бахолаш учун уларни қабул қилиб олувчи мамлакатларга имконият беришдир.

ОИТС. БМТнинг собиқ Бош котиби К. Аннанинг сўзларига қараганда, "ОИТСнинг таъсири уруш вайраногарчиликларидан кам эмас, балки қайсидир маънода у урушдан ҳам кўпроқ жабр-жафолар келтириши мумкин"[20]. ОИТСнинг кўлами, айниқса, Африка мамлакатларида кенг қулоч ёйди. ОИТС вируси минтақада урушдагидан кўра кўпроқ одамнинг ёстиғини қуритди: 1998 йилда уруш оқибатида 200 минг африкалик қурбон бўлди, ОИТСдан эса 2 млн. киши ўлди.

ОИТСга мубтало бўлганларнинг аксарияти ёшлар, чунки бутун жаҳон бўйича ҳар куни 8,5 минг болалар ва ёшлар бу касалликни юқтирмоқдалар.

Ҳукуматлар ОИТСни тараққиётга дахлдор масала сифатида тан олишди ва тегишли дастурлар ишлаб чиқа бошладилар. Илгари ОИТС эпидемияси фақат соғликни сақлаш соҳасининг муаммоси деб танилган бўлса, вақт ўтиши билан кўпроқ мамлакатлар унинг ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан ўзаро боғликлигини тушуна бошлаяптилар.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти, айниқса, ноҳукумат ташкилотларнинг роли муҳимдир, чунки улар маҳаллий эҳтиёжларга мувофиқ тадбирларни ишлаб чиқишга маҳаллий жамоани жалб этиш борасида катта қудратга эгадир.

2.4. БМТнинг Барқарор ривожланиш дастурининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчамлари

Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мулжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланишнинг учта соҳаси

[20] We the Peoples, The Role of the United Nations in the 21 st Century. UN. Briefing Papers for Students. Tashkent. 2003., p. 54.

(иқтисодий, экологик ва ижтимоий) бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди.

2015 йил 25 сентябрь куни БМТнинг бош қароргоҳида бўлиб ўтган тараққиёт масалалари бўйича саммитда БМТга аъзо бўлган мамлакатлар 17 та Барқарор тараққиёт мақсадларидан иборат бўлган Барқарор тараққиёт 2030 дастурини қабул қилдилар.

Мазкур дастур қашшоқликка барҳам бериш, тенгсизликка, адолатсизликка ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Янги Глобал мақсадлар ва янада кенг кўламли тараққиёт дастури – 2000-йилдагидан фарқли ўлароқ – янада чуқурроқ ислоҳотларни амалга оширишни кўзда тутади, қашшоқликнинг туб сабабларини бартараф этиб, ҳамма ва ҳар бир инсон учун умумий тараққиёт жараёнини таъминлашга қаратилгандир.

Нью-Йоркда БМТни Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида 2015 йилнинг 15 сентябрдан иш бошланди.

17 мақсадга эришиш юзасидан БМТ 169 та вазифани бажариши белгилаб олинди.

БМТнинг 2030 йил Барқарор ривожланиш дастурида белгиланган 17 мақсад:

1. Камбағалликни ва унинг барча турдаги кўринишларини тугатиш.
2. Очлик муаммосини бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш ҳамда барқарор қишлоқ хўжалигини шакллантириш.
3. Барча ёш даврларида соғлом ҳаёт тарзини кафолатлаш.
4. Барча учун сифатли таълимни кафолатлаш ва узоқ муддатли таълим олишга йўналтириш.
5. Жинс бўйича тенгликни таъминлаш, аёллар ва қизлар фаоллигини ошириш.
6. Барча учун барқарор сув бошқаруви ҳамда санитария шароитларини яратиш.
7. Ишончли, замонавий ва арзон энергия манбаларини ривожлантириш
8. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш билан бандликни ошириш ва иш юкини камайтириш.

9. Инфратузилмани шакллантириш, саноатлаштириш ва инновацион ривожланишни таъминлаш.

10. Мамлакатлар ўртасидаги тафовутни қисқартириш.

11. Шаҳарлардаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш.

12. Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш.

13. Иқлим ўзгариши ва унинг таъсирлари.

14. Океан, денгиз ва сув ҳавзалари ресурсларидан оқилона фойдаланиш

15. Экотизимни ҳимоя қилиш, ўрмон бошқарувини, ер емирилиши ва биохилма-хилликни сақлаш.

16. Барқарор ривожланиш жараёнида тинчликни сақлаш, самарали кенг қамровли институтлар фаолиятини ривожлантириш.

17. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги, 841-сон қарорига биноан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар ва "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Миллий мақсад ва вазифаларни (1-илова) амалга ошириш бўйича масъул вазирлик ҳамда идораларнинг самарали ишларини ташкил этиш, БРМга эришишда секторлараро мувофиқлаштириш ва уйғунлашган ёндашувни таъминлаш ва уларнинг тармоқ, минтақа ва мақсадли ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларга киритилишини таъминлаш белгиланган, вазирликлар, идоралар ва ишчи гуруҳларнинг Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда натижаларга эришиш масалалари юзасидан ҳисоботлари мунтазам назрат қилиш белгиланган.

Назорат саволлари:

1. БМТнинг "Минг йиллик декларацияси"ни қабул қилишга бағишланган саммити қачон ва қаерда бўлиб ўтган?

2. БМТнинг "Минг йиллик декларацияси"нинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

3. Минимал озиқ-овқат саватига нисбатан инсоннинг кунлик истеъмоли неча ккал дан паст бўлса камбағаллик чизиғидан паст ҳисобланади?

4. Ҳозирги кунда ҳисоб-китобларга кўра, дунё аҳолисининг қанча миқдори кунига 2 доллардан кам маблағ ҳисобига ва қанча миқдори 1 доллардан кам маблағ ҳисобига яшамоқда?

5. Глобал муаммоларни ўрганиш ва инсоният келажагини таъминлаш жараёни бўйича илмий ишлар олиб борувчи халқаро ноҳукумат ташкилот –Рим клуби ким томонидан ташкил этилган?

3-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОҲИЯТИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Режа:

3.1. Глобал иқтисодиётнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.

3.2. Глобал иқтисодиётнинг объектив манбалари ва ривожланишининг асосий омиллари.

3.3. Глобал иқтисодиётнинг муаммолари, мавжуд ечимлари ва ривожланиш истиқболлари.

Таянч сўзлар: *глобал иқтисодиёт, глобаллашув, ахборот технологиялари, бевосита хорижий сармоялар, трансмиллий компаниялар, илмий-техник тараққиёт.*

3.1. Глобал иқтисодиётнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Глобаллашув атамаси ҳозирги даврда уни қайси соҳада ишлатилишига қараб, турли мазмунни англатади. Глобаллашувга иқтисодий маъно берувчилар асосан XX асрда юз бераётган жараёнларни узоқ тарихий даврнинг, яъни миллий хўжаликларнинг байналминаллашувидан, унинг глобаллашувига ўтиши эканлигини таъкидлашади. Улар шу билан бирга глобаллашувни иқтисодий ҳаёт байналминаллашуви ривожланишувининг янги сифат босқичи сифатида таърифламоқдалар.

Глобаллашув жараёни – бутунжаҳон тарихининг қонуний босқичидир. У объектив бўлиб, инсон – субъекти онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш кучлари ўсишидаги асосга эгадир.

Глобаллашувга иқтисодий ёндашув тарафдорлари бу жараённи иқтисодий ҳаётнинг байналманаллашувининг янги босқичи деб ҳисоблаб, замонавий мамлакатлараро хўжалик алоқалари узоқ тарихий давр мобайнида шаклланганлигини эътироф этадилар. Хўжалик алоқаларининг ҳар бир шакли миллий иқтисодиётлар ривожланишининг маълум бир босқичи натижаси бўлиб, ҳозирги даврда ишлаб чиқариш, савдо, молия-кредит соҳаларининг бирлиги жаҳон хўжалиги шаклланганлигидан далолат беради.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида байналминаллашув ва трансмиллийлашув атамалари иқтисодий адабиётларда қўлланила бошланди. Кейинчалик эса миллий хўжалик алоқаларининг тез ривожланиши ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви уларнинг байналминаллашувидан трансмиллийлашувга ва XX аср охирида глобаллашув босқичига ўтишига туртки бўлди.

Глобалашув жараёни мамлакатлар иқтисодиётни жаҳон бозоридаги ўзгаришларга боғлиқ бўлишини бирлдиради. Ер юзида 210 дан зиёд мамлакат бўлса, уларнинг бир қисми интеграциялашув иттифоқларига киради, бошқалари эса унда иштирок этмайди, бироқ глобаллашув жараёни таъсирида бўлади.

Глобалашув жараёни моҳиятан иқтисодиётнинг умумбашарий тус олиши, миллий иқтисодиётлар ривожланишининг ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ бўлиб қолиши демакдир.

Глобалашув жараёнида нафақат товарлар ва хизматлар, балки ресурслар ҳам дунёдаги талаб-эҳтиёжга қараб мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Иш кучи, капитал, хомашё ва энергия омиллари, янги технология ва янги ғоялар дунё узра тез тарқалади. Янгиликлар умумбашарий доирада юз беради. Натижада дунёдаги иқтисодий ўсиш жадаллашади.

Глобаллашув жараёни халқаро майдонда ҳамкорликни ҳам рақобатни уйғунлашуви ва кучайиши каби бирдек ўзида намоён этади. Бундан ташқари, рақобатлашаётган гуруҳлар ўртасидаги курашда ўз мавқеини мустаҳкамлаш бундай ҳар бир гуруҳ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кучларни бирлаштиришни ҳам талаб этади.

Баъзиларда шундай бир вазиятлар ҳам юзага келадики, бунда жаҳон бозоридаги айнан бир субъектлар бир соҳада рақобатдош бўлсалар, бошқа бир соҳада ҳамкорлик қиладилар.

Шундай қилиб, глобаллашув жараёни Ер куррасининг турли томонлари ўртасида ўзаро таъсир ҳамда боғлиқликларнинг ўсишини назарда тутар экан. Тадқиқотчилар бундай ҳолатларни тарихий тараққиётнинг турли босқичларида кузатганлар.

Масалан, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўша пайтдаги инсоният тарихида Буюк Ипак йўли, Буюк географик кашфиёт-

ларнинг аҳамияти катта бўлган ёки 1929 йилги "қора сешанба"нинг таъсири чуқур из қолдирган.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнини ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган ва барча миллий иқтисодиётларни олға қараб ривожланишини таъминловчи бир бутун жаҳон иқтисодиётини шакллантириш сифатида кўриш мумкин.

Бундан ташқари, миллий иқтисодиётларни ривожлантирмай туриб тўлиқ миқёсдаги глобаллашувга эришиб ҳам бўлмайди. Бунда мамлакатни ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этмаслик жуда муҳим, балки глобаллашув жараёни давомида уларни амалга оширишга имкон яратиб беришга ёрдам бериш лозим.

Глобалашув жараёнининг аниқ бир таърифи йўқ бўлиб, мунозарали масала бўлиб қолмоқда. XX асрнинг 80 йилларнинг бошида Дж. Нейсбит томонидан биринчи бор "глобаллашув" сўзи таклиф этилган эди[21].

Кейинчалик 1983 йил Т.Левитт глобаллашув тушунчасини трансмиллий корпорация фаолияти билан боғлади. Унинг фикрича, глобаллашув бу – трансмиллий корпорациялар томонидан ишлаб чиқарилувчи алоҳида маҳсулотлар бозорининг бирлашиш жараёнидир[22].

Ҳозирги кунда "глобаллашув" тушунчасининг ҳар хил таърифлари мавжуд бўлиб, ушбу иборанинг ишлатилиши кўп жиҳатдан маданият, иқтисодиёт, экология соҳаларида учрайди.

Кўпроқ савдо, кўпроқ бозорлар, кўпроқ фирмалар, кўпроқ ахборот, кўпроқ иш жойлари, кўпроқ имкониятлар.... Глобаллашаётган дунё ҳудуди мана шуларни ваъда қилмоқда.

Глобаллашув тўлқинлари дунёнинг илгари фақат камбағаллик ҳукмронлик қилган мамлакатларга ва минтақаларга тўкин-сочинлик олиб келди. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакатлар таррақиётга эришиш учун эспортга асосланган иқтисодиётни шакллантирдилар.

Иқтисодий фаолликнинг бу шиддатли оқими кўплаб одамдарга фойда ва фаровонлик келтирди. Иқтисодий ўсиш

[21] Neibit J. Megatrends: Ten New Directions Transforming Our Lives. Warner Books. New York _ 1982.
[22] Моисеев С., Михайленко К. Terra Incognita: глобализация финансовых рынков. Вопросы экономики . 1999. №6, С. 123-135.

тезлашди, турмуш шароитининг даражаси ўсди, янгиликлар тезроқ кириб кела бошлади, инсоният эса янги имкониятларга эга бўла бошлади.

В. Михеевнинг фикрича, глобаллашувга комплекс ёндашув иқтисодиёт, сиёсат, ахборотлаштириш, экологик ҳамда халқаро терроризм ва камбағалликка қарши курашишларда намоён бўлади. Глобаллашув муаммолари Д. Нейсбит, Т. Левитт, Д. Смыслов, В. Шейнис, О. Черковц, А. Неклесса, Э. Нуховича, Л. Гордон ишларида ёритилган. А. Эльянов таъкидлашича, глобаллашув ўз ичига, барча давлатлар ривожланиш даражасидан қатъи назар, халқаро иқтисодий муносабатларни олади.

А. Ваҳобов айтишича, "Глобаллашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим тенденцияларидан ҳисобланади ва жаҳон иқтисодиётининг товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва технологияларнинг ягона бозорига айланиш жараёнидир[23].

А. Алимов глобаллашув жараёнларини таҳлил қилар экан, уларни замонавий жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги энг асосий жараёнларидан бири сифатида эътироф этиб, хўжалик ҳаёти байналминаллашувининг юқори босқичи деб таъкидлаб ўтган[24]. Шу билан бир қаторда кўпчилик олимлар таъкидлашича, глобаллашув узоқ ва мураккаб жараёндир. С. Камлинс ёзишича, "Кўплар глобаллашув тугаган ёки тизимлари ва алоқалари деярли тугаган деб билишса, аслида глобаллашувнинг ўтиш жараёнининг ўзига 15-25 йил керак бўлади"[25].

Бу жараёнларни кўриб чиқиб, ЮНКТАДнинг Бош котиби Р. Рукуперу шуни билдирадики, "Глобаллашув – бу тайёр тарихий маҳсулот эмас, бу тугалланмаган ишлаб чиқариш", *opera aperta*, шундай жараёнки, унда биз ҳам объект, ҳам субъект сифатида иштирок этамиз[26]".

[23] Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. / A.V. Vaxabov, D.A. Tadjibaeva, Sh.X. Xajibakiyev. – Toshkent.: "Baktriy press", 2015. – 23 b.
[24] Alimov A.M. Globallashuv va mintaqaviy iqtisodiy integratsiya jarayonlari. O'quv qo'llanma. Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2016. – 6 b.
[25] Commins S. Globalization and Foundations for Human Security.FF World Visions discussion papers, Number 8, Spring 1999, pp. 20-28.
[26] ЮНКТАД Бош котибининг ўнинчи сессия конференциясида қилган маърузаси. Бангкок, Таиланд. 1999. б.10.

Глобаллашув жараёни замонавий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, ҳар қандай ҳодиса каби, янги имкониятлар билан бир қаторда янги хавф-хатарларни ҳам олиб келиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар бу жараёнга жиддий таъсир ўтказиш ҳолатида эмаслар, фақат келадиган фойдани ошириш ва хатарларни камайтириш мақсадида унга мослашишлари мумкин холос.

Глобаллашув жараёни ҳозирги замон жаҳон ривожланишининг муҳим объектив жараёнини ўзида акс эттиради. Бу жараён мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини кучайтириш йўлларини авж олдириш босқичидир.

Мазкур жараён нақадар зиддиятларга тўла бўлмасин, унда ижобий ва салбий тарафлар нақадар чатишиб кетмасин, у барибир инсоният тараққиётини, уни бир зинапоядан бошқасига ҳаракатини акс эттиришини тан олиш лозим.

Глобаллашув жараёни дунё саҳнасига янги кучларни етказиб беради ва бермоқда. Глобаллашув жараёни рақобат курашини кескинлашувидан иборат бўлиб, бунда устунлик нисбатан кучлироқ тарафда бўлади, бироқ у нисбатан кам ривожланган мамлакатлар аҳволини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш имкониятларини ҳам яратиб беради.

Ва, ниҳоят, глобаллашув жараёни турли мамлакатларнинг ҳамкорликдаги келишилган қарорларини ҳал этишга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларинигина эмас, балки глобаллашув домига тортилаётган Ер куррасидаги барча ҳудудларнинг турғун ривожланишини таъминлашга интилувчи у ёки бу ижтимоий манфаатларни шакллантиришга етаклаши лозим.

Ривожланаётган мамлакатлар учун глобаллашув жараёнидан келадиган манфаат ва имкониятлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- саноат товарлари импорти тарифларининг сезиларли тарзда камайишини назарда тутувчи ГАТТ Уругвай раундидан келиб чиқадиган савдо имкониятлари;
- халқаро капитал оқими билан боғлиқ бўладиган имкониятлар.

Миллий иқтисодиёт учун глобаллашув жараёни оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар қаторида қуйидагиларни этиб ўтиш мумкин:

- миллий иқтисодиётни бошқаришда мустақилликни йўқотиш;
- иқтисодиётни либераллаштириш натижасида молиявий эркинликни ўсиб бориши туфайли хавфларнинг ўсиши;
- маргинализация хатари (жаҳон даражасидаги иқтисодий ўсишдан қолиб кетишнинг кучайиши).

Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатлар учун глобаллашув жараёнининг асосий даъвати – давлатларнинг шундай иқтисодий сиёсат дастурини ишлаб чиқиш ва амалда қўллай олишлик қобилияти ҳамда унга тайёргарлигидадирки, бу сиёсат уларга глобаллашув жараёнидан келадиган фойдани максималлаштириш ва хавфларни минималлаштиришга имкон бера олиши керак.

Бунинг учун мамлакатлар қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

- халқаро савдода муваффақиятли равишда рақобатлашиш ва хорижий капитални жалб эта олиш. Агар мамлакат бунга қодир бўлмаса, акс ҳолда унинг иқтисодий ўсиш ва инсоният ривожланиш суръатлари бўйича жаҳон тараққиётидан ортда қолиб кетиш хавфига ва иқтисодий стагнация ҳамда ўсиб бораётган камбағалликка дучор бўлиши муқаррардир;
- халқаро муҳитдаги ўзгаришларга тез ва айнан мос равишда ўз муносабатини билдира олиш.

Замон талабларига мос равишда ахборот оқимларининг ва халқаро капиталнинг жадал ҳаракатчан шароитларида хусусий инвесторларнинг иқтисодий сиёсатдаги ҳар қандай хатоларга таъсир жавоби жуда тез бўлиши мумкин. Макроиқтисодий ва тузилмавий номутаносибликлари мавжуд бўлган давлатлар ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида уларнинг иқтисодий сиёсатига маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг бўлган ишончини йўқотиш хавфига дучор қиладилар. Бу мазкур мамлакатдан капитални тезлик билан олиб чиқиб кетилишига олиб келади, бу ҳол эса унинг иқтисодиётини янада кўпроқ мувозанатдан чиқариб қўяди. Бу билан глобаллашув жараёни саводсизларча олиб борилган иқтисодий сиёсатга "жазо

чорасини" кескинлаштиради ва айнан мос сиёсат учун эса "мукофот"ни оширади.

3.2. Глобал иқтисодиётнинг объектив манбалари ва ривожланишининг асосий омиллари

Иқтисодиётнинг глобаллашуви объектив манбаларини илмий-техник тараққиёт натижалари, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон иқтисодиётида барча давлатлар томонидан "очиқ иқтисодиёт" сиёсатини қўллаш ва татбиқ этиш ётади.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий омилларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчидан, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида қайта ишлаш саноатининг тез ривожланиши халқаро савдонинг тармоқлараро тусга эга бўлишига олиб келади.

Иккинчидан, фан-техника тараққиёти асосида авиа, сув ва темир йўл транспортининг янги авлоди ривожланиши натижасида халқаро транспорт инфратузилмаси сезиларли яхшиланди. Юклар ва пассажирларни ташиш жадаллашди ва арзонлашди. Натижада мамлакатлар ўртасида "иқтисодий" масофа қисқарди.

Учинчидан, сўнгги ўн йилликларда электроника, кибернетика ва фазовий алоқа сунъий йўлдошларининг ахборот революцияси негизидаги тараққиёти телекоммуникация соҳасида жуда катта бурилиш ясади. Агар 1995 йил мобайнида Интернет тармоғидан фойдаланганлар 20 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб, 300 млн. кишига етган.

Замонавий телекоммуникация тизимлари, айнан, электрониканинг ривожланиши ва унинг жамият ҳаётидаги барча соҳаларга чуқур кириб боришини замонамизнинг навбатдаги революция сифатида таърифлаш мумкин.

Тўртинчидан, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ҳамда транспорт ва телекоммуникация соҳасидаги революцион ўзгаришлар асосида охирги ўн йилликларда трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) сони тез суръатлар билан ўсди.

Ҳозирда 80 минг ортиқ ТМК ва уларнинг хорижий мамлакатларда жойлашган 800 минг шўъба корхоналари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоиз, жаҳон экспортининг эса учдан бир қисмини таъминлаб беради.

Трансмиллий капиталнинг фаолияти миллий хўжаликлар тизими ривожланишига жиддий таъсир кўрсата бошлади. Жаҳон хўжалик тизими асосини ташкил этувчи 500 га яқин йирик ТМК жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг деярли ярмини, ташқи савдо айланмасининг 60 фоизини, янги техника учун бозорларда муомалада бўлган лицензия ва патентларнинг деярли 4/5 қисмини назорат қилиб туради.

Глобал иқтисодиётнинг "ядро"сини ташкил этган трансмиллий капитал, асосан, ривожланган мамлакатларда тўпланган. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар ТМКлари қаторига бир қатор ривожланаётган, янги индустриал мамлакатлар корпорациялари қўшилган. Бунинг натижасида товарлар ва хизматларнинг халқаро оқими фақатгина жадаллашиб қолмай, балки энди корпорациялар ичида ҳаракат қила бошлади.

Бешинчидан, бевосита (тўғридан-тўғри) хорижий инвестицияларнинг ўсиб бориши.

Глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиёда инвестициялар учун кураш давом этмоқда. Барча мамлакатлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.

Мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурати бир қатор иқтисодий ва табиий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ.

Иқтисодий омиллар қаторида, биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларини бир маромда ушлаб туриш, миллий иқтисодиётда чуқур таркибий силжишларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг

халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувини чуқурлаштириш ва бошқалар.

Иккинчидан, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг ва энг муҳими, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрни каттадир.

Учинчидан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиши корхоналарни техник-технологик қайта қуроллантиришга ва ишлаб чиқаришнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўсишига, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кучайтиришга ва мамлакат рақобатбардошлигини ошишига имкон яратади.

Тўртинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ва иқтисодиётнинг устувор соҳалари бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имконини беради.

Бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади.

Олтинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини яратади.

Табиий-иқтисодий омиллар эса мавжуд бой минерал ресурслар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қулай иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлиб, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга имконият очиб беради[27].

Бу силжишлар, яъни ишлаб чиқариш, коммуникация, савдо, хорижий инвестициялар ва молия соҳасидаги жараёнлар жаҳон иқтисодиётини бир бутун умумий вужудга айлантирди.

[27] Тошматов Ш., Абдимўминов А. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш масалалари.//Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси. – Т.: ТМИ, 2013 йил 15 ноябрь, 127 – 129 – бетлар.

3.3. Глобал иқтисодиётнинг муаммолари, мавжуд ечимлари ва ривожланиш истиқболлари

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёни, яъни узвий равишда ўзаро боғланган бир бутун жаҳон хўжалигининг шаклланиши тез суръатларда ривожланмоқда. Мазкур жараённинг ибтидоси асрлар тубида яшириниб ётибди.

Бу ўзгаришлар халқаро инфратузилмада иқтисодиёт глобаллашувининг макро ва микро даражаларига олиб келди. Глобаллашувнинг микро даражаси компаниянинг миллий чегаралардан ташқарида ишлаб чиқаришни ва бозорни кенгайтириш стратегияси билан белгиланади.

Глобаллашувнинг макро даражасида миллий иқтисодиётни халқаро хамжамиятга бошловчи кучларнинг бирлиги тушунилади. Бу кучларга биринчи даражада тўғридан-тўғри хорижий сармояларни, технологияларнинг алмашинуви, товарлар ва хизмат савдосининг ўсишига айтишимиз мумкин.

Макроиктисодий даражадаги глобаллашув давлатлар ва интеграция уюшмаларини иктисодий фаолликка тортиб, савдо ва инвестиция тўсиқларини олиб ташлайди, эркин савдо ҳудудларини ташкил қилиш асосда пайдо булади.

Глобаллашув жараёнлари давлатлараро хўжалик юритиш учун иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва сиёсий миқёсдаги ўзаро келишувларни қамраб олади.

Микроиктисодий даражадаги глобаллашув компаниялар фаолиятининг ички бозордан ташкарида кенгайиши натижасида пайдо бўлади. Кўпгина йирик ТМКлар глобал миқёсда ҳаракат қилади. ТМКлар глобаллашув жараёнининг субъекти бўлиб, глобаллашувнинг асосини ташкил қилади, яъни уни ҳаракатга келтирувчи асосий кучидир.

Глобаллашувнинг микро даражасига замонавий ахборот технологиялари сабаб бўлиши билан бир қаторда, кўпгина фирмалар томонидан рақобатбардошликни ошириш мақсадида қилинган саъй ҳаракатлари, стандартлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўлчаш, ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифатини текшириш ва назорат қилиш, халқаро савдонинг тез ўсишига ёрдам беради.

Замонавий глобал иқтисодиёт – бу нафақат жаҳон ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашув натижаси, балки уларнинг ўзи глобал молия-кредит ва валюта тўловларининг яқин алоқасидир.

Барча объектив ўзгаришлар, ишлаб чиқариш, коммуникация, савдо, хорижий сармоялар ва молия соҳаларида жаҳон иқтисодиётини бутун бир яхлит организмга айлантирди.

Шу ўринда глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатларини тўғри аниқлаш ҳам максадга мослиқдир. Глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

• глобаллашув натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув чуқурлашиб боради. Бунда маблағ ва ресурслар самарали сарфланади;

• глобаллашув жараёнининг асосий устунликларидан яна бири харажатларнинг қисқариши, нархларнинг пасайиши ва баркарор ўсишни таъминлаб бериши;

• глобаллашувнинг ижобий жиҳатларидан яна бири эркин савдодан келадиган ютуқ барча мамлакатларни қаноатлантиради;

• глобаллашув ракобатнинг кучайиши, янги технологиялар яратилиши, шунингдек мамлакатлар ўртасида кенг тарқалишини таъминлаши;

• хорижий давлатларнниг илғор илмий-техник, технологик янгиликларини амалиётга татбиқ этиш натижасида иқтисодий қулайликка эришилиши;

• глобаллашув жараёнида халқаро рақобат кучайиб, миллий бозордаги ички рақобатчиларга ташқи бозордаги кучли рақиблар ҳам қўшилади ва натижада нархларни пасайтириш ва танлаш имкониятини беради;

• глобаллашув илғор технологияларнинг тарқалиши ва глобал микёсдаги ишлаб чиқаришнинг рацион алмашуви натижасида мехнат унумдорлиги ошишига олиб келади. Бунда жаҳон миқёсидаги инновацияларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиши мумкин бўлади;

• глобаллашув молиявий ресурсларнинг асосий қисми айланишини таъминлашга кенг имкон яратади.

Глобаллашув жаҳон ҳамжамиятининг турли соҳалардаги ҳаракатларини фаоллаштириб, инсоният учун умумий

муаммоларни, энг аввало, экологик муаммоларни ҳал этиш учун жиддий асос яратади.

Хуллас, кўпчилик мутахассислар, глобаллашувнинг пировард натижаси жаҳон мамлакатларида фаровонликнинг ошишига олиб келади, деб умид қиладилар.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари ривожланган мамлакатларда хайрихоҳлик билан, ривожланаётган мамлакатларда эса хавотир билан қабул қилинмокда. Бунинг сабаби шундаки, глобаллашув жараёндаинг афзалликлари барча мамлакатларда тенг тақсимланмайди. Шунинг учун ҳам глобаллашувдан ким фойда кўради, деган савол турли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Замонавий глобаллашув жараёнлари, энг аввало, саноати ривожланган мамлакатлар мавкеини мустаҳкамлаб, уларга қўшимча афзалликлар беради. Халқаро меҳнат тақсимоти доирасида глобаллашув жараёнининг кенгайиши иқтисодий кам ривожланган мамлакатлар мавқеи салбий ўзгаришига сабаб бўлиб, уларни глобаллашув жараёни субъектларига эмас, балки объектларига айлантириши мумкин.

Жаҳон хўжалиги тараққиётининг объектив жараёни бўлган глобаллашув кўпгина ижобий хусусиятларга эга бўлиб, булар турли мамлакатларнинг ўзаро хўжалик алоқаларнинг янгиллашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириши, фан, техника ва технология ютуқларини айирбошлашнинг кучайиши ва шу тариқа давлатларнинг илмий-техникавий тараққиётига имкон яратилиши билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, глобаллашув ривожланаётган давлатларнинг, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига киришига халал берувчи бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бунинг боиси:

– миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг ташқи салбий таъсиридан ҳимояланмаганлиги;

– чет эл бозорига чиққан минтақа мамлакатлари ишлаб чиқараётган айрим маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини пастлиги;

– миллий ва минтақавий транспорт ва аҳборот коммуникацияларининг жаҳон тармоқларидан узоқлиги билан боғлиқ қийинчиликлар;

– экспорт қилинадиган айрим товарларнинг (минерал хомашё товарлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг) жаҳон нархлари вақти-вақти билан ўзгариб туриши;

– хўжалик фаолияти глобаллашувининг Марказий Осиёдаги экологик вазият ва атроф муҳит учун салбий оқибатларининг таъсири.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувининг мазкур салбий ҳолатларни бартараф қилишга ёки юмшатишга йўналтирилган бошқа бир тенденция хам мавжуд, бу – барқарор минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш Марказий Осиё мамлакатларининг учун долзарб маслаларидан бири ҳисобланади ва миллий иқтисодиётни глобаллашув самараларидан фойдаланилганлигини кўрсатади.

Иккинчи томондан, минтақа мамлакатларида халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви настижасида ишлаб чиқариш жараёнларини таркибий қисмларга ажратиш ва уларни миллий чегарадан ташқарига олиб чиқишга асосланган минтақавий ишлаб чиқариш тармоқларининг пайдо бўлиши ўзаро савдо таркибини ўзгаришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш-инвестиция соҳасида анъанавий товар алмашувидан ҳамкорликнинг юқори шаклларига ўтишни таъминлаш муҳимдир. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўп томонлама илмий ва ишлаб чиқариш-технологик кооперацияни ривожлантириш ва чуқурлаштириш; устувор йўналишлар бўйича умумий илмий-технологик маконни шакллантириш мақсадида транспортда, алоқа каналларида ва информатикада технологик жараённинг узлуксизлигини таъминлаш; юқори технологияли ва рақобатбардошли маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги устувор вазифалар товарлар, хизматлар ва капиталларнинг эркин ҳаракатланиши

учун шароит яратиш ва эркин транзитни таъминлаш мақсадида Марказий Осиё минтақасидан Жануб, Шимол, Шарқ ва Ғарбга олиб борувчи муқобил транспорт йўллари, газ ва нефть қувурларини ривожлантириш борасида ҳамкорликни чуқурлаштиришдан иборат.

Минтақа мамлакатларининг транспорт-коммуникция соҳасидаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришда Марказий Осиё давлатлари ҳудуди орқали транзит усулда юк ва йўловчилар ташиш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароит яратиш масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Трансчегара соҳасидаги муҳим вазифалар: экологик муаммоларни ҳал этиш, иш кучи ортиқча (Фарғона водийси) ва экологик аҳволи ноқулай (Орол бўйи) бўлган айрим ҳудудларда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақа мамлакатларининг кўптомонлама ҳамкорлигининг ривожланишини таъминлаш; табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш; миллий ва минтақавий экологик мониторинг тизимининг ишига кўмаклашиш; экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни қўриқлаш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш; гидрометеорологик аҳборотлар ҳамда табиий муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ва уларни тарқатишнинг ягона тизимини шакллантириш ва самарали ишлашини таъминлаш.

XXI асрда сувдан фойдаланиш соҳасида сув ресурслари тақчиллигининг тобора ўсиб бораётганлиги, уларнинг ифлосланиши хавфи, тошқин ва қурғоқчиликлар ҳавфи ошиб бораётганлиги билан боғлиқ муаммолар биринчи ўринга чиқиб қолмоқда.

Бу муаммоларни ҳал қилишда миллий дастурлар билан бир қаторда Марказий Осиё экологик хавфсизлик тизимини яратиш катта аҳамиятга эгадир. Қуйидагиларни унинг асосий вазифаси деб ҳисобламоқ керак: экологик ҳавф кучли бўлган ҳудудларда экотизимнинг комплекс тикланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳасининг саломатлик учун хавфсиз технологияга асосланиши, минтақада экотизим мониторингини ўтказиш ва экологик вазиятни прогнозлаш.

Назорат саволлари:

1. Глобаллашув жараёнида қайси тушунчага амал қилинмайди?
2. Глобализациянинг асосий белгиси нимадан иборат ?
3. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий окибатлари нимадан иборат?
4. Глобаллашув ривожланишининг асосий сабаби нимадан иборат?
5. Ҳозирги кунда ТМКларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни қайси даражада ?
6. Марказий Осиё экологик ҳавфсизлик тизимининг моҳиятини ифодалаб беринг.
7. Глобал иқтисодиётда транспорт-коммуникация соҳасидаги устувор вазифаларни келтиринг.

4-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ: БАЙНАЛМИНАЛЛАШУВ, ТРАНСМИЛЛИЙЛАШУВ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Режа:

4.1. Глобал иқтисодиёт ривожланишининг тарихий даври: байналминаллашув ва трансмиллийлашув.

4.2. Глобаллашув назариялари.

Таянч сўзлар: *байналминаллашув, трансмиллийлашув, глобаллашув, ТМК, глобаллашув назариялари, ривожланиш босқичлари, эволюция, халқаро меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, кооперация.*

4.1. Глобал иқтисодиёт ривожланишининг тарихий даври: байналминаллашув ва трансмиллийлашув

Глобаллашув – дунё минтақалари ва мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий мунобатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг узоқ эволюцион жараёни ҳисобланади ва бир қатор ривожланиш босқичларини қамраб олади, шу жумладан байналминаллашувни ва трансмиллийлашувни.

Кенг маънодаги жаҳон хўжалигининг **байналминаллашуви** – бу халқаро меҳнат тақсимотини ҳар томонлама ривожлантиришга асосланган турли мамлакатлар миллий иқтисодиётларининг ўзаро алоқалари ва ўзаро бир-бирларини тўлдириш жараёнини чуқур-лаштиришдир.

Тарихий жиҳатдан, хўжаликларнинг байналминаллашув жараёнлари айирбошлаш соҳасига бориб тақалади. Чунончи, савдода маҳсулотларни айирбошлаш босқичидан кейин ҳудудий халқаро бозорларга йўл очилган. Анча кейинроқ, дастлабки сармоя йиғиш даврига келиб, тармоқлараро савдонинг ҳудудий марказлари ягона жаҳон бозорига айлана борган.

Ривожланиш босқичлари

1-босқич:

Эркин рақобатга асосланган капитализмнинг ривожланиш даврида (XIX аср охиригача) жаҳон бозорининг ташкил топиши,

халқаро иқтисодий муносабатларнинг, кўпроқ, халқаро савдо шаклида ривожланиши (хомашёни мустамлакалар билан индустриал метрополиялар, шунингдек, қўшни мамлакатлар ўртасида) хос бўлган эди.

Жаҳон хўжалигани шакллантириш жараёнида энг яқин савдо алоқалари биринчи навбатда: хомашё мустамлакалар билан индустриал метрополиялар ўртасида; қўшни мамлакатлар ўртасида юзага келди.

2-босқич:

XIX аср охири ва XX аср бошларида эркин рақобатга асосланган капитализм монополистик капитализмга ўтди, умумжаҳон хўжалиги қарор топди.

Бу даврда савдо муносабатлари билан бир қаторда мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш соҳасида бевосита алоқалар, капитал чиқариш, хилма-хил молиявий муносабатлар ривожланди.

Бозор иқтисодиёти ривожининг бу босқичида айирбошлаш байналминаллашувига капиталнинг байналминаллашуви келиб қўшилди.

3-босқич:

Урушдан кейинги дастлабки ўн йилликда фан-техника революцияси таъсирида ишлаб чиқариш кучлари ривожида кескин сакраш юз берди.

Бундай шароитда рақобатга бардош бериш учун ишлаб чиқариш кўламларини анча ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиб уларни янада замонавийлаштириш зарур эди.

Ўз навбатида, йирик серияли, оммавий ишлаб чиқариш миллий чегаралар доирасидан чиқадиган янада катта бозорларни талаб этарди.

Бундай шароитда халқаро кооперациялар ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг фаоллашуви ортди. Предметли халқаро ихтисослашувдан деталли ихтисослашувга ўтиш яна ҳам сезила бошлади.

Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, мамлакатлар ўртасидаги ихтисослашувнинг бундай йўли янги, кенг кўламли муҳим жараён – ишлаб чиқаришни халқаро миқёсда умумлаштиришнинг ифодаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ишлаб чиқариш байнаминаллашувининг барча асосий шакл ва йўналишларини вужудга келтиради.

Булар: товарлар ва хизматларнинг миллий чегаралар орқали кўчиб юриши; капитал ва ишчи кучининг халқаро миграцияси; дунёнинг турли минтақаларида интеграциялашув жараёнлари.

Хусусиятлари

Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ҳар бир ҳолатда бир неча омиллар билан боғлиқ бўлган у ёки бу мамлакатнинг нисбатан устун томонларига асосланади.

Жаҳон иқтисодининг байнамилаллашуви жараёнининг ривожланиши билан мамлакатларнинг хўжаликлари ўртасидаги ўзаро боғликдик, уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилиниши янада ўсиб боради, бу эса улар ривожининг уйғунлашувига, уларнинг бир-бири билан яқинлашувига олиб келади.

Асосий шакллари ва йўналишлари

Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви – жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг муайян босқичи бўлиб, ўзаро боғлиқ икки жараённи ўз ичига олади: халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш ва ривожлантириш; миллатлараро халқаро ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви меҳнатни халқаро ихтисослаштириш, тақсимлашни чуқурлаштириш натижасидир. Айни ўша ишлаб чиқаришни халқаро миқёсда ихтисослаштириш ишлаб чиқариш кучлари байналминаллашувининг асосий шакллари ва йўналишларини келтириб чиқаради.

Асосий шакллари ва йўналишлари булар:

1) товарлар ва хизматларнинг миллий чегаралар орқали кўчиб юриши;

2) капитал ва ишчи кучининг халқаро миграцияси;

3) жаҳоннинг турли минтақаларидаги интеграцион жараёнлар.

Ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ҳар доим у ёки бу мамлакатда маҳсулотнинг муайян тури ишлаб чиқарилишидаги сарф-харажатлар билан боғлиқ нисбий афзаллик-

ларга таянади. Сарф-харажатлардаги нисбий афзалликлар доимий бўлмай, улар бир қатор ҳолатларга боғлиқдир.

Байналминаллашув жараённинг чуқурлашуви

❖ Жаҳон хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичларида товар ишлаб чиқариш устуворлик қилган бўлса, ҳозирги даврда жаҳон хўжалик алоқаларига бир миллий ишлаб чиқариш натижаларигина жалб этилмасдан, ишлаб чиқариш омиллари ҳам жалб этилмоқда.

❖ Замонавий жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашувини жадал ривожлантириш, технологияларни халқаро айирбошлаш, халқаро капитал ва ишчи кучи миграцияси жараёнлари такомиллашмоқда.

❖ Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналминаллашувини атроф-муҳитга таъсирининг ортиши, бу эса замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг ортишини келтириб чиқаради.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

Энг аввало, ишлаб чиқариш байналминаллашувининг чуқурлашуви. Ишлаб чиқариш байналминаллашуви истеъмол учун яратиладиган маҳсулотни тайёрлашда жаҳоннинг турли давлатлари ишлаб чиқарувчилари қатнашишини намоён қилади. Жаҳон савдосининг асосий қисмини ярим тайёр маҳсулотлар эгаллайди. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувида ТМК етакчи ҳисобланади;

капиталнинг байналминаллашувининг чуқурлашиши, яъни давлатларо халқаро капитал ҳаракатининг ўсиши, бунда энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) кўринишида, фонд бозорларининг байналминаллашуви.

Хўжалик хаёти байналминаллашуви XVI-XVII асрларда ишлаб чиқариш, XVIII-XIX асрларда ишлаб чиқаришнинг машинали усулларининг (улар орқали халқаро меҳнат тақсимоти ролининг кучайишига олиб келди) пайдо бўлиши хўжалик ҳаёти байналминаллашувининг муҳим дастлабки босқичларидир.

Товарлар ва хизматлар экспортига қўшимча бўлиб капитал чиқиши ва XIX аср охирида ТМК ва ишлаб чиқариш кооператив алоқаларининг шаклланиши бошидир.

Миллий ва жаҳон иқтисодиётларининг байналминаллашув даражаси кўрсаткичлари халқаро савдо ҳажми, капиталларнинг, ишчи кучининг чегаралар бўйлаб миграцияси ва уларнинг умумжаҳон ва миллий макроиқтисодий кўрсаткичларга муносабати билан боғлиқдир.

Глобаллашув байналминаллашувнинг пайдо бўлиши каби умумжаҳон хусусиятга эгадир. Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг бутун, ягона хўжалик тизимига айланиши, товарлар, хизматлар, инвестициялар, ишчи кучи ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари миллий бозорларининг умумлашиши глобаллашув натижасидир.

Трансмиллий деганда миллий "ота" компанияларнинг жаҳоннинг турли бурчакларида шўъба фирмалари ва филиаллари кўпайиши тушунилади. Трансмиллий корпорациялар (ТМК) иқтисодий глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди[28].

Глобаллашув жараёни – умумий бир атама бўлиб, бу жисмоний шахслар, корхоналар, институт ва бозорлар ўртасидаги мураккаб алоқалар мажмуасини англатади ва у товарлар, технологиялар ҳамда молиявий маблағлар оқимининг кенгайишида, шунингдек, фуқаролар жамияти халқаро институтлари таъсирининг, трансмиллий корпорацияларнинг глобал фаолиятининг кучайиши ва доимий ўсишида, минтақалараро коммуникация ва ахборотларнинг, энг аввало, Интернет орқали алмашиш миқёсининг, аҳамиятли тарзда кенгайишида намоён бўлади.

Глобаллашув жараёнининг бир нечта жиҳатлари билан фарқланади. Энг кучли боғлиқлик, айниқса, иқтисодий соҳада намоён бўлади ва глобаллашув жараёни тушунчасининг ўзи ҳам иқтисодий омилларга яқинлаштирилади.

Телекоммуникация тизимларининг ривожланиши халқаро молия тизимидаги жиддий ўзгаришлар билан бирга амалга ошди. Молиявий ландшафт анъанавий институционал тизимдан устувор телекоммуникацион тизимга қараб ўзгарди.

Ягона бир тармоққа боғланган фонд бозорларининг оммалашуви кўп миқдордаги пул маблағларини масофага

[28] Мировая экономика в век глобализации: Учебник /О.Т. Богомолов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. – С. 19-20.

боғлиқ бўлмаган равишда бир лаҳзада кўчириб ўтказишга имкон яратди. Кишилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, тезкор равишда, бевосита молиявий капитални олишга, молиявий операцияларни бажара олиш имкониятига эга бўладилар. Интернет банклар учун мижозларни кўпайтириш воситаларидан бирига айланди.

Глобаллашув жараёни – бутунжаҳон тарихининг қонуний босқичидир. У объектив бўлиб, инсон – субъекти онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш кучлари ўсишидаги асосга эгадир.

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёни, яъни узвий равишда ўзаро боғланган бир бутун жаҳон хўжалигининг шаклланиши тез суръатларда ривожланмоқда.

Глобаллашув жараёни шароитларида ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Шу сабабли, миллий доирадаги иқтисодий ривожланиш ва ташқи иқтисодий алоқалар бевосита бир-бирига узвий боғланиб қолади ва айнан бир жараённинг бўғинларини ташкил этади.

Техник ўзгаришлар, интеграциялашув жараёнлари, савдо ва капитал ҳаракатларининг либераллашуви, ривожланаётган бозорларнинг юзага келиши таъсири остида жаҳон иқтисодиёти тобора миллий иқтисодиётни ўз домига тортиб бораверади. Бу ерда сўз жаҳон савдосининг кенгайиши, капиталнинг ҳар хил шаклдаги ҳаракати, аҳоли ва ишчи кучининг миграцияси, ахборот алмашинувининг чуқурлашуви тўғрисида бормоқда.

Глобаллашув жараёни халқаро майдонда ҳамкорликни ҳам рақобатни уйғунлашуви ва кучайиши каби бирдек ўзида намоён этади. Бундан ташқари, рақобатлашаётган гуруҳлар ўртасидаги курашда ўз мавқеини мустаҳкамлаш бундай ҳар бир гуруҳ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кучларни бирлаштиришни ҳам талаб этади.

Баъзи ҳолатларда шундай бир қизиқ ва мантиққа тўғри келмайдиган вазиятлар ҳам юзага келадики, бунда жаҳон бозоридаги айнан бир субъектлар бир соҳада рақобатдош бўлсалар, бошқа бир соҳада ҳамкорлик қиладилар.

Глобал шароитларга мослашув натижасида ривожланган мамлакатлар жаҳон майдонидаги ўз иқтисодий ва сиёсий ҳолатларини янада мустаҳкамлаб олиш имкониятларига кўпроқ эга бўлдилар, кам ривожланган мамлакатлар (периферия ва ярим периферия лар) эса бу имкониятлардан унумли фойдаланиш катта саъйи ҳаракатларни талаб қилмоқда.

Глобаллашув жараёнлари миллий иқтисодий сиёсатга, унинг имкониятларини чеклаган ҳолда бевосита ўз таъсирини ўтказади, чунки халқаро ташкилотлар бир қатор қонун, ҳуқуқ ва мажбуриятларни унификациялаштириш (бирхиллаштириш)га интиладилар.

Глобаллашув жараёни бу жараёнга кучайтирувчи таъсир кўрсатиш мақсадида дунё саҳнасига янги кучларни етказиб беради ва бермоқда. Глобаллашув жараёни рақобат курашини кескинлашувидан иборат бўлиб, бунда устунлик нисбатан кучлироқ тарафда бўлади, бироқ у нисбатан кам ривожланган мамлакатлар аҳволини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш имкониятларини ҳам яратиб беради.

Умуман олганда, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнини ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган ва барча миллий иқтисодиётларни олға қараб ривожланишини таъминловчи бир бутун жаҳон иқтисодиётини шакллантириш сифатида кўриш мумкин.

Энг муҳими шундан иборатки, миллий иқтисодиётларни ривожлантирмай туриб тўлиқ миқёсдаги глобаллашувга эришиб ҳам бўлмайди. Бунда мамлакатни ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этмаслик жуда муҳим, балки глобаллашув жараёни давомида уларни амалга оширишга имкон яратиб беришга ёрдам бериш лозим.

Бу жараён мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини кучайтириш йўлларини авж олдириш босқичидир.

Ва, ниҳоят, глобаллашув жараёни турли мамлакатларнинг ҳамкорликдаги келишилган қарорларини ҳал этишга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларинигина эмас, балки глобаллашув домига тортилаётган Ер куррасидаги барча ҳудудларнинг турғун ривожланишини таъминлашга интилувчи у ёки бу ижтимоий манфаатларни шакллантиришга етаклаши лозим.

Мазкур жараён нақадар зиддиятларга тўла бўлмасин, унда ижобий ва салбий тарафлар нақадар чатишиб кетмасин, у барибир инсоният тараққиётини, уни бир зинапоядан бошқасига ҳаракатини акс эттиришини тан олиш лозим.

4.2. Глобаллашув назариялари

Глобаллашув жараёнини кўриб чиқишда учта асосий назариядан фойдаланилади[29]. *Жаҳон тизимлари назарияси.* Жаҳон тизимлари назариясига (world-systems theory) 1970-йилларда асос солинган. Бу назария тарафдорларининг фикрича, ҳозирги жаҳон тизими бирор-бир сиёсий-ҳуқуқий тузилма (давлат) ҳудудидан ташқарига чиқади.

Жаҳон тизимлари назарияси глобаллашувга бутун дунёда капитализмни кенг ёйиш жараёни сифатида қарайди. Бу бир неча юз йил давом этди ва XX аср охирида тугади. Бу назария тарафдорларининг фикрича, жаҳон тизими турли давлат ва маданиятларни ўз ичига олади, бироқ жаҳон бозори доирасида меҳнатни тақсимлашнинг ягона тизимига таянади.

Жаҳон тизимлари назарияси глобаллашувнинг бошқа концепцияларига қараганда бир қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, иқтисодий жараёнларни ўрганишга устуворлик берилади. Иккинчидан, бу назария замонавий ижтимоий фанда қарор топган илмий мактабни ўзида ифодалайди.

Жаҳон маданияти назарияси. Жаҳон тизимлари назариясидан фарқли равишда жаҳон маданияти назарияси (world culture theory) бир қанча асосий принципларни ўз ичига олади. Биринчидан, глобаллашув табиатини ўрганишда маданиятга устувор аҳамият берилади. Иккинчидан, шахс ва миллий ўзига хослик глобал маданият шаклланаётган шароитда қандай қилиб жон сақлаб қолади, деган савол бу назарияда асосий савол ҳисобланади.

Бу назарияда глобаллашув жараёни иштирокчилари "глобал қишлоқда" (global village) яшаш муаммосини қандай қилиб англаб етади деган савол алоҳида ўрин эгаллайди.

[29] Ashford N.A., Hall R.P. Technology, globalization, and sustainable development. Transforming the Industrial State. Yale University Press. 2011. – P. 185.

Бу назария инсоният қандай қилиб бирлашиш томон қадам ташлашини, глобаллашиб бораётган дунёда миллий маданиятлар қандай қилиб интеграциялашишини ўрганади.

Жаҳон бошқаруви назарияси. Жаҳон бошқаруви назарияси (world polity theory) бошқарувнинг универсал принципларига таянадиган глобал жамият шаклланишини ўрганади.

Бошқарув "глобал жамиятнинг" барча иштирокчилари (индивидлар, фуқаролик жамияти, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар) томонидан шаклланадиган ва уларнинг ўзини тутиши билан бошқариладиган замонавий қадриятлар тизимларини яратиш сифатида тушунилади. Бу тизимлар бошқарувнинг глобал моделларида ўз аксини топади.

Глобал капитализм назарияси (global capitalism theory). Бу назария капиталистик тизимда глобаллашув манбаларини кўрсатади. Сўз иқтисодий, сиёсий ва мадания соҳалардаги трансмиллий механизмлар ҳақида бормоқда.

Глобал иқтисодиётда трансмиллий корпорациялар (ТМК), сиёсий соҳада эса капиталистик трансмиллий синф (глобал сиёсат намояндалари) бош институт ҳисобланади.

Глобал капитализм назарияси тарафдорлари нафақат трансмиллий капиталга эга бўлган глобал трансмиллий корпорацияларни, балки халқаро капиталга эга бўлган халқаро ташкилотларни ҳам (Жаҳон банки, ХВЖ ва ҳоказолар) глобаллашувнинг иқтисодий кучларга киритади.

Улар ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларни, сиёсий партияларни глобал сиёсий элитага киритади. Глобаллашувнинг ҳар бир санаб ўтилган назариялари ўзининг муайян устуворликлари ва камчиликларига эга.

Жаҳон тизими назарияси глобаллашувнинг иқтисодий жиҳатига устуворлик беради, бироқ сиёсий ва маданий омилларнинг муҳимлилига етарли аҳамият бермайди.

Жаҳон маданияти назарияси, аксинча, глобаллашувнинг маданий омилларига, жаҳон бошқаруви назарияси иқтисодий омиллар ролига етарли эътибор бермай, сиёсий-ҳуқуқий омилларга устунлик беради.

Иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларни қамраб олишга интилишига қарамай, глобал капитализм назарияси ҳам бир

ёқлама хусусиятга эга, чунки бор эътиборни ягона сиёсий-иқтисодий тизим – капиталистик тизимга қаратади.

Ж. Стиглицнинг фикрича, давлат бозор орқали ҳал қилиб бўлмайдиган ишсизлик, атроф муҳит ифлосланиши муаммоларини ҳал этишда бош роль ўйнайди.

Глобал иқтисодий тизим реал воқеага айланган ва унинг қонунлари ҳамда ривожланиш шакллари жиддий ўзгаришни талаб қилади.

"Глобал иқтисодиёт тараққиётимизнинг кўп жиҳатларига таъсир кўрсатадиган ҳозирги замоннинг энг муҳим феноменини ифодалашини исботлайдиган қўшимча далиллар керак эмас", деб қайд этади О. Богомолов .

Назорат саволлари:

1. Жаҳон амалиётида халқаро корпорациялар деганда нима тушунилади?
2. Халқаро корпорацияларнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Маълум бир компания халқаро корпорация деб аталиши учун қандай кўрсаткичларга эга бўлиши керак?
4. Халқаро корпорациялар қачон вужудга кела бошлаган?
5. Халқаро корпорациялар шаклланиши нечта босқичда амалга ошган?

5-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ

Режа:

5.1. Глобал иқтисодиёт ривожланишининг умумий индикаторлари.
5.2. Ишлаб чиқаришнинг трансмиллийлашув индекслари.
5.3. Молиявий глобаллашув индекслари.

Таянч сўзлар: Ташқи савдо, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари, трансмиллийлашув, индекс, тараққиёт, инсон омили, таҳдид.

5.1. Глобал иқтисодиёт ривожланишининг умумий индикаторлари

Улар қаторига қўйдагилар киради. *Биринчидан,* "Инсон тараққиёти индекси" рейтингига жами 189 мамлакат киритилган бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг глобал иқтисодиётда тутган мавқеини белгилайди. Рейтингдаги давлатлар ўрни таълим даражаси, умрнинг ўртача узунлиги ва ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича белгиланади. Шунингдек, гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларининг кенглиги, экология ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳам ҳисобга олинган.

2018 йилда чоп этилган мазкур рейтингда инсон ривожланишинг энг юқори даражаси 59 мамлакатда қайд этилди. Рейтингда Норвегия биринчи ўринни эгаллади, Швейцария иккинчи ва Австралия учинчи ўринда қайд этилди, Россия (49-ўрин), Қозоғистон (58-ўрин), Туркманистон 108-ўринни, Ўзбекистон "Инсон тараққиёти индекси" юқори мамлакатлар қаторидан жой олди ва 105-ўринни эгаллади, Қирғизистон 122-ўринни ва Тожикистон 127-ўринни эгаллаган. Рўйхатни энг қуйи ривожланиш даражаси билан Жанубий Судан, Марказий Африк Республикаси ва Нигер якунлаган.

Иккинчидан, KOF версияси бўйича дунё мамлакатларининг глобаллашув индекси.

Дунё мамлакатларининг глобаллашув индекси (KOF Index of Globalization), Швейцария иқтисодиёт институти (KOF Swiss Economic Institute) томонидан аниқланади.

2002 йилда биринчи бор дунё мамлакатларининг глобаллашув индекси (KOF Index of Globalization) Швейцария иқтисодиёт институтининг (KOF Swiss Economic Institute) Швейцария технология институти (Swiss Federal Institute of Tecҳnology). ҳамкорлиги асосида яратилди. Ушбу индекс комплекс кўрсаткич сифатида у ёки бу мамлакатнинг дунё миқёсида интеграциялашиш кўламига баҳо бериб, унинг жиҳатлари бўйича бошқа мамлакатлар билан таққослаш имконини беради.

Лойиҳа муаллифлари глобаллашувга миллий чегараларни йўқотувчи, миллий иқтисодиёт, маданият, технология, бошқарув, шунингдек, одамлар, капитал, ғоя кабиларни ўз ичига олувчи турли хил оқимлар орқали боғланган мураккаб муносабатларни ва ўзаро алоқаларни вужудга келтирувчи жараён сифатида таъриф беришади. Бунга боғлиқ равишда индекс глобаллашувнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатларини ўз ичига олади.

Индекс доирасида тадқиқ қилинадиган барча мамлакатлар глобал интеграциянинг 3 та асосий гуруҳи таркибига киритилган 24 та кўрсаткич бўйича баҳоланади:

1. Иқтисодий глобаллашув – халқаро савдо ҳажми, халқаро тадбиркорлик фаолияти даражаси, савдо оқимлари, халқаро сармоялар, тариф сиёсати, халқаро савдога чеклов ҳамда божлар ва бошқалар.

2. Ижтимоий глобаллашув – маданий интеграциялашув даражаси, мамлакатдаги хорижий фуқаролар улуши, халқаро туризм, халқаро шахсий алоқалар, телефон трафиклари ҳажми, почта жўнатмалари, трансчегаравий пул ўтказмалари, ахборот оқимлари, ахборот-коммуникация инфратузилмасининг ривожланганлиги ва ҳоказолар.

3. Сиёсий глобаллашув – мамлакатнинг халқаро ташкилотларга аъзолиги, халқаро миссияларда иштироки (шу жумладан БМТ миссиялари), кўптомонлама халқаро битимларнинг ратификацияси, мамлакатдаги элчихоналар ҳамда чет эл ваколатхоналарининг сони ва бошқалар

Глобаллашув даражаси индекси юқорида кўрсатилганларга мос равишда қуйидаги 36 фоиз, 39 фоиз ва 25 фоиз коэффициентларнинг йиғиндиси сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ушбу тадқиқот қамраб олган барча мамлакатлар учун Глобаллашув индекси рейтинги тузилади. Мазкур рейтинг уларнинг тадқиқ қилинаётган бошқа мамлакатлар орасидаги ўрнини аниқлаб беради.

Индексни шакллантиришда манба сифатида Жаҳон Банки, Халқаро валюта жамғармаси, БМТ, Халқаро телекоммуникация иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда статистика институтлари маълумотларининг ихтисослаштирилган базаларидан фойдаланилади. Глобаллашув индекси бўйича 2013 ва 2016 йилларда биринчи ўнталикда ўрин олган мамлакатлар рўйхати – жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Глобаллашув индекси бўйича дунё мамлакатлари рейтинги (2013, 2016 йиллар)

№	2013 йил		№	2016 йил	
	Мамлакат	Индекс		Мамлакат	Индекс
1	Бельгия	92,30	1	Швейцария	89,35
2	Ирландия	91,79	2	Нидерландия	89,14
3	Нидерландия	91,33	3	Бельгия	88,95
4	Австрия	89,48	4	Швеция	88,17
5	Сингапур	88,89	5	Буюк Британия	87,20
6	Дания	88,12	6	Дания	86,99
7	Швеция	87,63	7	Австрия	86,40
8	Португалия	87,07	8	Германия	85,30
9	Венгрия	86,85	9	Франция	85,19
10	Швейцария	86,28	10	Финландия	85,13
	Шу жумладан:				
82	Қозоғистон	58,04	81	Қозоғистон	64,39
87	Қирғизистон	56,12	86	Қирғизистон	63,14
54	Тожикистон	40,79	163	Ўзбекистон	46,93
70	Туркманистон	36,06	67	Тожикистон	46,36
74	Ўзбекистон	34,41	84	Туркманистон	42,02

Манба: *http://gtmarket.ru/ratings/kof-globalization-index/info*

Учинчидан, глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index) Колумбия университети профессори Ксавье Сала-и-Мартин (Xavier Sala-i-Martin, Columbia University) тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Жаҳон иқтисодий

форуми (World Economic Forum) 2004 йилдан бошлаб аниқланиб келмоқда[30]. Жаҳон иқтисодий форуми фикрича, мамлакатнинг рақобатбардошлиги давлатнинг ва унинг институтларини барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаб бериши билан белгиланади. Институционал омиллар билан биргаликда таълим ва ишчи кучининг малакасини ошириш, янги технологиялар ва билимларга эга бўлиш ҳам асосий омиллар сифатида эътиборга олинади.

Жаҳон иқтисодий форуми тадқиқотларига кўра, мамлакатларнинг рейтинги иккита индекс билан аниқланади:

✓Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index, GCI);

✓ Бизнесни рақобатбардошлик индекси (Business Competitiveness Index, BCI).

3-жадвал

Глобал рақобатбардошлик индекси, 2017-2018 йил

Рейтинг	Мамлакат	Индекс
1	Швейцария	5,9
2	АҚШ	5,9
3	Сингапур	5,7
4	Нидерландия	5,7
5	Германия	5,7
6	Гонконг	5,5
7	Швеция	5,5
8	Буюк Британия	5,5
9	Япония	5,5
10	Финляндия	5,5
Шу жумладан:		
38	Россия	4,6
57	Қозоғистон	4,3
79	Тожикистон	4,1
102	Қирғизистон	3,9

Манба: *http://gtmarket.ru/ratings/kof-globalization-index/info*

Глобал рақобатбардошлик индекси 113 та кўрсаткичдан иборат бўлиб, турли ривожланиш даражасида турган мамлакатларнинг рақобатбардошлигини батафсил ёритиб беради. Барча кўрсаткичлар 12 та гуруҳга киритилган:

[30] Индекс глобальной конкурентоспособности. http://gtmarket.ru/ratings/global-competitiveness-index/info

1. Институтлар сифати.
2. Инфратузилма.
3. Макроиқтисодий барқарорлик.
4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим.
5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик.
6. Товар ва хизматлар бозорининг самарадорлиги.
7. Меҳнат бозорининг самарадорлиги.
8. Молия бозорининг ривожланганлик даражаси.
9. Технологик ривожланганлик даражаси.
10. Ички бозорнинг ҳажми.
11. Корхоналарнинг рақобатбардошлиги.
12. Инновацион салоҳият.

5.2. Ишлаб чиқаришнинг трансмиллийлашув индекслари

Жаҳон банкининг "Doing Business-2018" рейтингида Ўзбекистон 87-ўриндан 74-ўринга кўтарилди ва ишбилармонлик иқлимини яхшилаш бўйича дунёнинг етакчи давлатлар қаторидан жой олди[31].

UNCTAD методологиясига кўра, ТМКларни ишлаб чиқаришининг трансмиллийлашуви қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

FA – ТМКларнинг хорижий активлари;

TA – ТМКлар активлари;

FS – ТМКларнинг хориждаги сотувлар ҳажми;

TS – ТМКларнинг сотув ҳажми;

FЭ – ТМКларнинг хорижадаги ҳодимлар сони;

ТЭ – ТМКларнинг ҳодимлар сони;

FAF – ТМКларнинг хориждаги филиаллари;

TAF – ТМКларнинг жаҳондаги филиалларининг умумий сони.

Ушбу кўрсаткичлар асосида ТМКларнинг хориждаги фаолияти баҳоланади.

1. ТМКнинг транмиллийлашув индекси (TNI – transnationality index):

$$TNI = (FA/TA+FS/TS+FЭ/TЭ) / 3 \blacksquare 100 \text{ фоиз. (1)}$$

[31] Узбекистан поднялся с 87 на 74 место в новом рейтинге Всемирного банка Doing Business-2018 http://uz24.uz/economics/uzbekistan-podnyalsya-na-13-poziciy-v-reyting-doing-business

2. Байналминаллашув индекси (II - internationality index):

$$II = (FAF/TAF) \blacksquare 100 \text{ фоиз.} \quad (2)$$

3. Филиал тармоқларининг кенглиги индекси (NSI - network spread index):

$$NSI = N/(N^*-1) \blacksquare 100 \text{ фоиз,} \quad (3)$$

Бу ерда:

N – турли тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар сони;

N – ТМКлар филиаллари мавжуд бўлган мамлакатлар сони.

5.3. Халқаро рейтинг ва индексларда Узбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш

Иктисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Узбекистон Республикасининг шрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавкеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш мақсададида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ-8756-сонли Фармони "Халқаро рейтинг ва индексларда Узбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида" қабул қилинди.

Фармонда:

халқаро рейтинг ва индексларнинг маълумот базаларидан фойдаланиш, зарур ахборот материалларини олиш, ушбу рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро эксперт, маслаҳатчи ва мутахассисларни жалб килиш;

халқаро эксперт, маслаҳатчи ва мутахассислар билан тўғридан-тўғри ишлаш, уларни республикага таклиф килиш ва олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами билан яқиндан таништиш, чет элда соҳага оид тадбирларда мутахассислар иштирок этиши, давра суҳбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкиллаштиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси вазирлик ва идоралар томонидан максадли кўрсаткичларга

эришиш учун устувор йўналишларни белгилаш ва амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш юклатилган.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида 2018 йил 21 сентябрда, ПФ-5544-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифаси сифатида мамлакатимизнинг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш белгиланган.

Экологик хавфсизлик, энергия самарадорлиги ва ресурс тежамкорлигининг юқори даражаси тегишли инновацион талабни шакллантиришни тақозо этмоқда. Муаммонинг ушбу жиҳати қатор халқаро рейтинглар ҳам тасдиқлайди, жумладан улардан энг нуфузлиларидан бири – Соф технологиялар глобал индекси (Тҳе Global Cleantech Innovation Index). Мазкур индексни шакллантиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида инновациялар билан шуғулланувчи компаниялар қайси мамлакатларда энг фаол ҳаракат қилиши ва уларнинг маҳсулоти қандай қилиб бозорда ўз ўрнини топиши масаласини тадқиқ қилади.

Назорат саволлари:

1. The Global Cleantech Innovation Index кўрсаткичлари қайси соҳага тегишли?
2. Экологик хавфсизлик ўлчовлари қайси кўрсаткичлар билан аниқланади?
3. Ишлаб чиқаришнинг трансмиллийшув индекслари қандай аниқланади?
4. Молиявий глобаллашув индексларини изоҳлаб беринг.
5. Ишлаб чиқаришнинг трансмиллийшув индекслари ва уларнинг моҳияти.
6. Ташқи савдо, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг индексларига изоҳ беринг.

6-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Режа:

6.1. Халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ва уларнинг фаолият йўналишлари.

6.2. Минтақавий иқтисодий бирлашмалар.

6.3. Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар (G7, G20 ва бошқалар).

Таянч сўзлар: *Халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, Минтақавий бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар, ноҳукумат нодавлат ташкилотлари, институционал омиллар, иқтисодий сиёсат, барқарор ривожланиш.*

6.1. Халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ва уларнинг фаолият йўналишлари

Институционал жиҳатлар. Кенг маънода, "институтлар" – бу ижтимоий маконга тааллуқли тузилмаларнинг бир кўриниши бўлиб, жамият ҳаётининг мазмунини акс эттиради. Институтларнинг муҳим хусусиятлари қуйдагилардан иборат:

жамиятдаги асосий иқтисодий субъектларнинг рағбатлантирувчи омилларини белгилаб беради;

жисмоний ва инсон капиталини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, замонавий технологияларни жорий этишга, ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмак беради;

самарали макроиқтисодий, ташқи иқтисодий, инвестицион ва саноат сиёсатини шакллантиришига таъсир кўрсатади;

мамлакатнинг барқарор ривожланишида ва рақобатдошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Э. Махмудов фикрига кўра, институт атамаси (лотин тилида institutum – тартибот, муассаса) қуйидаги мазмунларга эга: илмий-тадқиқот муассасалари, турли ихтисослашган ўқув муассасалари, жамиятнинг ижтимоий тузилмасига мувофиқ бўлган муайян муассасалар мажмуи, турғун ижтимоий

муносабатларнинг шаклларини белгилаб берувчи ижтимоий меъёрлар ва маданият намуналари мажмуи[32].

Ҳозирги пайтда халқаро ташкилотларнинг роли кучайиб бормоқда. Уларнинг халқаро муносабатларда ва жаҳон сиёсатида тутган ўрнига, мақсад ва вазифаларига қараб бир неча гуруҳга ажратиш мумкин[33]:

1. *Ихтисослашган халқаро ташкилотлар:* БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари, жумладан, ЮНЕСКО (таълим, фан ва маданият), ФАО (озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги), ЮНИДО (саноат тараққиёти), ЮНКТАД (савдо ва ривожланиш), ЖССТ (соғлиқни сақлаш), ЮНЕП (атроф муҳит бўйича), ЮНИСЕФ (болалар масаласи), Ислом хамкорлик ташкилоти ва бошқалар.

2. *Минтақавий халқаро ташкилотлар:* Европа Иттифоқи, МДҲ, ШҲТ (Шанхай ҳамкорлик ташкилоти), АСЕАН ва бошқалар.

3. *Иқтисодий халқаро ташкилотлар:* Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ЕТТБ (Европа тикланиш ва тараққиёт банки), ОТБ (Осиё тараққиёт банки), ИТБ (Ислом тараққиёт банки) ва бошқалар.

Глобаллашув даврининг яна бир ўзига хос хусусияти, XX асрда глобал иқтисодиётнинг янги механизмлари ва институтлари пайдо бўлди, уларсиз бугун глобал иқтисодиётнинг фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон Банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Базелдаги Халқаро ҳисоб-китоблар банки, БМТнинг минтақавий иқтисодий комиссиялари, "Катта еттилик – G7" ва "Катта йигирматалик – G20"ларнинг мунтазам учрашувлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСD) ҳамда бир қатор бошқа институтлар шулар жумласидандир[34].

Глобаллашув миллий иқтисодиётларни жаҳон иқтисодиёти билан бирлашиши орқали технология, ишлаб

---

[32] Mahmudov E.R. Zamonaviy iqtisodiy tizimlar. Jahon iqtisodiyoti va diplomatiyasi universiteti. Darslik. Toshkent. 2011. – 14-bet.

[33] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг БМТ Саммитининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент. 2010. (Электрон ресурс).

[34] Мировая экономика в век глобализации: Учебник / О.Т. Богомолов – М.: ЗАО "Издательство "Экономика", 2007. – С. 27/

чиқариш, молия ва истеъмол бозорларини қамраб олади. Иккинчи жаҳон уруши 1945 йил ниҳоясига етганда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий томондан халқаро бирлашув тарафдорлари кўпайди.

Шу сабабли? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ташкил этилиб, Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВМ-IMF), Жаҳон Банки ва Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) жаҳон иқтисодиётида бозор асосларини ишлашини таъминлаш мақсадида шакллантирилди.

БМТнинг 1944 йил АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида ўтказилган халқаро валюта-кредит масалалари бўйича конференциясида БМТнинг ихтисослашган органи сифатида Халқаро валюта жамғармасини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди. Унинг вазифаси халқаро ва миллий валюта-молия тизимини қайта тиклаш ва барқарорлаштириш эди. Шунингдек, бу конференцияда инвестициялаш ва кредитлаш фаолиятини кенгайтиришда хусусий капиталнинг ҳам иштирок этиши учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳам таъсис этилди. Мана шу воқеа халқаро молия муассасаларининг вужудга келишининг дебочаси бўлди.

Глобал иқтисодиётда халқаро иқтисодий ташкилотларни қамрови жиҳатидан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ БМТ доирасида фаолият олиб борадиган халқаро иқтисодий ташкилотлар бўлиб, уларга БМТга аъзо бўлган барча мамлакатлар аъзо бўлиши мумкин ва бирор-бир географик чегаралашга тобе эмас. Жаҳон Банки, ХВЖ, WTO, UNCTAD, UNDP (БМТнин Тараққиёт дастури), FAO (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) каби ташкилотлар бунга мисол бўлади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар маълум бир гуруҳ мамлакатларнингина аъзо бўлиши мумкин бўлган ташкилотлардир. Чунки булар минтақа базасида иқтисодий бирлашма ёки ҳамкорлик хусусиятига эга ташкилотлардир.

Ушбу ташкилотлар доирасига Европа Иттифоқи, НАФТА ва бир қатор бошқа минтақавий интеграцион ташкилотлар киради. Улар қаторига Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ), маълум бир маҳсулот ишлаб чиқариб экспорт қилувчи

(масалан, нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти – ОРЭС), Араб валюта жамғармаси ёки маълум бир географик минтақада жойлашиши (Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти) каби баъзи ташкилотлар киради.

Бугунги кунда глобал иқтисодиётда халқаро мақомга эга бўлган бир нечта минтақавий кредит ташкилотлари фаолият кўрсатади. Мазкур ташкилотлар, асосан, ҳудудлар миқёсида фаолият кўрсатса-да, кейинги йилларда уларнинг ҳудуд доирасидан ташқарида ҳам фаоллиги ортиб бормоқда. Ушбу ташкилотлар қаторига қуйидагилар киради: Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Америкалараро тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб йирик минтақавий банкларнинг пайдо бўлишига бир қанча сабаблар таъсир кўрсатди. Ушбу сабаблар ички ва ташқи омиллар таъсирида вужудга келган. Ички сабабларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- мустамлакалар тизимининг парчаланиши;
- ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ривожланишидаги ўрнининг ортиши ва уларнинг янги иқтисодий тартиб учун курашининг кучайиши;
- минтақага хос бўлган махсус вазифаларини ечишга бўлган эҳтиёжи;
- хорижий рақобатга қарама-қарши туриш ва миллий иқтисодиёт муаммоларини биргалашиб, келишилган ҳолда ечиш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳудудий ҳамкорлиги ва иқтисодий интеграциялашувини ривожлантириш ва бошқалар.

Ташқи сабаблар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- глобаллашув жараёнлар билан биргаликда минтақавийлашув жараёнларнинг кучайиши;
- глобал иқтисодиётда мавжуд бўлган мураккаб қалтисликлар ва таҳдидларга биргаликда қарши чора-тадбирларни амалга ошириш ва кенг қамровли хамкорликни ривожлантириш.

Жаҳондаги халқаро молия ташкилотларини қамров нуқтаи назаридан уч турга бўлиш мумкин бўлиб, улар:

- глобал (жаҳон миқёсидаги) ташкилотлар, буларга Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон Банки гуруҳи ва бошқалар киради;
- минтақавий ташкилотлар, мисол учун, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва ҳоказо;
- ихтисослаштирилган ташкилотлар, масалан, Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқалар.

6.2. Минтақавий иқтисодий бирлашмалар

Маълумки, глобаллашув – яхлит жаҳон хўжалигининг шаклланиши, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациялашувининг жадаллашиши натижасида миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига чуқур боғлиқлиги, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, унинг кенг трансмиллийлашиши жараёнини англатади. Минтақавий интеграциялашув эса унинг муҳим босқичларидан биридир.

Шу жиҳатдан, *глобаллашув ва минтақалашув ўзаро боғлиқ жараёнлардир.* Глобал даражада тартибга солиб бўлмайдиган иқтисодий ҳамкорлик муаммолари минтақавий интеграция доирасида тобора кўпроқ ҳал этилмоқда. Жаҳоннинг у ёки бу қисмига тааллуқли бўлган ва муайян умумийликка эга бўлган бир гуруҳ мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ва алмашинувнинг преференциал шарт-шароитлари ўрнатилиши, бошқача айтганда, хўжалик ҳаётининг минтақалашув жараёни замонавий глобал иқтисодиётига хос хусусиятдир. Минтақавий асосда тобора кўпроқ халқаро иқтисодий иттифоқлар ва бирлашмалар пайдо бўлмоқда, улар доирасида миллий хўжаликлар ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда[35].

"Иқтисодий интеграция" атамаси XX асрнинг 30-йилларида немис ва шведиялик иқтисодчиларнинг асарларида пайдо бўлди, бироқ бугунги кунда унинг бир нечта ўнлаб таърифлари мавжуд.

[35] Мировая экономика в век глобализации: Учебник/О.Т. Богомолов – М.: ЗАО "Издательство "Экономика", 2007. – С. 26.

"Integratio" сўзи лотин тилидан таржима қилинганда бирлашиш, тўлдириш, "integrare" – яхлитга айлантириш маъносини англатади. Шундай қилиб, интеграция – қисмларни муайян яхлитликка умумлаштириш, бирлаштириш жараёнидир.

ХИМ соҳасига татбиқан.

"Халқаро иқтисодий интеграция" деганда бир қатор мамлакатлар такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг босқичма-босқич бирлашишига олиб борадиган, миллий хўжаликлар ўртасида чуқур барқарор ўзаро муносабатлар ва меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш байналминаллашувининг юқори даражаси тушунилади[36].

Минтақавий иқтисодий интеграция – бир нечта мамлакатларнинг минтақавий даражадаги қўшма фаолиятини кўзда тутади, улар иқтисодиётини у ёки бу турдаги ягона минтақавий хўжалик мажмуасига бирлаштиришга олиб боради.

Бироқ муаммо "бирлаштириш", "умумлаштириш", "яхлитлик" тушунчаларига қандай мазмун киритилаётганидан иборат.

Таниқли француз иқтисодчиси Р. Арон таъкидлаганидек: "Агар товарлар, капитал ва инсонларнинг муайян миқдордаги иқтисодий бирликлар ўртасидаги ҳаракати мазкур бирликлардан ҳар бирининг ичидаги каби эркин амалга оширилса, у ҳолда ушбу бирликлар умумлаштирилган".

Интеграциялашаётган мамлакатлар ўртасида товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг тўлиқ эркинлаштирилиши натижасида ташкил топадиган ягона иқтсодий макон рақобатдош фирмалар сонини ошириш ва "миқёс иқтисодиёти"нинг кўп сонли самараларидан фойдаланишга имкон беради.

Интеграцияга оддийдан мураккабга қараб ривожланаётган жараён сифатида қараш унинг шакл ва босқичларининг таснифланишини амалга оширишга имконини беради. Бу ўринда, турли халқаро иқтисодий ташкилотлар асос сифатида қабул қилган Б. Баласса назарий ёндашуви классик таснифга

[36] Alimov A.M. Globallashuv va mintaqaviy iqtisodiy integratsiya jarayonlari. O'quv qo'llanma. Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2016. – 96 b.

айланди. Б. Баласса, энг аввало, ҳамкорлик ва интеграцияни фарқ қилишни таклиф этди. Агар ҳамкорлик жараёни турли хилдаги камситишларни камайтиришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатларнинг амалга оширилишини билдирса, у ҳолда интеграция жараёни камситишларнинг бартараф этилишини кўзда тутади. Б. Баласса *интеграциянинг бешта асосий шаклларини* (интеграцион келишув турларини) фарқлайди. ЕИ ва бошқа интеграцион гуруҳларнинг муайян тажрибаси орқали киритилган мазкур назариянинг замонавий модификацияларини ҳисобга олган ҳолда, уларни кўриб чиқамиз.

Интеграцион келишувларнинг асосий турларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- эркин савдо зонаси (*free trade zone*);
- божхона иттифоқи (*customs union*);
- умумий бозор (*common market*);
- иқтисодий иттифоқ (янада етук шаклда иқтисодий ва валюта иттифоқи: *economic and monetary union*);
- тўлиқ иқтисодий ва сиёсий интеграция.

Ажратилган турлардан ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

Эркин савдо зонаси. Бу ҳолатда келишув иштирокчилари бир-бирларига нисбатан божхона тарифлари ва квоталарни бекор қиладилар. Шу билан бирга эркин савдо зонасининг ҳар бир иштирокчиси учинчи мамлакатларга нисбатан ўзининг хусусий ташқи савдо сиёсатини юритиш ҳуқуқини сақлаб қолади. НАФТАда шундай турдаги интеграция шаклига ёрқин мисол бўла олади.

Божхона иттифоқи. Унинг эркин савдо зонасидан асосий фарқи шундаки, божхона иттифоқи иштирокчилари нафақат ўзаро савдода тариф ва квоталарни бекор қилишади, балки учинчи мамлакатларга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсатини юритишади. Божхона иттифоқи бир нечта божхона ҳудудларини биттаси билан алмаштиришни кўзда тутади. Бунда ички чегаралардаги божхона хизматлари соддалаштирилади, уларнинг функциялари эса ягона божхона ҳудудининг ташқи чегараларидаги тегишли хизматларга ўтказилади. 1968 йилдан бошлаб Европа иқтисодий ҳамжамияти (кейинчалик Европа

иттифоқига айлантирилган), шунингдек МЕРКОСУР, ЕврОсИҲ беш мамлакатида (Россия, Белоруссия, Козоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) шаклланаётган Божхона иттифоқи ушбу шаклга мисол бўла олади. Интеграциянинг бу босқичида товар оқимлари сезиларли даражада ўзгаради, келишувнинг иштирокчи мамлакатларидан импорт қилиш ўсади, маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол таркибида ўзгаришлар содир бўлади.

Божхона иттифоқи мантиқан етарли даражада тугалланган шакл ҳисобланади. Шу билан бирга, ташқи савдо билан чекланган ҳолда, у ривожланиши савдо-иқтисодий уюшмаларнинг янада мураккаб шаклларига ўтиш эҳтиёжини туғдирадиган ички зиддиятларни ўз ичига олади.

Умумий бозор. Божхона иттифоқи доираларига қўшимча сифатида, мазкур шакл барча ишлаб чиқариш омилларининг иштирокчи-мамлакатлар ўртасидаги эркин кўчиши йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилишини кўзда тутади. Айтилганларнинг барчаси миллий қонунчилик, стандартларнинг яқинлашиши, интеграция институционал асосларининг ривожланиши, бирлаштириш жараёнларини умумий бошқариш органларининг шаклланишини англатади.

Умуман олганда, мамлакатларнинг муайян гуруҳи ичида ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати жами ресурслардан янада оқилона фойдаланиш меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг ривожланиши, ишлаб чиқариш тузилмаларининг мақбуллашиши ва ишлаб чиқариш миқёсларининг ортишидан иқтисод қилиш омилидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам бериши лозим. Шу билан бирга умумий бозор таркибига кирадиган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатидаги тафовутлар бунга тўсқинлик қилади. Бу ҳолат Миллий иқтисодиётни тартибга солишда келиб чиқадиган барча салбий оқибатлар зиддиятларнинг мавжудлигига йўл қўяди. Натижада савдо-иқтисодий иттифоқларнинг янада мураккаб шаклларига ўтиш шароитидагина ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммо пайдо бўлади.

Иқтисодий иттифоқ. Мазкур шакл иштирокчидан юқорида таъкидланган зиддиятларнинг мамлакатлар юритаётган иқтисодий сиёсатнинг турли соҳаларида келишиш

йўли билан бартараф этилишини кўзда тутади. ЕИ доирасида ягона қишлоқ хўжалиги сиёсати, келишилган саноат, энергетика, транспорт, минтақавий, ижтимоий, илмий-техник сиёсат юритилиши, бунга ёрқин мисолдир.

Шунга эътибор қаратишимиз керакки, иқтисодий сиёсат борасида келишув жараёни муайян даражага етгач, у ўз мантиғига бўйсуна бошлайди ва агар мамлакат ўз иқтисодиётининг юқори даражадаги очиқлиги билан тавсифланса, янада кенг доирадаги масалаларни қамраб олган яқин боғлиқликни талаб этади. Мазкур жараён мажмуавий ва янада мураккаб шакл – иқтисодий ва валюта иттифоқи доирасида ўзининг муайян мантиқий якунига етиши мумкин.

Валюта иттифоқи — ягона марказий банкнинг ташкил этилиши, ягона валютанинг жорий этилишини ўз ичига олган ягона минтақавий валюта тизимини яратишдир. Бунда ягона валюта-кредит ва мувофиқлаштирилган микроиқтисодий сиёсат борасида келишувлар қарор топиши таъминланади.

Тўлиқ иқтисодий ва сиёсий интеграция. Мазкур ҳолатда ягона бозор маконини яхлит иқтисодий ва сиёсий тузилмага айлантириш ҳақида сўз боради. Бу нафақат келишув, балки битта шаклга келтирилган, деярли ягона иқтисодий сиёсат, қонунчилик базасини тўлиқ бир асосга келтиришни кўзда тутади.

Бу босқичда халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг янги кўп миллатли субъекти пайдо бўлади ёки аста-секин шаклланади, ягона федератив ёки конфедератив давлатни қарор топтиришга бўлган ҳатти-ҳаракатлар содир бўлади.

6.3. Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар (G7, G20 ва бошқалар)

Глобал иқтисодиётда муҳим институционал тузулмалар сифатида "Катта еттилик " гуруҳи (G-7), "Катта йигирмалик" гуруҳи (G-20) келтириш мумкин. G-7 (Great 7 – Катта еттилик) Япония, канада, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия каби мамлакатлардан ташкил топган. Аслида "Катта еттилик" расмий мақога эга эмас: унинг котибияти ҳам, бошқарув идоралари ҳам йўқ. G-7 томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳам мажбурий кучга эмас. Бироқ, еттита иттифоқдош мамлакатлар уларнинг муштарак манфатларига хизмат қилувчи қатьий ва бузилмас ёзилмаган тартиб-қоидаларга бўйсунади.

"Катта йигирмалик" гуруҳи (G-20) 1999 йилда глобал иқтисодиётдаги асосий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу гуруҳ таркибига ялпи ички маҳсулоти ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 90 фоизини ташкил этадиган 20 та ривожланган ва ривожланаётган давлатлардан иборат: Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, Жанубий Африка Республикаси, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи.

"Катта йигирмалик" гуруҳи фаолияти глобал молиявий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, шу жумладан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу борадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш мақсадида бир неча саммитлар ўтказди:

АҚШ (Вашингтон, 2008 йил ноябрь; Питтсбург, 2009 йил сентябрь);

Буюк Британия (Лондон, 2009 йил апрель);

Канада (Торонто, 2010 йил июнь);

Жанубий Корея (Сеул, 2010 йил ноябрь) ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон хўжалигининг ривожланиш босқичларига тавсиф беринг, уларнинг фарқланувчи ва ўхшаш томонлари нимада?
2. Халқаро иқтисодий интеграция атамасини таърифлаб беринг ва унинг моҳиятини очиб беринг.
3. Иқтисодий интеграция шарт-шароитлари ва мақсадлари қандай?
4. Глобал ва минтақавий инграциялашув нима? Миллий фирма ва компаниялар мамлакат интеграциялашув жараёнларига қатнашувидан қандай зарар ёки фойда кўришлари мумкин?
5. "Янги минтақалашув" нимани англатади? Нега у кўпгина ҳолларда "стратегик минтақалашув" деб аталади?
6. Мегаминтақавий интеграциянинг намоён бўлиш шаклларини айтиб беринг. Жаҳоннинг етакчи макроминтақаларини санаб беринг. Улар АҚШ ва глобал рақобатнинг бошқа марказларининг геоиқтисодий манфаатлари билан қандай боғлиқ?

7-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ: МАНБАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Режа:

7.1. Глобал молиявий ресурслар тушунчаси, жамғармалар ва инвестициялар капитал манбаи сифатида.

7.2. Молиявий ресурслар оқими.

7.3. Глобал иқтисодиётда суверен фаровонлик жамғармалари.

7.4. Жаҳон молия ресурсларининг глобаллашуви.

7.5. Глобал молия тизимининг архитектураси.

Таянч сўзлар: *молиявий ресурслар, жамғармалар, инвестициялар, суверен фаровонлик жамғармалари, молиявий глобаллашув, молия тизими.*

7.1. Глобал молиявий ресурслар тушунчаси, жамғармалар ва инвестициялар капитал манбаи сифатида

Жаҳон молияси тузилиши. Иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келган халқаро валюта-молия тизими айрим жамоавий келишилган принциплар ва халқаро молия институтлари ҳаракати асосида халқаро ҳисоб-китоблар ва кредит муносабатларининг глобал ташкилотини ўзида ифодалайди. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон Банки бу тизимда муҳим бўғинлар ҳисобланади.

1944 йилдаги Бреттон-Вудс конференциясида урушдан кейинги жаҳон валюта тизимига асос солинди. Ушбу конференцияда жаҳон валюта тизимининг асосий қоидалари белгилаб берилди ва ХВЖ ҳамда Жаҳон Банки ташкил этилди.

Бреттон-Вудс конференциясида иштирок этган 45 та мамлакат иккала халқаро молия институтининг дастлабки таъсисчилари бўлди.

Халқаро валюта жамғармаси валюта курсларини тартибга солиш қоидаларини белгилаш ва уларга риоя этишни назорат қилиш орқали жаҳон савдосини ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида таъсис этилди.

Бошқача айтганда, жамғарма тўловларнинг кўп томонлама тизимини ривожлантиришга қаратилган. Тўлов балансини тенглаштириш ва валютани барқарорлаштиришда қийинчиликларни бошидан ўтказаётган мамлакатларнинг расмий органларига кредит ёрдамини беришдан иборат яна бир муҳим функция унинг зиммасига юкланди.

Ҳар бир мамлакатга унинг иқтисодий салоҳиятига мувофиқ квота бириктирилади, у тўланиши лозим (асосий миллий валюта билан ва қисман қаттиқ валюта ва олтин билан) ва унга мувофиқ жамғарма аъзоларининг овози қарорлар қабул қилишда тақсимланади, шунингдек жамғарма ресурсларидан фойдаланиш миқдори белгиланади.

ХВЖ ислоҳотлари молия ва валюта инқирозларини енгиб ўтишга доир чора-тадбирларга қаратилади. Ундан глобал молия бозорини ва капиталлар ҳаракатланишини тартибга солиш талаб этилади, бунинг натижасида глобал молия бозори нобарқарорлиги камайиши ва энг заиф мамлакатлар ва аҳоли қатламлари йўқотишлардан ҳимоя қилиниши лозим.

Жаҳон Банки ўзаро бир-бири билан боғланган молия институтлари бирлашмасини ифодалайди. Унда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) асосий бўғин ҳисобланади. ХВЖ аъзоларигина унинг аъзолари бўлиши мумкин, пул ресурслари эса ривожланган мамлакатларнинг бюджет маблағларидан ва жалб этилган капиталлардан, шу жумладан облигация заёмлари чиқариш орқали жалб этилган капиталлардан ҳамда ўз даромадларидан шаклланади. ХВЖдан фарқли равишда Жаҳон Банки аъзо мамлакатларга кўпинча ҳукумат кафолатлари остида аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар беради. Унинг фаолияти кўпинча ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодиёти ўтиш босқичида бўлган мамлакатларга татбиқ этилади.

Ривожланаётган мамлакатларга 50 йилгача бўлган муддатга йиллик 0,75 фоизли имтиёзли кредитлар берадиган Халқаро тараққиёт уюшмаси, ҳукумат кафолатларисиз юқори рентабелли хусусий секторга инвестициялар киритадиган Халқаро молия корпорацияси ва инвестицияларни сиёсий хатарлардан кўп томонлама кафолатлайдиган Инвестициялар кафолатлари бўйича халқаро агентлик Жаҳон Банкига киради.

Глобал молиявий бозор (ёки глобал молиявий ресурслар) – жаҳон молиявий оқимлари тизими бўлиб, кўпинча қимматли қоғозлар, асосан етакчи трансмиллий корпорациялар ва фирмаларнинг акциялари билан олди-сотди битимлар амалга ошириладиган саноати ривожланган мамлакатларнинг фонд биржаларида намоён бўлади. Умумжаҳон молия бозорини шакллантириш глобаллашув жараёнининг асосий ифодаси ҳисобланади.

Глобал молия бозори жаҳон хўжалик алоқалари тизимида айланадиган товарлар ва хизматлар оқимларига нисбатан муайян мустақиликка эга замонавий глобал иқтисодиётнинг муҳим секторини ўзиди ифодалайди.

Глобал молия бозори эркин конвертация қилинадиган валюталар асосида фаолият кўрсатадиган саноати ривожланган етакчи мамлакатларнинг фонд биржаларидан, четдаги молия бозори эса конвертация қилинмайдиган мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозорларидан иборат.

Нью-Йорк фонд биржаси (1792 йилда асос солинган), Токио, Лондон фонд биржаси (1773 йилда асос солинган), Франкфурт, Амстердам фонд биржаси (жаҳондаги энг қадимий биржа, 1602 йилда асос солинган), Цюрих, Гонконг фонд биржаси ва бир қатор бошқа мамлакатларнинг биржалари жаҳоннинг энг йирик фонд биржалари ҳисобланади.

Глобаллашув жаҳон молия бозори шаклланишига кўмаклашди. Иккинчи жаҳон урушидан 1970-йилларнинг бошигача бўлган даврда жаҳон капитал бозорлари деярли фаолият кўрсатмади, чунки миллий ҳукуматлар халқаро молиявий оқимларни тартибга солмади ва ҳатто бунга қаршилик ҳам кўрсатди.

1970-йилларнинг охирида ва 1980-йилларнинг бошида ташқи иқтисодий режимларнинг эркинлаштирилиши жаҳон молиявий ресурслари оқимларининг кейинчалик тезда ўсишига олиб келди. Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ҳисоб-китобларига кўра 1970-2000 йилларда халқаро молиявий ресурслар оқимлари ҳажми саноати ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 10 баравар, ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотларига нисбатан 5 баравар ошди. 1990-2000 йилларнинг ўзида

жаҳоннинг 21 та ривожланган мамлакатида айланадиган молиявий оқимларнинг ялпи ҳажми 1,5 трлн. АҚШ долларидан 6,5 трлн. АҚШ долларигача, яъни 4 баравар ошди[37].

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида молия соҳасини байналминаллаштиришда катта қадам ташлаш бошланди. Бунда кўплаб молиявий операциялар ўзининг дастлабки моддий базасидан узилиб қолди ва миллий ҳамда жаҳон товарлари ва хизматлари бозорлари ривожланишини анча ортда қолдириб, ўз қонунлари бўйича ривожлана бошлади.

Бундай ўзиб кетишнинг фундаментал сабаби шундаки, халқаро капитал миграцияси унинг эгаларига халқаро савдодан кўра анча осонроқ ва тезроқ даромадларни ошириш имконини беради.

Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) шиддат билан ривожланиши бунга кўмаклашди, улар ёрдамида реал вақт режимида ва масофалардан қатъи назар молиявий операциялар амалга оширилади.

Шу сабабли, бу соҳада глобаллашув товар ва хизматлар ишлаб чиқаришдагидан анча фаолроқ юз бермоқда. Экспертларнинг баҳолашича, жаҳон валюта, кредит ва молия бозорларидаги ҳар кунлик операциялар қиймати бўйича жаҳон товар савдосидаги битимдан 50 баравар ортиқдир[38].

Барча ушбу янгиликлар натижасида молиявий операциялар мисли кўрилмаган суръатда оша бошлади. Облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозлар халқаро бозори янада тезроқ ривожланди. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб молиявий хатарлар савдоси олиб бориладиган ўзига хос халқаро бозор – деривативлар бозори шакллана бошлади.

Фақатгина 2010 йилнинг охирида деривативлар бозоридаги барча контрактларнинг умумий ҳажми 601 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди, яъни 65,3 баравар ошди ва жаҳон ялпи маҳсулоти ҳажмидан 8 баравар ортиқ бўлди.

---

[37] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков. – СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 240.

[38] Шишков Ю. В. «Невозможное триединство» в эпоху финансовой глобализации. // Мировая экономика и международные отношения. 2012. № 5. – С. 3-14.

Мамлакатларни инвестициялар бозорида тутган мавқеи бўйича гуруҳлаш. Инвестицияларнинг жаҳон бозорида тутган ўрнига қараб мамлакатларни 4 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1) капитал ортиқча бўлган мамлакатлар, кўп даромадли мамлакатлар, (нефть экспортчилари, Япония);

2) капитал етишмовчи мамлакатлар – бу мамлакатларга хос хусусият - иқтисодиётининг тез суръатлар билан ўсиши.

Уларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин –

а) ривожланаётган мамлакатлар, масалан, Хитой;

б) иқтисодий ривожланиши тез бораётган ривожланган мамлакатлар - АҚШ, Ирландия;

3) ўз ресурсларига таянади ва халқаро меҳнат тақсимотида моҳирона қатнашади - Франция, ГФР;

4) янги мустақил давлатлар.

Ҳозирги замон капитал миграциясига хос бўлган хусусиятлардан бири - мамлакатлар ўртасида уни жалб қилиш бўйича кучли рақобат мавжуд бўлишидир.

90-йилларда Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларига чет эл инвестицияларининг ҳажми ортди.

1990-95 йиллар давомида энг кўп капитал Венгрияга киритилди.

Чет эл капиталини жалб мақсадида давлатлар қуйидаги тадбирларни қўллайдилар:

1) молиявий таъсир усуллари – амортизация муддатини қисқартириш, солиқ имтиёзлари, суғурта ва кредитларни кафолатлаш;

2) молиявий бўлмаган усуллар - ер участкалари бериш, зарур инфратузилма билан таъминлаш, техникавий ёрдам кўрсатиш;

Амалда инвестицияларни давлат томонидан рағбатлантиришга нисбатан бозор омиллари уларни жалб қилишда етакчилик қилади, яъни иқтисодий эркинлик, бозор механизмларининг тўсиқларсиз амал қилиши муҳим меъёр бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий эркинликнинг интеграл кўрсаткичи мамлакат иқтисодиётига давлатнинг аралашуви даражасини кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

– савдо сиёсати;

– солиқ сиёсати;
– монетар сиёсат;
– банк тизими фаолияти;
– чет эл инвестицияларини ҳуқуқий тартибга солиш;
– мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмида давлат истеъмоли ҳиссаси;
– иқтисодий рағбатлантириш сиёсати;
– мулкий ҳуқуқлар;
– мамлакатда мавжуд «чайқов бозори» кўлами;
– нархни ташкил этиш ва иш ҳақини тартибга солиш.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича мамлакат 1 баллдан 5 баллгача олиши мумкин. Энг кўп балл олган мамлакат энг "эркин бозор иқтисодиёти"га ҳисобланади.

Мамлакатларнинг инвестиция бозоридаги мавқига баҳо беришда шунингдек халқаро BERI индексидан ҳам фойдаланилади.

Капиталнинг халқаро ҳаракатида уларнинг давлатлараро ҳаракати муҳим аҳамиятга эга.

Бунда халқаро молия ташкилотларининг аҳамиятини кўриб чиқиш лозим.

1) *Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)* – унинг асосий вазифаси мамлакатларда валюта молиявий барқарорликни таъминлаш учун кредитлар беради.

Бунда кредитлар мамлакат тўлов балансини ва валюта курсини ушлаб туриш учун паст фоизларда, имтиёзли берилади. Лекин уларни беришда жуда қатъий талаблар қўйилади.

2) *Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)* энергетика транспорт ва бошқа тузилма соҳасида, маълум даражада таваккалчилик (хавф)га эга лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатли кредитлар беради.

3) *Халқаро ривожланиш ассоциацияси* ривожланаётган мамлкатларга фоизсиз 50 йилгача бўлган кредитлар беради.

Бундан ташқари, минтақавий молиявий ташкилотлар мавжуд: Америка тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё ривожланиш фонди, Кариб ривожланиш банки, турли араб фондлари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки.

БМТ қарамоғида ҳам қатор молиявий ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар мавжуд: Халқаро озиқ-овқат дастури, БМТ ривожланиш дастури (ПРООН), ЮНИСЕФ ва ҳоказо.

Жаҳон молияси тузилиши.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келган халқаро валюта-молия тизими айрим жамоавий келишилган тамойиллар ҳамда халқаро молия институтлари ҳаракати асосида халқаро ҳисоб-китоблар ва кредит муносабатларининг глобал ташкилотини ўзида ифодалайди. Халқаро валюта жамғар-маси ва Жаҳон банки бу тизимнинг муҳим бўғинлари ҳисобланади. 1944 йилдаги Бреттон-Вудс конференциясида урушдан кейинги жаҳон валюта тизимига асос солинди. Ушбу конференцияда жаҳон валюта тизимининг асосий қоидалари белгилаб берилди ва ХВЖ ҳамда Жаҳон банки ташкил этилди.

Бреттон-Вудс конференциясида иштирок этган 45 та мамлакат иккала халқаро молия институтининг дастлабки таъсисчилари бўлди. Халқаро валюта жамғармаси валюта курсларини тартибга солиш қоидаларини белгилаш ва уларга риоя этишни назорат қилиш орқали жаҳон савдосини ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида таъсис этилди.

Бошқача айтганда, жамғарма тўловларнинг кўп томонлама тизимини ривожлантиришга қаратилган. Тўлов балансини тенглаштириш ва валютани барқарорлаштиришда қийинчиликларни бошидан ўтказаётган мамлакатларнинг расмий органларига кредит ёрдамини беришдан иборат яна бир муҳим функция унинг зиммасига юкланди.

Ҳар бир мамлакатга унинг иқтисодий салоҳиятига мувофиқ квота бириктирилади, у тўланиши лозим (асосий миллий валюта билан ва қисман қаттиқ валюта ва олтин билан) ва унга мувофиқ жамғарма аъзоларининг овози қарорлар қабул қилишда тақсимланади, шунингдек жамғарма ресурсларидан фойдаланиш миқдори белгиланади.

ХВЖ ислоҳотлари молия ва валюта инқирозларини енгиб ўтишга доир чора-тадбирларга қаратилади. Ундан глобал молия бозорини ва капиталлар ҳаракатланишини тартибга солиш талаб этилади, бунинг натижасида глобал

молия бозори нобарқарорлиги камайиши ва энг заиф мамлакатлар ва аҳоли қатламлари йўқотишлардан ҳимоя қилиниши лозим.

Жаҳон банки ўзаро бир-бири билан боғланган молия институтлари бирлашмасини ифодалайди. Унда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) асосий бўғин ҳисобланади. ХВЖ аъзоларигина унинг аъзолари бўлиши мумкин, пул ресурслари эса ривожланган мамлакатларнинг бюджет маблағларидан ва жалб этилган капиталлардан, шу жумладан облигация заёмлари чиқариш орқали жалб этилган капиталлардан ҳамда ўз даромадларидан шаклланади. ХВЖдан фарқли равишда Жаҳон банки аъзо мамлакатларга кўпинча ҳукумат кафолатлари остида аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар беради. Унинг фаолияти кўпинча ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодиёти ўтиш босқичида бўлган мамлакатларга татбиқ этилади.

Ривожланаётган мамлакатларга 50 йилгача бўлган муддатга йиллик 0,75 фоизли имтиёзли кредитлар берадиган Халқаро тараққиёт уюшмаси, ҳукумат кафолатларисиз юқори рентабелли хусусий секторга инвестициялар киритадиган Халқаро молия корпорацияси ва инвестицияларни сиёсий хатарлардан кўп томонлама кафолатлайдиган Инвестициялар кафолатлари бўйича халқаро агентлик Жаҳон банкига киради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан капиталнинг байналминаллашувининг чуқурлашиши жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувининг асосий омилларига айлана бошланди. Яъни, давлатларо халкаро капитал ҳаракатининг ўсиши, бунда, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишида, фонд бозорларининг ривожланиши ва байналмилаллашувида ўз аксини топмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори тез сўратлар билан ривожлана бошланди. АҚШда 1980 йилда 4,6 млн. америкаликлар ҳар ҳил турдаги фондларнинг акцияларига эга бўлган бўса, 2000 йилга келиб АҚШ аҳолисининг ярми ўз маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жойлаштиришди.

1986 г. Нью-Йорк, Лондон ва Токио биржаларида брокерлар орқали ҳар куни 190 млн. доллар ўтиб келган бўлса, 1995 йилга келиб, ушбу биржалардаги ҳар кунги айланма 1,2 трлн. долларни ташкил қилди.

Ушбу давр ичида акцияларнинг қиймати Нью-Йоркда икки баробар, Лондонда – уч баробар, Токиода эса ўн баробар ўсди [39].

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси жахон иқтисодиёти глобаллашувининг энг муҳим ажратиб турувчи хусусиятига айланди.

Бу эса, товар олиб чикишни тўлдириб ва унинг воситачиси бўлиб, капитал олиб чикиш жаҳон иқтисодиётида энг асосий аниқловчи омилга айланмокда.

Иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ)нинг бахолашига караганда, 1983 йилдан бошлаб тўғридан-тўғри инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 34 фоизни ташкил этди, яъни, бу халқаро савдо ўсишидан карийб 5 марта купрокдир.

Тўғридан-тўғри инвестициялар соҳасида саноати ривожланган давлатлар илғор хисобланадилар. Тўғридан - тўғри инвестициялар йиллик оқимининг тахминан 4/5 қисмига эгалик қилиб улар бир вақтнинг ўзида ҳам капитал экспорт қилувчи ҳам импорт қилувчи ҳҳсобланадилар.

Халқаро молия-кредит муносабатларнинг глобаллашуви ва либераллашуви, трансмиллий молия-хўжалик фаолиятларининг ривожланиши, барча давлатлар ва ҳудудларга уларнинг ўзаро фойдалик ва тенг ҳуқуқли муносабатлар даражасига қарамасдан, тарқалади, буларга охирги йилларда бўлиб ўтган молиявий инқирозлар мисол бўла олади.

Охирги ўн йиллик тажриба шуни кўрсатмокдаки, халқаро иқтисодиёт ва молиянинг глобаллашуви нафақат иқтисодиёт ўсишини таъминламокда, балки хорижий маблағларни ривожланаётган давлатларга жалб қилиниши сезилмокда.

[39] Wolf M. After the Crash. Foreign Policy. September - October 2000. P 46.

7.2. Молиявий ресурслар оқими

Капитални четга чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шакли сифатида.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим ўзига хос хусусияти четга капитал чиқариш, унинг мамлакатлараро фаол миграциясидир. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг чуқурлашуви билан четга капитал чиқариш товарлар чиқаришнинг монопол ҳолатига чек қўйди.

Товар чиқаришни тўлдира бориб, капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ҳал қилувчи жараён бўлиб қолди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти маълумотларига кўра 80-йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўртача йиллик ўсиш суръати 34 фоизни ташкил этди, бу халқаро товар савдоси ўсиш суръатидан деярли 5 марта кўп бўлган.

Четга капитал чиқариш маълум бир мамлакат миллий айланмасидан капиталнинг 1 қисми олиниб, уни пул ёки товар шаклида бошқа мамлакатга киритишдир. Аввал четга капитал чиқариш фақат етакчи ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, жаҳон хўжалиги ривожланиши билан капитал чиқариш барча анча муваффақиятли ривожланаётган мамлакатларга хос бўлиб қолди.

Четга капитални ривожланган мамлакатлар, ўртача ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар айниқса, янги индустриал мамлакатлар ҳам чиқарадилар. Чет эл инвестициялардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиши билан боғлиқ ҳолда объектив зарурият бўлиб қолди. Очиқ иқтисодиёт сиёсатини олиб боришни мақсад қилиб қўйган мамлакат, чет эл капиталини жалб этиш учун ҳам шароит яратиб бериши керак.

Ривожланаётган мамлакатлар чет эл инвестицияларини қуйидаги мақсадларда жалб этадилар.

1) иқтисодий ва техникавий тараққиётни жадаллаштириш;

2) ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;

3) ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантириш;

4) бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи миллий кадрларни тайёрлаш.

Мамлакатни модернизация қилиш жуда катта маблағни талаб этиши ва чет эл инвестицияларини жалб этиш зарурия-тини вужудга келтиради. Инвесторлар ўз инвестицияларини у ёки бу мамлакат иқтисодиётига киритишда мамлакат инвестиция иқлими катта аҳамиятга эга.

Инвестиция иқлими бу инвестициялар киритишдаги таваккалчилик даражаси (хавф) ва самарали фойдаланишга таъсир қилувчи сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий омиллар йиғиндисидир.

Ривожланаётган мамлакатлар тўғридан-тўғри инвести-цияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион иқлимни эркинлаштириш сиёсатини олиб борадилар.

Масалан, 1998 йилда 60 мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни тартибга солувчи қонунларда 145 та ўзгаришлар амалга оширилиб, уларнинг 95 фоизи шароитни яхшилашга қаратилган.

Инвестицияларни жалб этиш бўйича 2 ёқлама шартнома-ларнинг 40 фоизи ривожланаётган мамлакатлар томонидан тузилган.

Эркинлаштириш кўпроқ телекоммуникация, энергетика соҳаларида амалга оширилди. Мамлакат иқтисодиётида ҳам хусусий, ҳам давлат ва аралаш капиталлар киритилган.

Ривожланган мамлакатлар, АҚШ, Европа мамлакатлари кўпроқ хом ашё, фойдали қазилмалар соҳасига инвестиция киритишга ҳаракат қилади. ЯИМ мамлакатлари эса, асосан юқори технологик соҳаларига, қайта ишлаш саноатига киритишга интилади, улар таваккалчиликка кўпроқ берилган, хавф-хатардан унча қўрқмайди. Ғарб мамлакатларида сиёсий жиҳатлар устун турса, НИС мамлакатлари сиёсий жиҳатларига катта эътибор бермайди.

Лекин чет эл инвестицияларини жалб этишнинг **салбий томонлари** ҳам бор:

1) кўпроқ фойдали қазилмалар қазиб олишга қаратилган-лиги, қайта тикланмайдиган ресурслар камайишига олиб келади;

2) хусусийлаштириш жараёнида қатнашиб, арзон-гаров корхоналарни сотиб олади;

3) кўпинча «нопок пулларни» оқлаб олиш учун хизмат қилади;

4) мамлакат қарз бўлиб қолиш хавфи вужудга келади.

Бу соҳада Япония тажрибаси қизиқарли, Япония кўпроқ лицензиялар сотиб олишга ҳаракат қилган.

Капитал бозорида қарз ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга берилади, яъни уларнинг барчаси маълум даражада қарздор бўлади.

Лекин ривожланган мамлакатлар қарзини ўз вақтида тўлай олиш қобилиятига эга бўлса, ривожланаётган мамлакатлар қарзлари тўпланиб бориб, уларнинг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Масалан, Буюк депрессия даврида деярли барча ривожланаётган мамлакатлар ўзларини банкрот деб эълон қилганлар. Лекин у пайтда уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси кичик бўлиб, жаҳон кредит бозорига унча катта таъсир этмаган.

Капитал миграцияси сабаблари ва унинг асосий шакллари.

Капиталнинг халқаро миграцияси – бу мамлакатлараро қарама-қарши йўналишдаги ҳаракатидир. Ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам капитал экспорчиси, ҳам импортчиси бўлади.

Четга капитал чиқаришнинг асосий сабаблари:

1) у четга чиқариладиган мамлакатда ортиқча бўлиши.

2) жаҳон хўжалигининг турли бўғинларида капиталга бўлган талаб ва таклифнинг мос бўлмаслиги.

3) маҳаллий бозорни монополлаштириш имкониятларининг мавжуд бўлиши.

4) капитал экспорт қилинаётган мамлакатларда нисбатан арзон иш кучи ва хомашёнинг бўлиши.

5) барқарор сиёсий шароит ва қулай инвестиция иқлими.

Капитал чиқарилишини рағбатлантирувчи омиллар қуйидагилардир:

1) миллий иқтисодиётлар ўзаро боғлиқлигининг ортиши, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви. Ўз навбатида, капитал экспорти, ишлаб чиқаришнинг халқаро характерга эга бўлишининг асосий омили ҳисобланиб, халқаро товар ишлаб чиқариш учун шароит яратади.

Халқаро товар – бу халқаро бозорда сотиладиган географик, миллий ва бошқа чегара ва хусусиятларга боғлиқ бўлмаган товарлардир.

2) халқаро саноат кооперацияси, трансмиллий корпорацияларининг мамлакатлардаги бўлимларига капитал киритиши. Масалан, турли мамлакатларнинг юридик жиҳатдан мустақил корхоналари халқаро корпорация доирасида ҳамкорлик қилади.

3) иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсати, бу сиёсат капитални катта ҳажмда жалб қилиб, иқтисодий ривожланиш суръатларини ушлаб туриш, бандликни таъминлаш бўйича сиёсатдир.

4) ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати, бу мамлакатлар мамлакат иқтисодий ривожланиши учун капитални жалб қилиш сиёсатини олиб борадилар.

5) экологик омиллар. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда экологик меъёрлар қатъий бўлгани сабабли, зарарли ишлаб чиқаришни ривожланаётган мамлакатларда жойлаштирадилар.

6) халқаро молия ташкилотлари, улар капитал ҳаракати йўналишларини тартибга солиб турадилар.

Капитал турли конкрет шаклларга эга:

1. *Келиб чиқиши сабабларига кўра капитал расмий (давлат) ва хусусий бўлади.*

а) ҳукумат қарори билан четга чиқариладиган, давлат бюджетидан олинган маблағлар - расмий ёки давлат капитали дейилади. Унга давлат қарзлари, ёрдам, ссудалар кириб, улар халқаро ташкилотлар ёрдамида ҳам четга чиқарилиши мумкин (масалан, ХВФ кредитлари, Жаҳон Банки, БМТнинг тинчликни сақлаш учун ҳаражатлари). Бу капитал манбаи давлат бюджети, яъни солиқ тўловчилар пулидан иборат бўлгани учун ривожланган мамлакатларда давлат ва Парламент қарори билан берилади.

б) *хусусий капитал* – хусусий фирма банк ва бошқа давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар томонидан берилади. Бу капитал манбаи хусусий фирма, банклар маблағларидир. Лекин улар ҳам кўпинча давлат назорати остида бўлади.

2. *Фойдаланишга кўра капитал:*

а) *тадбиркорлик капитали* – яъни ишлаб чиқаришга бевосита ёки билвосита фойда олиш мақсадида киритиладиган капитал, кўпинча хусусий капитал бўлади.

б) *ссуда капитали*, фоиз олиш мақсадида бериладиган маблағлар.

3. *Берилиш муддатига кўра капитал* ўрта ва узоқ муддатли – 1 йилдан ортса ҳамда қисқа муддатли – бир йилдан кам муддатга берилади.

4. Капитал киритиш мақсадига кўра:

а) бевосита инвестициялар (тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) - яъни, капитал киритилган мамлакат иқтисодиёти узоқ муддатли иқтисодий манфаатга эга бўлиши, капитал киритилган объектни назорат қилиш мақсадида киритилади. Кўпинча хусусий капитал бўлади.

б) **портфелли инвестициялар** – капитални чет эл қимматли қоғозларига қўйиш, бунда капитал эгаси инвестиция объекти устидан назорат ўрната олмайди.

Капитал миграциясининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари.

Жаҳон хўжалиги ривожланиши нуқтаи назаридан, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки у капитал импорт қилувчи мамлакат қарз бўлишига олиб келмайди, унинг товарларини экспорт қилишга, импортга боғлиқликни камайтиришга олиб келади.

Энг муҳими – ишлаб чиқариш шаклида киритилган капитал илғор технология ва менежмент олиб келади, мамлакат экспорт салоҳиятини оширади, унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини кучайтиради.

Тўғридан-тўғри капитал экспорти уни экспорт қилувчи мамлакатга қуйидаги афзалликларни беради:

1) бозорни эгаллаш;

2) ўз фойдасини кўпайтириш;

3) мамлакат бюджетига даромад келтириш;

Ҳозирги даврда чет эл тўғридан-тўғри капиталига талаб таклифдан юқори, чунки кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар очиқ иқтисодий сиёсатини танлаган, лекин ички жамғармалари уни ривожлантиришга етмайди.

Чет эл инвестициялари энг кўп жалб этилувчи мамлакатлар. 70-80 йилларда Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонгконг;

- 80-90 - йилларда Малайзия, Таиланд, Чили, Мексика, Бразилия;
- 90 - йилларда Хитой ва собиқ Иттифоқ ва Шарқий Европа мамлакатлари.

Капитал ҳаракатининг йўналишлари.

География - худудий жиҳатдан капитал асосан ривожланган мамлакатлардан чиқарилади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлкатлар ўртасида у уч йўналишда ҳаракат қилади:

1) АҚШ – Ғарбий Европа – Япония.

2) алоҳида ривожланган мамлакатлар ўртасида капитал миграцияси.

3) ривожланган мамлакатлар саноат тармоқлари ўртасида капитал ҳаракати.

Капитал миграцияси субъекти нуқтаи назаридан микро ва макродаражаси ажратилади:

1) Макродаража капиталнинг давлатлараро ҳаракати бўлиб, у мамлакатнинг тўлов балансида акс этади.

2) Микродаража капиталнинг халқаро монополиялар ичида ҳаракатидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин капиталнинг интенсив миграцияси минтақаси Ғарбий Европада капитал импорти бўйича Буюк Британия етакчи ўрин эгаллайди.

Ривожланган мамлакатлар ичида энг кўп капитал импорт қилувчи мамлакат – АҚШдир. АҚШнинг инвестицияларга бўлган талабининг 1/3 қисми капитал импорти ҳисобига тўлдирилади.

90-йиларнинг бошидан капитал бозори байналминал-лашуви, айниқса, Жануби - Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси

мамлакатларига хос бўлиб қолди. ЯИМ ва ОПЕК мамлакатларидан капитал миграцияси кучайди. Масалан, Қувайт 1995 йилда 100 млрд. долл. четга инвестиция чиқарган.

Инвестицияларнинг оқими асосан 10-15 Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатига қаратилгандир. Чет эл капиталини жалб этишда Хитой муҳим ўринни эгаллайди.

Бир қанча омиллар ўзгариши билан ривожланаётган мамлакатларга инвестиция киритилиши кучайди. Масалан, 80-йилларда капитал Сингапур, Бразилия, Мексика, Хитой, Гонгконг, Малайзия, Миср, Аргентина, Таиланд, Колумбияга чиқарилган бўлса, 90-йилларнинг бошидаги Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё, Хитой бундай мамлкатлар қаторига кирди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб тўғридан-тўғри инвестициялар ҳаракатида янги йўналиш вужудга келди – Марказий ва Шарқий Европа ҳамда собиқ Иттифоқ мамлакатлари, Югославия – 1967 йил, Болгария – 1980 йил, Чехословакия – 1986 йил, СССР – 1987 йил, Албания – 1990 йилларда инвестиция бозорига кириб келди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) географияси қуйидагича ўзгариб бормоқда: ривожланаётган мамлакатларнинг, айниқса, ўтиш давридаги мамлакатларнинг импортдаги ҳиссаси ортиши кузатилмоқда; ТТХИларнинг асосий экспортчилари сифатида ривожланган мамлакатлар бўлиб қолиши билан, янги индустриаллашган мамлакатлар, Лотин Америкасининг айрим мамлакатлари ва Хитойнинг бу оқимлардаги хиссаси тобора ошиб бормоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида ТТХИларнинг тармоқ таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. 50-йилларда улар қазиб олувчи тармоқларга, 60-70-йилларда қайта ишловчи, 80-90 - йилларда кўпроқ хизмат кўрсатиш соҳасига киритилди. Шу билан бирга, 90-йилларнинг бошларига келиб, тоғ-кон ва ёқилғи-энергетика саноатига инвестиция киритишга қизиқиш ортди. Бунинг сабаби: тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатларда энергия манбаларида талабнинг ортиши; ўтиш давридаги мамлакатларнинг нефть, газ ва рудали фойдали қазилмалар тармоқларига инвестиция киритиш имкониятининг вужудга келиши.

7.3. Глобал иқтисодиётда суверен фаровонлик жамғармалари

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг техник ҳамда технологик янгиланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасининг ажралмас ва энг муҳим қисми ҳисобланади. Тузилмавий ўзгаришлар ва йирик лойиҳаларни амалга оширишнинг илк босқичларида катта молиявий маблағ ҳамда имкониятлар талаб этилади. Бунда давлат молия институтлари тақдим этадиган восита ва хизматлар энг асосий йўналтирувчи куч сифатида намоён бўлади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, мазкур жараёнда самарали фаолиятнинг асосий шартларидан бири бундай институтларнинг ривожланиш стратегияси, мақсад ва вазифалари ҳамда ишлаш механизмлари аниқ шакллантирилган ва муайян вақт чегарсида доимий равишда ривожланиб, ўзгариб бораётган вазиятга мослашиб иш олиб боришидир. Бир қатор давлатлар бундай давлат инвестиция институтларининг имкониятларидан самарали фойдаланиб, уларни миллий иқтисодий ривожланишнинг катализатори ҳамда мамлакатдаги инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг энг муҳим манбаи сифатида фойдаланганлар.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози халқаро молия бозорларининг дахлсиз ҳамда бозорлар рискни бошқариш ва тенг тақсимлашнинг энг яхши механизми, деб ишонган иқтисодчилар учун қайта мулоҳазага сабаб бўлди. Шу вақтгача бозор агентларининг рационал фаолиятига сўзсиз таянган А. Гринспеннинг ҳам ўз қарашларидан воз кечиши банк институтларининг бошқаруви ва умуман жаҳон молия бозоридаги тартибларнинг тубдан ўзгартириш даври келганининг мисолидир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кўлами, сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги қизғин мунозараларга қарамай, сўнгги йилларда халқаро иқтисодиёт майдонида янги инвесторлар гуруҳи – суверен фаровонлик жамғармалар (Sovereign Wealth Fund-SWF)нинг давомий ўсиши ва ривожланиши кузатилди.

Бундай жамғармалар давлат инвестиция институтлари бўлгани учун ҳам уларнинг фаолиятига эътибор катта ҳисобланади.

Биринчи суверен фаровонлик жамғармаси (СФЖ) 1950-йилларда Қувайтда "Қувайт инвестицион жамғармаси" номи билан ташкил қилинди[40]. Қисқа муддат ичида суверен фароволик жамғармалар сони кескин равишда кўпайди ва ҳозирда 7 трлн. АҚШ долларига тегнг маблағларга эга бўлган 50дан ортиқ суверен фаровонлик жамғармалари фаолият юритмоқда

Дунёда энг йирик суверен фаровонлик жамғармаси бўлиб Норвегиянинг Глобал давлат нафақа жамғармаси (Global Government Pension Fund) ҳисобланади. 2017 йил сентябрь ойи маълумотлоарига кўра унинг маблағлари 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилди[41].

2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий иқтисодий инқироз даврида суверен фаровонлик жамғармалари Citi Group, Merrill Lynch, UBS и Morgan Stanley ғарб банкларига молиявий ёрдам кўрсатдилар.

Россияда 2004 йилда Барқарорлаштириш жамғармаси (Стабилизационный фонд) ташкил этилди, унинг маблағлари нефть экспортидан тушадиган даромадларнинг бир қисмидан шакллана бошланди.

2008 йил 1 февралдан Барқарорлаштириш жамғармаси икки қисмга бўлинди: Резерв жамғармаси – Резервный фонд (3069 млрд. руб.) ва Миллий фаровонлик жамғармаси (Фонд национального благосостояния, 782,8 млрд.руб.) [42].

Мазкур ҳолат давлат инвестицияларининг халқаро молия бозорларига бўлган ишончи ва режалари асло қисқармаганини кўрсатади. Баъзи иқтисодчилар уларнинг ижобий жиҳатларини алоҳида таъкидлаб, АҚШ ва ҳатто Халқаро валюта фонди (ХВФ) захиралари асосида шундай фонд тузишлари мумкинлигини ва бу ҳолат уларнинг 2008

[40] An Introduction To Sovereign Wealth Funds: https://www.investopedia.com/articles/economics/08/sovereign-wealth-fund.asp.

[41] Sovereign Wealth Fund Rankings - Sovereign Wealth Fund Institute [Электронный ресурс]. – https://www.swfinstitute.org/sovereign-wealth-fund-rankings/

[42] Мировой опыт суверенных фондов благосостояния. Перспективы системы управления средствами Фонда национального благосостояния РФ. https://studopedia.info/1-84455.html

йилдаги каби беқарор иқтисодий вазиятда ўзларини тезда ўнглаб олишлари учун яхши имконият бўлишини таклиф қилдилар.

Бунда ушбу жамғармаларнинг шу турдаги давлат инвестиция механизмлари (жумладан, марказий банк валюта захиралари)дан тубдан фарқ қилувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклга эгалиги аҳамият касб этади. Бу уларнинг сиёсий мақсадлардан нисбатан ҳоли бўлишида, шунингдек, қабул қилувчи мамлакатлар олдида фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга интилишларида акс этади. Бу борада ҳатто "Сантьяго тамойиллари" номини олган ҳужжат қабул қилинган бўлиб, унга кўра жаҳондаги 30 дан ортиқ СФЖ ўз фаолиятининг очиқлиги ва бошқа давлатлар манфаатларига дахлсизлигини таъминлашга аҳдлашган. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги йилда икки марта ўтказиладиган СБФ саммитларида таҳлил қилиб борилмоқда.

Бундай жамғармаларнинг тузилишида ҳар бир давлат ўз иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва келгусида ривожланиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда турлича мақсад қўяди. Сингапур бунда миллий иқтисодиётининг жаҳон инқирозлари ва молия соҳасидаги беқарорликни олдини олишни кўзлаган бўлса, Норвегия хомашёдан тушган даромадларни самарали бошқариш ва кейинги авлодларга тақсимлашни мақсад қилган. Форс кўрфази мамлакатлари эса асосан нефть экспортидан келаётган даромадларни келгусида улар якунланганда фойдаланиш, шунингдек, мамлакатда саноатнинг бошқа соҳаларини ривожланишини молиялаштиришни мақсад қилгани ҳолда, Хитой ўз фондларини асосан мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муддаосида шакллантирган.

Шундай тажрибалардан бири Шотландияда амалга оширилган. Миллий иқтисодиётда ўта тушкунлик, ишлаб чиқаришда паст самарадорлик ҳолати кузатилаётган ҳамда юқори ишсизлик даражаси авж олаётган даврда, 1975 йилда Шотландия Тараққиёт агентлиги ташкил этилган. Агентликнинг иш стратегияси 1990 йилларга келиб ўз самарасини бера бошлади. Шотландия иқтисодиёти тубдан

янгиланиб, асосан соғлиқни сақлаш, электроника, молия секторларининг кескин ўсиши кузатилди.

Бундай мувафаққиятга эришишда агентлик олдига қўйилган мақсадларнинг аниқлиги ва унинг фаолияти давлатнинг умумий иқтисодий тараққиёт дастури билан уйғунлиги катта аҳамият касб этган. Мазкур институт хусусий сектор ривожлана олмайдиган соҳаларда фаолият олиб борди ва иқтисодиётнинг янги – инновацион ва юқори даромадли соҳаларини молиялаштириб, қўйилган мақсадларга эришилгандан сўнг, рақобатбардош корхоналарни хусусий сектор ихтиёрига топширган. Гарчи кейинчалик мазкур институт фаолияти тўхтатилган бўлса-да, у шакллантирган инфратузилма хозирда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Давлат молия институтини иқтисодий ривожланиш катализатори сифатида қўллашнинг яна бир ёрқин мисолини Малайзия тажрибасида кузатиш мумкин. 1960 йилда ташкил этилган Саноат тараққиётини молиялаштириш банки миллий иқтисодиётда замонавий саноат тармоқларининг шаклланиши ва ривожланишини молиялаштиришни мақсад қилган. Ҳозирда мазкур банк Малайзиядаги 5 та энг йирик банклардан бири бўлиб, ундаги давлат улуши 69 фоизига. Мазкур банк йиллар давомида саноатнинг янги, замонавий соҳаларни ривожлантиришда фаол иштирок этиб, турли илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, бизнес-инкубаторларни шакллантириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниялар лойиҳаларини молиялаштириш ишларини амалга ошириб келмоқда.

Малайзия саноат тараққиётини молиялаштириш банки ҳамда Шотландия тараққиёт агентлиги тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий молиялаштириш институти фаолияти давлат иқтисодий ривожланиш стратегияси билан ҳамоҳанг бўлиб, тараққиётни қўллаб-қувватлашда етакчи ва йўналтирувчи кучга айланиши керак. Бунда бошқарув ҳукумат қўлида қолгани ҳолда хорижий ҳамкорлар ва инвесторларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айнан шу мақсадларига кўра ХВФ мутахассислари уларни таснифлайдилар. Аммо бу таснифда келтирилган шакллар ҳеч қачон соф ҳолда учрамайди, зеро фондлар фаолият жараёни давомида мақсад ва вазифалари тизимини ўзгартириб, баъзан кенгайтириб борадилар.

Мазкур йўналишда, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда кенг қамровли инвестицион дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда инвестиция манбалари сифатида давлат фондлари, хусусий ҳамда хорижий инвестициаларни жалб этиш имкониятларидан фойдаланилмоқда. Иқтисодиётнинг тузилмавий янгиланиши ва модернизациясини амалга оширишда муҳим статегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда ва биринчи навбатда мустахкам ва рақобатбардош ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш жараёнларида Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли катта.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан ташкил этилган бўлиб, ташкил этилган вақтидаги устав капитали 500 минг АҚШ доллари миқдорида бўлган.

Ўтган йиллар давомида бир қатор йирик саноат лойиҳалари ва инфратузилма объектларини молиялаштириш мақсадида Жамғарма томонидан 758 млн. АҚШ долл. миқдорида кредитлар тақдим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари асосан хусусий капитал учун жозибадор бўлмаган тармоқлар ёки лойиҳанинг бошланиш босқичида жуда катта молиялаштириш талаб этадиган соҳаларга йўналтирилади. Шунингдек, Жамғарма маблағлари хорижий хусусий капитал билан ҳамкорликда молиялаштириладиган лойиҳаларга ҳам йўналтирилади. Бунда давлат фонди хорижий инвесторлар учун ўзига хос гарант (кафил) вазифасини ўтаб, иқтисодиётнинг миллий инвестицион жозибадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолияти бир қатор қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади. Аммо унинг фаолиятига янада эътибор тортиш ва хорижий инвесторларни жалб этиш учун, бошқа

кўпгина шу турдаги жамғармалар каби, унинг шаффофлигини янада ошириш талаб этилади. Зеро, айнан шу кўрсаткич у ёки бу турдаги инвесторларнинг лойиҳани баҳолашида асосий аҳамият касб этади, иқтисодий ва сиёсий рискларнинг ҳолатини кўрсатади.

СФЖ сони ва халқаро молия бозорларидаги салмоғи ортиб борар экан, уларнинг шакли ва амалга оширадиган функцияларига эътибор ҳам ортиб боради. Бунда асосан инвестиция қилиш борасидаги қарор ким томонидан қабул қилинади, деган савол борасида мунозаралар туғилади. Аввало, инвестициялар бўйича қарорларнинг қабул қилинишида баъзан ҳукуматнинг сиёсий манфаатларидан келиб чиқиш ҳоллари учраши (масалан, Хитой ва Форс кўрфази мамлакатларида) қабул қилувчи мамлакатларни (асосан ривожланган) хавотирга солади ва СБФларга нисбатан чеклов қоидаларини ишлаб чиқишларига ундайди. Бу ҳолат эса умумий халқаро молия бозорининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан ҳам "Сантьяго тамойиллари" масаланинг энг яхши ечими сифатида қаралмоқда.

Юқорида келтирилгандек, уларнинг салмоғи ортиб борар экан, халқаро молия бозорининг инқироздан кейинги тикланиш даврида СБФ лар ҳам ушбу бозорнинг хал қилувчи аъзоларидан бирига айланади. Инқироз даврида бир қатор СБФлар ўз мамлакатларининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминланишида асосий молиявий ёрдам кўрсатган бўлса (Россия, Сингапур), муайян СБФлар ҳатто ривожланган Ғарб давлатларининг молия секторини инқироздан қутқариш жараёнида иштирок этди (Сингапур, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва б.).

СФЖларнинг олдига қўйган мақсадлари уларнинг инвестицион фаолиятида муайян стратегик ёндашувни талаб этади. Гарчи инқироз даврида улар нисбатан соғлом кўринган бўлсада (мажбуриятларини бажаролмай қолган хусусий инвестицион компаниялардан фарқли равишда), инқирозда улар ҳам йўқотишларга дуч келдилар. Бу ҳолат СФЖга эга давлатларда уларнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, миллий иқтисодиётнинг янгиланишига

йўналтирилган инвестициялар кўламини кенгайтириш, инвестицияларининг сифатини яхшироқ назорат қилиш йўлларини тадқиқ қилинишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, СФЖларнинг жаҳон молия бозорларидаги ўрни ва аҳамияти, шубҳасиз, катта бўлиб, инқироздан кейинги даврда фақат ортиб бормоқда. Уларнинг халқаро инвестициялар оқимида иштироки узоқ муддатда жаҳон иқтисодиёти учун ижобий таъсирга эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга, жамғарма лойихалари пакетида инновацион таркибий қисмининг рағбатлантирилиши ва салмоғининг оширилиши унинг нафақат макроиқтисодий стабилизатор, балки иқтисодиётни ривожлантиришда энг илғор куч сифатида фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ- 4127-сон "Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси ҳусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси ва унинг ҳузуридаги қиммматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиклаштириш ва ривожлантириш, фонд биржалари фаолиятини ва кимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензияловчи орган хисобланади.

7.4. Жаҳон молия ресурсларининг глобаллашуви

Ҳозирги вақтда глобаллашув молия бозорларига ва валюта муносабатларига тез суръатларда ёйилмоқда.

Молиявий глобаллашув:

– биринчидан, халқаро молия соҳасида юз берадиган ялпи глобаллашув жараёнининг бир қисмидир.

– иккинчидан, иқтисодий глобаллашувнинг бир қисми бўлиб, у товарлар, хизматлар ва капитал трансмиллий трансакциялари ҳажми тобора ошиб бориши натижасида жаҳон мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг кучайишини ўзида ифодалайди.

Молия бозорлари ҳозирги вақтда глобаллашувнинг ҳаракатлантирувчи кучи ролини ўйнайди.

Молиявий глобаллашувни қуйидагича тушуниш керак:

а) жаҳон мамлакатлари ва минтақалари ўртасида капиталлар эркин ва самарали оқиб юриши;

б) глобал молия бозори фаолияти;

в) халқаро молияни халқаро даражада тартибга солиш тизимини шакллантириш;

г) трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва трансмиллий банкларнинг (ТМБ) глобал молиявий стратегияларини амалга ошириш.

Молиявий глобаллашув қуйидагиларни ўз ичига олади:

- халқаро молия бозорлари;
- ТМК, ТМБ ва молиявий корпорациялар, миллий давлатларнинг ҳукуматлари ҳамда марказий банклари, халқаро молия ташкилотлари шаклида мазкур бозорларда фаолият кўрсатувчи иқтисодий субъектлар;
- жаҳон молия бозорларида анъанавий олди-сотди объектлари айланмаси асосида юзага келадиган янги молиявий воситалар (пуллар, инвестициялар, кредитлар, қимматли қоғозлар ва ҳоказолар);
- жаҳон ахборот тармоқларини яратиш билан боғлиқ молиявий глобаллашувнинг технологик базаси.

Молиявий глобаллашув *омиллари қуйидагилардан иборат*: миллий тўсиқлар камайтирилганда капиталнинг эркин ҳаракат қилиши; молия бозорларини тартибга солиш бўйича миллий тузилмалардан юқори турувчи тузилмаларни мустаҳкамлаш; ҳам миллий ва хорижий кредит-молия институтлари, ҳам банк ва нобанк молия муассасалари ўртасида таъсир кўрастиш доираси учун халқаро бозорлардаги рақобатни кучайтириш; ахборот технологиялари ва электрон молия хизматлари глобал бозорининг жадал ривожланиши; банк фаолиятини секьюритизациялаш, янги миллий ва минтақавий молия бозорлари қарор топиши ҳамда уларни умумий глобал бозор тизимига киритиш; глобал молиявий инқирозлар; молия бозорларида инновацион жараёнларнинг кучайиши.

Қуйидаги тузилмалар молиявий глобаллашув субъектлари ҳисобланади:

- *халқаро* ёки *минтақавий иқтисодий ва молиявий ташкилот-лар* (Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа марказий банки ва бошқалар);
- *мультимиллий корпорациялар;*
- пенсия ва инвестиция жамғармаларини, суғурта компанияларини ўз ичига оладиган *институционал инвесторлар*;
- *йирик молия марказлари* (Нью-Йорк, Лондон, Париж, Франкфурт- на-Майне, Токио ва бошқалар).

Молиявий глобаллашувнинг қуйидаги асосий пойдеворларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- товарлар ва хизматлар билан савдо-сотиқ, жаҳон савдосини эркинроқ бўлишини таъминлаган бозорлар либераллашуви;
- капиталнинг мисли кўрилмаган даражада жамланиши ва марказлаштирилиши;
- ишлаб чиқариш молия-иқтисодий воситалари ўсиши;
- валюталараро битимларни амалга оширишга сарфланадиган вақтнинг кескин камайиши.

Халқаро даражада жаҳон молиясини барқарорлаштириш, мамлакатлар ва фирмалар хавф-хатарини камайтириш учун кўп сонли уринишлар амалга оширилди.

Халқаро валюта жамғармаси (ХФЖ), Жаҳон банки, G-20, G-7 ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида молия бозоридаги кутилмаган вазиятларни ҳал қилиш учун глобал механизмни ишлаб чиқиш бўйича қадамлар ташланмоқда. Шунга қарамай, молиянинг тезда глобаллашиши ҳали ҳам жаҳон иқтисодиёти заифлигининг муҳим сабаби бўлиб қолмоқда.

2008 йилги G-20нинг инқирозга қарши саммити Йигирматаликка кирадиган давлатлар ҳукуматлари раҳбарларининг 2008 йил 14-15 ноябрь кунлари Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишга бағишланди.

"Йигирмалик гуруҳи – G 20" саммитининг молиявий бозорлар ва жаҳон иқтисодиёти бўйича қабул қилинган Декларациясида бу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи қадамлар сифатида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим экани қайд этилади:

молия тизимини барқарорлаштириш учун зарур кейинги чора-тадбирларни кўриш;

ривожланаётган бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларнинг ва ривожланаётган мамлакатларнинг молиявий маблағлардан фойдаланишига кўмаклашиш, шу жумладан ликвидликни ва ёрдам дастурларини таъминлаш орқали кўмаклашиш;

инқирозга эътибор қаратишда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) роли муҳимлигини қайд этиш;

келажакда инқирозларнинг олдини олиш мақсадида молия бозорларини ва эътибор қаратиш тартибларини мустаҳкамлайдиган ислоҳотлар амалга ошириш;

молия бозорлари шаффофлигини ошириш, шу жумладан мураккаб молиявий маҳсулотлар ҳақидаги ахборотнинг очиқлигига кўмаклашган ҳолда ошириш.

Глобал молиявий бозор (ёки глобал молиявий ресурслар) – жаҳон молиявий оқимлари тизими бўлиб, кўпинча қимматли қоғозлар, асосан етакчи трансмиллий корпорациялар ва фирмаларнинг акциялари билан олди-сотди битимлар амалга ошириладиган саноати ривожланган мамлакатларнинг фонд биржаларида намоён бўлади. Умумжаҳон молия бозорини шакллантиниши глобаллашув жараёнининг асосий ифодаси деб ҳисобланмоқда[43].

Глобал молия бозори жаҳон хўжалик алоқалари тизимида айланадиган товарлар ва хизматлар оқимларига нисбатан муайян мустақиликка эга замонавий глобал иқтисодиётнинг муҳим секторини ўзида ифодалайди.

Глобал молия бозори эркин айирбошланадиган валюталар асосида фаолият кўрсатадиган саноати ривожланган етакчи мамлакатларнинг фонд биржаларидан иборат. Нью-Йорк фонд биржаси (1792 йилда асос солинган), Токио ва Лондон фонд

[43] Глобалистика. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь /Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, – СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 240.

биржлари (1773 йилда асос солинган), Франкфурт, Амстердам фонд биржаси (жаҳондаги энг қадимги биржа, 1602 йилда асос солинган), Цюрих ва Гонконг фонд биржалари, бир қатор бошқа мамлакатларнинг биржалари жаҳоннинг энг йирик фонд биржалари ҳисобланади.

Глобаллашув жаҳон молия бозори шаклланишига кўмаклашди. Иккинчи жаҳон урушидан 1970-йилларнинг бошигача бўлган даврда жаҳон капиталлар бозорлари деярли фаолият кўрсатмади, чунки миллий ҳукуматлар халқаро молиявий оқимларни тартибга солмади ва ҳатто бунга қаршилик ҳам кўрсатди.

1970-йилларнинг охирида ва 1980-йилларнинг бошида ташқи иқтисодий режимларнинг эркинлаштирилиши жаҳон молиявий ресурслари оқимларининг кейинчалик тезда ўсишига олиб келди. Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ҳисоб-китобларига кўра 1970-2000 йилларда халқаро молиявий ресурслар оқимлари ҳажми саноати ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 10 баравар, ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотларига нисбатан 5 баравар ошди. 1990-2000 йилларнинг ўзида жаҳоннинг 21 та ривожланган мамлакатида айланадиган молиявий оқимларнинг ялпи ҳажми 1,5 трлн. АҚШ долларидан 6,5 трлн. АҚШ долларигача, яъни 4 баравар ошди[44].

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида молия соҳасини интернационаллаштиришда катта қадам ташлаш бошланди. Бунда кўплаб молиявий операциялар ўзининг дастлабки моддий базасидан узилиб қолди ва миллий ҳамда жаҳон товарлари ва хизматлари бозорлари ривожланишини анча ортда қолдириб, ўз қонунлари бўйича ривожлана бошлади.

Бундай ўзиб кетишнинг фундаментал сабаби шундаки, халқаро капитал миграцияси унинг эгаларига халқаро савдодан кўра анча осонроқ ва тезроқ даромадларни ошириш имконини беради.

Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) шиддат билан ривожланиши бунга кўмаклашди, улар ёрдамида реал вақт

[44] Глобалистика. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, – СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 240.

режимида ва масофалардан қатъи назар молиявий операциялар амалга оширилади.

Шу сабабли бу соҳада глобаллашув товар ва хизматлар ишлаб чиқаришдагидан анча фаолроқ юз бермоқда. Экспертларнинг баҳолашича, жаҳон валюта, кредит ва молия бозорларидаги ҳар кунлик операциялар қиймати бўйича жаҳон товар савдосидаги битимдан 50 баравар ортиқдир[45].

Барча ушбу янгиликлар натижасида молиявий операциялар мисли кўрилмаган суръатда оша бошлади. Облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозлар халқаро бозори янада тезроқ ривожланди. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб молиявий хатарлар савдоси олиб бориладиган ўзига хос халқаро бозор – деривативлар бозори шакллана бошлади.

Фақатгина 2010 йилнинг охирида деривативлар бозоридаги барча контрактларнинг умумий ҳажми 601 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди, яъни 65,3 баравар ошди ва жаҳон ялпи маҳсулоти ҳажмидан 8 баравар ортиқ бўлди.

7.5. Глобал молия тизимининг архитектураси

Глобал молия тизимининг ўзгаришига бир қатор омиллар сабабчи бўлди. *Глобал молия трансформацияси* жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан (2007-2008 йиллар) кейин кучая бошлади ва ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган давлатлар тезда кўтарилди[46].

Адабиётларда "*"emerging markets"* ("бозори шаклланаётган мамлакатлар" ёки "ривожланаётган мамлакатлар") деб номланадиган бир гуруҳ мамлакатлар ажойиб натижаларга эришди. Жаҳон молиясида ҳозирда юз бераётган таркибий ўзгаришлар кучларнинг бозорлари шаклланаётган давлатлар фойдасига қайта тақсимланиши билан боғлиқ.

Жумладан, ушбу мамлакатларга трансчегаравий инвестиция оқимлари қайта йўналтирилмоқда, уларнинг миллий валюталари байналминаллашмоқда, у ерда минтақавий ва глобал миқёсдаги халқаро молия марказлари

[45] Шишков Ю. В. «Невозможное триединство» в эпоху финансовой глобализации. // Мировая экономика и международные отношения. 2012. № 5. – С. 3-14.

[46] Петров М. В., Плисецкий Д. Е. Трансформация глобальных финансов. // Мировая экономика и международные отношения, 2010, № 7. – С. 3-22.

шаклланмоқда, шунингдек улар молиявий институтларининг ташқи экспансияси фаоллашмоқда.

Инқироздан олдинги ривожланаётган бозорлар. Иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган мамлакатларнинг жадал ўсиши янги минг йиллик бошида глобал иқтисодиёт ривожланишининг ўзига хос жиҳати бўлди. Иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган кўпчилик мамлакатларда ЯИМ ўсиши, биринчи навбатда, аҳоли, корхоналар ва давлат бошқаруви органларининг истеъмол ва, айниқса, инвестиция харажатларини фаол ошириш билан боғлиқ ички талабнинг жадал кенгайиши билан белгиланди.

Ўз навбатида, кенг кўламли либерал ислоҳотлар ўтказиш, валютани тартибга солишни ва капиталнинг трансчегаравий ҳаракатланишини эркинлаштириш каби омиллар иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган мамлакатларда ички истеъмол ва инвестицияларнинг жадал ўсишига кўмаклашди. Бу чора-тадбирлар уларнинг умумий инвестиция муҳитини, миллий товарлар бозорлари конъюнктурасини ва корпоратив сектор ҳолатини жиддий яхшилади, сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш даражасини ва иқтисодиётдаги омонатлар нормасини оширишга кўмаклашди.

Тез иқтисодий ўсиш иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган мамлакатларнинг ички капитал бозорларини ривожлантиришга кучли туртки берди. Бундай молиявий бозорларнинг ҳажми 2002-2007 йилларда уч баравардан ортиққа кўпайди ва 47 трлн. АҚШ долларига етди[47].

Инқироздан олдин фонд бозорлари, банк сектори энг илдам ўсди, бу мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими ошди. Бир вақтнинг ўзида ушбу мамлакатлар молиявий ресурслари экспорти кескин ошди. Миллий молия бозорларининг тезда ўсиши иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган мамлакатларга инқироздан олдинги атиги 5 йил давомида жаҳон молия

[47] Петров М. В., Плисецкий Д. Е. Трансформация глобальных финансов. // Мировая экономика и международные отношения, 2010, № 7. – С. 6.

активлари ҳажмидаги ўз улушини 20 фоизга етказиб, икки баравар кўпайтириш имконини берди.

Ишончли иқтисодий ўсиш ва миллий капитал бозорларининг тезда мустаҳкамланиши иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган мамлакатларга инқироздан олдинги йилларда глобал молияда ўз иштирокини анча кенгайтиришда, инвестициялар импорт ва экспорт қилувчи йирик мамлакатларга айланишда ёрдам берди.

Бироқ Ғарбнинг етук давлатлари, биринчи навбатда АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция глобал молияда инқироздан олдинги юксак мавқеини сақлаб қолди.

Ҳозирги глобал инқироз кўпчилик ривожланаётган ва постсоциалистик мамлакатлар, айниқса миллий капитал бозорлари жаҳон молия тизимига энг кўп интеграциялашган мамлакатлар иқтисодиёти ҳамда молия соҳаси учун жиддий синов бўлди.

Иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш босқичида бўлган мамлакатларни ташқи молиялаштириш ҳажмларининг жиддий қисқариши улар учун ҳозирги инқирознинг энг оғриқли оқибатларидан бири бўлди.

Ушбу мамлакатларда минтақавий ёки глобал миқёсдаги халқаро молия марказлари (ХММ) шаклланиши инқироздан кейинги йилларда жаҳон молиясида уларнинг мавқеларини мустаҳкамлашнинг яна бир стратегик йўналиши бўлди.

Глобал иқтисодиётда бозорлар иштирокчиларига юқори қўшилган қийматга эга кенг кўламдаги молиявий хизматлар тақдим этувчи ХММ халқаро инвестиция ресурсларини жалб қилиш учун рақобанинг энг муҳим воситасига айланмоқда.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, йирик ХММ бўлиши у жойлашган мамлакатга катта устуворликлар бериши, жумладан, иқтисодиётга хорижий капитал оқиб келишини ошириши (Сингапур, Гонконг ва Дубайдаги янги ХММ тажрибасига кўра 2-3 баравар), ички молия бозорлари ўсишини тезлаштириши, миллий валюта байналминаллашуви жараёнини рағбатлантириши, маблағларни хорижий активларга самарали жойлаштириш бўйича маҳаллий инвесторлар имкониятларини кенгайтириши, молия секторининг ялпи ички аҳсулотга (ЯИМ) қўшадиган ҳиссасини ошириши мумкин.

Ҳозирги вақтда кўпчилик йирик халқаро молия марказлари ривожланган мамлакатларда жойлашган, бу эса уларга асосий глобал валюта-молия оқимларини қабул қилиш имконини бермоқда.

Жумладан, Лондон халқаро молия хизматлари агентлиги маълумотларига кўра акциялар трансчегаравий айланмасининг 90 фоизи, активларни секьюритизациялаш бўйича халқаро битимларнинг қарийб 70 фоизи ва жаҳон валюталар савдосининг 50 фоизи Бриатния ва АҚШ халқаро молия марказларига (энг аввало, Лондон, Нью-Йорк ва Чикагодаги халқаро молия марказларига) тўғри келмоқда. Янги индустриал иқтисодиётларда – Сингапур ва Гонконгда жойлашган халқаро молия марказлари ҳам глобал молияда анча муҳим роль ўйнайди.

Бозори шаклланаётган мамлакатлардаги халқаро молия марказлари бугун уларда амалга оширилаётган молиявий трансакциялар ҳажми ва миллий иқтисодиёт учун аҳамияти бўйича етакчи марказлардан жиддий оқсаган ҳолда қарор топиш босқичида турибди.

Бугун глобал иқтисодиётда кўриб чиқилган мамлакатлар гуруҳи фойдаси учун юз бераётган туб ислоҳотлар, улар молиявий институтлари ва бозорларнинг миқдорий ҳамда сифат жиҳатидан ўсиши дарров бўлмаса-да, бироқ жаҳон молиявий тузилмасида туб ўзгаришга сабаб бўлади. Натижада бозорлари шаклланаётган йирик давлатлардан ташкил топган янги кучли иштирокчилар пайдо бўлади. Буларнинг барчаси катта мутаносиблик томон ҳаракат инқироздан кейинги даврда глобал молия тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлади, деб кутиш имконини беради.

Вашингтон ва постВашингтон муросаси (консенсуси) – бу Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банкининг кредитларини олувчи мамлакатлар учун мўлжалланган иқтисодий дастурлардир.

Вашингтон муросаси нархлар ва бозорларни эркинлаштиришни, макроиқтисодий барқарорлаштиришни, давлат харажатларини чеклашни, хусусийлаштиришни, иқтисодиёт очиқлигини (энг аввало, валютани айирбошлашни қилишни жорий этиш ва товарларни импорт қилишдаги ҳамда

хомашёни экспорт қилишдаги савдо тўсиқларини камайтиришни), Давлат бюджети тақчиллигини ва савдо ҳамда тўлов балансларини тақчиллигини камайтиришни ўз ичига олади.

Вашингтон муросаси талаблари аста-секин пост Вашингтон муросасига айланиб ўзгариб бормоқда. Унда қуйидагилар назарда тутилмоқда: миллий молия бозорлари самарадорлигини ошириш, мамлакатда рақобатни фаол қўллаб-қувватлаш ва монополияларга қарши курашиш (бу хусусийлаштиришдан ҳам муҳим иш ҳисобланади), компанияларнинг "шаффофлигига" эришиш, мақбул доирада инфляцияга қарши курашиш, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш ва давлат институтлари самарадорлигини ошириш.

Назорат саволлари:

1. Глобал молиявий ресурслар тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Молиявий ресурслар оқимини таърифлаб беринг.
3. Капиталнинг халқаро ҳаракатининг хусусиятларини келтиринг.
4. Вашингтон ва постВашингтон муросалари (консенсуси)нинг моҳияти нимадан иборат?
5. Глобал молия трансформациясини изоҳланг.

8-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ (ТМК) ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

8.1.ТМКлар тушунчаси ва уларнинг трансмиллийлашув даражаси.

8.2. Глобал иқтисодиётда ТМКлар фаол ва динамик иштирокчи сифатида.

8.3. ТМКларнинг ташкилий-иқтисодий фаолият шакллари.

Таянч сўзлар: *трансмиллий корпорациялар, халқаро (миллатлараро) корпорциялар, шўъба компаниялар, халқаро ишлаб чиқариш, трансмиллийлашув индекси, ТМКлар ички бозори, трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш, тармоқли корпорациялар.*

8.1. ТМКлар тушунчаси ва уларнинг трансмиллийлашув даражаси

Ишлаб чиқаришни умумлаштириш ва хўжалик ҳаёти глобаллашувининг ривожланиши халқаро корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун иқтисодий асосдир.

Улар ўз шаклларига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- трансмиллий корпорациялар (ТМК);
- халқаро (миллатлараро) корпорциялар (МК).

Трансмиллий корпорациялар капитали ва назорати бўйича миллий, лекин ўз фаолиятига кўра халқародир. Трансмиллий корпорациялардан фарқли равишда халқаро (миллатлараро) корпорациялар эгалари битта давлатнинг эмас, икки ва ундан ортиқ давлатлар капиталларининг эгалари ҳисобланади. Уларнинг энг муҳим ҳусусияти – акциядорлик капиталини халқаро кўламда бўлиб-бўлиб жойлаштириш компания ёки концерн таркибининг кўп миллатлилигидир.

Трансмиллий компаниялар XIX асрда ҳам мавжуд эди. Лекин уларнинг фаолият фақат XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига келиб капиталнинг байналминаллашуви жараёни чуқурлашиши муносабати билан кенг қулоч ёйди. Кейинчалик, 80-йилларда трансмиллий корпарациялар фаолиятида халқаро

операцияларнинг кўлами ортиб бориши билан жиддий ўзгаришлар юз берди, улар бу корпарациялар фаолияти асосий тамойилларининг жиддий ўзгаришларига олиб келди. Биринчи навбатда, турли миллат капиталларни бирлаштирш асосида қўшма тадбиркорликнинг ниҳоятда тез ривожланиши билан боғлиқ бўлган уларнинг бир миллатлилигини енгиб ўтиш бўлди[48].

Жаҳон амалиётида халқаро корпорациялар деганда, шунингдек, жаҳон товар ва ишлаб чиқариш омилларини бозорига сезиларли таъсир кўрсата оладиган йирик компаниялар ҳам тушунилади.

Халқаро корпорацияларнинг аҳамияти шундаки, уларнинг фаолияти туфайли бир қанча имкониятлар қўлга киритилади. Халқаро корпорациялар нисбий афзалликларинг моҳияти шундаки, улар қуйдагиларни таъмин-лайди:

- ишлаб чиқаришнинг катта ҳажми, кўлами ҳисобига маҳсулот бирлигига кетадиган сарф-ҳаражатларни тежашни;
- ишлаб чиқаришнинг катта кўлами ҳисобига меҳнат тақсимоти ва ихтисослаштиришни янада чуқурлаштиришни;
- капиталнинг халқаро бозори хизматидан фойдаланишдаги катта имкониятларни, жумладан, йирик лойиҳаларни молиялаштиришни;
- тадқиқотларни амалга ошириш учун лойиҳаларни концентрациялашни, техника ҳамда кадрлар билан таъминлаш нуқтаъи назаридан тўғри келадиган бир ёки бир неча мамлакатларда уларни ривожлантиришни;
- шҳъба компаниялар орқали улар жойлашган мамлакатлар орқали маълумотлар тўплаш ва улардан фойдаланишни;
- ташқи муҳитнинг ўзгаришларига (бозор, сиёсий вазият) кичкина компанияларга қараганда тезроқ мослашишни.

Ушбу афзалликлардан ташқари улар:

- ишлаб чиқаришнинг кенг диверсификация қилиниши туфайли таҳликали аҳволга кам тушишади ва кўпинча майда формаларга қараганда юксак даромад олишади;

[48] Исаджанов А..А. Глобализация экономики: особенности и факторы развития //Халқаро муносабатлар. – Т. ЖИДУ. 2003. 3-сон, 36-бет.

- ниҳоят солиқ кўп солинадиган мамлакатлардаги филиалларига етказиб бериладиган товарлар нархини сунъий ошириш, бу мамлакатлардаги филиалларидан олиб келинадиган товарлар баҳосини пасайтириш орқали миллатлараро корпорациялар (МК) солиқлар билан боғлиқ бўлган талофатларни камайтиришлари мумкин[49].

Халқаро корпорациялар XIX асрнинг охирларида вужудга кела бошлаган ва бугунги кунга келиб бир нечта босқични босиб ўтган[50]:

1-босқич. XIX асрнинг охири – XX асрнинг боши (саноат соҳасидаги монополлашув, колониялардаги йирик хомашё базаларига эгалик қилиш, жаҳон капиталистик хўжалигини яратиш).

2-босқич. Иккита жаҳон уруши орасидаги давр (давлатлардаги ҳарбий харажатларнинг ошиши, ҳарбий саноатга йўналтирилган ишлаб чиқариш).

3-босқич. 50-йиллар (халқаро корпорацияларнинг ўзаро интеграллашуви, Ғарбий Европада кўпмиллатли корпорацияларнинг вужудга келиши, компаниялар томонидан хомашё ва саноат товарлари бозорининг эгалланиши, атроф-муҳитга зарарли ва кўп меҳнат талаб қилувчи ишлаб чиқаришнинг ривожланаётган мамлакатларга ўтиши).

4-босқич. XX асрнинг 60-70 - йиллари (халқаро корпорацияларнинг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиши, давлатлар томонидан ўз ТМКлари қўллаб - қувватланиши).

5-босқич. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, ҳозирги кунда ҳам давом этаётган давр. Ушбу босқич олдинги босқичларидан бир нечта жиҳатлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, ТМКлар умумжаҳон глобал стратегияси доирасида фаолият кўрсатишади ва жаҳон бозорининг нафақат алоҳида сегментини, балки жаҳон хўжалигининг асосий таянч мавқеларига эгалик қилишга харакат қилади. Жумладан, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, корпоратив бошқарув, янги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, глобал маркетинг ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш, истеъмолчи билан доимий алоқада бўлиш каби соҳалар;

[49] Делягин М.Г, Мировой кризис, обшая теория глобализация», Москва.2003. – С. 254-274.
50 Исаджанов А.А. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Тошкент. ЖИДУ. 2008, 66-67бетлар.

Иккинчидан, улар ишлаб чиқаришнинг глобаломиллари (капитал, ишчи кучи, табиий ресурслар ва тадбиркорлик қобилияти) дан кенг фойдаланадилар;

Учинчидан, улар дунёнинг кўпчилик мамлакатларида халқаро ишлаб чиқаришнинг глобал тизимини ярата олишган.

90-йиллар охирида жаҳонда 54 мингтага яқин, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда 43,4 минг ривожланаётган мамлакатларда 9,3 минг ва Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида 0,8 мингта халқаро корпорациялар мавжуд бўлган.

Бугунги кунда ТМКларга қуйидагича таъриф бериш мумкин, яъни ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда хўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга бўлган халқаро компания трансмиллий корпорация дейилади.

Ҳозирги пайтда иқтисодчилар ўзининг асосий диққатини 4 та йўналишга қаратмоқда. Булар:

молиявий глобаллашув;

глобал ТМКларнинг вужудга келиши;

иқтисодиётнинг минтақалашуви;

жаҳон савдосини жадаллашуви.

Иқтисодчилар глобаллашувнинг асосий томонларига ўз эътиборларини қаратадилар ва унда қуйидаги жараёнларини ажратадилар:

молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредит берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;

ахборот-коммуникацион технологиялар аҳамиятининг ошиши;

глобал компанияларнинг пайдо бўлиши;

ТМКлар сонининг ортиши.

Ишлаб чиқариш байналминаллашувининг намоён бўлиши, истеъмол учун яратиладиган маҳсулотини тайёрлашда жаҳоннинг турли давлатларидан ишлаб чиқарувчилар қатнашадилар. Жаҳон савдосининг асосий

қисмини ярим тайёр маҳсулотлар эгаллайди. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувида ТМК етакчи ҳисобланади.

Капиталнинг байналминаллашувини чуқурлашуви, яъни давлатлараро халқаро капитал ҳаракатининг ўсиши, бунда энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўринишида фонд бозорларининг байналминаллашуви кузатилади.

Ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, технологик билимлар воситаларини алмашинуви натижасида, шунингдек халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ресурсларининг жойлашуви натижасида ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашуви содир бўлади.

Халқаро ҳамкорликни амалга оширишни таъминловчи глобал миқёсдаги материал, ахборот, ташкилий-иқтисодий инфратузилманинг шаклланиши кузатилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ)нинг чуқурлашуви натижасида айрибошлаш байналминаллашувининг кучайиши, бунда халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизматлар соҳаси асосий йўналишлардан бирига айланмоқда.

Халқаро ишлаб чиқариш кучи миграциясининг ўсиши. Бунда ривожланган давлатларда камбағал давлатлардан келган ишчи кучларини малака талаб қилмайдиган ёки паст малака талаб қиладиган ишга жалб этилади.

Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналминаллашувини атроф муҳитга таъсирининг ортиши. Бу эса замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни ортишини келтириб чиқаради.

Трансмиллий компаниялар жаҳоннинг турли бурчакларида шўъба фирмалари ва филиаллари кўпайишини намоиш этмоқда. Трансмиллий корпорациялар (ТМК) иқтисодий глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди ва тобора тез суръатлар билан ривожланмоқда[51].

[51] Мировая экономика в век глобализации: Учебник /О.Т. Богомолов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. – С.19-20.

4-жадвал

2017-2018 йилда энг йирик ТМКлар рейтинги, млрд. АҚШ долл.

№	Компания	Мамлакат	Даромади	Активлари	Капиталлашув
1	ICBC	Хитой	37,8	2 800	237,3
2	Хитой қурилиш банки	Хитой	30,6	2 241	202
3	JPMorgan Chase	АҚШ	21,3	2 359,1	191,4
4	General Electric	АҚШ	13,6	685,3	243,7
5	Эxxon Mobil	АҚШ	44,9	333,8	400,4
6	HSBC Holdings	Буюк Британия	14,3	2 684,1	201,3
7	Royl Dutch Shell	Нидерландия	26,6	360,3	213,1
8	Хитой қишлоқ хўжалиги банки	Хитой	23	2 142,2	150,8
9	Berkshire Hathaway	АҚШ	14,8	427,5	252,8
9	PetroChina	Хитой	18,3	347,8	261,2
11	Банк Китая	Хитой	22,1	2 033,8	131,7
12	Wells Fargo	АҚШ	18,9	1,423	201,3
13	Шеврон	АҚШ	26,2	233	232,5
14	Volkwagen Гурухи	Германия	28,6	408,2	94,4
15	Apple	АҚШ	41,7	196,1	416,6
15	Wal-Mart Stores	АҚШ	17	203,1	242,5
17	Газпром	Россия	40,6	339,3	111.4
18	BP	Буюк Британия	11,6	301	130,4
19	Citigroup	АҚШ	7,5	1 864,7	143,6
20	Petrobras	Бразилия	11	331,6	120,7
20	Samsung Electronics компанияси	Жанубий Корея	21,7	196.3	174,4
22	BNP Paribas	Франция	8,6	2 504,2	71,3
23	Total	Франция	14,1	224.1	115,5
24	AT & T	АҚШ	7,3	272.3	200,1
25	Allianz	Германия	6,8	915,8	66,4

Манба: *https://bch.su/100-krupnejshih-kompanij-mira.htm*

Рейтингнинг биринчи ўнликида учта нефт компаниялари жойлашган (Эxxon Mobil, Roял Dutch Shell ва Petro China) ҳамда иккита кўп тармоқли холдинглар (General Electric ва Berkhҳire Hathaway). Қолган ўринларни банклар эгаллаган, шулардан учтаси Хитой банклари.

Ушбу давр ичида энг катта даромадга эга бўлган компания Эxxon Mobil бўлса (45 млрд. долл.), капиталлашув кўрсаткичи бўйича энг қиммат компания Apple деб тан олинган.

8.2. Глобал иқтисодиётда ТМКлар фаол ва динамик иштирокчи сифатида

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ТМКларнинг ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида фаолият кўрсатишининг ижобий ва салбий натижаларини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга.

Ижобий натижалари қуйдагилардан иборат:

- фан-техника ютуқларининг кириб келиши;
- маҳаллий саноат тармоқларини модернизация қилиш учун моддий ва техник маблағларнинг ажратилиши;
- янги иш ўринларининг очилиши ва маҳаллий аҳолининг бандлик даражаси ошиши;
- халқаро корпорацияларнинг филиалларида банд бўлган кишиларнинг иш ҳақлари ва ижтимоий таъминоти юқори даражада бўлиши;
- миллий кадрлар малакасининг ошиши;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро меҳнат тақсимотига қўшилишини таъминлаш.

Салбий натижалари эса қуйидагича:

- маҳаллий фирмалар имкониятларини чеклаб қўйиш;
- монопол нархларнинг ўрнатилиши;
- даромадларни бир давлатдан бошқасига ўтказиб юбориш йўли билан солиқ тўлашдан четлашиш шаклида ушбу мамлакат қонунларини бузиш;
- ўз ишлаб чиқариши билан ушбу мамлакатдаги атроф - муҳитни ифлослантириш;
- халқаро корпорациялар филиаллари ишчиларининг иш ҳақлари маҳаллий фирмалар ишчиларникидан юқори бўлиши натижасида меҳнат бозоридаги ҳолатнинг беқарорлашуви;
- ушбу мамлакат ҳукумати сиёсатига таъсир кўрсатиш.

ТМК ичида фаолият кўрсатувчи ва биринчи галда ички бозорларга хос бўлган иқтисодий механизмлар тахлили муҳим ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки бу муаммо кўпгина корпорациялар учун муҳим ҳисобланади.

ТМК ички бозорини алоҳида бўлимлар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тизим сифатида тавсифлаш

мумкин. Хар қандай корпорацияда ички бозорнинг икки функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси. Ички бозор корпорациялар даромадини максималлаштириш ва унинг фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва бунда трансфер баҳолар тизими муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчиси. Ички бозор алоҳида ташкилотларнинг макротузилма доирасида интеграллашув механизмларидан бирини акс эттиради.

90-йилларнинг бошларидаёқ кўпгина тадқиқотчилар бизнес гуруҳлар назоратининг акциядорлик кўриниши ўз мавқеини йўқотиши ва фирма ичида хўжалик алоқаларининг ахамияти ортишини башорат қилишган.

Бугунги кунда шаклланаётган тармоқли корпорацияларда ички бозорлар тизими асосий интеграллашув элементига айланди. Мавжуд бўлган компаниялар доирасида бирлашманинг бош компанияси томонидан амалга ошириладиган ресурс тақсимотини назорат қилиш энг муҳим аҳамиятга эга.

Бу эса хизматлар ва ресурслар харакати амалга ошадиган *интернал* (яъни, ички) бозорлар мавқеи ўсишини кўрсатади.

ТМК ички бозорларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки: айнан уларда жаҳон савдосининг салмоқли қисми амалга оширилади (айрим маълумотларга кўра умумий ҳажмнинг учдан бир қисми).

ТМКларнинг ички савдосининг ўзига хос хусусияти – бу трансфер баҳолар механизми қўллаш. Бунинг сабаби маҳсулотнинг нархи ягона нарх сиёсати асосида ўрнатилишидир ва бу сиёсат глобал характерга эга.

ТМК томонидан трансфер баҳолари бозорларда ва технологияларда фаол қўлланилмоқда. ТМКда трансфер баҳоларини аниқлаш тартиби тижорат сири ҳисобланади. Трансфер нарх шаклланишининг икки механизмини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Истиқбол ички бозорлар таҳлили кўпчилик холларда ички савдо ички тармоқ савдосининг турли туманлигини акс эттиради.

• ТМК ички бозорлари тахлилида гап, биринчи навбатда, маҳсулот етказиб берилиши технологик занжир асосида амалга оширилган вертикал тармоқ ичи савдоси ҳақида боради.

Бунда ички савдонинг асосий объекти бўлиб яримфабрикатлар, материаллар ва хомашё ҳисобланади. Бунинг тескарисини ҳам таъкидлаш мумкин: ҳозирги даврда, айниқса, халқаро стратегик альянслар ривожланиши шароитида турли тармоқда вертикал ички савдонинг асосий қисми ТМКлар доирасида амалга оширилади. Айрим маълумотларга кўра вертикал савдо улуши умумий савдо қийматининг 80 %-90 % фоизини ташкил қилади.

• Бир вактнинг ўзида ТМК ички савдоси тармоқлараро халқаро савдолар доирасида ҳам амалга оширилади.

Ички савдонинг миқдорий таҳлил ташқи савдо статистикасидаги айрим услубий камчиликлар билан боғлиқлиги туфайли мураккаб муаммо ҳисобланади.

Фирма ички савдосининг муҳим хусусияти ТМКлар воситачи ташкилотлари бўлмиш кўп сонли кичик фирмаларни байналминал бозорлар орқали жаҳон бозорига жалб қилиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, технологиялар ички корпоратив бозорини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим, чунки 1990-йилларнинг охирида дунёдаги технологиялар алмашув бозори тўловларнинг 70 фоизи ТМКларнинг бош ва унинг қарамоғидаги компаниялар ўртасида амалга оширилган. АҚШда бу кўрсаткич 80 фоизни, Буюк Британияда – 90 фоизни ташкил қилади.

Технологиялар яратилиши ва жаҳон бозорига етказилиши ТМКлар ва халқаро стратегик альянслар доирасида амалга оширилади. Технологиялар яратилишидаги муҳим йўналишлардан бири ТМКларнинг чет элда тадқиқот марказларини яратиш ва улар томонидан асосий компания технологияларини етказиб беришдир. АҚШда 1995 йилда янги технологияларнинг 13 фоизи шундай марказлар томонидан амалга оширилган. Ўзларининг чет элдаги филиаллари томонидан технологиялар трансфер қилиш ТМКлар фаолиятининг асосий хусусияти ва ички технологиялар алмашуви тижорат сири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ТМК доирасидаги халқаро технологиялар трансферти халқаро компаниялардаги ички савдоси билан узвий боғлиқдир. Бу нарса ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга технологиялар трансфер қилишнишида яққол намоён бўлади.

Ички бозордаги технологиялар трансфери янги турдаги халқаро тузилмалар учун асос бўлмоқда хамда корпорацияларнинг интеграциясида самарали услуб ҳисобланмоқда.

ТМК фаолияти муҳим элементларидан яна бири ягона молиявий сиёсат ўрнатиш ва капиталнинг ички корпоратив бозорини шакллантириш. Одатда молияни бошқариш марказлаштирилган ҳолда олиб борилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки капитал ва товарларнинг ички бозори узвий боғланган бўлиб, трансфер баҳолари эса ТМК молиявий сиёсатининг элементи ҳисобланади.

Ҳозирда шаклланиб келаётган ТМКларнинг ички бозорлардан бири ишчи кучи бозоридир. Ички бозорга ўхшашлиги бўйича ишчи кучи бозорига ТМК бўлимлари ва филиаллари орасидаги кадрларни алмаштириш тизими сифатида қараш мумкин.

Аммо ТМК фаолият юритаётган алоҳида давлатларда фирма ички ходимларини алмаштириш ягона тизими хақида гапиришга хали эрта. Шундай турдаги бозорлар фаолиятига хос икки хусусиятни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, гап халқаро жамоани шакллантиришнинг геоцентрик моделидан фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Гарчи геоцентрик жамоа янги юқори технологияли компанияларда фаол қўлланиллаётган бўлса-да, айни вақтда замонавий ТМКларда унинг қўлланиши чекланган ҳисобланади.

Иккинчидан, ишчи кучи бозорининг муҳим элементларидан бири "Пульсар" тизимидир. Бу тизим биринчи марта япон ТМКлари томонидан татбиқ этилган ва у ТМКга кирувчи ташкилотлар ўртасидаги ходимларнинг доимий алмашинувини таъминлашга хизмат қилади (биринчи галда Японияда жойлашганларини).

Ишчи кучининг фирма ичи бозорлари ривожига "теле иш" (tele working) деб номланган ҳодиса сезиларли таъсир

кўрсатиши мумкин. Бунда хизматлар истеъмолчиларга узоқ масофадан туриб электрон тармоқлар орқали кўрсатилади.

ТМК ички бозорлари корпорация раҳбарияти томонидан тартибга солинишига қарамасдан, амалда халқаро компаниялар ички бозорида "аралаш мухит" мавжудлиги хақида гапириш мумкин.

Ички бозорларнинг қайта марказлаштириш ва рақобат механизмлари ҳал хил давлатларда турлича. Айни вақтда "бизнес ичида бизнес"ни шакллантириш бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Биринчи навбатда компания ичида махсус маркетинга эҳтиёж туғилади.

Ҳозирги кунда жаҳон ишлаб чиқаришининг 20фоизидан кўпроғи ТМКлар улушига тўғри келади ва фирмалар ичидаги савдо (асосий компаниялар билан унинг чет элдаги шўъба компаниялари ўртасидаги) қайта ишловчи саноат маҳсулотларининг дунё бўйича савдосининг 25 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Айрим халқаро компаниялар йилига ўнлаб миллиард доллар миқдорида савдо қилишга эришмоқдаки бу айрим давлатлар умумий миллий даромадидан кўпдир. Бундан ташқари, ҳозирги кунда дунёдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аксарияти ҳам айнан корпорациялар томонидан амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам Ғарбдаги у ёки бу мамлакатни бошқа давлатларда жойлаштирилган "иккинчи иқтисоди" кўламларини ҳисобга олмасдан туриб, уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаб бўлмайди. Бу жараёнга ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, "янги индустриал мамлакатлр" аста-секин қўшилмоқда.

Улар ривожланган мамалакатлар саноати учун ихтисослаштирилган буюмлар, қисмлар етказиб берувчи сифатида фаол иш юритмоқда. Жаҳондаги яратилаётган мавжуд бўлган патент ва лицензияларнинг 4/5 қисми айнан ТМКлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Инновацион стратегияларни татбиқ этиш жараёнида ТМКлар ички ва ташқи инновациялар манбаларидан фойдаланади (хорижий филиалларнинг яратган инновацияларидан). Ташқи инновацион омиллардан фойдаланишда ТМКлар бир нечта усуллардан фойдаланади:

трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш жараёнларида қатнашиш;

халқаро стратегик альянсларни ташкил этиш;

офшор аутсорсингни қўллаш;

ТМКларни хорижий филиаларининг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш.

Лондон бизнес-мактабининг професори Джулиан Буркиншо (Julian Burkinshaw) ва Глазгодаги Стрейтклайд университети профессори Нейл Худ (Neil Hood) 50дан ортиқ ТМКлар фаолиятини ўрганиш натижасида хорижий филиаллар инновацион жараёнлариуь қўллаб-қувватлаш катта самара беришини таъкидлаб ўтишди. Биринчилар қаторида НАФТА интеграцион гуруҳи ташкил этилишида АҚШ ва Канада компаниялари ўртасида кучли рақобат юзага келиши натижасида ушбу стратегияни 1989 йилда қўллаганлардан бири "Monsanto Canada" трансмиллий корпорацияси эди.

Ҳозирда ТМКлар глобал инновацион тармоқларни яратиш натижасида она компания ("home-base exploiting — HBE") ва хориждаги филилларнинг инновацион салоҳиятидан (home-base augmenting — HBA)[52] унумли фойдалишмоқда.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра хориждаги филиалларнинг инновацион фаолияти "билим инкубаторлари" вазифасини бажармоқда (Offshore Knowledge Incubation — OKI) . Мисол тариқасида Nestle корпорациясининг фаолиятини келтириш мумкин[53]. Корпорация маълумотларига кўра, унинг таркибида илмий марказлар фаолият юритади: илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик Маркази (Research& Development Center); Илмий тадқиқотлар Маркази (Research Center) ва ишлаб чиқаришда технологияларни яратиш Маркази *(Product Technology Center)*. Ушбу шаклда ташкил этилган 24 бўлинмалар дунёнинг 14 мамлакатида илмий фаолият юритади, шу жумладан Европа, АҚШ, Лотин Америкасb, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Гонконг (Хитой), Сингапурда. Шунга ўхшаш илмий марказ ва лабораторияларни барча йирик ТМКларнинг фаолиятида кузатиш мумкин[1].

[52] Birkinshaw J., Hood N. Unleash innovation in foreign subsidiaries // HarvardBusiness Review. March-April. 2001. P. 132.

[53] www.nestle.com — Nestle

"ОКІ" феномени ТМКларнинг янги шаклланаётган концепциясидан ўрин олмоқда ва замонавий ТМКлар "постглобал стратегиясини" шакллантириш босқичининг муҳим қисми сифатида тан олинмоқда.

8.3. ТМКларнинг ташкилий-иқтисодий фаолият шакллари

Трансмиллий корпорацияларни вужудга келиши жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиши, глобаллашув жараёнларининг мантиқий натижаси ҳисобланади. Жаҳон тажрибасида халқаро корпорациялар (International corporation) деганда дунёнинг турли мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширадиган йирик корпорацияларнинг шаклларидан бири тушунилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш натижасида халқаро корпорациялар хорижий мамлакатда бир нечта кўринишда намоён бўлади:

- хорижий корхона;
- шўъба корхона;
- хорижий филиал (шохобча).

Халқаро корпорацияларнинг иккита тури бор: трансмиллий корпорациялар (transnational corporations) – бунда бош компаниянинг капитали битта мамлакатга тегишли бўлади, филиаллари эса турли мамлакатларда жойлашган бўлади;

Миллатлараро корпорациялар (multinational corporations) – бунда бош компаниянинг капитали бир эмас, балки икки ёки ундан ортиқ мамлакатга тегишли бўлади, хориждаги филиаллари эса ТМКлар каби турли мамлакат ва ҳудудларда жойлашган бўлади.

Ҳозирги шароитда капитал янги турининг моҳиятини тушуниш байналминаллашув жараёни билан, яъни меҳнат, капитал, номоддий бўлмаган активларни ўтказиш борасидаги ташқи бозор муносабатларининг номукаммаллигига жавобан ўз ташкилий тузилмалари доирасида ички бозорларини барпо этиш билан боғлиқдир. Фирмалар бозор битимлари ўрнини шоҳобчалар ўртасидаги шартнома муносабатлари билан алмаштириб, бу билан ташқи омиллар таъсирини бартараф

этади ва самарадорлиги жиҳатидан анъанавий ташқи бозордан устун турувчи ички бозорни шакллантиради.

Халқаро корпорацияларнинг иқтисодга таъсири биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг ниҳоятда кенг шоҳобчалари ва тақсимланиши орқали олинаётган нисбий афзалликлар туфайли намоён бўлади. Улардан фойдаланиш чет эл шоҳобчалари ҳам вертикал, ҳам горизантал интеграциялашув воситасида таъминланади[54].

Халқаро корпорациялар, яъни трансмиллий корпорациялар ва миллатлараро корпорацияларнинг бир нечта ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- йиллик савдо ҳажми 1 млрд. АҚШ долл. дан кам бўлмаслиги;
- умумий айланманинг 1/5 дан 1/3 гача бўлган қисми хориждаги операцияларга тўғри келиши;
- хориждаги капиталлар умумий капиталнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги;
- филиаллари олтитадан кам бўлмаган мамлакатларда мавжуд бўлиши.

Шундай қилиб, халқаро корпорацияларнинг муҳим белгиси уларнинг бевосита хорижий инвестицияларни оширишида намоён бўлади.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос тур бўлган замонавий ТМКларнинг белгилари қуйидагилар ҳисобланади[55]:

- ишлаб чиқаришнинг, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб - квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарисига олиб чиқиш;
- турли мамлакатларда шоҳобчалар, шўъба ва ассоциациялашган компанияларнинг катта тармоғини шакллантириш;
- иқтисодий фаолиятнинг самарали прогноз ва режалаштириш шароитида ташқи ва ички инвестицион оқимларни бошқариш;
- капиталлар, ишчи кучи, ахборот кўчишининг фирма ичкарисидаги каналларнинг кўплиги.

---

[54] Исаджанов А.А. "Глобализация экономики: особенности и факторы развития//Халқаро муносабатлар. – Т.: ЖИДУ. 2003. 3-сон, 37-бет.

[55] Исаджанов А.А. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Ўқув қўлланма. – Т.: ЖИДУ. 2008, 68-69-бетлар.

Ишлаб чиқариш қувватларини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли ҳудудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш (диверсификациялаш) бундай корпорацияларга халқаро меҳнат тақсимоти шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи афзалликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имкониятини беради.

Миллий мансублик бўйича халқаро корпорацияларнинг қуйидаги шаклларини санаш мумкин:

- мономиллий;
- мультимиллий;
- консорциум.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бугунги кунда ТМКлар фаолиятини халқаро ва миллий даражадаги ташқи муҳит билан ўзаро алоқада бўлган кўпгина элементлардан ташкил топган мураккаб тизим сифатида тушунилади.

ТМКларнинг байналминаллашуви жаҳон иқтисодиётининг янги бир босқичга кўтарди, десак муболаға бўлмайди. Халқаро миқёсда фаолиятини кенгайтирган ТМКлар, ўз шўъба корхоналари ёки бўлинмалари жойлашган мамлакатларда муваффақиятли фаолият юритиш ва умуман технологияларни сотиш учун уларни ўша мамлакатлар маҳаллий шароитларига мослаштириш заруратини сезганлар.

ТМКлар хусусиятини ўрганганда уларнинг қайси мамлакатдан рўйхатга ўтганлигига ҳам эътибор бериш керак. Яъни, қайси мамлакатда ТМКлар бош компанияси кўпроқ рўйхатга олинган бўлса, бу компаниялар ўз мамлакати учун катта миқдордаги валюта тушумини таъминлайди. Қолаверса, фан ва техниканинг янги ютуқлари ҳам дастлаб шу мамлакатда йўлга қўйилади ҳамда янги турдаги товар ва хизматлар истеъмолчиларга тақдим этилиб, кўп миқдорда даромад олишимконини беради.

ТМКлар асосан АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия ва Франция каби дунёнинг ривожланган мамлакатларига тегишли бўлмоқда. Аммо сўнги йилларда ривожланаётган мамлакатлар ТМКлари жаҳон иқтисодиётида ўз мавқеларини ошира бормоқда.

Маълум бир мамлакатнинг ТМКлари молиявий имкониятига баҳо беришда уларнинг капиталлари миқдорининг ушбу мамлакатлар ЯИМдаги улуши қанчалигига ҳам эътибор берилади.

5-жадвал

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро ишлаб чиқариш

Мавзу	Жорий нархларда қиймат (млрд. АҚШ доллари)				
	1990 йил	2005-2007 йй (инқирозгача бўлган ўртача)	2015 йил	2016 йил	2017 йил
ТТХИларнинг кириши	205	1 415	1 921	1 868	1 430
ТТХИларнинг чиқиши	244	1 452	1 622	1 473	1 430
Киритилган ТТХИларнинг ялпи хажми	2 196	14 487	25 665	27 663	31 524
Чиқарилган ТТХИларнинг ялпи хажми	2 255	15 188	25 514	26 826	30 838
Киритилган ТТХИларнинг ялпи даромади	82	1 027	1 461	1 564	1 581
ТТХИларнинг даромад даражаси	*5.4*	*9.2*	*6.8*	*7.0*	*6.7*
Чиқарилган ТТХИларнинг ялпи даромади	128	1 101	1 394	1 387	1 553
Чиқарилган ТТХИларнинг даромад даражаси	*7.8*	*9.5*	*6.1*	*5.8*	*6.2*
Трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш (M & As)	98	729	735	887	694
Хорижий филиаллар сотувларининг хажми	6755	24 217	27 559	29 057 с	30 823 с
Хорижий филиалларнинг яратган қўшимча қийматлари (маҳсулот)	1 264	5 264	6 457	6 950 б	7 317 с
Хорижий филиалларнинг ялпи активлари	5 871	54 791	94 781	98 758 б	103 429 с
Хорижий филиаалрда бандлик (минг киши)	27 034	57 392	69 683	71 157 с	73 209 с
Меморандум					
Ялпи ички маҳсулот	23 433	52 383	74 407	75 463	79 841
Асосий капиталнинг ялпи ўсиши	5 812	12 426	18 561	18 616	19 764
Роялтилар ва лицензиялар	31	174	299	312	333
Товарлар ва хизматлар экспорти	4 414	14 957	20 953	20 555	22 558

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Polisies. UNCTAD. Geneve. P.20.*

ТМКлар ичида фаолият кўрсатувчи ва биринчи галда ички бозорларга хос бўлган иқтисодий механизмларни таҳлили муҳим ҳисобланади. Шуни таъкидалаш жоизки, бу муаммо кўпгина корпорациялар учун муҳим ҳисобланади.

Халқаро ишлаб чиқариш, кўп ҳолда ТМКлар фаолияти билан боғлик бўлганлиги, кенгайишда давом этмоқда, лекин кенгайиш суръати секинлашмоқда ва трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари алмашинувининг имкониятлари ўзгариб бормоқда.

5-жадвалда ТТХИлар ва халқаро ишлаб чиқаришнигнг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

ЮНКТАДнинг йиллик статистик маълумотларида қайд этилганидек, хорижий филиалларининг савдоси ва қўшилган қийматининг босқичма-босқич ўсиши халқаро ишлаб чиқариш тармоқларининг ишлашига хосдир. Хорижда жойлашган филиалларда тўпланган инвестицияларнинг мавжуд захиралари хорижий бозорларда қайта инвестицияланиши мумкин бўлган даромадларни келтириб чиқаради. Хорижий филиалларнинг даромадларининг тахминан 50 фоизи ўртача қайта инвестицияланади.

Хорижий филиалларнинг сотувлари (1,5 фоиз), яратилган қўшимча қиймат (1,5 фоиз) ва бандлик (2,5 фоиз) ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2010 йилга нисбатан паст даражад эди. Халқаро ишлаб чиқариш ушбу ўсиш суръатларини сақлаб қолса, хорижий филиалларнинг сотув хажми ишчилар сонини ўсиш суръатларига қараганда икки баробар тезроқ ўсмоқда.

Назорат саволлари:

1. Йирик ТМКлар асосан қайси минтақалар ва давлатларга тегишли?
2. Дунёга машҳур "Philips Electronics" компанияси қайси мамлакатда жойлашган?
3. Буюк Британиянинг «Vodafone Group Plc" компанияси қайси соҳада фаолият кўрсатади?
4. ТМКларнинг кўпмиллатли корпорациялардан фарқли жиҳати нимадан иборат?
5. Халқаро корпорациялар фаолияти орқали қандай имкониятлар қўлга киритилади?
6. ТМКларнинг ички бозорининг хусусиятлари нимадан иборат?

9-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Режа:

9.1. Капитал олиб чиқишнинг асосий шакллари.

9.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) хусусиятлари ва глобал иқтисодиётда тутган ўрни.

9.3. ТТХИларнинг тармоқлар ва ҳудудий оқимлари.

Таянч сўзлар: *Капитал, инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестицион иқлим, хусусий капитал, тадбиркорлик капитали, портфелли инвестициялар, хорижий инвестициялар.*

9.1. Капитал олиб чиқишнинг асосий шакллари

Халқаро капитал ҳаракатини турли жиҳатдан таҳлил этилади. Унинг айрим мамлакатлар иқтисодиётида бўш турган маблағларни ўзлаштириш объекти деб қаралса, иккинчи томондан, уни қандай хорижий мамлакатларга кўчириш ва юқори фойда олиш субъекти сифатида қаралади. Лекин, капиталнинг халқаро харакати жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида етакчи ўринни эгаллайдиган муҳим элементдир.

1. Вужудга келиш манбаларига кўра:

а) давлат ва

б) хусусий капитал.

Одатда давлат капитали расмий ҳам деб юритилади. У кўп шаклларда - давлат қарзлари, ссудалари, грантлари, ёрдами сифатида хорижий мамлакат давлат бюджетида ўрин эгаллайди. Хусусий капитал нодавлат манбалари сифатида хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзлаштирилади. Буларга: инвестициялар, савдо кредитлари, банклараро кредитлар, киради ва давлат бюджети харажатларида ўрингa эга эмас.

2. Халқаро капиталнинг ишлатилиши характерига кўра:

а) тадбиркорлик;

б) ссуда кўринишида.

Тадбиркорлик йўналишида капитал бевосита ёки билвосита сафарбар этилиб, фойда олишда тегишли іхусусга эга бўлишни назарда тутади. Ссуда кўринишида эса берилган қарз учун фоизларни ўзлаштириш назарда тутилади.

3. Муддатига қараб у:

а) қисқа муддатли ва

б) ўрта ва узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ муддатга).

Ўрта ва узоқ муддатли капитал тадбиркорлик йўналишидаги капитал бўлиб бевосита ва портфелли (кўпинча хусусий) шаклда ёки давлат кредитлари (ссудалари) шаклида бўлади.

4. Мақсадларига кўра халқаро капитал:

а) бевосита хорижий инвестициялар ва

б) портфелли инвестицияларга бўлинади.

Бевосита хорижий инвестициялар – сармояни узоқ муддатга ва объектнинг бошқарувида бевосита мулкдорлик ҳуқуқи ва бошқарув иштирокида ҳал этувчи рол ўйнаши билан ажралиб туради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳеч қайси давлат жаҳон иқтисодиётидан айрилган ҳолда ташқи ёрдамларсиз, бошқача айтганда, хорижий сармоя ва кўмакларсиз иқтисодий тараққиётга эришиши мумкин эмас. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни қайта қуриш, модернизациялаш ва юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдагиь, ЎРҚ-380-сон "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунига (янги таҳрири) биноан "Инвестициялар – қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар дейилади (Қонуннинг 3-моддаси)[56].

Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади. Капитал инвестицияларга асосий фондларни вужудга келтириш ва

[56] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 587-модда.

такрор ишлаб чиқаришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестицияларига янги ёки такомиллаштирилган товарларни (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш жараёнини, тадбиркорлик фаолиятини юритишда янги маркетинг услубини ёки ташкилий услубни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестицияларга инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради (Қонуннинг 4-моддаси).

Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирларининг таъсири аҳамиятли бўлди.

Жумладан, 2006 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3838,3 млн. АҚШ долларига тенг даражани ташкил этиб, бу 2000 йилга нисбатан 5,2 баравар кўп демакдир. Бундай ўсишда нодавлат секторига йўналтирилган инвестициялар салмоғининг сезиларли даражада ортиши муҳим ўрин тутади.

Қатор йиллар давомида мамлакатимизда асосий капиталга инвестициялар ҳажми мунтазам равишда ўсиб, уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда.

9.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) хусусиятлари ва глобал иқтисодиётда тутган ўрни

Глобал иқтисодиётда халқаро капитал ҳаракати тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Айниқса, ушбу жараённинг муҳим қисми бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга (ТТХИ) оҳирги йилларда катта эътибор қаратилмоқда.

ТТХИни экспорт қилувчи мамлакатлар учун капитални чиқаришдаги асосий ҳаракатлантирувчи куч бу ТМКларнинг глобал ишлаб чиқариш ва илмий-техник комплекси доирасида даромадлар нормаси ва ҳажмини кўпайтиришга интилиши ҳисобланади. ТТХИлар глобал иқтисодиётнинг шаклланишида асосий омил сифатида намоён бўлди. Натижада, ТТХИлар хажми барча минтақаларда ва мамлакатларда тобора ошиб бормоқда.

ЮНКТАД маърузаларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатларда хўжалик фаолиятининг трансмиллийлашуви индекслари келтирилади.

Улар қуйидаги тўртта кўрсаткичдан иборат ўртача ҳажм сифатида ҳисоблаб чиқилади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқиб келиши, асосий капиталга ялпи капитал қўйилмаларнинг фоизда;

2) мамлакатда тўпланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, ЯИМнинг %;

3) хорижий филиаллар томонидан қўшилган қиймат, ЯИМнинг %;

4) хорижий филиаллардаги бандлик, умумий бандликка %.

Индекс у ёки бу мамлакатдаги ишлаб чиқариш трансмиллийлашгани, яъни халқаро ишлаб чиқариш тизимларига жалб этилгани ҳақида фикр юритишга рухсат этади, демак, миллий иқтисодиётнинг ТМК фаолиятига боғлиқлиги даражаси ҳақида тушунча беради[57].

ТТХИлар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий омилига ва жаҳон

[57] Мировая экономика в век глобализации: Учебник /О.Т. Богомолов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. – С.24.

капитал бозорининг юқори сўратлар билан ривожланаётган ажралмас қисмига айланди.

Улар жаҳон хўжалик тизимида ва глобаллашув жараёнларида етакчи ролни ўйнай бошлашди. ТТХИларнинг тез суръатлар билан ўсиши ва глобал иқтисодиётидаги актив фаолияти куйдаги омиллар билан боғлиқ бўлмоқда:

ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларнинг таркибий ўзгаришлари;

барча мамлакатларда оҳирги йилларда рўй бераётган миллий инвестицион иқлимларнинг эркинлашуви;

XX асрнинг 60 - 70 - чи йилларда инвестицион оқимларнинг асосий қисми банк кредитлари ва заёмлардан иборат бўлган бўлса, 80- 90- йилларга келиб биринчи ўринни ТТХИлар эгаллади;

XX асрнинг 80- йилларига келиб Бирлашган Миллиатлар Ташкилоти (БМТ) ва кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар томонидан ТТХИларнинг иқтисодий ривожланишдаги ижобий роли тан олинди;

ТМКларнинг тез суръатлар билан ривожланишига асосий турки бўлди.

2003-2017 йиллар давомида миллий инвестицион тизимларига киритилаётган ўзгартиришлар тобора ўсиб борди. Уларнинг аксарияти ТТХИларга яхши имконият яратаёган ўзгартиришлар. 2017 йилда 65 мамлакатнинг инвестицион иқлимига 126 таўзгартириш киритилган бўлиб, уларнинг 93 таси инвестицион иқлимни яхшилашга қаратилди, 18 - таси эса чекловларга қаратилган эди. Минтақалар бўйича умумий киритилган ўзгартиришларнинг 49 таси ривожланаётган Осиё мамлакатларига тааллуқли бўлган бўлса, 31 таси Африка қитъасига, 15 таси ўтиш давридаги мамлакатлар ва 12 таси Европа мамлакатларига тўғри келган (6-жадвал)[58].

Глобаллашув кучайиши туфайли бутун дунё буйлаб ТТХИлар кўчиш жараёни жадаллашади. Шунинг учун ҳам, инвестиция сиёсатини юритишда бу вазият ҳисобга олиши зарур бўлади.

[58] World Investment Report 2018. Investment and Industrial Policies. UNCTAD. P, 81.

6-жадвал

Миллий инвестицион қонунчилигига киритилан ўзгартиришлар сони, 2003-2017 йиллар, сони

Йиллар	Ўзгартиришлар киритган мамлакатлар сони	Ўзгартиришларнинг умумий сони	Эркинлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар сони	Чекловларга қаратилган ўзгартиришлар сони	Нейтрал ҳолдаги ўзгартиришлар сони
2003	59	125	113	12	-
2004	79	164	142	20	2
2005	77	144	118	25	1
2006	70	126	104	22	-
2007	49	79	58	19	2
2008	40	68	51	15	2
2009	46	89	61	24	4
2010	54	116	77	33	6
2011	51	86	62	21	3
2012	57	92	65	21	6
2013	60	87	63	21	3
2014	41	74	52	12	10
2015	49	100	75	14	11
2016	59	126	84	22	19
2017	65	126	93	18	15

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and Industrial Policies. UNCTAD. P. 80.*

Глобал иқтисодиётда ТТХИларнинг хусусиятлари, моҳияти, ривожланиш омиллари ва жалб қилиш механизмлари, минтақавий ва соҳавий оқимлари, иқтисодий ўсишдаги ва миллий иқтисодиётни модернизация қилишдаги ўрни катта аҳамиятга эга.

ТТХИларни қабул қилувчи реципиент мамлакат нуқтаи назаридан эса инвестицияларни жалб этишдаги асосий омил бу иқтисодий ривожланиш учун ички ресурслар ёки маблағларнинг чекланганлигидир.

Реципиент мамлакат учун ТТХИ асосий аҳамияти қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, ТТХИларнинг ривожланиш манбаси сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантиради, иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиради ва иқтисодиёт таркибини ўзгартиришга кўмаклашади.

Иккинчидан, ТТХИ оқимлари бошқа шаклдаги капиталлар импорти, яъни портфелли инвестициялар ва банк ссудалари киришини рағбатлантиради.

Учинчидан, ТТХИ оқимлари улар иштирокида ташкил этилган корхоналар экспорт ва импорт операциялари ҳисобига мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантиради.

Тўртинчидан, ТТХИ оқимлари мамлакатга янги техника ва технологиялар киришини рағбатлантиради.

Бешинчидан, ТТХИ оқимлари жалб қилувчи мамлакатларга замонавий менежмент ва маркетирг тизимларини олиб келади, маҳаллий ишчиларнинг малакасини оширади ва бандлик асаласини ҳат этишда кўмак беради.

Олтинчидан, ТТХИлар учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш нафақат макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, балки микродаражадаги институционал ислоҳотларни амалга оширишда ҳам муҳим омил сифатида қаралади. Улар сафига хусусийлаштириш ва қайта қуриш жараёнлари, ҳуқуқ ва солиқ тизимидаги ислоҳотлар ҳам киради.

Еттинчидан, ТТХИни жалб этаётган мамлакатлар шу йўл билан ички инвестициялар етишмовчилигини бартараф этиши ҳамда чет эл компанияларининг ўз инвестицион фаолиятларини амалга ошириш учун маҳаллий молия институтлари, савдо тармоқларидан фойдаланиши ва янги корхоналар тузиш эвазига даромад кўришларини таъминлайди.

Саккизинчидан, ТТХИ одатда замонавий инновацион технологиялар ва ноу-хаулар ривожланишини, айниқса, уларнинг бизнес бошқаруви ва ташкиллаштириш соҳасида қўлланилишини рағбатлантиради.

Тўққизинчидан, ТТХИ иқтисодиётга мультипликатив таъсири билан ҳам фойдалидир, балки маҳсулдорликнинг ўсиши учун қўшимча капитал вазифасини бажаради ва жаҳон бозорида тажрибадан ўтган энг юксак бизнес бошқарув усуллари ва технологиялар импортини ҳам амалга оширади.

Ўнинчидан, ТТХИлар миллий иқтисодиётни ривожланиш учун зарур бўлган таркибий ўзгартиришларини юзага келтиради ва уни жаҳон бозорига интеграциясини жадаллаштириб халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўн биринчидан, ТТХИларни жалб этиш нафақат иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, балки жаҳон талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўн иккинчидан, ТТХИларни жалб этиш янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш орқали маҳсулотларнинг юксак сифатини таъминлаш билан бир қаторда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестицион иқлим яратилганида ТТХИлар миллий иқтисодиётни халқаро ишлаб чиқаришда қатнашувини кенгайтиришда, экспорт салоҳиятни ва миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишда, ва оҳир-оқибат мамлакатнинг глобал иқтисодиётидаги ўрнини кенгайтиришда катта роль ўйнайди.

9.3. ТТХИларнинг тармоқлар ва ҳудудий оқимлари

2016 йилда глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) оқимлари 23 фоизга камайиб, 1,87 трлн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш хажми 2017 йилда 694 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2016 йилдаги 887 млрд. АҚШ долларига нисбатан анча пасайди. Янги лойиҳаларга киритилаётган инвестициялар (Greenfield investment) ҳам 14% пасайиб 720 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг минтақалар бўйича кириб келиши 7жадвалда келтирилган. Жаҳон бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг хажми 1868 млрд.доллардан 1430 млрд. долларга пасайди. Ушбу пасайиш барча ривожланган мамлакатларга (Европа Иттифоқи, Шимолий Америка) хос бўлди. Европа Иттифоқида 2016 йилда 524 млрд. доллардан 304 млрд.долларга, Шимолий Америкада 494 млрд. доллардан 300 млрд. долларгача пасайди. Осиёда ушбу кўрсаткич деярли ўзгармаган бўлса, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ўсиш кузатилди. Ўтиш давридаги мамлакатларга кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми пасайиб, 64 млрд.доллардан 47 млрд. долларга тенг бўлди.

7-жадвал

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг минтақалар бўйича кириб келиши, 2016-2017 йиллар, млрд. АҚШ долл.

Минтақалар	2016 йил	2017 йил
Жаҳон	1868	1430
Ривожланган мамлакатлар	1133	712
Европа Иттифоқи	524	304
Европанинг бошқа мамлакатлари	41	30
Шимолий Америка	494	300
Бошқа ривожланган мамлакатлар	74	79
Ривожланаётган мамлакатлар	670	671
Африка	53	42
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	140	151
Осиё	475	476
Ўтиш давридаги мамлакатлар	64	47

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. Geneve. 2018.*

2016-2017 йилларда биринчи "ўнлик" мамлакатларга кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 8-жадвалда келтирилган. АҚШда кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 457 млрд.доллардан 275 млрд. долларгача, Нидерландияда 86 дан 58 млрд. долларгача пасайди, Бразилия ва Францияда эса ўсиш кузатилган.

8-жадвал

Биринчи "ўнлик" мамлакатларига кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 2016-2017 йиллар, млрд. АҚШ долл.

№	Мамлакатлар	2016 йил	2017 йил
1	АҚШ (1)	457	275
2	Хитой (3)	134	136
3	Гонконг, Хитой (4)	117	104
4	Бразилия (7)	58	63
5	Сингапур (6)	77	62
6	Нидерландия (5)	86	58
7	Франция (14)	35	50
8	Австралия (9)	48	46
9	Швейцария (8)	48	41
10	Хиндистон (11)	44	40

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. Geneve. 2018.*

Изоҳ: *(*) – 2016 йилдаги рейтинг.*

Биринчи "ўнлик" мамлакатларидан чиқиб кетаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Гонконг (Хитой)да ошган бўлса, Хитой, Франция, Люксембургда пасайиш кузатилган (9-жадвал).

9-жадвал

Биринчи "ўнлик" мамлакатларидан чиқиб кетаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 2016-2017 йиллар, млрд. АҚШ долл.

№	Мамлакатлар	2016 йил	2017 йил
1	АҚШ (1)	281	342
2	Япония (4)	145	160
3	Хитой (2)	196	125
4	Буюк Британия (158)	-23	100
5	Гонконг, Хитой(8)	60	83
6	Германия (9)	51	82
7	Канада (5)	74	77
8	Франция (7)	63	58
9	Люксембург (10)	44	41
10	Испания (11)	38	41

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. Geneve. 2018.*

Изоҳ: *(*) – 2016 йилдаги рейтинг.*

Инвестицион фаолликнинг пасайиши ТТХИларнинг даромадлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда. 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 6,7 фоизни ташкил этиб, оҳирги беш йил ичида энг паст даражани акс эттирган (10-жадвал).

10-жадвал

Қабул қилувчи мамлакатларга кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг даромадлиги, 2012-2017 йиллар, фоизда

Минтақалар	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Жаҳон	8.1	7.8	7.9	6.8	7.0	6.7
Ривожланган мамлакатлар	6.7	6.3	6.6	5.7	6.2	5.7
Ривожланаётган мамлакатлар	10.0	9.8	9.5	8.5	8.1	8.0
Африка	12.3	12.4	10.6	7.1	5.4	6.3
Осиё	10.5	10.8	10.6	9.9	9.5	9.1
Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё	11.5	11.8	11.7	11.0	10.3	10.1
Жанубий Осиё	7.2	6.7	6.1	5.5	6.4	5.7
Ғарбий Осиё	5.5	5.4	4.9	4.6	4.6	3.4
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	7.9	6.7	6.6	5.2	5.3	5.6
Ўтиш давридаги мамлакатлар	14.4	13.9	14.6	10.2	11.1	11.8

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. 2018. P. 2.*

ТТХИларнинг тармоқлар бўйича ўзгаришлари бирлашиш ва сингиб кетиш жараёналарида кузатилди. Трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш (M & As) ҳажми ва сони, иқтисодиёт секторлар ва айрим тармоқлари бўйича маълумотлар 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш (M&As) ҳажми ва сони, иқтисодиёт секторлари ва айрим тармоқлари бўйича 2016-2017йиллар

	Ҳажми, млрд. АҚШ долл.			Сони		
	2016 йил	2017 йил	фоиз	2016 йил	2017 йил	фоиз
Жами	887	694	-22	6607	6967	5
Бирламчи сектор	83	24	-70	206	550	167
Қайта ишлаш саноати	406	327	-19	1745	1690	-3
Хизматлар	398	343	-14	46556	4727	2
Ҳажми бўйича энг катта 10та тармоқ						
Кимё ва кимё маҳсулотлари	130	137	5	345	322	-7
Бизнес-хизмат	75	107	43	1716	1817	6
Озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари	138	88	-36	200	227	14
Молия	97	59	-39	585	617	5
Электр, газ ва сув тармоқлари	66	54	-18	209	171	-18
Машина ва асбоб-ускуналар	32	52	63	195	183	-6
Аҳборот ва коммуникация	24	39	66	618	611	-1
Электр ва электрон асбоб-ускуналар	75	26	-66	349	307	-12
Транспорт ва сақлаш	46	23	-51	293	306	4
Тоғ-кон тармоғи ва қазиб чиқариш, нефть қазиб чиқариш	79	23	-71	138	466	238

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. 2018. P. 8.*

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида эълон қилинган янги лойиҳалар (greenfield) ҳажми ва сони 12 - жадвалда келтирилган.

12-жадвал

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида эълон қилинган янги лойиҳалар (greenfield) ҳажми ва сони, 2016-2017 йиллар

	Ҳажми, млрд. АҚШ долл.			Сони		
	2016 йил	2017 йил	фоиз	2016 йил	2017 йил	Фоиз
Жами	833	720	-14	15766	15927	1
Бирламчи	54	21	-61	52	63	21
Қайта ишлаш сектори	295	338	14	7703	7678	0
Хизматлар	484	362	-25	80911	8186	2
Ҳажми бўйича энг катта 10-та тармоқ						
Элект, газ ва сув тармоқлари	129	95	-26	404	296	-27
Бизнес хизматлари	96	80	-16	4125	4225	4
Автотранспорт ва бошқа транспорт воситалари	56	62	12	1077	1103	2
Қурилиш	126	62	-51	322	276	-14
Кимё ва кимё маҳсулотлари	43	61	42	804	856	6
Электр ва электрон асбоб-ускуналари	44	52	20	1005	958	-5
Транспорт, сақлаш ва тамаки маҳсулотлари	56	41	-26	935	903	-3
Савдо	27	32	21	902	1001	11
Озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	24	29	17	596	664	11
Тўқимачилик ва тери маҳсулотлари	28	28	1	1558	1476	-5

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. 2018. P. 8.*

2017 йилда эълон қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар лойиҳаларининг (M &As) қиймати сезиларли даражада камайди.

Жаҳон иқтисодиётида мега гуруҳларга, яъни G20 гуруҳи, Трансатлантик савдо ва инвестицион ҳамкорлик (TTIP), Осиё - Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиш (АРЭС), Транс-Тинч океани ҳамкорлиш (TPP), Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (RCЭР) ва БРИКС интеграцион гурухига глобал тўғридан-тўғри хорижий ивестицияларнинг асосий улуши тўғри келмоқда (13-жадвал).

13-жадвал

2014 ва 2015 йилларда айрим йирик мега гуруҳларга тўғри келадиган ТТХИларнинг ҳажми

Мега гуруҳ / йиллар	ТТХИ (млрд. АҚШ долл.)		Айрим мега гуруҳлар ТТХИларининг жаҳон ТТХИлардаги улуши фоиз		Киритилган ТТХИлар
	2014	2015	2014	2015	2014-2015
G20	652	926	51	53	14 393
Трансатлантик савдо ва инвестицион ҳамкорлик (TTIP)	399	819	31	46	13 361
Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиш (АРЭС)	669	953	52	54	12 799
Транс-тинч-океан ҳамкорлиш (TPP)	353	593	28	34	9 037
Кўп қиррали минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (RCЭР)	341	330	27	19	4 156
БРИКС	271	256	21	15	2 373

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. 2018. P. 8.*

Мега гуруҳларнинг ичида ўзаро киритилган ТТХИлар катта аҳамиятга эга бўлиб, барча мега гуруҳларда ушбу кўрсаткичлар миқдори 14-жадвалда келтирилган.

14-жадвал

2015 йилда мега гуруҳлар доирасида киритилган ТТХИларнинг ҳажми, трлн. АҚШ долл.

Мега гуруҳлар	ТТХИлар хажми, трлн. АҚШ долл.
G20	14.4
TTIP	13.4
АРЭС	12.8
TPP	9.0
RCЭР	4.2
BRICS	2.4

Манба: *World Investment Report 2018. Investment and New Industrial Policies. UNCTAD. 2018. P. 9.*

Йигирмалик гуруҳи G20.

G20 аъзоларига дунёнини ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) учдан тўрт қисми келишига қарамасдан, глобал ТТХИларда уларнинг улуши 14,4 трл. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. 2015 йилда G20 гуруҳида ТТХИларнинг ҳажми 42 фоизга

кўтарилган, аммо унинг тахминан иккидан уч қисми айнан учта мамлакатга тўғри келмоқда: АҚШ, Хитой ва Бразилияга.

Fortune Global 500 рейтингида келтирилган компанияларнинг G20 гуруҳига тегишлиси 95 фоизни ташкил қилмоқда ва Intra-G20 ТТХИлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Intra-G20 M & A (Бирлашиш ва сингиб кетиш) жараёнлари ҳам 2015 йилда 187 фоизга ўсиб, 2014 йилда 92 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб 265 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди.

G20 гуруҳ ичидаги трансчегаравий бирлашиш ва сингиб кетиш (M&A) жараёнларининг тахминан ярмиси АҚШда амалга оширилган. Натижада G20нинг бирлашиш ва сингиб кетиш жараёнларининг ҳажми 96 фоизга ошиб, 519 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Трансатлантик савдо ва инвестицион ҳамкорлик (TTIP)

2015 йилда ушбу мега гуруҳнинг глобал ТТХИлардаги улуши 13,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб дунёда G20дан кейин иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Гуруҳнинг ТТХИлар ҳажми 2015 йилда 106 фоизга ошиб, 819 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Intra-TTIP ТТХИлар оқими 2010-2014 йилларда 63 фоизга тенг тўлиб, барча мега гуруҳларга қараганда энг юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиш (АРЭС)

2015 йилда АРЭС гуруҳи глобал ТТХИларнинг энг катта қабул қилувчиси эди (умумий ТТХИларнинг 54 фоизини таш-кил қилган). Шундан тахминан 80 фоизи АҚШ, Хитой, Гонконг ва Сингапурга тўғри келган.

Мега гуруҳ доирасидаги ТТХИлар унинг умумий ҳаж-мидан 47 фоизни ташкил қилиб, борган сари мега гуруҳга аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётлари ўзаро боғланиб кетишидан далолат бермоқда.

Транс – Тинч океани ҳамкорлиш (TPP)

Ушбу мега гуруҳ ўзининг жаҳондаги иқтисодий салоҳиятига кўра глобал ТТХИларнинг 34 фоизини қабул қилмоқда. 2015 йилда уларнинг ТТХИлари 68 фоизга ўсиб 593 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Intra-TPP 2010–2014 йилларда қабул қилинган ТТХИларнинг 36 фоизини ташқил қилди. TPP доирасидаги бирлашиш ва

сингиб кетиш жараёнлари 2015 йилда 7 фоизга ўсиб 113 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Кўп қиррали минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (RCEP)

Унинг таркибига 10 ASEAN аъзоси ва 6 ҳамкор мамлакатлар кириб 2015 йилда 330 млрд. АҚШ доллари ТТХИларнинг қабул қилган эди, бу эса 2014 йилга нисбатан 3 фоиз кам демакдир.

Мега гуруҳ ичида ТТХИларни энг катта қабул қилувчилар АСЕАН ва Хитой ҳисобланади (2015 йилда умумий қабул қилинган ТТХИларнинг 70 фоизини ташкил қилмоқда). Intra-RCEP хиссасига қабул қилинган ТТХИларнинг 30 фоизи тўғри келмоқда. АСЕАН ушбу мега гуруҳда энг катта иштирокчи ва ТТХИларни қабул қилувчи ҳисобланади.

БРИКС

Мега гуруҳга жалб қилинган ТТХИлар ҳажми 2015 йилда 6 фоизга қисқариб 256 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бешта БРИКС аъзоларига дунёнинг 41 фоизи тўғри келиб, глобал ТТХИларнинг 15 фоизини жалб қилган, шундан 50 фоизини Хитой қабул қилган.

Шунга қарамасдан БРИКС давлатлари катта ҳажмда ривожланаётган мамлакатларга ТТХИларни чиқаришади.

Халқаро ишлаб чиқариш кенгайишда давом этмоқда, лекин кенгайиш суръати секинлашмоқда ва трансчегаравий битимлар ва товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари алмашинувининг имкониятлари ўзгариб бормоқда. -жадвалда халқаро ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

Назорат саволлари:

1. Бевосита инвестициянинг портфелли инвестициядан фарқли жиҳатлари нимадан иборат?
2. Бевосита инвестициянинг узига хос жиҳати нимадан иборат?
3. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқланувчи асосий хусусиятини аниқланг.
4. Инвестициялаш субъектлари бўйича инвестициялар таснифини кўрсатинг.
5. Хорижий инвестицияларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тадбирлари ва кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган?

10-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ ВА ТАҲДИДЛАРИ

Режа:

10.1. Глобал иқтисодиётда рисклар, зиддиятлар ва таҳдидлар.

10.2. Антиглобаллашув ҳаракатлари.

Таянч сўзлар: *глобал рисклар, зиддиятлар ва таҳдидлар, антиглобаллашув, альтерглобаллашув, анти Давос, антиглобаллашув ҳаракатлари.*

10.1. Глобал иқтисодиётда рисклар, зиддиятлар ва таҳдидлар

Глобал рисклар.

Жаҳонда рўй бераётган қуролли тўқнашувлар, сиёсий ва ҳарбий зиддиятларнинг ўсиши, жаҳон иқтисодиётидаги савдо урушлари ва инқирозлари, экологик муаммолар халқаро муносабатларнинг беқарорлашуви ва айрим давлатлар ва бутун минтақаларнинг сиёсий манзара ўзгаришларини акс эттирувчи янги риск, зиддиятлар ва таҳдидларни акс эттиради.

Анъанавий равишда Давосда (Швейцария) бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон иқтисодий форуми ҳар йили бир қатор рискларни эътироф этиб келмоқда. 2019 йилда Бутунжаҳон иқтисодий форуми 10 та энг йирик рискларни келтириб ўтди, улар қаторида:

- АҚШ-Хитой ҳарбий-сиёсий қарама-қаршиликининг кучайиши;
- тўлиқ савдо урушлари;
- Яқин Шарқдаги уруш;
- Россия ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг янада ёмонлашгани;
- музликларнинг эриши;
- Евроосиёда жойлашган "низоли жойлар";
- сепаратизм ва этник-диний тўқнашувларнинг ўсиши;
- экологик рискларнинг кучайиши;
- янги қурол пойгаси;

- инсониятга қарши турли -туман офатлар.

2019 йилда ижтимоий ва технологик муаммолар юзага келиши эҳтимоли ижтимоий ва технологик қийинчиликлар орасида кибер ҳужумларнинг сони кўпайиши ва ахборот хавфсизлиги билан боғланмоқда. Экспертлар янги миграция инқирозлар пайдо бўлиши ва радикал популистларнинг сиёсий таъсирининг ўсишини тахмин қилмоқдалар.

Бутунжаҳон иқтисодий форуми экспертларининг таъсири даражасига қараб 5та асосий глобал хатар мавжуд (15-жадвал).

15-жадвал

Бутунжаҳон иқтисодий форуми экспертларининг таъсири даражасига қараб 5 та асосий глобал хатар

	2007	2010	2012	2014	2016	2017
	Активлар нархининг Кескин тушиб кетиши	Активлар нархининг қулаши	Тизимли молиявий инқироз	Молиявий инқироз	Иқлим ўзгариши оқибатлари ва уларга мослашиш бўйича чоралар	Оммавий қуроллар
	Глобаллашувнинг секинлашиши	Глобаллашувнинг секинлашиши	Тоза сув танқислиги	Иқлим ўзгариши	Оммавий қуроллар	Экстремал иқлим ўзгариши
	Фуқаролар уруши	Нефть нархларининг ўзгариши	Инқирозни бошдан кечириш	Сув инқирози	Сув инқирози	Сув инқирози
	Пендемния эпидемияси	Касалликларнинг олдини олиш	Бюджет тақчиллиги	Ишсизлик	Миграция	Табиий офатлар
	Нефть нархларининг ўзгариши	Молиявий инқироз	Энергетика ва барча товарларнинг нархи ўзгариши	Муҳим ахборот инфратузилмаси бузилиши	Нефть нархларининг тушиши	Иқлим ўзгариши ва иқлим ўзгаришининг оқибатларини тушунмаслик

10.2. Антиглобаллашув ҳаракатлари

Антиглобаллашув бу сиёсий ҳаракат бўлиб глобаллашув жараёнларнинг ҳозирги кунда намоён бўлаётган баъзи жиҳатларига қарши ва хусусан трансмиллий корпорацияларнинг гегемонлигига ва турли хил халқаро савдо ташкилотларига, асосан Жаҳон савдо ташкилотига. йўналтирилгандир

Эътирозлар, асосан глобал тенгсизлик, трансмиллий корпорацияларнинг гегемонлиги, бир қутбли дунёнинг шаклланиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши, миллий урф-одатларни йўқолиши ва ҳ.к.ларга қарши қаратилган.

"Антиглобаллашув" термини оз муддат ичида машҳур бўлиб кетди. 2001 йил февралда Порт-Алегрида антиглобалистларнинг биринчи халқаро форуми бўлиб ўтди. Хусусан, бу ерда Францияниng олти ижтимоий министри ва Бельгиянинг Бош вазири ҳам иштирок этди.

Кейинчалик Сиэтл, Прага, Генуя, Барселона, Давос ва бошқа шаҳарларда, шунингдек, глобаллашувни маъқуллайдиган «Катта еттилик» давлатлари, ХВФ, Жаҳон Банки учрашувлари ўтадиган шаҳарларда бундай чиқишлар одатий бўлиб қолди.

Антиглобалистлар ҳар куни дунёнинг турли бурчакларида ҳар хил ижтимоий форум, митинг ва турли хил намойишлар ўтказишади.

Антиглобализм тарихи

Антиглобализм 1998 йил июнда Францияда пайдо бўлди. Францияда бир нечта нашриётлар, ижтимоий ассоциациялар ва касаба уюшмалари қўшилиб «ATTAC - Association for tҳe Taxation of Financial Transactions for tҳe Aid of Citizens» га асос солишда ва "Тобин солиғи"ни киритишмоқчи бўлишди.

Тобин солиғи 1972 йилда Джеймс Тобин томонидан киритилган бўлиб,ҳамма молиявий операциялардан 0,1 фоизни қашшоқликни йўқотиш ва учинчи дунё мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилиши кузда тутилган.

Ундан ташқари ATTAC ташкилоти ривожланаётган мамлакатларнинг қарзларидан кечишни ҳам талаб қилди. Кейинчалик антиглобалистлар қатори кенгайди: марксистлар, пацифистлар, ҳайвонлар ғамхўрлари, вегетарианлар, анархистлар, "яшиллар", изоляционистлар, касаба уюшмалари, диний

камчиликни ташкил қилувчилар, ёшлар, экологик, талабалар ва урушга қарши ҳаракатлар, инсон ҳуқуқи соҳасидаги курашчилар, истеъмолчи ҳуқуқи ҳимоячилари, ҳомила абортига қаршилар, ишсизлар.

2003 йилгача дунёда 2500 та антиглобалистик ташкилотлар рўйхатдан ўтган.

Охирги йилларда улар томонидан ўтказилган тадбирлар қаторига қуйдагиларни айтиб ўтиш мумкин. 1999 йил июнда Кёльнда антиглобалистларнинг биринчи йирик намойиши бўлиб ўтди. 2000 йил антиглобалистларнинг информацион тармоғи Indy Media ташкиллаштирилди. 2001 январда Бразилиянинг Порту-Алегри шаҳрида антиглобалистларнинг Жаҳон ижтимоий форуми бўлиб ўтди. Унда 122 давлатдан 11 000 вакил йиғилди. 2001 йил Генуядаги "катта саккизлик"нинг учрашувини бузиш учун 200000 антиглобалистлар йиғилишди. Қарама-қарши кучлар тўқнашиши натижасида бир вакил ва бир милиция ходими қурбон бўлди, 300 дан ортиқ киши қаттиқ жароҳат олди. 2006 йил январда Каракасда жаҳон ижтимоий форуми бўлиб ўтди.

Антиглобалистик лойиҳалар

Юқорида айтиб ўтилган ATTAK ташкилотидан ташқари қуйидаги антиглобалистик лойиҳалар ҳам охирги йилларда ташкил топди:

- "Глобал ҳаракат". Катта мегаполис ва қишлоқ районлари кўчаларида қатъий норозиликларни мунтазам равишда ўтказишга қаратилган ҳаракат.
- "Блэк Блок" ("Black Bloc"). Магазин ва офисларни талон тарож қилишга ва полиция билан тўқнашувларга ихтисослашган, анархизм позициясида туради, капитализма, давлат ва урушларга қарши харакат.
- "Учинчи позиция" ("The Third Position"). Ташкилот Лондонда ташкил топди. Мафкуравий асоси – қаршиликнинг агрессив усулларини қўлловчи энг чап ва энг ўнг томон дунё қарашига эга бўлганлар гуруҳи.
- "Ya Basta". Итальян ташкилоти, Чьяпас ҳаракатини қўллаб-*қувватловчи ва неолиберализмга қарши гуруҳ.
- "Хактивист". Хакер активистларнинг уюшмаси бўлиб асосан сиёсий масалалар бўйича ҳаракат қилишади.

- "Радикал экологлар" (етакчи Ральф Найдер ва назариётчи Мюррей Букчин). Улар тотал экологик фақат бозор иқтисодиётига қарши курашиш орқали олдини олиш мумкин деган ғояни илгари суради.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари

Антиглобалистлар асосан глобаллашувнинг қуйидаги салбий оқибатларини асос сифатида келтиришади:

- бой ва камбағал давлатлар даромадлари орасидаги фарқнинг катталашиб кетаёганлиги;
- ягона маданиятнинг устунлиги, эркин ижоднинг камайиши, стандарт фикрлашнинг кўпайиши;
- табиатга нисбатан йиртқичларча муносабат, экологик муаммоларни "четлаб ўтиш", ифлос ишлаб чиқаришларни "учунчи дунё"га кўчириш;
- капитални ошириш мақсадида неолиберализм ғояларининг равнақ топиши, ривожланмаган мамлакатларни хомашё базасига айлантириш.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг самарадорлиги уч омилга боғлиқ: олға сурилаётган фикрларнинг машҳурлиги ёки қанчалик замондан орқада қолганига; ташкилий тузилмасига; молиявий манбасининг барқарорлигига.

Одатда оммавий ахборот воситаларида биринчи иккита омил кўп талқин қилинса да ҳаракатнинг ҳаётини учинчи омил аниқлайди. Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракат сингари, антиглобалистик ҳаракатнинг ҳам молиявий манбаи қуйидагилар:

- мажбурий ёки ихтиёрий аъзолик бадали;
- тарафдошларнинг қўшган ҳиссалари;
- ҳаракатга оид адабиёт ва товарларни сотишдан тушган маблағ (символлар ва агитацион материаллар)
- давлат ва турли хил фондларнинг грантлари;
- маданий ва таълимга оид тадбирларни амалга оширишдан тушган маблағ (фильмларни намойиш қилиш, адабиётларни сотиш, фестиваллар, конференциялар, тренинглар, семинарлар ва ҳ.к.)

Антиглобалистлар ҳам одатда буюртма асосида намойиш, норозилик, фестиваль ва бошқа тадбирларни ўтказишади.

Одатда бундай намойишлар Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон Банки, Йирик Саккизлик, НАФТА ва Европа Иттифоқининг йиғилиш саммитларига қарши уюштирилади. Антиглобалистларни безовта қиладиган яна бир масалалардан бири бу "юқумли" молиявий инқирозлардир.

Антиглобалистлар асосан Ғарбнинг катта капиталистик гуруҳларига ва ТМКларига қарши турмоқдалар. Уларнинг фикрича, либерализм ғоялари орқали ТМКлар бутун дунёни бошқаришга интилади ва шу билан бирга, миллий қадриятларни топтади. Антиглобалистларнинг фикрича Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Жаҳон Банки тавсия этган сиёсатни юргизган мамлакатлар кўпинча ачинарли ҳолатларга тушиб қолаяпти.

Альтерглобализм – глобаллашувнинг асосий параметрларини ўзгартиришни мақсад қилган умумжаҳон ҳаракати. Дастлаб антиглобалистик ҳаракатнинг бир қисми бўлган альтерглобализм глобаллашувга умумий қарши муносабатдан, яъни антиглобализмдан ажралиб туради[59]. Антиглобализм ғояси Порт-Алегри ва Флоренцияда 2001-2002 йилларда бўлиб ўтган ижтимоий форумларда илк бор ифодалаб берилди. Альтерглобализм инсоният учун салбий оқибатлари учун глобаллашувни танқид қилибгина қолмай, балки инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган, иштирокчиларнинг кенг доираси манфаатлари йўлида амалга ошириладиган ва глобал фуқаролик жамияти шаклланишига олиб келадиган глобаллашувнинг бошқа стратегиясини таклиф қилади. Альтерглобализм глобаллашув мафкурасини, шакллари ва натижаларини қабул қилмайдиган, бироқ унинг холис хусусиятини тан оладиган ва "инсоний қиёфада" глобаллашувни рўёбга чиқариш мумкинлигига умид қиладиган кучларни бирлаштиради.

Антиглобализм – XX аср охирида юзага келган ва фуқаролар манфаатлари йўлида "пастдан" глобаллашишни таклиф этадиган ижтимоий-сиёсий ҳаракат. Антиглобализм тарафдорлари одатда ўзини ифодалаш учун бу номдан фойдаланмайди (ёки

[59] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, - СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 24-26.

уни қавсда ишлатади), чунки ҳаракат интеграция жараёнларига қаршилик қилиш эмас, балки глобаллашувнинг ҳозирги кенг тарқалган либерал капиталистик шаклини ўзгартириш зарур деб ҳисоблайди[60].

Демократия, ижтимоий адолат, миллий маданий тузилмаларнинг мустақиллиги ва ўзига хослигини ҳурмат қилишга асосланган иқтисодиётлар, халқлар ва маданиятлар интеграциялашув жараёнларини ривожлантириш ҳаракатнинг бош мақсади ҳисобланади.

Антиглобализм ишсизлардан тортиб то юқори синф вакилларигача бўлган турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар вакилларини бирлаштиради. Даставвал антиглобализм халқаро ташкилотларнинг учрашувлари вақтида ижтимоий ҳаракатлар шаклида намоён бўлди. Айниқса 1999 йилдан бошлаб яққол кўзга ташлана бошлади. Умумий раҳбар органига эга бўлмаган тасодифан юзага келган ҳаракат ижтимоий ташкилотнинг янги умумжаҳон шаклини ўзида ифодалайди. Турли ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар коалицияларини, шунингдек сўл сиёсий ташкилотларни ифодалайди. Касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар, экологик, пацифистик ва бошқа ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот ҳамда сиёсий партияларни ўз ичига олади, Интернет орқали норасмий алоқаларни қўллаб-қувватлайди.

Ҳаракат жаҳон миқёсида бир қатор тадбирлар ўтказди. Халқаро институтларнинг (Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси) Сиэтл, Вашингтон, Квебек, Прага, Брюссель, Генуядаги ҳар хил турдаги кенгашлари ва учрашувлари вақтида намойишлар ва муқобил ижтимоий учрашувларни ўтказиш энг аҳамиятли тадбирлардан бўлмоқда. Антиглобализмнинг ижобий дастури Порт-Алегри шаҳрида ўтказилган 2001 ва 2002 йиллардаги Жаҳон ижтимоий форумларида муҳокама этилди. Улар ривожланишнинг муқобил, кўпроқ инсонпарвар бўлган йўлини таклиф қиладилар. энг аввало, инсон мезонига қаратилган жаҳон мамлакатларининг мулоқотини олиб бориш, биргаликда

[60] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, - СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 30.

изланиш ижтимоий жиҳатдан адолатлироқ тизимни яратиш таклиф этилмоқда.

Антиглобалистик ҳаракат ("янги антикапитализм") – трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг бирлашмалари томонидан олиб бориладиган глобаллашув, жаҳонда янги тартиб ўрнатиш сиёсатига қарши радикал ғояларнинг энг янги шаклидир. Антиглобалистлар неолиберализм ва унинг умумий концепциясини ўзининг асосий ғоявий-сиёсий душмани деб ҳисоблайди. Антиглобалистларнинг фикрича, бозор диктатининг неолиберал сиёсати ишлаб чиқаришнинг кўплаб миллий тармоқлари қулашига, анъанавий касб-ҳунарларни, миллий қишлоқ хўжалиги маданиятларини йўқ қилишга сабаб бўлади, мамлакатларнинг озиқ-овқат суверенитетига путур етказади. Глобализм ва неолиберализм капитализм замонавий мафкурасининг иккита бир-бирига яқин концепцияси сифатида қаралади.

П. Бурдье, С. Жорж, Н. Клейн, Д. Бэкон, В. Шива, К. Ллойд, К. Харман, Л. Ларуш, Т. Кларк каби антиглобализм мафкурачилари орасида Н. Хомский, Ж. Бове каби анархизм ва анархосиндикализм тарафдорлари ҳаракатнинг мафкуравий ва сиёсий базасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Антиглобалистик ҳаракат турли хил жамоат ташкилотларини – Европа, АҚШ, Канада, Лотин Америкаси, Осиё, Австралиядан касаба уюшмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, экологик, фермерлик иттифоқлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш жамиятлари, олимлар уюшмалари ва бошқа ташкилотларни бирлаштиради. Бу ҳаракат ахборот-мувофиқлаштирувчи марказларнинг кенг тармоғига эга, уларнинг кўпчилиги ўз фаолиятини интернет орқали амалга оширади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: "Destroy IMF" – Халқаро валюта жамғармаси фаолиятини тугатишни таклиф қилаётган халқаро ташкилот: "Friends of the Earth" – тармоқ экологик ҳамжамият; "Transnational" – ТМК фаолиятининг зарарлилиги ҳақидаги маълумотларни тарқатиш орқали ТМКга қарши кураш олиб борадиган халқаро ташкилот; "Peoples Global Action" – ЖСТ доирасида савдо-сотиқни либераллаштиришга қарши курашадиган халқаро ташкилот; "Inpeg" – қарши намойиш акцияларига тайёргарлик

кўриш билан шуғулланадиган турли ташкилотлар фаолларини бирлаштирадиган антиглобализм ташкилий қўмитаси[61].

Назорат саволлари:

1. Глобаллашув жараёнида қайси тушунчага амал қилинмайди?
2. Антиглобаллашувнинг асосий белгиси нима ?
3. "АТТАС" ташкилотининг мақсадлари нимадан иборат ?
4. Антиглобалистик лойиҳалар турларига таъриф беринг ?
5. Антиглобалистларни безовта қиладиган масалалар нимадан иборат ?

[61] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, - СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 32.

11-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАР

Режа:

11.1. Буюк депрессия. Осиё молиявий-иқтисодий инқирози.

11.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози (2008 йил): келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари ва бартараф этиш дастурлари.

11.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва унга қарши чора-тадбирлар.

Таянч сўзлар: *инқироз, депрессия. ифляция, молиявий инқироз, иқтисодий инқироз, дефляция, молиявий инструментлар, деривативлар, стагнация, ишсизлик, Буюк депрессия. Осиё молиявий-иқтисодий инқирози, инқирозга қарши чора-тадбирлар.*

11.1. Буюк депрессия. Осиё молиявий-иқтисодий инқирози

Жаҳон иқтисодий инқирози – турли мамлакатлар ва халқлар иқтисодий алоқаларининг барбод бўлиши ва дезинтеграциясидир. Бунда кенг миқёсда салбий жараёнлар юз беради, жумладан, ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари стагнацияга учрайди ва емирилади, ишбилармонлар фаоллиги пасаяди, кўпчилик миллий иқтисодиётлар инқирозга юз тутади, ишсизлик кўпаяди, сиёсий нобарқарорлик юз беради, аҳолида тушкунлик кайфияти пайдо бўлади ва ҳоказо[62].

Биринчи Жаҳон иқтисодий инқирози 1857 йилда юз берган. У Европа ва Американинг илғор мамлакатлари иқтисодиётини қамраб олган. Ушбу мамлакатлар ўша вақтда бир нечта позициялар бўйича энди вужудга келган жаҳон иқтисодий тизимининг таркибий қисмларига айланган эди. Буғдойнинг ҳаддан ортиқ кўп ишлаб чиқарилиши ва Нью-Йорк биржасида унинг нархи кескин пасайиб кетиши тизимнинг етилиб қолган инқирозига туртки бўлди. Буғдой нархи Британия ва Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам пасайиб кетди. Фақатгина Гамбургда Австрия томонидан берилган ўн

[62] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, - СПб. - Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 562.

миллионлик қарз туфайли йирик импорт фирмалари банкротликдан қутулиб қолди. Германия Божхона иттифоқига аъзо давлатларда нархнинг пасайиши, энг аввало, тўқимачилик саноатига зарба берди ва катта зарар келтирди. АҚШда танг вазият юзага келди. Бу ерда йирик суғурта компанияси синди, биржада эса саросима юзага келди ҳамда спекулятив ўйин натижасида темир йўллар ва ғарбий ер участкалари акциялари кескин қадрсизланди.

1873-1895 йилларда Европада ва океан ортида янада жиддий Жаҳон иқтисодий инқирози бошланди. Инқироз бошланганда Германия, АҚШ, Буюк Британия, Австриядаги кўплаб корхоналар касод бўлди. У ҳам иқтисодий муносабатлар глобаллашуви натижаси бўлди ва Германия 1871 йилги урушда ғолиб чиққандан кейин етказилган ҳарбий зарар учун Франциядан 4 млрд. марка миқдорида товон пули олганидан кейин бошланди. Натижада Берлин биржасида мисли кўрилмаган жонланиш кузатилди, бутун Германия бўйлаб эса кўпчилик акциялар олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади, бу эса биржа спекулянтлари томонидан акциялар курсларининг сунъий равишда ошиши учун қулай шарт-шароит яратди. Бунда иқтисодиётга жуда кўп ва номутаносиб инвестициялар киритилиши ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилишига сабаб бўлди, у эса талабдан анча кўп эди ва сотишда инирозни юзага келтирди. Кўпчилик корхоналар банкротга учради ва оғир молиявий-иқтисодий инқироз бутун Германияни қамраб олди. Англияда тушкунлик пўлат буюмлар қуядиган саноатга, машинасозликка, қишлоқ хўжалигига таъсир ўтказди, бутун Европада АҚШ экспорт товарларига бўлган талабнинг йўқолиши АҚШда ҳам инқирозли тенденцияларни кучайтирди. Шунинг натижасида XIX асрнинг 80-йилларида океан ортига эмиграциянинг кескин ошиши кузатилди. Бунинг ортида нафақат иқтисодий, балки сиёсий, диний сабаблар ҳам ётар эди.

Инсоният тарихидаги энг йирик иқтисодий инқироз XX асрнинг 20-30-йилларида бошланди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Европа ва Америка молиявий соҳасида юз берган иқтисодий юксалиш ва жонланиш 1927 йилда саноат

маҳсулотларини ишлаб чиқариш пасайиши билан алмашди ва 1929 йилда Буюк тушкунлик (Great Depression) билан тугади[63].

У АҚШда бошланди ва жаҳонда тизимли иқтисодий инқирозни бошлаб берди. Бу инқироз миллий иқтисодиётларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини кўрсатиб берди, деярли барча ривожланган капиталистик мамлакатларни қамраб олди хамда мисли кўрилмаган ишсизлик, қашшоқликни ва бунинг натижасида ижтимоий нобарқарорликни келтириб чиқарди.

Жумладан, АҚШда 1933 йил бошида ишидан айрилганлар сони 15 млн. кишига етди, бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг учдан бир қисмини ташкил этди. Германияда 6 миллиондан ортиқ киши, Буюк Британияда эса қарийб 4 млн. киши ишсиз қолди. Бунда Германиянинг ўзида тахминан 800 та банк банкротга учради, АҚШ миллий даромади эса деярли 50 фоизга камайди.

Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодий тизимининг айрим сегментлари – молиявий, энергетик, хомашё ва бошқа сегментлар вақти-вақи билан инқирозли вазиятга тушиб қолмоқда. 1973 йилда бошланган ва жаҳон иқтисодиётининг энергия ташувчиларга қарамлигини кўрсатиб берган биринчи жаҳон энергетик инқирози бунга яққол мисолдир. Ўшанда жаҳонда нефть нархининг бир неча баравар ошиб кетиши жаҳоннинг кўпчилик ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишини, ишсизлик ва инфляция кўпайишини қўзғатди.

Осиё инқирози.

1997-1998 йилларда Жануби-Шарқий Осиёни молиявий ларзалар қамраб олди, шунга ўхшаш воқеалар кейин Бразилия ва Россияда кузатилди (1998 йил).

Акциялар ва кўчмас мулк нархларининг спекулятив ошишига кўмаклашган иқтисодиётнинг "ортиқча қизиб кетиши" молиявий "пуфакча" ҳосил қилди. 1997 йил охирида Жанубий Корея, Малайзия ва Таиланддаги хусусий ва ижтимоий секторларнинг умумий ички ва ташқи қарзи улар ЯИМ ҳажмидан 2,3 баравар ортиқ бўлди, Индонезияда эса бу кўрсаткич деярли икки бараварни ташкил этди. 1996 йилда Жанубий

[63] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, - СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 563.

Кореянинг ташқи қарзи 157 млрд. долларни ташкил этди, шундан 100 млрд. доллар қисқа муддатли мажбуриятларга тўғри келади. Индонезиянинг ташқи қарзи 1997 йилда 135 млрд. долларга етди, шундан 19 млрд. доллар қисқа муддатди қарзлардир. 1995 йилда Индонезия, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия ва Филиппинга келган хорижий хусусий капитал 74 млрд. долларни ташкил этди, кейинги икки йилда бу мамлакатлардан 46 млрд. долларилик хусусий капитал чиқиб кетди[64].

Халқаро кредит тизими фаолиятидаги барча бу узилишлар инқирозларни енгиб ўтиш учун жуда катта миқдорда харажатларни **талаб қилиши** юзага келган халқаро молия тузилмаси глобаллашув шароитида иқтисодий алоқалар ва мамлакатлар ҳамкорлиги ҳолатига мос келмаслигидан дарак беради.

Шу билан бир қаторда баъзи давлатлар ва ҳудудларда (1994 йил Мексикада, 1997-1998 йилларда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларида, Бразилия, Россияда) сармояларнинг қайтиб кетиши, валюта курсларининг тушиб кетишига олиб келган.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда (Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Филипин) юз берган молиявий-иқтисодий инқироз бошқа давлатларга таъсир қилиши билан бир қаторда, умумжахон иқтисодий жараёни алоқалари билан узвийлиги хам мавжуд.

Вашингтонда жойлашган Халқаро молия институтининг маълумотларига қараганда юқорида айтиб ўтилган бешта давлатга хорижий сармоялар 1994 йилдаги. 48 млрд. АҚШ долларидан 1996 йилга қадар 93 млрд. АҚШ долларигача ўсиб кетган бўлиб, 1997 йилда рўй берган инқироздан сўнг сармояларнинг 12 млрд. АҚШ долларидаги миқдори чиқиб кетган.

70-йилларнинг ўрталаригача мавжуд бўлган Бреттон-Вудс тизими бундай инқирозларнинг юзага келишини олдини олиб турган. Аммо молия маблағларининг чегарасиз, эркин ўтиб юриши ва валюта курсларининг ўзгаришидан фойдаланган ҳолда пайдо бўлган ўйинлар молиявий инқирозларга сабаб бўлди. Халқаро валюта фондининг маълумотларига қараганда,

Бреттон-Вудс тизимидан сўнг дунё бўйлаб 160 та валюта ва 50 дан ортиқ банк инқирозлари содир бўлган, шулар жумласидан Мексика инқирози (1994 й.), Осиё инқирози (1997-1998 йй.), Бразилия ва Россия инқирозлари (1998 й.) ва бошқалар[65].

Америка Қўшма Штатлари кўпгина иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлар бўйича жаҳоннинг энг етакчи мамлакати ҳисобланади. АҚШда "Рейганомика" дастури қатор иқтисодий муваффақиятларга сабаб бўлган бўлсада, энг асосий мақсад федерал бюджет камомадини йўқотиш режаси амалга ошмади. Р. Рейгандан кейинги АҚШ Президенти Ж. Буш (каттаси) унинг сиёсатини давом эттирди. Натижада 90-йилларнинг бошларига келиб, бу сиёсат иқтисодиётни боши берк кўчага келтириб қўйди. Шу сабабли, 1992 йилдаги президентлик сайловларида Демократик партия вакили Б. Клинтон ғолиб чиқди. У кейинчалик "Клинтономика" деб ном олган янги иқтисодий сиёсатни таклиф этди. Умуман, АҚШ иқтисодиёти тарихида рўй берган иқтисодий инқирознинг энг оғир даври 30-йиллардаги инқирозга тўғри келади. Ўша даврда бўлиб ўтган инқироз натижасида мамлакатда 10 млн.дан ортиқ аҳоли ишсиз қолганди.

11.2. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози (2008 йил): келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари ва бартараф этиш дастурлари

АҚШ иқтисодиёти тарихида рўй берган барча иқтисодий инқирозлар қуйидаги йилларда содир бўлган (16-жадвал).

16-жадвал

АҚШ иқтисодиёти тарихида рўй берган барча иқтисодий инқирозлар[66]

Инқироз даврлари	Унинг давом этиши (ой)	Ялпи миллий маҳсулотнинг пасайиш фоиз	Ишсизлик даражаси фоиз
1948-1949	11	-1,4	7,9
1953-1954	10	-3,7	6,1
1957-1958	8	-3,9	7,5
1960-1961	10	-1,6	7,1
1969-1970	11	-1.0	6,1
1973-1975	16	-4,9	9,0
1980-1981	6	-2,3	7,8
1981-1982	16	-3,3	10,8
1990-1991	8	-2,2	7,7
2008-2009	-	5	9.5

2008-2009 йиллардаги Жаҳон молиявий–иқтисодий инқироз даврида АҚШ ҳукумати томонидан инқирозга қарши чора-тадбирларни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

-жисмоний ва бизнес вакилларига солиқлардан имтиёз-лар бериш;

-узоқ минтақаларга катта миқдорда инвестициялар йўналиш орқали ишсизлик ва кадрларни қайта тайёрлаш ва ишсизлик тўловларини ошириш каби масалаларни ҳал этиш;

-ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

17-жадвал

Иқтисодий инқироздан чиқиш бўйича дунё мамлакатларида тўпланган тажриба[64]

Мамлакат, инқироз даври	Сабаблари	Оқибатлари	Инқирозга қарши чоралар
АҚШ, 1929-1933 йй.	Буюк депрессия банклар ва аҳолининг биржа ўйинларида ҳаддан ташқари кўп иштирок этишлари туфайли бошланган	Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқариб, аҳоли даромадлари кескин пасайди	Саноатни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, банклар сонини қисқартириш, доллар курсини пасайтириш.
Германия, 1945-1952 йй.	Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда тўлиқ вайронагарчилик ҳукм сурган	Саноат ва транспорт тизимидаги муаммолар чуқурлашди	Нархлар устидан давлат назоратини бекор қилиш, монополияларни тугатиш
Швеция, 1973-1974 йй.	Мамлакат жаҳон энергетика инқирози даврида энергия ресурсларига эга бўлмаганлиги ва жуда юқори иш ҳақини пасайтирмаганлиги сабабли Европада энг кўп зарар кўрди	Тоғ-кон саноати, қора металлургия, машинасозлик тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши	Энергетика саноати жумладан, атом саноати, илмий технологияларни ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратмалар
Чили, 1981 й.	Мамлакат тайёр бўлмаган ҳолда бозор ислоҳотларини бошлади. Экспортга боғлиқлик	Банкларнинг катта қисми молиялаштирган компаниялари-нинг "синишлари" туфайли банкротга учради	Банклар ва компанияларни молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнес фаолиятига самарали таъсир этиш
Жанубий Корея, Япония, 1997-1998 йй.	Осиё молиявий инқирози. Миллий валюта қадрининг жадал суръатларда пасайиб кетиши	Банк тизимидаги инқироз саноатга кўчиб ўтди	Компанияларнинг национализация қилиниши, банкларни қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини кенгайтириш

[64] www.imf.org сайти маълумотлари.

Расмий баёнотга кўра дастурда асосий эътибор солиқлардан озод этиш ва имтиёзлар беришга қаратилган бўлиб, бу мақасадлар учун 288 млрд. доллар маблағ йўналтирилган.

Шунингдек, "Полсон режаси" кўра активлар билан боғлиқ муаммоларни банк акцияларини молия вазирлиги томонидан сотиб олиш орқали ҳал этиш кўзда тутилган.

Жаҳон - молиявий инқирози АҚШ иқтисодиётида банк-молия тизимидаги баъзи камчиликларни юзага чиқарди ва уларни бартараф этиш заруратини тақозо қилди. Шу билан бирга, инқирозга қарши кўрилган тезкор чоралар натижасида ЯИМ 2011 йилда 1.6 фоиз га ортди, иқтисодиётда 3 млн.дан ортиқ иш ўринлари яратилди[65].

17-жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодий инқироз даврида дунёнинг деярли барча мамлакатларида саноат тармоғини банк-молия тизимини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, компанияларни национализация қилиш усулларидан фойдаланилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий инқироз шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучайиши объектив зарурият айланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида турли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан сарфланган маблағларнинг миқдори ва даражасини кўриб чиқамиз.

18-жадвал

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши кураш учун сарфлаётган молиявий маблағлари[66]

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. долл.	ЯИМга нисбатан фоизда (2008 й.)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

[65] Economic Report of the President 2012. -Wash. 2012,

[66] www.imf.org сайти маълумотлари.

18-жадвал маълумотларидан кўринадики, глобал инқироз оқибаталрини бартараф қилишга сарфланган маблағларнинг нисбатан йирик миқдори АҚШ ва Буюк Британияда кузатилди. Бунинг сабаби шундаки, мазкур мамлакатлар жаҳон молиявий инқирозидан бошқа мамлакатларга қараганда кўп жабр чекишди. Чунки инқироз дастлаб АҚШда бошланди, Буюк Британияда эса, халқаро молия операцияларининг 40 фоизи амалга оширилади. Германия, Япония, Хитой ва Россияда ҳам инқироз оқибатларини бартараф этишга катта маблағ ажратилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишга сарфланган молиявий маблағларнинг даражасига баҳо берадиган бўлсак, унинг нисбатан юқори даражаси Буюк Британия, АҚШ ва Германияда кузатилди. Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур мамлакатларда глобал инқирознинг таъсир кучи нисбатан юқори бўлди.

2008 йил 15 ноябрда Вашингтонда ўтказилган 20 та мамлакат раҳбарлари Саммитида қабул қилинган қарорлар:

- молия бозоридаги шаффофлик ва молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўлиқ ва аниқ беришни кучайтириш;
- барқарорликни тартибга солишни кучайтириш.
- молия бозор қатнашчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришини рағбатлантириш;
- халқаро ҳамкорликни кучайтириш;
- халқаро молия институтларини ислоҳ этиш (Халқаро валюта фонди, молиявий барқарорлик форуми (МБФ)).

Жаҳонда молия инқирозидан чиқиш учун ўрта муддатли даврда қуйидагиларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги "20 лик мамлакатлари" нинг 2009 йил март ойида Лондонда бўлиб ўтган Саммитида асосланди:

- молия бозорларини тартибга солишнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш ва мамлакатларни макроиқтисодий параметрларига янги талаблар қўйиш (Маастрихт шартномасига ўхшаган);
- Халқаро валюта фонди молиявий имкониятларини кенгайтириш (250 млрд доллардан 1 трлн. долларга етказиш);
- 20 лик мамлакатлар ролини ошириш ва мақомини мустаҳкамлаш;

- рейтинг агентликлари фаолиятини ягона тартибга солиш тизимини яратиш;
- молия соҳасида янги халқаро ташкилотни тузиш ёки мавжудларини қайта ташкил қилиш асосида аъзо бўлган мамлакатларни молия ва фискал сиёсатини ягона қоида асосида амалга ошириш.

19-жадвал

Жаҳон иқтисодиётида инқирозга қарши кураш учун ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари[67]

Мамлакат	Давлат кафолатлари		Капитал-лаштириш		Активларни сотиб олиш		Бошқа		Жами
	млрд. долл.	жмига нисбатан, фоизда	млрд. долл.	жамига нисбатан, фоизда	млрд долл	жамига нисбатан, фоизда	млрд. долл.	жамига нисбатан, фоизда	млрд. долл.
Россия	0	0	185	84	11	5	5	11	222
Буюк Британия	393	39	9	8	0	0	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714.	20	663	19	39	11	3539
Германия	539	60	177	20	0	0	176	20	893
Япония	303	53	0	0	0	0	273	47	576
Хитой	0	0	0	0	0	0	570	100	570.

19-жадвал маълумотларидан кўринадики, инқирозга қарши кураш учун ажратилган молиявий маблағлардан фойдаланиш йўналишлари мамлакатлар бўйича бир-биридан кескин фарқлаанди. Масалан, Россияда ажратилган молиявий маблағларнинг 84 фоизи банклар ва компанияларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йўналтирилди. Япония, Буюк Британия ва АҚШда эса, инқирозга қарши кураш учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми молиявий мажбуриятларни кафолатлашга йўналтирилди. Шуниси характерлики, АҚШда компаниялар ва банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва активларни сотиб олишга ҳам катта миқдорда маблағ ажратилди.

[67] www.imf.org сайти маълумотлари.

Тараққий этган мамлакатларда компаниялар ва банкларнинг оддий акцияларини сотиб олиш йўли билан уларни миллийлаштириш усулидан кенг фойдаланилди. Шундай усулдан Россия Федерацияси амалиётида ҳам фойдаланилди.

11.3. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва унга қарши чора-тадбирлари

Республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишнинг устувор йўналишлари мамлакатимиз "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарда ишлаб чиқилган ва асослаб берилган.

Тижорат банкларининг ликвидлилик ва тўловга қобиллик даражасининг кескин пасайиши, биринчидан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволининг ёмонлашишига олиб келади; иккинчидан, банкларнинг банкрот бўлиш хавфини кучайтиради. Ўз навбатида, банкларнинг банкрот бўлиши эса юзлаб корхоналарнинг банкрот бўлишига олиб келади. Шу сабабли, дунёнинг кўплаб мамлакатларида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида мамлакат банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича шошилинч фавқулодда чора-тадбирлар тизими амалга оширилди. Масалан, АҚШ ҳукумати томонидан жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида сарфланган дастлабки молиявий маблағларнинг 20 фоизи (714 млрд. долл.) банклар ва компанияларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йўналтирилди. Германияда эса, ана шу мақсадларга 177 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди[68].

Фикримизча, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича Россия тажрибаси уникал тажриба бўлиб, дунё амалиётида ўхшаши йўқ. Яъни, Россияда биринчи марта тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича субординар кредитлар берилди. Ушбу субординар кредитлар 2020 йилгача муддатга йиллик 8 фоиз ставкада 950 млрд. рубль миқдорида берилди. Унинг 500 млрд. рубли Марказий банк томонидан, 450 млрд. рубли эса, Миллий фаровонлик фонди маблағлари ҳисобидан берилди[69]. Субординар кредитлар 2020 йилга қадар қайтариб олинмайди. Бу эса, уларнинг барқарорлик даражасини оширади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланилди. Мамлакатимизнинг йирик тизимли банкларига янги акциялар чиқаришга рухсат этилиб, улар давлат ва Марказий банк томонидан сотиб олинди.

20-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси[70]

№	Банк номи	Эълон қилинган устав капитали, млрд. сўм	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
			Жами	Шу жумладан				
				2008	2009	2010	2011	2012
1	Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20
2	Асакабанк	300	147	100	48	–	–	–
3	Саноатқурилишбанки	100	65	63	2	–	–	–
4	Микрокредитбанк	150	72	54	18	–	–	–
5	Пахтабанк	100	50	22	28	–	–	–
6	Ғаллабанк	50	36	13	23	–	–	–
	Жами	491	272	149	30	30	20	20

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1083-сонли Фармони билан Ғаллабанк базасида Қишлоқ қурилиш банк ва 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1084-сонли Фармони билан Пахтабанк базасида Агробанк ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги ПҚ-944 сонли "Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 13 ноябрдаги ПҚ-998-сонли "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-

[68] E -mail EC @ Ekonomik сайти маълумотлари.

[69] Кувшинова О, Письменная Е, Шпигель А, Панов А. Две трети бюджета // Ведомости. 199, 2008.

[70] Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

тадбирлари тўғрисида" ги, 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, 2008 йил 11 январдаги ПҚ-775-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 8 октябрдаги ПҚ-975-сонли "Пахта-банк" ва "Ғалла-банк" акциядорлик-тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ:

– "Ўзсаноатқурилишбанки"нинг акциядорлари томонидан умумий қиймати 65,4 млрдсўм миқдоридаги қўшимча акциядорларни эмиссия қилиш асосида банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга етказиш;

– "Пахта-банк" акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали миқдорини 100 млрд.сўмга етказиш ҳамда жами 50 млрд.сўмлик, "Ғалла-банк" акциядорилк-тижорат банкининг устав капитали миқдорини 50 млрд.сўмга етказиш ҳалда жами 36 млрд. сўмлик қўшимча акцияларни эмиссия қилиш;

– Давлат- тижорат Халқ банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008 йилда банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга етказиш;

– "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки акциялари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2008-2009 йилларда "Микрокредитбанк" акциядорлик банкининг устав капиталини 72 млрд. сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд. сўмга етказиш;

– "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008-2009 йилларда банкнинг устав капитали миқдорини қўшимча 147,1 млрд. сўмга оширган ҳолда унинг жами миқдорини эквивалентда 300 млрд сўмга етказиш хусусидаги таклифлар қабул қилинди.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари активлари ва капиталининг ўсиш суръатларига баҳо берамиз.



1-расм . Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капитали ва брутто активлари миқдорларининг ўзгариши, млрд. сўм[71]

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2004-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капитали ва брутто активлари ўсиш тенденциясига эга бўлди. Регулятив капитал миқдорининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги тижорат банкларининг тўлов қобилияти ва ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банклари активларининг ўсиш тенденцияси устун даражада кредитлар миқдорининг ортиши билан изоҳланади. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз тижорат банклари брутто активларининг ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар эгаллайди. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикамиз тижорат банклари кредит қуйилмаларининг умумий миқдори 6372 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса, тижорат банклари брутто активларининг 52,8 фоизини ташкил этади[72].

Ўзбекистон банк тизими жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қодир, деган илмий хулоса тасдиқини топди:

[71] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари.
[72] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари.

1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий миқдори 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ шакллантирилган захиралар билан биргаликда, 13 трлн. 360 млрд. сўмдан ошди. Бу эса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг республикамиз тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмидан 2,4 баробарга кўп демакдир.

2. Республикамиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробарга юқоридир.

3. Маълумотларга кўра, республика банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган. "Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир"[73] деган хулоса келтирилган.

4. Республика банкларига аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, фуқароларнинг банклардаги омонатлари, миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ кафолатланди.

5. Республика тижорат банкларининг капиталлашиш даражаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан сезиларли даражада оширилди.

Мамлакатимизнинг йирик банклари ҳисобланган 6 тижорат банки – Халқ банки, Асакабанк, Саноатқурилишбанки, Микрокредитбанк, Пахтабанк ва Ғаллабанк[74]нинг устав капиталини ошириш учун 2008 йилда Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан 149 млрд. сўм маблағ ажратилди, 2009 йилда эса, 30 млрд сум. маблағ ажратилган.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш жараёнининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, биринчидан, тижорат банкларининг ликвидлилик даражасининг ошишига хизмат қилади; иккинчидан, тижорат банклари капиталининг барқарорлик даражасини оширади. Бунинг сабаби шундаки, устав капитали тижорат банклари регулятив капиталининг бошқа элементларига нисбатан барқарорлик даражаси юқори бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

[73] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 29.

[74] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1083-сонли Фармони билан Ғаллабанк базасида Қишлоқ қурилиш банк ва 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1084-сонли Фармони билан Пахтабанк базасида Агробанк ташкил қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2008 йил 18 ноябрь), Жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик

бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан, кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида "Ўзбек миллий автомагистрали" лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб берилди.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа, авваламбор, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини 20% га камайтириш бўйича 2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба орқали таннархни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш (-24%);

- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш (-0,06%);

- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш (-1%);

- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш (-0,05%);

- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);

- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Умумий ҳолда Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини оптималлаштириш орқали тракторлар таннархини 17 фоиз га, прицеплар таннархини 22 фоиз га пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди[75] (2.2.4-расм).

Шунингдек, ҳозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган электр энергияси таъминоти тизимига хусусий операторларни жорий қилиш бўйича амалий тажриба натижаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур амалий тажрибани ўтказишдан мақсад фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш ҳамда истеъмол даврида электр энергияси йўқотишларни камайтиришдан иборат эди.

Ушбу мақсадга эришиш учун Тошкент шаҳар Бектемир тумани мисолида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш

[75] Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материаллари, 14 январь– 1 февраль 2009 йил.

бўйича мустақил (хусусий) операторни жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бунда хусусий операторни танлаш бўйича махсус комиссияси тузилиб, тариф сиёсати ва шартнома лойиҳалари қатъий келишиб олинди. Жумладан, хусусий операторни танлаш шартлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- тегишли бизнес-режанинг мавжуд бўлиши;

- хўжалик юритиш фаолияти бўйича камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиши;

- электр энергиясини сотиш фаолияти учун камида муайян тумандаги электр энергияни истеъмол қилишнинг 3 ойлик миқдорига тенг молиявий маблағларга эга бўлиши;

- мавжуд дебиторлик қарздорликни ундиришни ўз зиммаси олиши;

- максимал баллга эга бўлиши ва шартнома тузиши;

- 30 фоиз миқдоридаги олдиндан тўлов ҳамда ҳар ойнинг якунидан сўнг 30 кун давомида якуний ҳисоб-китоб ҳисоботларини амалга ошириши.

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

Хулоса қилиб қуйдагиларни келтириш мумкин:

1. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШдаги ипотекали кредитлаш амалиётидаши танглик ҳолатидан бошланди ва унинг миқёси кенгайиб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига айланиб кетди.

2. АҚШ ипотекали кредитлаш амалиётидаги танглик ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлган қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлди:

– АҚШ тижорат банклари кредит портфелининг диверсификациялаш принципининг бузилганлиги;

– ипотека кредитларининг гаров таъминотини етарли бўлишига эътибор қаратилмаганлиги;

– банкларнинг ипотека қимматли қоғозлари билан боғлиқ бўлган спекулятив амалиётларга берилиб кетганлиги.

3. Глобал молиявий инқирози чуқурлашишининг олидини олиш мақсадида тараққий этган мамлакатларда банк тизимининг бир қисми миллийлаштирилди ва келгусида банклараро кредитлар бозирини рағбатлантириш режалаштирилди. Евроҳудуд мамлакатлари ҳам ҳар бир мамлакат капиталлашув даражаси паст бўлган банкларнинг имтиёзли акцияларни сотиб олиш ва уларга қисқа муддатли молиялаштириш муаммоларига кўмаклашиш мақсадида турли миқдордаги пул маблағларини ажратишларига қарамай, Британия моделига эргашган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар. Банк тизимидаги миллийлик муаммоларини бартараф этиш мақсадида дунёнинг ривожланган саноат мамлакатлари марказий банклари қайта молиялаш ставкаларини пасайтириш ҳолатлари кузатилди.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини пасайишига сабаб бўлди. Жаҳон ЯИМ нинг ўсиш суръати 2007-2008 йилларда 1,3 фоизли пунктга пасайган бўлса, мазкур кўрсаткич АҚШда – 0,6 ф.п., еврозонада – 1,4 ф.п., Хитойда – 2,2 ф.п., Россияда эса, 1,3 фоизли пунктга пасайди ва 2009 йилда инқирознинг янада чуқурлашаётганлигини ҳисобга олиб, ХВФ, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертлари мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатларини янада пасайишини прогноз қилишди

5. Глобал молиявий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири қуйидаги йўналишларда намоён бўлди:

– жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларни кескин пасайиши;

– 2009 йилда корхоналаримиз экспорт даромадларининг сезиларли камайишига олиб келди;

– асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятини кескин пасайиши ҳам ташқи савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатди;

- хорижий давлатларда ишлаётган фуқароларимизнинг валюта ўтказмалари миқдорининг камайиши.

6. Ушбу инқироз АҚШдаги ипотекали кредитлаш амалиётидаги тангликдан бошланганлиги сабабли республикамизда банкларнинг ипотекали кредитлаш амалиётини қаттиқ назорат остига олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Республика тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини ошириш юзасидан бошланган ишларни ниҳоясига етказиш вазифаси қўйилди. Бу эса, банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини янада оширишнинг ҳали ишга солинмаган имкониятларини қидириб топишни тақозо этади. Фикримизча, ана шундай имкониятлардан бири республикамиз Марказий банкининг тижорат банкларининг ликвидлилигини ошириш бўйича фаолиятини янада кучайтириш ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида Марказий банк дисконтли кредитлар бериш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Масалан, Германия банк амалиётида Бундесбанк (Марказий банк) тижорат банкларига ҳар бир молиявий йил учун тратталарни қайта ҳисобга олиш контингентини белгилайди. Контингент суммасини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир тижорат банкига тўғри келадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Агар тижорат банкида ликвидлилик муаммоси юзага келиб қолса, у белгиланган лимит доирасида тратталарни Марказий банкка топшириб, ўша куннинг ўзида марказлашган кредит олиши мумкин.

Банкларараро кредитлар бозори ривожланмаган шароитда Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этишнинг аҳамияти ошади. Лекин бунинг учун, биринчидан, тижорат банклари Марказий банк кредитларини қисқа вақт ичида, тезкор тарзда олиш имконига эга бўлишлари лозим; иккинчидан, Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда,

Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг ликвидлилигига дисконтли кредитлаш амалиёти орқали таъсир этиш имконини бермайди.

2. Республикамиз тижорат банкларининг 3 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган субординациялашган қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш лозим. Инвесторларнинг тижорат банкларининг 3 йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятларидан олган даромадлари фойда солиғидан озод қилиниши лозим. Бунинг натижасида ушбу қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлиги ошади ва тижорат банкларининг қўшимча капитали миқдори сезиларли даражада кўпаяди. Ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг ҳажмида қўшимча капиталнинг салмоғи 2007 йилда бор- йўғи 5,2 фоизни ташкил қилди.

3. Мамлакатимиз тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръатини ЯИМнинг ўсиш суръатидан орқада қолмаслигини таъминлаш лозим. Юқорида қайд этилган иккала кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги маълум миқдорий мувофиқликни таъминлаш Марказий банкнинг назорат объектига айлантирилиши лозим. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати доирасида тижорат банкларининг капиталини барқарор ўсиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиши лозим.

4. Мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларини кредитлаш билан шуғулланаётган тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан субординар кредитлар бериш лозим. Халқаро банк амалиёти тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, субординар кредитлар камида 5 йил муддатга берилиши лозим. 5 йиллик муддат ниҳоясига етмагунга қадар субординар кредитларнинг қайтариб олинмаслиги мақсадга мувофиқ. Ушбу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида, биринчидан, Жамғарма маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, иккинчидан, тижорат банкларининг капиталлашиш

даражаси ошади; учинчидан, тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни кредитлаш салоҳияти ошади.

Назорат саволлари:

1. Инқироз тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари нимадан иборат?
3. Жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг оқибатларини келтиринг.
4. Ўзбекистонга жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг таъсири нимадан иборат эди?
5. Жаҳон иқтисодиётида инқирозга қарши кураш учун ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш йўналишларини келтиринг.
6. АҚШ иқтисодиётининг ривожланиш омиллари нималардан иборат?
7. АҚШ иқтисодиётининг жаҳондаги етакчилик вазифасини қандай баҳолайсиз?
8. АҚШ нинг инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг самарадорлигини қандай баҳолайсиз?

12-боб. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Режа:

12.1. "Глобал иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси ва моҳияти.

12.2. "Миллий иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси, кўрсаткичлари ва чегаравий микдорлари.

12.3. Глобал ва миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асослари.

Таянч сўзлар: *хавфсизлик, миллий манфаатлар, глобал хавфсизлик, миллий хавфсизлик, техноген хавфсизлик, экологик хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий таҳдидлар ва зиддиятлар, миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари ва таъминлаш усуллари.*

12.1. "Глобал иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси ва моҳияти, таъминлаш механизми

Глобал ва миллий хавфсизлик ва уларнинг турлари турли адабиётларда кенг ёритилган ёритилган[76]. Глобал иқтисодиётнинг ривожланишида бир бири билан узвий богланган бир катор хавфсизлик турлари мавжуд. Уларнинг мазмун-мохияти куйдагилардан иборат.

Глобал хавфсизлик – халқаро муносабатлар ва экологик вазият тизимининг жаҳондаги вазиятни нобарқарорлаштиришга, сайёра миқёсида инқироз келтириб чиқаришга қодир таҳдидлардан ҳимояланганлиги.

Миллий хавфсизлик – фуқаролар, жамият ва давлат муҳим манфаатларининг, шунингдек миллий қадриятлар ва турмуш тарзининг турли ташқи ва ички (сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, руҳий ва ҳоказо) хавфлардан ҳимояланганлиги. Миллий хавфсизлик қуйидаги учта бир-бирига боғлиқ даражага эга: шахснинг хавфсизлиги, жамиятнинг хавфсизлиги ва давлатнинг хавфсизлиги. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўзгарувчандир ва ижтимоий муносабатлар хусусияти, сиёсий ва иқтисодий тузилиши, ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даражаси билан белгиланади.

[76] Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь./Гл.ред. И.И. Мазур, А.Н. Чумаков, - СПб. – Й.: ИЦ "ЕЛИМА", ИД "Питер", 2006. – С. 59-63; Олейников Е.А. Экономическая безопасность (теория и практика): учебник. Москва. Издательство «Классика плюс», 1999; Экономическая безопасность: производство - финансы - банки. Под ред. В.К. Сенчагова. – И.: ЗАО «Финстатинформ», 1998.

Техноген хавфсизлик – аҳоли ҳаёти ва фаолиятининг, иқтисодиёт объектларининг, давлат бошқаруви тизимларининг, миллий бойлик ҳар хил турларининг ва атроф муҳитнинг техноген таъсирлардан ҳимояланганлиги. Мураккаб техник қурилмаларни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишни таъминлаш бўйича бир қанча ҳаракатлар орқали техноген хавфсизликка эришилади, бунда уларни авариясиз ишлатиш ва экологик шартларни бажаришга доир зарур талаб ва нормаларга риоя этилади. Техноген хавфсизлик кўлами ва аҳамиятини ҳисобга олиб, унга экологик хавфсизликнинг мустақил қисми сифатида қараш мумкин.

Технологик хавфсизлик – мамлакатнинг илм-фан ютуқларига асосланган маҳсулоти рақобатбардошлиги ошишини ва мамлакат иқтисодиётининг янги технологик тартибга ўтишини таъминлаш мақсадида илмий-техник ва технологик салоҳиятнинг заифликдан, бекор туриб қолишдан, барбод бўлишдан, нисбатан ва мутлақ қисқартирилишдан, таназзулдан ҳимояланганлиги.

Экологик хавфсизлик – инсонлар яшайдиган муҳит ва умуман биосферанинг, атмосфера, гидросфера, литосфера ва яқин космик маконнинг, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг, шунингдек табиий ресурсларнинг (энергетик, минерал ва ҳоказо ресурсларнинг) инсон фаолияти билан яраладиган ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлиги.

Иқтисодий хавфсизлик – иқтисодиёт соҳасидаги умуммиллий манфаатларни миллий хўжаликни босқичма-босқич ривожлантириш ва ҳам бутун жамиятнинг, ҳам айрим фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжини таъминлаш асосида ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тизими.

Умуммиллий даражада иқтисодиётнинг жадал ривожланишини, молиявий тизим барқарорлигини ва жамиятда тинчликни таъминлайдиган узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бориш ҳисобига иқтисодий хавфсизликнинг асосий вазифалари ҳал этилишига эришилади.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари, инфляция даражасининг пастлиги, аҳолининг ижтимоий табақаланиши даражасини ва айрим ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқни камайтириш – бундай сиёсатни муваффақиятли олиб боришнинг асосий мезонларидир. Охир-оқибат иқтисодий хавфсизлик чоралари мамлакатнинг конституциявий тузумини, суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга қаратилган.

Глобал иқтисодиётда ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги чегара тобора емирилиб бормоқда. Мамлакат ичкарисида тизимли ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги глобал таҳдидлар хавф солишини оширади. Масалан, номутаносиб давлат молияси шароитларида глобал молиявий инқирозлар мамлакат ичидаги макроиқтисодий вазиятни нобарқарорлаштириши мумкин.

Кенг маънода, иқтисодий хавфсизликни икки турга ажратиш мумкин: глобал ва миллий. Глобал иқтисодий хавфсизлик бу жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир аъзо мамлакати ўз ижтимоий ва иқтисодий стратегиясини мустақил танлаш ва амалга оширишни таъминлайдиган, ташқи ва сиёсий босим бермайдиган ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка таяладиган халқаро келишувлар ёрдамида амалга ошириладиган тушунчадир.

Глобал иқтисодий хавфсизликнинг ҳуқуқий кафолатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳар бир давлатнинг унинг ижтимоий ва сиёсий тузилишидан қатъи назар, тенглик тамойилини тан олиши;
- ривожланиш йўлини эркин танлаши;
- табиий ресурслардан ва иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишда давлат суверенитетини тан олиш ва куч ишлатмасдан иқтисодий баҳсларни ҳал этиш.

Мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларига интеграцияси ва иқтисодий очиқлик даражасининг ошиши туфайли улар жаҳон иқтисодий жараёнлари таъсирини сезмоқдалар ва шунинг билан бирга, янги хавф-хатарларга дуч келмоқда

Кўпчилик МДҲ давлатлари мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб очиқ иқтисодиётни шакллантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланиб келинаяпти.

Ўзбекистонда очиқ иқтисодиётни шакллантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, эркинлаштириш шартлари асосида жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси стратегик мақсад деб қабул қилинган ва унинг аниқ механизми ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг товар, хизмат ва капитали билан жаҳон бозорига чиқиши ва глобал иқтисодий жараёнларнинг миллий иқтисодиётга таъсирининг ўсиши иқтисодий хавфсизликни таъминлашни талаб қилди.

Янги хавфсизлик тизимини шакллантиришда иқтисодий ўлчамларнинг глобал ҳамда минтақавий даражада роли борган сари ошиб бормоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг собиқ Бош котиби Б. Урквартнинг таъкидлашича, жамиятнинг салбий томонлари - наркотик, жиноят, касалликлар, терроризм у ёқда турсин, ҳатто, инсоний фаолиятнинг оддий элементлари – савдо, маданият, молия, миллий ҳудуд ва миллий суверенитет доирасидан чиқиб, борган сари глобал аҳамиятга эга бўлмоқда[77].

Шунингдек, сўнгги йиллар натижаларига кўра, очиқ иқтисодиётни шакллантиришда бирор-бир мамлакат жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг салбий жараёнлардан ҳимоялана олмайди.

1997-1998 йилларда рўй берган Жануби-Шарқий Осиё, Россия ва бошқа давлатлардаги молиявий инқироз жаҳон молия бозори конъюнктурасини ёмонлашишига, жаҳон бозорида муҳим бўлган минерал-хомашё ресурслари, шу жумладан, мамлакатимиз экспортининг айрим хомашё ресурслари (пахта, қимматбаҳо металлар, рангли металлар, минерал хомашё ва б.қ.) нарх конъюнктурасининг пасайишига олиб келди.

Сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий муаммоларнинг кўпайишини, ишсизлик даражасининг ошишини, турмуш даражасининг пасайишини, жаҳон иқтисодиётининг салбий жараёнларидан миллий иқтисодиётнинг ҳимояланмаганлигини глобаллашувнинг салбий томони билан

[77] Urquhart B. "The future security agenda", Keynote speech at SIPRIs 30th Anniversary Conference, Stockholm, 3 Oct. 1996.

боғланиб келинмоқда. Шундай фикрда бўлганлар иқтисодий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш долзарб эканлигини таъкидлайдилар.

12.2. "Миллий иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси, кўрсаткичлари ва чегаравий миқдорлари

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, иқтисодий хавфсизлик учта бир-бирига боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга қаратилган:

- юқори ва барқарор бўлган иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- жамият талабини самарали равишда қондириш;
- давлат, жамият ва ҳар бир шахснинг миллий ва халқаро доирадаги иқтисодий манфаатларини ички ва ташқи хавф ва таҳдидлардан ҳимоялаш.

Кўп мамлакатларда муаммонинг кўламини аниқлаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни идентификация қилиш, иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини (индикаторларини) аниқлаб олиш, уларнинг аҳамиятини ва чегаравий миқдорларини исботлаш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни қайта ишлаш ва амалга ошириш учун интенсив равишда изланишлар олиб борилмоқда.

"Миллий хавфсизлик" тушунчаси "Иқтисодий хавфсизлик" тушунчасидан кенгроқ тушунча бўлиб, ҳарбий, илмий-техникавий, экологик, аҳборот, ижтимоий, энергетика ва бошқа соҳалар хавфсизликларини ҳам ўз ичига олади.

Юқоридаги миллий хавфсизликнинг кўринишлари бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб бир вақтнинг ўзида бир-бирларини тўлдириб ҳам борадилар. Мисол учун, кучсиз ва самарасиз иқтисодиётда миллий мудофаа ҳам кучли бўлиши амри маҳолдир.

Ҳозирги даврда иқтисодий хавфсизлик барча мамлакатларнинг иқтисодиётини фундаментал асосига айланиб бормоқда. Бу шароитларда мамлакатнинг зарурий мажбуриятлари бўлиб миллий иқтисодий хавфсизликни самарали ҳимоя қила оладиган механизмини ишлаб чиқишдир.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мамлакатларнинг миллий манфаатлари миллий ишлаб чиқарувчиларни мустаҳкам ўринга эга бўлишида, миллий маҳсулотларнинг халқаро рақобатбардошлигини кўтаришда кўриш мумкин.

Шу боис "Иқтисодий хавфсизлик» ("Economic Security") тушунчасини унинг асоси ҳисобланган ва ундан кўра кенгроқ маънога эга бўлган "миллий хавфсизлик"нинг бир қисми деб қараш лозим.

Барқарор иқтисодий ривожланиш масалалари сўнгги йилларда глобал, минтақавий ва миллий даражаларида муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилмоқда ва кўпчилик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизлик борасидаги концепциялари, стратегиялари ва доктриналари иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисми бўлмоқда [78].

Иқтисодий хавфсизлик услубий жиҳатдан кўп ҳолларда иқтисодий хавфсизликни миллий, давлат, жамият ва шахс манфаатлари орқали аниқланади.

Миллий иқтисодий хавфсизлик – миллий манфаатларнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳамда мамлакат иқтисодий потенциалини етарлича ҳимоялашни таъминлаб бера оладиган иқтисодий ҳолатга айтилади.

Кўпгина мамлакатлар ўз иқтисодиётларини эркинлаштириш орқали изчиллик ва аста-секинлик билан жаҳон бозорига чиқиш мақсадида олиб бораётган сиёсатларида иқтисодий хавфсизликнинг янгидан-янги таҳдидлари билан тўқнаш келмоқдалар.

Ушбу мамлакатлар иқтисодий хавфсизлик муаммолари ечимлари ишлаб чиқиш заруриятини англамоқдалар, мамлакат иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш бўйича унинг моҳиятини, миқдорий баҳолаш усулларини ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотларни жадал суръатлар билан амалга оширмоқдалар.

Кейинги йилларда кўпгина мамлакатларда интенсив равишда, келиб чиқаётган муаммоларнинг миқёсини баҳолашга йўналтирилган, иқтисодий хавфсизликнинг таҳдид ва хавф-хатарларни идентификациялаш, иқтисодий хавфсизлик кўр-

[78] Adam D. "The Emerging International Security Agenda". In Stockholm International Pease Research Institute. SIPRI Yearbook 1997. New York: Oxford University Press, 1997, pp. 1-14.

саткичларини (индикаторларини) аниқлаш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиш деб қабул қилинган.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг фундаментал ва моддий асоси булиб ҳисобланмоқда[79]. Охирги йилларда кўпгина ривожланган ҳамда риволанаётган мамлакатларнинг миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб борган саъй ҳаракатлари натижасида орттирган тажрибалари ва ишлаб чиқилган концепциялари ва стратегиялари мавжуд.

Иқтисодий хавфсизликни талқин этувчи кўпгина тушунчаларни умумлаштирган ҳолда уларни икки кўринишга ажратиш мумкин: МДҲ доирасида ва ғарбона талқин.

МДҲ давлатлари доирасида кенг тарқалган. Россиялик иқтисодчилар томонидан ўрганилган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилина бошлади. Бу муаммони ўрганишда академик Л.И.Абалкин, проф. В.К. Сенчагов, проф. С.Ю. Глазьев мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг амалий масалаларини илмий асослаш муаммолари бўйича катта ҳисса қўшишган.

Бунда асосан иқтисодий муаммолар, давлат суверенитети, кучли ички сиёсат ва халқнинг яшаш тарзи билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бу турдаги ҳолатда иқтисодий хавфсизликнинг асосий таҳдиди бўлиб иқтисодиётнинг таркибий нуқсонлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг ёки тармоқларнинг хорижий инвесторлар қўлига ўтиши, жаҳон бозоридаги вазиятларга тўғридан-тўғри боғланиб қолиш, мамлакат ҳудудидаги жамиятнинг ижтимоий кескинлашуви, ишчи кучларини ва табиий ресурсларнинг катта миқдорда чиқиб кетиши ва шу каби ҳолатлар эътироф этилмоқда.

Ғарбона ёндашув эса, мисол учун, Америка Қўшма Штатлари, юқоридаги иқтисодий хавфсизлик талқинидан моҳиятан ажралиб туради.

[79] Олейников Е.А. Экономическая и национальная безопасность: Учебник. М.: Издательство «Экзамен», 2004, С. 130.

"Economic Security" тушунчаси АҚШда 1930-йиллардан кенг қўлланила бошланди. 1929-1933 йиллардаги "Буюк депрессия" натижасида "Янги курс" деб ном олган янги иқтисодий сиёсат орқали бу тушунча кириб келди.

"Янги курс"нинг асосий мақсади аҳолининг харид қилиш қобилиятини кўтариш эди ва айнан шу терминни Америка Президенти Конгрессга юборган мурожатномасидаги контекстда илк бор ишлатилган. Бу таклифларни амалга ошириш учун махсус Иқтисодий хавфсизлик масалалари бўйича Комиссия ташкил этилган ("Comission on Economic Security").

АҚШнинг Ф. Рузвельтдан бошлаб то Б. Клинтонгача бўлган Президентларнинг деярли ҳамма мурожаатномаларида "Economic Security" термини бандликни таъминлаш, яшаш даражасининг кўрсаткичларини кўтариш, иш ўринларини кўпайтириш, молиявий мустақиллик, ижтимоий кафолат каби тушунчаларни билдириб келмоқда [80].

АҚШ миллий хавфсизлик стратегиясида охирги йилларда иқтисодий хавфсизликни мустахкамлашга зарурат сезилиб бормоқда ва унинг таркибида қуйидаги қатор устувор масалаларни ечиш белгилаб берилган:

биринчидан, иқтисодий хавсизликни таъминлашда АҚШ иқтисодиётини ва глобал иқтисодиётни бўлажак турли инқирозлардан муҳофакилиш;

иккинчидан, мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини ва инвестицияларни кенгайтириш асосида глобал тараққиётга эришиш;

учинчидан, камбағал давлатларнинг умумжаҳон миқёсида фаровонликни ошириш жараёнларида фаол қатнашишини таъминлаш;

тўртинчидан, энергиянинг ишончли ва диверсификациялашган манбалардан фойдаланишни ривожлантириш.

АҚШнинг миллий хавфсизлик стратегияси халқаро миқёсда ҳарбий-стратегик омиллар аҳамиятининг камайиши ва биринчи ўринга мамлакатнинг иқтисодий кучи, рақобатбардошлиги ва жаҳон хўжалигидаги ўрни билан белгиланмоқда.

[80] Ногаев И.В. Economic security-термин или категория. //США - Канада: экономика, политика, культура. 2004, № 6. 57-67 б.

"Иқтисодий куч ва унинг яшовчанлиги АҚШ миллий хавфсизлиги таянадиган асосдир" –дейди Алан П. Ларсон [81].

Яқин йилларда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг фикрича, бир қанча масалаларнинг ечилиши билан боғлиқ:

энергия манбаларининг ишончли ва диверсификацияланган манбаларини ривожлантириш;

халқаро даражадаги йуловчи ва юк ташишларар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

террористларни молиялаштириш каналларини беркитиш, шунингдек, халқаро молия тизими барқарорлигини таъминлаш ва бошқалар.

Хитой Халқ Республикаси Ҳукумат кенгаши Ахборот бошқармасининг миллий хавфсизлик ҳақидаги "Оқ китоб"ида иқтисодий глобаллашув жараёнини очиб беришда мамлакатлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ва фан тараққиётининг жадал равишда илгарилаши шароити остида иқтисодий ва молиявий хатарларнинг ўсишига алоҳида эътибор берилган [82].

Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгашининг фаолиятида ҳам иқтисодий хавфсизлик масалаларига катта аҳамият берилаяпти. 2000 йил 10 январь Россия Федерацияси Президентининг 24-сонни қарори билан тасдиқланган Миллий хавфсизлик концепциясига мувофиқ иқтисодиёт соҳасидаги Россиянинг миллий манфаатлари устувор деб тан олинди. Иқтисодий хавфсизлик соҳасида қўйилган муҳим масала бу мамлакат иқтисодиётини шундай ривожланишини таъминлаш зарурки, унда ҳар бир шахс ривожланиши ва яшаши учун қулай шароит яратилган бўлиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва мамлакат яхлитлиги сақланган, ички ва ташқи хавфлардан ҳимоялана оладиган бўлиши лозим [83].

Амалиётдан шу нарса маълум бўлмоқдаки, иқтисодий хавфсизликни таъминламасдан туриб, мамлакат ўз ичидаги ва халқаро миқёсда ўз олдида турган муаммоларни еча олмайди.

Иқтисодий хавфсизлик тизимли хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги ташкил этувчиларни ўз ичига олади: технологик,

[81] Алан П. Ларсон. Экономические приоритеты Стратегии национальной безопасности США. 2001.
[82] China's National Defense in 2000. Beijing: Information Office of the PRC State Council, October 2000.
[83] Сообщения Пресс-службы Совета безопасности РФ. 11 июня 2003 г.

озиқ-овқат, молия-кредит, саноат, ташқи иқтисодий, инвестициявий, энергетика, транспорт-коммуникация, ижтимоий-иқтисодий.

Иқтисодий хавфсизлик моҳияти индикатор-кўрсаткичлар тизимида акс этади. Иқтисодий хавфсизлик индикатор-кўрсаткичлари йиғиндиси – бу иқтисодий хавфсизлик моҳиятини акс эттирувчи муҳим жараёнлар нуқтаи назаридан иқтисодиёт ҳолатига берилувчи баҳодир.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари ташқи ва ички таҳдидларни баҳолашда асос бўлиб ҳисобланади. Кўрсаткичлар деганда иқтисодий хавфсизлик даражасини ўлчовчи миқдорий ва сифат миқдорлар тушунилади.

Кўрсаткичларнинг мониторинги эса иқтисодий хавфсизлик тизимини таъминлашда муҳим механизми ҳисобланиб, у миллий иқтисодиёт ривожланиш тенденцияларини ҳамда иқтисодиётда рўй бераётган вазиятларни олдиндан кўра олишни амалга оширади.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини (индикаторларини) бир нечта гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий индикаторлар, бу миллий иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциясини ҳамда иқтисодий ўсишни, ЯИМнинг таркибини, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ривожланишини, инвестицияларни жалб қилинишини белгилаб беради.

Иккинчидан, ижтимоий индикаторлар, булар ўзида жамиятнинг ижтимоий даражасини акс эттиради.

Учинчидан, молиявий индикаторлар, булар эса пул-кредит ва солиқ-бюджет соҳасидаги ҳолатни ва уларнинг иқтисодий хавфсизлик талабларига мувофиқликлигини белгилаб беради.

Иқтисодий хавфсизлик тахдидларини аниқлаш учун индикаторларнинг ўзларигина муҳим бўлибгина қолмай, балким, уларнинг минимал ёки максимал даражасига (қийматига) ҳам этибор бериш лозим.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари (индикаторлари) нафақат иқтисодий фаоллик даражасини, ишлаб чиқариш ҳажмини, инвестициялаш ва молиялаштириш, мамлакатнинг мустақил равишда замонавий техникалар билан ривожланиши,

илмий-техникавий салохият шаклланишини, халқнинг яшаш даражаси сифатини, балки иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш имкониятини ҳам яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси глобаллашув шароитида иқтисодий фаолиятини либераллаштириш ва иқтисодиётни очиқлик даражасини кўтариш, иқтисодий хавфсизлик омиллари аҳамиятини кучайтириб юборади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий мезонлари бўлиб;

биринчидан, жаҳон хўжалигидаги иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши учун манфаатли шароитларнинг максимал даражада яратилиши;

иккинчидан, глобаллашув ва бошқа жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган жараёнларнинг иқтисодиётнинг ривожланиши учун таҳдид, хавф ва манфаатсиз бўлган ҳолатларнинг камайтирилиши назарда тутилади.

Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий таҳдид ва хавфлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мамлакатнинг ташқи бозорга чиқишига интилиши ва унинг халқаро савдо иқтисодий механизми бошқарувида иштирок этишга тўсқинлик қилиш;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ва минтақавий иқтисодий интеграция тизимига тўлақонли ва тенгҳуқуқли асосда киришга қарши ҳаракат қилиш;
- ташқи транспорт ва ахборот коммуникацияси тизимининг ривожланмаганлиги ва унинг ташқи оламдан узилганлиги;
- республиканинг муҳим стратегик экспорт товарларига нисбатан нархларнинг тушиб кетиши ва импорт қилинаётган товарларга нисбатан нархларнинг кўтарилиб кетиши;
- маълум кўринишдаги зарурий товарларнинг бошқа бир давлатдан ёки бир гуруҳ давлатлардан импорт қилинишига қаттиқ боғланиб колиш ва бошқалар.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий хавфсизлик даражасининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидагилардир: савдо шароитининг индекси, ички бозордаги хорижий рақобатбардошлик миқёси, ташқи савдо айланмасининг

илмий-техникавий сиғими, импортнинг истеъмолдаги салмоги,хажми, Ўзбекистон хизматлар ва маҳсулотларнинг ташқи бозордаги импорт ва экспортни диверсификациялаш даражаси, мамлакатнинг ташқи қарзлари коэффицентлари ва бошқалар.

12.3. Глобал ва миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асослари

Глобаллашувнинг салбий томонларини йўқотиш ёки юмшатиш турли хил таклифлар билан боғлиқ бўлиб келяпти.

Глобал иктисодий хавфсизликнинг таъминлашда хавф-хатарларни олдини олиш борасидаги жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

ривожланган мамлакатларда ахборот-технология инқилобига асосланган "янги иқтисодиёт" моделини вужудга келиши;

1999 йил Флоренциядаги конференцияда Америка ва Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари ва вакиллари томонидан таклиф этилган "учинчи йўл" концепцияси ва "инсон капиталига инвестициялар" асосида жамият, давлат ва бозорлар ўртасидаги самарали балансини кўриб чиқилиши;

"тўғри бошқариш" ("good governance"), "қонун устиворлиги" ("rule of law"), иқтисодий ислоҳотлар, транспарентлик, демократик сайловлар, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, экологик стандартларни назорат қилиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширишни ривожланаётган мамлакатлардан талаб қилиш ҳисобига"катта саккизлик", ХВФ, Жаҳон банки уларга молиявий ва бошқа турдаги ёрдамларни бериш таклифи, яъни "ривожланиш" муаммоси; глобаллашувнинг салбий тарафларини ва унинг инсонларга таъсирини камайтириш.

Глобаллашувнинг бу муаммоларини миллий ва халқаро институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш, икки томонлама, минтақавий ва халқаро даражада ечиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Бу муаммоларни барча мамлакатлар ва уларнинг гуруҳлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, турли хил жамиятлар, сиёсий кучлар ва ҳаракатлар иштироки орқали таҳлил қилиш ва ҳал долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий хавфсизлик дунёнинг ҳар қандай мамлакатининг жаҳон хўжалик алоқаларида фаол иштирок этишининг, мустақил ва эркин иқтисодий сиёсат юритишнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизлик моҳият-эътибори билан макроиқтисодий тушунча бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини тавсифлайди, у миллий иқтисодиёт учун ички ва ташқи, яъни жаҳон хўжалигида қатнашиш жараёнида хатарлар борлигини англатади.

Бошқача қилиб айтганда, жаҳон хўжалигининг бошқа иштирокчилари фаолияти миллий иқтисодиётнинг мустақил, ички манфаатларга мос равишда ривожланишига тўсқинлик қилиши, улар бартараф этилмаса, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши хавф остида қолиши мумкинлиги, ташқи хўжалик субъектларининг миллий бозорларни эгаллаб олиши натижасида миллий иқтисодий ва сиёсий мустақиллик жиддий талафот кўриш эҳтимоллиги ушбу тушунча орқали ифодаланади.

Миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмининг муҳим элементлари қуйидагилардир:

- иқтисодий хавфсизликка хавф соладиган олдиндан кутилган омиллар ва ҳолатларни ҳисобга олган холда давлатниг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини олдиндан аниқлаш;
- иқтисодий хавфсизликни ички ва ташқи таҳдидларини аниқловчи омилларнинг ва холатларнинг мониторинги ва таҳлили;
- ижро этувчи органлар томонидан иқтисодий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялашни таъминловчи иқтисодий ва молиявий масалалар буйича қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертиза қилиш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат.

Биринчи босқичда, ташқи муҳит ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожланиши ва ҳолатини тасвирлаб берадиган моделни шакллантириш.

Иккинчи босқичда, иқтимоий-иқтисодий ҳолатни олдиндан баҳолаб бера олиши учун база сифатида иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари (индикаторлари) ва уларнинг чегаравий миқдорлари аниқланиши керак.

Учинчи босқичда, иқтисодий хавфсизликни кўрсаткичларининг (индикаторлари) мониторингини амалга ошириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўплами ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви натижасида иқтисодий хавфсизликнинг асосий муммоларидан бири бўлиб мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кўтариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини самарадорлигини ошириш ва иқтисодий хавфсизлгини мустаҳкамлаш ва кўтаришнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини шакллантиришда унинг бир қанча жиҳатларини ҳисобга олиш зарур.

Биринчидан, миллий иқтисодиётнинг эркинлашуви ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида иқтисодий ўсишнинг мустаҳкамланиши ва унинг жаҳон хужалиги алоқаларига муваффақиятли интеграциялашуви долзарб масалага айланяпти.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда, кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатяптики, миллий иқтисодий сиёсатда рақобатбардошлик омили кучайиб бормоқда.

Учинчидан, миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлашда унинг микро- мезо- ва макро даражада рақобатбардошлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва ошириш усуллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш катта аҳамиятга эга бўлаяпти.

Тўртинчидан, тегишли мамлакатларнинг рақобатбардошлик бўйича олиб борган тажрибалари шуни кўратмоқдаки,

мамлакат иқтисодий рақобатбардошлиги кўп ҳолларда миллий ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатни асосан катта-катта ишлаб чикариш салоҳиятига эга бўлган корпорациялар, концернлар, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиб келаётган ишлаб чиқарувчилар тажрибасида кўриш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Миллий иқтисодий хавфсизлик асосида қайси назария ётади?
2. Миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини белгилаб беринг?
3. Миллий иқтисодий хавфсизлик таҳдидлари нимадан иборат?
4. Хозирги кунда ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий таҳдид ва зиддиятлари?
5. Иқтисодий хавфсизлик тушунчасини ёритиб беринг?

13-боб. ГЛОБАЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Режа:

13.1. Глобаллашув шароитида озиқ-овқат муаммоси тушунчаси ва моҳияти.

13.2. Жаҳонда озиқ-овқат муаммосининг сабаблари, ҳозирги ҳолати ва оқибатлари.

13.3. Глобал ва миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими.

Таянч сўзлар: *очлик, озиқ-овқат етишмаслиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, зарурий стратегик озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат нархлари.*

13.1. Глобаллашув шароитида озиқ-овқат муаммоси тушунчаси ва моҳияти

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнида глобал муаммоларнинг хусусиятлари ҳам ўзгариш хусусиятига эга. Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан XX аср 60-йилларнинг оҳири, 70-йилларнинг бошида кўтарилган муаммолар янада ўткирлашди. Глобал муаммоларнинг турли-туманлигига қарамай, улар жаҳон иқтисодиётининг бошқа муаммолари орасида умумий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Мана шу жиҳатларига кўра ҳозирги пайтда жаҳон хўжалигининг глобал муаммолари қаторига камбағаллик ва қолоқлик, экологик ва демографик муаммолар қаторига озиқ-овқат муаммоси ҳам киради.

Глобал муаммолардан бири бўлган озиқ-овқат муаммоси жуда чуқур тарихий илдизга эга. Озиқ-овқат етишмаслиги муаммоси инсониятни доимо таъқиб қилиб келган.

Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва истеъмол бозорини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўзда тутадиган ҳар томонлама пухта озиқ-овқат стратегияларини қабул қилиш нақадар муҳим эканини кўрсатадиган кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бундай чора-тадбирлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларидан биринчиси бўлиб, очликка қарши курашиш, хусусан, тўйиб овқатланиш даражасини кўпайтиришга қаратилган мақсадга эришган кўплаб мамлакатлар саъй-ҳаракатларининг асосини ташкил этади.

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси Ер мулкини масъулият билан бошқариш бўйича ихтиёрий тавсияларни тасдиқлади ва ҳозирги пайтда Қишлоқ хўжалигидаги масъулиятли инвестициялар тамойилларини муҳокама қилмоқда.

Ушбу икки ҳужжат қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ тараққиётига инвестициялар киритиш ва бу борада янада кенг кўламли саъй-ҳаракатларни таъминлаш бўйича фойдали тавсиялардан иборат бўлиб, пировардида озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашга хизмат қилади[84].

Озиқ-овқат муамосининг глобал хусусиятга эга эканлиги собиқ мустамлака ва қолоқ мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш билан бевосита боғлиқ эканлиги билан белгиланади.

Шу билан бирга глобал муаммонинг бошқа жиҳати мавжуд, яъни баъзи мамлакатлар аҳолиси очликдан талафот кўрса, баъзи мамлакатлар озиқ-овқат ортиқчалиги, ёки уни ортиқча истеъмол қилиш билан курашиши керак.

Озиқ-овқат муаммосини шуниндек, бошқа глобал муаммолардан ажратиб кўриш ҳам тўғри бўлмайди, чунки у уруш ва тинчлик, демографик, экологик ва энергетика муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир.

Демак, ҳозирги пайтда озиқ-овқат муаммоси долзарб, кўп қиррали муаммо бўлиб, уни ҳал этиш қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал этиш доирасидан чиқиши керак. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ушбу маслалаларга катта эътибор қаратди.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига

[84] http://xs.uz/index.php/siyosat/item/1342-

кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

2008 йилда бошланган инқироз билан боғлиқ воқеалар барчамизнинг эсимизда, ўшанда жаҳон миқёсида нарх-наво кўтарилиб, озиқ-овқат таъминотида узилишлар юзага келгани Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида норозилик ва оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган, бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби бўлиб келмоқда.

Бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳақида бормоқда.

Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам қўшилмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда.

Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини "даладан дастурхонга" схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда улкан йўқотишларга йўл қўйилмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна миқдоридаги салкам 1 триллион долларилик озиқ-овқат маҳсулотлари шу тариқа бой берилади.

Бу муаммо ғоят кескин бўлиб турган минтақа ва ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлиги прогнози ва муаммолари ҳақида сўз борганда, бу ҳақиқатни ҳисобга олиш керак.

Маълумки, очлик қадимги дунё, ўрта асрлар, янги ва энг янги тарихда ҳам муаммо сифатида мавжуд бўлган. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш фақат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан эмас, балки табиий ресурслардан мақбул фойдаланиш стратегиясини ишлаш билан ҳам боғлиқдир.

Умуман, дунёда озиқ-овқат ресурслари етарли, жаҳон хўжалиги ер юзида яшовчи аҳолини тўйдириш учун етарли қишлоқ хўжалиги ресурслари ва технологияларига эга. Лекин озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш унга эҳтиёж катта ҳудудларда таъминланмайди. Ер шарининг 20% аҳолисининг очлиги озиқ-овқат инқирозининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда йирик халқаро ташкилотлар томонидан инсонларнинг овқатланиш меъёрлари ишланган ва очлик ҳамда тўйиб овқатланмаслик тушунчаларига таъриф берилган. Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳосига кўра бир киши кунига ўртача 2400-2500 ккал овқатланиши керак, баъзи тадқиқотчилар эса, инсон нормал ҳаёт кечириши учун кунига 2800-2700 ккал керак бўлади. Албатта,бу кўрсаткич кишининг ёши, жинси, меҳнат тури, табиий муҳит, иқлим ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Агар инсон кунига 1800 ккалдан кам истеъмол қилса, бу тўйиб овқат емаслик, 1000 ккалдан кам овқатланиш эса очликни билдиради. Шу билан бирга овқат

таркибида оқсил, ёғлар, витаминлар, микроэлементларнинг етишмаслиги ҳам муаммо бўлиб, бундай ҳол яширин очлик деб аталади.

XX аср давомида овқатланиш кўрсаткичлари салмоқли яхшиланди. Агар 30-йилларда бир киши 2100 ккал истеъмол қилган бўлса, 60-йилларга келиб 2300, 70-йилларда 2450, 90-йилларда 2700 ккал истеъмол қила бошлади. Албатта, бундай ўсиш кутилмаган ҳол эмас эди.

Бунинг асосида жаҳонда дон ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ривожланаётган мамлакатларда "яшил инқилоб" ва ривожланган мамлакатлардаги биотехнологик тараққиёт, суғориладиган майдонларнинг кенгайиши, агротехника ва селекциянинг яхшиланиши ва ҳ.к.лар ётади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, 50-80-йилларда дунёда дон етиштириш суръатлари демографик портлашнинг энг юқори нуқтасига етиб келинганлигига қарамай, аҳоли ўсиш суръатларидан юқори эди. Озиқ-овқат таъминотининг бошқа соҳаси – гўшт ва денгиз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам катта ўзгаришлар юз берди.

Лекин бу глобал озиқ-овқат муаммоси ҳал этилди, дейишга асос бўла олмайди. Биринчидан, ҳатто энг муваффақиятли даврларда ҳам озиқ-овқат инқирозлари рўй берди, бунда кўпчилик мамлакатларнинг озиқ-овқат хафвсизлиги таҳдид остида қолиб, озиқ-овқат заҳираси жуда хавфли чегарагача қисқарган вақтлари бўлди. Иккинчидан, 90-йилларда жаҳонда дон етиштириш суръатлари пасайиб кетиб, аҳолининг ўсиш суръатлари ундан ўзиб кетди. Бунинг сабаблари ҳайдаланадиган ерларнинг қисқариши (кўп ҳолларда чўлланишнинг кенгайиши натижасида), сувнинг танқислиги, кўпчилик мамлакатларда моддий ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, баъзи минтақаларда демографик портлаш жараёнининг давом этиши билан боғлиқдир.

Шу сабабли ҳам очлик ва тўйиб овқатланмасликни акс эттирувчи мутлақ кўрсаткичлар ҳали юқоридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) маълумотларига кўра 80-йилларда оч

аҳолининг сони 550-580 млн., баъзи манбаларнинг маълумотига кўра эса 800 млн. кишини ташкил этган[1].

90-йилларнинг бошларига келиб бу кўрсаткич анча қисқарди ва Ер шари аҳолисининг 25 фоиз га яқини оч деб ҳисобланади.

Кишилар овқатланиш меъёрларини фақат миқдорий жиҳати эмас, балки сифат жиҳати, овқатланиш рационининг таркибига ҳам эътибор бериш керак. Тиббий меъёрларга кўра кунига 100 грамм.дан кам бўлмаган миқдорда оқсил истеъмол қилиниши керак. Тўлиқ овқатланмаслик иш қобилиятини пасайтиради ва кўпчилик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Дунёнинг 40фоиз дан ортиқ аҳолиси тиббий меъёрларга кўра зарур бўлган озуқани истеъмол қилмайди.

Овқатланиш турлари махсус адабиётларда жуда кенг ёритилган. Америкалик географ Г. Кэриел дунё мамлакатларини овқатланиш турига қараб таслифлаган ва турларни ажратган: буғдой, гуруч, маккажўхори, тариқ, оқ жўхори.

Ривожланган мамлакатлар учун очлик ва тўйиб овқатланмаслик муаммоси хос эмас. Бу мамлакатларда дунё аҳолисининг 15 фоиз дан ками яшагани билан, улар дунё озиқ-овқатининг асосий қисмини ишлаб чиқарадилар ва истеъмол қиладилар. Бу мамлакатларнинг кўпчилигида ўртача овқатланиш калорияси бир суткада 3500 ккални ташкил этади. Бу мамлакатлар аҳолиси кунига ўртача 100 грамм. оқсил истеъмол қиладилар, ушбу оқсил эса, асосан ҳайвон оқсилидир.

Шу сабабли ҳам ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда бошқа муаммо – кўп овқатланиш ва унга боғлиқ ҳолда касалликларнинг вужудга келиши ҳолати вужудга келмоқда. Дунёда ортиқча овқат истеъмол қилувчиларнинг сони ўртача 600 млн. кишини ташкил этиб, АҚШда 100 млн. кишини ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда ҳам истеъмол қилинувчи овқат таркиби бир-биридан жиддий фарқ қилади. Г. Кэриелнинг классификациясига кўра бу мамлакатларнинг барчаси (Япониядан ташқари) овқатланишнинг "буғдой" турига кирса-да, уларнинг аҳолиси рационида

[1] Максаковский В.П. Глобальная продовольственная проблема и ее географические аспекты. -М., 2003. С. -123.

калориялар манбаси сифатида буғдой, картошка, қанд, гўшт, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, протеин манбаси сифатида эса – гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва балиқ маҳсулотлари хизмат қилади.

Бу гуруҳга кирувчи мамлакатларнинг овқатланиш рационида маълум фарқ ҳам мавжуд, масалан, овқатланишнинг америка типида буғдой ва картошкани камроқ истеъмол қилиб, кўпроқ гўшт, сут, тухум, қанд ва мева-сабзавотлар билан овқатланадилар. Жанубий Европа мамлакатларига эса кўпроқ мева-сабзавот, ўсимлик ёғлари ва нон маҳсулотларини истеъмол қилиш хос.

Бу маълумотлар шуни акс эттирадики, очлик ва тўйиб овқатланмаслик муаммоси фақат ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларга хос. Ушбу мамлакатларда овқатланиш ҳозирги пайтда 2500 ккал.ни ташкил этиб, бу ўртача жаҳон кўрсаткичидан ва зарур тиббий меъёрлардан 800-900 ккал камдир.

Овқатланиш турларига келсак, ривожланаётган мамлакатлар турли-туман турларга киради, яъни мамлакатлараро хилма-хилликка дуч келамиз.

Шимолий Африка, Ғарбий Осиё ва Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий қисмида буғдойга асосланган овқатланиш тури устун.

Жанубий Амеикада эса буғдой ва маккажўхорига асосланган овқатланиш тури устун бўлиб, бу ерда асосий калориялар донли маҳсулотлар, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари ҳисобига олинади.

Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёда асосий овқат манбаси бу гуручдир. Мексика, Венесуэла ва Шарқий Африкада овқатланишнинг "тариқ-оқ жўхори" тури устун. Ривожланаётган мамлакатларга овқатланишнинг шундай ҳарҳил тулари хос бўлса-да, улар аҳолисининг овқати хилма-хил эмас, битта ёки иккита асосий маҳсулот умумий овқатнинг 90 фоиз ни ташкил этади.

Озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланмаганлик аҳоли ҳаётининг ўртача муддатига салбий таъсир кўрсатади. У шунинг дек,кишиларнинг меҳнат қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, юқори технологик ишлаб чиқариш жараёнига мослашиш имкониятини камайтиради. Оқсил етишмаслиги

билан боғлиқ касалликларга бўқоқ, анемия, кўз касалликларини киритиш мумкин. Тозаланган гуруч истеъмол қилишга мослашган мамлакатларда витамин B_1 етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар вужудга келади, бу касалликнинг оғир шакли бери-бери касали бўлиб, Африканинг қолоқ мамлакатларида кўп учрайди.

Алоҳида мамлакатлар даражасида овқатланиш тўғрисида маълумотларни таҳлил этиш керак. Ер шарида жуда катта тўйиб овқатланмаслик ва очлик минтақаси мавжуд бўлиб, бу минтақа Жанубий Америкада бошланади, Африканинг катта қисмини қамраб олади ва кейинчалик Осиёда давом этади.

Бу минтақанинг маркази анчадан буён Тропик Африкада жойлашган бўлиб, 70-йилларнинг бошларида Африкада оч аҳолининг сони 90 млн. кишини ташкил этган бўлса, 80-йилларнинг бошларида уларнинг сони 110 млн.киши, 90-йилларнинг иккинчи ярмида эса 210 млн. кишига етди. Бу ерда шундай мамлакатлар борки, улар аҳолисининг 40 фоизда (Чад, Сомали, Уганда, Мозамбик) ва 30 фоизга яқини оч (Эфиопия, Мали, Конго Демократик Республикаси, Замбия).

"Яшил революция"нинг ютуқларига қарамай, Жанубий-ғарбий, Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёда ҳам вазият унчалик яхши эмас. Масалан, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда 70-80-йилларда оч аҳолининг сони 280-290 млн. киши атрофида эди. 90-йилларнинг охирида бундай вазият деярли ўзгармади. Баъзи кўрсаткичларга кўра 90-йилларнинг охирида Непалда бутун аҳолининг 70 фоиз ни очлар категориясига киритиш мумкин эди.

Бундай умумий вазиятда Лотин Америкасида озиқ-овқат муаммоси унча ўткир бўлиб кўринмайди. Лекин бу мамлакатларда охирида овқатланишнинг ўртача калорияси 3300 ккал /суткани ташкил этган. 90-йилларга келиб бу кўрсаткич 2300 ккалсуткага қисқарди. Бунинг сабабини кўпчилик мамлакатларда аҳоли даромадларининг пасайиши, деҳқончиликнинг таназзулга учраганлиги билан тушунтириш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатларнинг импорт қилинувчи озиқ-овқат маҳсулотларига боғлиқлиги ортиб борди. Жумладан, умумий рационнинг 50фоиздан кўпини импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этди. Бу эса кўпчилик мамлакатлар,

жумладан, Ўзбекистоннинг олдига ҳам озиқ-овқат муаммосининг муҳим жиҳати – озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини кўндаланг қўйди.

13.2. Жаҳонда озиқ-овқат муаммосининг сабаблари, ҳозирги ҳолати ва оқибатлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) маълумотларига кўра 80-йилларда оч аҳолининг сони 550-580 млн., баъзи манбаларнинг маълумотига кўра эса 800 млн. кишини ташкил этган [85]. Иқтисодиёт глобаллашаётган ҳозирги даврда барча мамлакатларда озиқ-овқат муаммосининг муҳим ташкил этувчиси – озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал этиш масаласи турибди. Озиқ-овқат хавсизлигига бағишланган жаҳон адабиётларида озиқ-овқат хавфсизлиги деганда, иқтисодиётнинг шундай ҳолати тушуниладики, унда "барча аҳолининг исталган вақтда фаол, соғлом ҳаёт кечириш учун зарур миқдорда озиқ-овқатга эга бўлиш имконияти" кафолатланади[86].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва савдоси ошиб бораётганига қарамай, кўпгина мамлакатларда бу борада муайян муаммолар мавжуд. Шундай шароитда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва изчил таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш ва зарурий шарт шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- зарурий стратегик озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби ва миқдорини аниқлаштириш ва шу орқали улардан миллий ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳисобига таъминланадиган қисмининг тури ва салмоғини белгилаш ҳамда заруриятдан импорт қилинадиган қисмининг нисбати ва муддатини белгилаб шу асосда фаолият олиб бориш;
- импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини келгусида мамлакатда ишлаб чиқариш зарурияти ва имкониятла-

[85] Максаковский В.П. Глобальная продовольственная проблема и ее географические аспекты. М., 2003. С.123.

[86] Хромов Ю.С. Проблемы продовольственной безопасности России: внутренние и международные аспекты. // Проблемы глобальной безопасности. М.: 1995. С. 405-434.

рига кўра икки гуруҳга ажратиш, яъни мамлакат аҳолиси учун зарурий ва самарали маҳсулотларни вақтинча импорт қилиш билан бирга уларни мамлакатда ишлаб чиқариш борасида шароит яратиб, кейинчалик импорт қилишни тўхтатиш; кундалик ҳаётда унчалик зарур бўлмаган ва ишлаб чиқариш миллий иқтисодиётга юқори самара бермайдиган маҳсулот турларини эса импорт қилишда давом этиш;

• мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга оид ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш;

• аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга доир ҳуқуқий асосларнинг бажарилишини йўлга қўйиш ва унинг ижросини таъминлашга хизмат қиладиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш, уларга зарурий ваколатларни бериш ва вилоят ва туман даражасидаги бўлимлари иш юритишини таъминлаш ҳамда ўз йўналиши бўйича жараённи мувофиқлаштириш, такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва истиқболли режалар тузиш вазифаларини юклаш;

• шу йўналишдаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар асосида, энг аввало, миллий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини тўйинтириш ва истеъмолчиларни таъминлашга эришиш;

• озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш ва табиий иқлим шароити каби объектив ёки спекулятив характердаги сунъий таъсирлар орқали озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларининг беқарор ҳолатга келишига йўл қўймаслик[87].

Бунга боғлиқ ҳолда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг қуйидаги асосий жиҳатларини белгилаш мумкин:

биринчидан, у ёки бу мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бутун мамлакат талабини тўлиқ қондира олувчи, барқарор ва етарли даражаси кафолатланган бўлиши керак;

[87] Абдуллаев Р.В. ва б. "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари". Тошкент, "Мовароуннаҳр" нашриёти, 2011. 57-58-66.

иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиш учун жисмоний ва иқтисодий шарт-шароит яратилган бўлиши керак;

учинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигига эга бўлиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон бозорига етарли даражада, барқарор етказиб берилиши керак;

тўртинчидан, аҳоли сифатли, соғлиққа зарар келтирмайдиган озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиши керак.

13.3. Глобал ва миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, унда "таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш" белгилаб қўйилган[88].

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида кам таъминланганликни камайтириш, овқатланиш сифати ва маданиятини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириб келди[89].

Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди[90].

Маълумки, озиқ-овқат муаммоси ҳар бир мамлакатда унинг иқтисодий салоҳияти, географик ўрни, табиий ресурслари ва бошқа омилларга кўра турличадир. Республикамизда

[88] "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[89] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.

[90] Президент Ислом Каримовнинг 9 Июнь 2014 йилда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. http://xs.uz/index.php/rasmij/item/1319-

бу масала мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ эътибор марказида бўлиб келган ва бу борада муайян муваффақиятларга эришилган бўлиб, қисқа муддатларда дон мустақиллигига эришилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шу билан биргаликда, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва изчил таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш ва зарурий шарт шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

• зарурий стратегик озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби ва миқдорини аниқлаштириш ва шу орқали улардан миллий ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳисобига таъминланадиган қисмининг тури ва салмоғини белгилаш ҳамда заруриятдан келиб чиқиб импорт қилинадиган қисмининг нисбати ва муддатини белгилаб бориш;

• импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини келгусида мамлакатда ишлаб чиқариш зарурияти ва имкониятларига кўра икки гуруҳга ажратиш, яъни мамлакат аҳолиси учун зарурий маҳсулотларни импорт қилиш билан бирга уларни мамлакатда ишлаб чиқариш борасида шароит яратиб, кейинчалик импорт қилишни камайтириш ёки тўхтатиш; миллий иқтисодиётда юқори самара бермайдиган ёки етиштирилмайдиган маҳсулот турларини эса импорт қилишда давом этиш;

• аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга доир зарурий чора-тадбирларни бажарилишини йўлга қўйиш ва унинг ижросини таъминлашга хизмат қиладиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш, уларга зарурий ваколатларни бериш ва вилоят, туман даражасидаги бўлимлари иш юритишини таъминлаш ҳамда ўз йўналиши бўйича жараённи мувофиқлаштириш, такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва истиқболли режалар тузиш вазифаларини юклаш;

• шу йўналишдаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар асосида, энг аввало, миллий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини тўйинтириш ва истеъмолчиларни таъминлашга эришиш;

• озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш ва табиий иқлим шароити каби объектив ёки спекулятив характердаги сунъий таъсирлар орқали озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларининг беқарор ҳолатга келишига йўл қўймаслик[91].

Бунга боғлиқ ҳолда мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигининг қуйидаги асосий жиҳатларини белгилаш мумкин:

биринчидан, у ёки бу мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бутун мамлакат талабини тўлиқ қондира олувчи, барқарор ва етарли даражаси кафолатланган бўлиши;

иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиш учун жисмоний ва иқтисодий шарт-шароит яратилган бўлиши;

учинчидан, озиқ-овқат ҳавфсизлигига эга бўлиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон, минтақавий ва миллий бозорларига етарли даражада, барқарор етказиб берилиши;

тўртинчидан, аҳоли сифатли, соғлиққа зарар келтирмайдиган озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиши керак.

Маълумки, Халқаро озиқ-овқат ҳавфсизлиги концепцияси биринчи марта FAO томонидан 1973 йилда илгари сурилган. Унда жаҳон озиқ овқат-овқат ҳавфсизлиги озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида барқарорликни сақлаш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг барча мамлакатлари учун етарли бўлишини кўзда тутади. ғалла етиштиришда мавсумий тебранишларга боғлиқ бўлган жаҳон озиқ-овқат бозоридаги беқарорлик, баъзи мамлакатлар аграр сиёсатининг барқарор эмаслиги жаҳонда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг умумий стратегиясини ишлашни талаб этади.

FAO меъёрларига кўра озиқ-овқат ҳавфсизлиги ҳолати иккита кўрсаткич билан белгиланади: кейинги йил ҳосилигача қолган ғалла заҳираси ва уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи миқдори. Заҳиранинг динамикаси ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги нисбатни билдиради. Заҳиранинг чегаравий миқдоргача камайиши эса озиқ-овқат ҳавфсизлигининг барқарор эмаслигидан далолат беради.

---

[91]Абдуллаев Р.В. ва б. "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари". Тошкент, "Мовароуннаҳр" нашриёти, 2011. 57-58-бб.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳавфсизлигининг муҳим сегменти бўлган озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларини комплекс таҳлил қилиш ва унинг механизмини такомиллаштириш юзасидан аниқ назарий, услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон қисқа вақт мобайнида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда ўз агросаноат мажмуасини қайта йўналтириш ва бу борада туб ислоҳотлар олиб боришга эришди.

Шу билан бирга озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини ҳал қилиш бўйича устувор йўналишлар қуйидагилардир:

- инсон ривожланиши учун зарур бўлган оптимал озиқ-овқат савати таркибини шакллантириш;
- замонавий агротехнологияларни жалб қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида инвесторлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича инфратузилма ва логистика тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Натижада, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини шакллантириш, замонавий фан-техника ва технологиялар ютуқларини жорий этиш эвазига барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаб бериш имконияти яратилади.

Иқтисодиёт глобаллашаётган ҳозирги даврда барча мамлакатларда озиқ-овқат муаммосининг муҳим ташкил этувчиси – озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал этиш масаласи турибди.

Мамлакатлар ичида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати ва чегараларини аниқлашда миллий озиқ-овқат хавфсизлиги моделини ташкил этувчи, турли хусусият ва мезонларни қамраб олувчи етарли ва мақбул овқатланишнинг физиологик меъёр ва кўрсаткичлари асос бўлувчи услубий ёндашувлардан фойдаланиш мақбулроқдир.

2007 йилда жаҳонда озиқ-овқат нархлари айрим минтақалара бўйича 10 дан 100 фоизгача ошиб кетган эди[92]. Goldman Sacҳнинг маълумотларига биноан 2007 йилда озиқ-овқат махсулотларининг нархларининг индекси 41 фоизга кўтарилган. Кўп йиллардан бери рўй бермаган озиқ-овқат инқирозига эндиликда барча давлатлар аҳолиси юз тутди. Озиқ-овқат маҳсулотларнинг нархлари ўта даражада ошишини англатувчи янги термин – агфляция (аграр инфляция) – бутун дунё бўйлаб бирданига ўта муҳим бўлиб қолди.

Бир қанча вақт аввал озиқ-овқат етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар кўпгина давлатларда бутунлай ҳал қилингандек кўринарди.

50-70-йилларда "учинчи дунё" мамлакатларида содир бўлган "яшил инқилоб" дон экинлари маҳсулдорлигини кескин кўтарилишига имкон берди.

Ҳозирда рўй бераётган озиқ-овқат инқирози сабабчиси бўлиб учта кучли глобал трендлар ҳисобланади[93].

Биринчидан, охирги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари ошди. Охирги уч йилда нефтни нархи билан бензин ва дизел ёқилғиси нархлари ўсди, транспорт тарифлари ошди, асосий минерал ўғитларни нархлари қимматлашди.

Иккинчидан, озиқ-овқатга бўлган талаб хажмида ва таркибида глобал силжишлар рўй берди. 1960 йилдан Хиндистон, Миср, Нигерия, Бангладешда ахоли сони таҳминан уч баробар ошган бўлса, экин майдонлари эса ўзгармай қолди. Ушбу вазият деярли бутун дунёда содир бўлмоқда.

Шунингдек, охирги йилларда озиқ-овқат истеъмол қилиш рационида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Айрим ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида аҳоли гўштни кўпроқ истеъмол қила бошлади, бу эса кўпроқ қишлоқ хўжалик экинларини етиштириб чиқаришни талаб қилади (қора молнинг 1 килограммга вазнини ошириш учун 3 дан 15 килограммгача ем сарфланади).

[92] http://www.lenta.ru/articles/2008/04/09/agflation/
[93] www.expert.ru/printissues/expert/2008/16/kto_nakormit_planetu/

Учинчидан, биоёқилғи бозорини тез суръатлар билан ривожланиши доннинг нархини ошишига қўшимча сабабчи бўлди. Ривожланган давлатларнинг ўсимлик манбаларига асосланган "экологик тоза" ёқилғини ишлаб чиқариш дастури доирасида биоёқилғи (этанол) учун керак бўлган қишлоқ хўжалиги экинларига (маккажўхори ва бошқалар) талабни ошириб юборди[94].

Иқтисодиёт глобаллашаётган ҳозирги даврда барча мамлакатларда иқтисодий хавфсизликнинг муҳим ташкил этувчиси – озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал этиш масаласи турибди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда, иқтисодиётнинг шундай ҳолати тушуниладики, унда "барча аҳолининг исталган вақтда фаол, соғлом ҳаёт кечириш учун зарур миқдорда озиқ-овқатга эга бўлиш имконияти кафолатланади" дейилган[95].

Бошқа фикрга кўра, "озиқ-овқат хавфсизлиги – фуқароларни илмий асосланган минимал овқатланиш нормаларини давлат томонидан таъминлаб бериш маъсулияти" тушунилади[96].

Бунга боғлиқ ҳолда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг қуйидаги асосий жиҳатларини белгилаш мумкин:

биринчидан, у ёки бу мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бутун мамлакат талабини тўлиқ қондира олувчи, барқарор ва етарли даражаси кафолатланган бўлиши керак;

иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиш учун жисмоний ва иқтисодий шарт-шароит яратилган бўлиши керак;

учинчидан, миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув шароитида озиқ-овқат хавфсизлигига эга бўлиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон, минтақавий ва миллий бозорларига етарли даражада ва барқарор етказиб берилиши керак;

---

[94] Хромов Ю.С. Проблемы продовольственной безопасности России: внутренние и международные аспекты. // Проблемы глобальной безопасности. М.: 1995. с. 405-434.

[95] Хромов Ю.С. Проблемы продовольственной безопасности России: внутренние и международные аспекты. // Проблемы глобальной безопасности. М.: 1995. с. 405-434.

[96] Королёв И.С., Жуковская В.М., Чертко Н.Т. Импорт и продовольственная безопасность России. //Мировая экономика и международные отношения. 2007, № 11, С. 13-20.

тўртинчидан, аҳоли сифатли, соғлиққа зарар келтирмайдиган озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиши керак.

Шу билан бирга, озиқ-овқат хавсизлигига етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни кафолатловчи тизимларни шакллантириш, бу тизимларнинг ушбу соҳада юзага келувчи ташқи ва ички таҳдидларга мос жавоб бера олишини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси биринчи марта FAO томонидан 1973 йилда илгари сурилган. Бу ерда жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида барқарорликни сақлаш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг барча мамлакатлари учун етарли бўлишини кўзда тутади.

1974 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси "Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш быйича халқаро мажбурият" деб номланган ҳужжатни имзолади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш тизимида биринчи навбатда уни белгиловчи кўрсаткичларни аниқлаш катта аҳамият касб этади, улар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- овқатланиш рационининг таркиби ва энергетик миқдори бўйича физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида мавжуд бўлиши мумкин бўлган зарарли моддаларни чеклаш меъёрларига мувофиқлиги;
- озиқ-овқатга жисмонан ва иқтисодий жиҳатдан тўйиниш мумкин бўлиш даражаси;
- мамлакат озиқ-овқат таъминоти ва агросаноат мажмуаси ресурслар билан таъминланишининг импортга боғлиқлиги;
- агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий базасининг ҳолати;
- стратегик ва оператив озиқ-овқат заҳираларининг белгиланган меъёрида сақланиб туриши.

Глобаллашув озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгартиради. У анъанавий бўлмаган маҳсулотларга талабни оширади, натижада юзага келган ҳаёт стандартлари талабини фақат ички ресурслар ҳисобидан тўлдириш мумкин бўлмай

қолади ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тобора жаҳон бозорига боғлиқ бўлиб боришига олиб келиши мумкин. Шу сабабли озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ўз навбатида ташқи иқтисодий алоқар тизимини такомиллаштириш масаласини ҳам қўяди.

2000-2050 йилларда ўсимлик маҳсулотлари энергетик қуввати умуман 125 фоизга ошиши керак. Экспертларнинг фикрига кўра, белгиланган ўсиш суръатларини таъминлаш учун ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, юқори ҳосилдор ўсимликларни етиштиришга эришиш мумкин.

Маълумки, ҳеч қайси бир давлат ўзининг барқарор тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ўсишига ўз миллий хавфсизлигини таъминламасдан эриша олмайди. Кенг маънодаги хавфсизлик тушунчаси сирасидаги иқтисодий хафвсизлик, айниқса, унинг муҳим сегменти ҳисобланган озиқ-овқат хавфсизлиги хўжалик муносабатларининг ривожланиши истиқболига бевосита таъсирини ўтказади.

Бугунга келиб дунё аҳолисининг 1 млрд.га яқини тўйиб овқатланмайди. Ривожланаётган мамлакаталрдаги беш ёшгача бўлган ҳар уч боладан бири етарли жисмоний ривожланмаган ва 148 млн. бола етарли вазнга эга эмас. Шунингдек, дунё аҳолисининг икки 2 млрд.нинг, яъни 30 фоизининг озиқ-овқати тарикбида микроэлементлар етарли эмас. Қишлоқ хўжалигининг ривожи озиқ-овқат хавфсизлигининг ечимларидан бири ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликда бу соҳага инвестиция киритиш секинлашган. Бугуннинг муҳим аҳамиятга эга вазифаларидан бири халқаро ва давлатлар миқёсида қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги районларини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда *Жаҳон озиқ-овқат саммитида* таклиф қилинган бўлиб, "озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари ҳар доим мавжудлигини" англатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти" (FAO) томонидан қабул қилинган тушунча қуйидагича: "барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий хоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли меъёрдахавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга эгалиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди демакдир".

ФАО мутахассислари фикрига кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари қуйидагилардир:

- Барқарорлик: озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида шахс ҳар доим озиқ-овқатга эга бўла олиши лозим. Улар қутилмаган ҳодисалар (масалан, иқтисодий ёки иқлимий бўҳрон) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлимий озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим.
- Озиқ-овқат мавжудлиги: зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали (шу қатори озуқавий кўмак) таъминоти. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп қўлланилувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). ФАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озуқа истеъмоли турига биноан ҳисобланади. ФАО муайян товарларни озиқ-овқат таъминотининг турли манбалари (ишлаб чиқариш, жамғармалар, савдо) ва маҳсулотлардан турли мақсадларда фойдаланишга (ёки истеъмол) (ем, уруғлик, саноатда фойдаланиш, чиқитлар) оид маълумотлардан фойдаланиб, озиқ-овқат балансларини ҳисоблайди.
- Озиқ-овқатга эга бўла олиш: тўйимли озиқланиш учун зарур озуқаларга эга бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун *жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар*. Озиқ-овқатнинг *жисмоний таъминоти* озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлишини назарда тутади. *Иқтисодий имконият* аҳолининг барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотла-

рини харид қилишга қурби етишини билдиради. Бошқача айтганда, иқтисодий имконият уй хўжаликлар озиқ-овқат хариди учун етарли даромадга эгалиги ва мамлакат озиқ-овқат импорти учун етарли хорижий валютага эгалигини билдиради. *Ижтимоий имконият* маданият ёки диндан қатъи назар, бутун аҳоли одилона тарзда озиқ-овқат таъминланишини англатади.

• Фойдаланиш: мувофиқ озиқланиш, тоза сув, санитария ва соғлиқни сақлаш орқали озиқ-овқат истеъмол қилиш билан барча физиологик эҳтиёжлар қондирилувчи ҳолатга етиш.

Бирор кўрсаткичга етишмаслик озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ёки озиқ-овқат етишмаслигига олиб келади. Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, аҳоли меъёрда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмайди. Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оилалар ва бутун халқ учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Савдо, экспорт ва импорт ҳар бир иқтисодий тараққиётнинг бир қисмидир. Аммо улар савдо баланси дефицити, тўлов баланси дефицити каби қарамлик ҳолатига келиб қолса, муаммоли тус олади. Озиқ-овқат импорти ҳам аслида ҳеч қандай салбий хусусиятга эга эмас. Аммо тажрибалар шуни кўрсатадики, аҳолининг кўпчилик қисми, айниқса, камбағал қисми истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат турларини импорт қилиш озиқ-овқат хавфсизлиги учун таҳликали ҳолатдир.

Бир вақтнинг ўзида ҳам нетто қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортчилари, ҳам нетто озиқ-овқат импортерлари бўлган ривожланаётган мамлакатлар сони 90 - йилларда 74 тадан 89 тага етди[97]. Аммо бу ҳолат ривожланаётган мамлакатларнинг алоҳида гуруҳлари ўртасида тубдан фарқ қилади. Бу кўрсаткич Африкада 70 фоиз атрофида бўлиб, Жанубий Осиёда 37 фоизни, Лотин Америкасида 26,7 фоизни кўрсатади. Қолаверса, Африканинг кўпгина мамлакатлари Шарқий

[97] Alberto Valdus; William Foster, Net-Food-Importing Developing Countries. Who They Are, and Policy Options for Global Price Volatility. August 2012 (Issue Paper No. 43, ICTSD Programme on Agricultural Trade and Sustainable Development)

Осиёнинг кўплаб мамлакатларига қараганда камбағалроқ, шу билан бирга уларда озиқ-овқатнинг ярмидан кўпи импорт қилинади.

2012 йилда асосий озиқ-овқат импортчилари Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Япония, Германия, Буюк Британия ва Миср бўлган.

Миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва камбағал аҳоли қатламининг озиқ-овқат хавфсизлиги фарқланади. Бирор мамлакатда етарли озиқ-овқат бўлиши ундаги даромад даражаси ва инфратузилма каби омиллар билан боғлиқдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари борасида импортга қарамлик муаммосини ҳал этиш учун сўнгги йилларда бу қарамлик қандай ривожланганини таҳлил қилиш керак бўлади. Киши бошига тўғри келадиган озиқ-овқат миқдори Ҳиндистон, Таиланд, Вьетнам каби Осиё мамлакатларида ўсган ва Африка мамлакатларида эса тушган. Бунга асосий сабаблардан бири "Яшил инқилоб" бўлиб, у асосан Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатларида янги технологиялар қўлланиши ва гуруч, дон каби экинлар ҳосилини оз вақт ичида катта миқдорда йиғиб олиш, ирригация тизимининг такомиллашиши каби жараёнларни ўз ичига олади. Ҳиндистонда бу жараён фермерлар учун ҳар хил хизмат турларини кенгайтириш, субсидиялар, кафолатланган нархлар ҳамда озиқ-овқат импортини чеклаш каби йўллар билан қўллаб-қувватланган. Шу билан бирга Европа ва АҚШ фермерлари ҳам субсидиялар, кафолатланган нархлар каби омиллар билан қўллаб-қувватланган.

Озиқ-овқат етиштиришдаги бундай яхшиланишлар Уругвай раундида бўлиб ўтган кўп томонлама музокаралар натижасида Жаҳон савдо ташкилоти (WTO) назорати остида қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги келишуви (Agreement on Agriculture)" доирасида савдони эркинлаштириш жараёнларининг чуқурлашиши билан янада кучайиб борди. Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларининг "Умумий қишлоқ хўжалиги сиёсати (CAP)" ва Европа озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон бозорларига кириб бориши ҳам бу ривожланиш жараёнларини тезлаштирди ва бошқа мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигининг салбий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

Кейинги йилларда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим давлатлар ва компаниялар қўлида тўпланганини кузатишимиз мумкин. Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида етакчилик қилади. Бироқ кейинг йилларда бошқа мамлакатларнинг кучли рақобати остида ўзининг бу позициясини йўқотиб бормоқда. Бунга мисол қилиб Бразилиянинг Африкага катта миқдорда жўжа экспорт қилишини келтириш мумкин.

Озиқ-овқат импорти бошқа жиҳатдан кўпгина давлатлар учун ўсиб бораётган шаҳар аҳолисини таъминлашда қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестициялар жалб қилишдан кўра яхшироқ йўл ҳисобланади. Қайта ишлаб экспорт қилиш учун импорт қилиш бундан мустасно. Бу сиёсат Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги ва камбағал фермерларни қўллаб-қувватлашига барҳам беради.

80-йиллардан бошлаб кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчиларидан импортчиларга айланди. Қишлоқ хўжалиги баланси ривожланаётган мамлакатларда бундан 20-30 йил аввал 10 млрд АҚШ доллари атрофида профицит билан якунланиб келган бўлса, 2005 йилда 30 млрд АҚШ доллари миқдорида дефицит билан якунланди[98]. Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларнинг 2/3 қисми савдо дефицити ва ғалла маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ва ўсимлик ёғига бўлган харажатнинг ортиб боришидан азият чекмоқда.

Кофе, какао, чой, банан каби маҳсулотларга талабнинг ўзгармай тургани ва нархларнинг тушиши озиқ-овқат импорти учун қишлоқ хўжалиги хом ашёсини экспорт қилиш ривожланаётган мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлиги учун улкан зиён бўлмоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ривожини қўллаб-қувватламаслик, нарх рақобати, яъни арзон импорт маҳсулотларининг бозорни эгаллаши деҳқонлар фаолиятини чеклаб қўйди ва озиқ-овқат импотерларига айланган миллионлаб оилавий фермерларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таҳликали ҳолатга келтириб қўйди.

[98] FAO, World agriculture towards 2030/2050. Interim report. Rome 2006, P. 32.

Озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлик мамлакатлар учун қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

- озиқ-овқат хавфсизлигини жаҳон бозорлари конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўяди. Улар эса жуда ўзгарувчан, монополлашган, спекуляция, об-ҳаво каби тақчиллик ва нархларнинг кескин ўсишига сабаб бўладиган омилларга берилувчандир;
- бундай мамлакатлар нархлар ўсган тақдирда уларни тўлаш имкониятига эга эмас;
- импорт бундай мамлакатларда рақобатлаша олмайдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва фермерларга салбий таъсир қилади;
- асосан қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган озиқ-овқат харидорлари бўлган уй хўжаликлари етарли озиқ-овқат харид қила олмайди ва очлик ва бошпанасизлик даражаси ошади[99].

Жаҳон банки (WB) ва Жаҳон савдо ташкилоти (WTO) каби ташкилотлар савдони эркинлаштириш орқали озиқ-овқат таклифи юқори бўлишини ва натижада озиқ-овқат маҳсулотлари нархи пасайишига эришиш мумкинлигини эътироф этганлар.

Иқтисодиёт глобаллашаётган ҳозирги даврда барча мамлакатларда озиқ-овқат муаммосининг муҳим ташкил этувчиси – озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал этиш масаласи турибди. Озиқ-овқат хавсизлигига бағишланган жаҳон адабиётларида озиқ-овқат хавфсизлиги деганда, иқтисодиётнинг шундай ҳолати тушуниладики, унда "барча аҳолининг исталган вақтда фаол, соғлом ҳаёт кечириш учун зарур миқдорда озиқ-овқатга эга бўлиш имконияти" кафолатланади[100].

Бунга боғлиқ ҳолда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг қуйидаги асосий қоидаларини белгилаш мумкин:

➢ биринчидан, у ёки бу мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бутун мамлакат талабини тўлиқ қондира олувчи, барқарор ва етарли даражаси кафолатланган бўлиши керак;

[99] Uwe Hoering. Alternatives to Food Import Dependency. FDCL-Verlag, Berlin. 2013.

[100] Хромов Ю.С. Проблемы продовольственной безопасности России: внутренние и международные аспекты. //Проблемы глобальной безопасности. - М.: 1995; - С. 405-434.

➢ иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиш учун жисмоний ва иқтисодий шарт-шароит яратилган бўлиши керак;

➢ учинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигига эга бўлиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон бозорига етарли даражада, барқарор етказиб берилиши керак;

➢ тўртинчидан, аҳоли сифатли, соғлиққа зарар келтирмайдиган озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланиши керак.

Кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлигининг бундай таърифи фақатгина етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўзда тутмай, жаҳон бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз равишда олиб чиқишни ҳам кўзда тутади.

Бошқача қилиб айтсак, озиқ-овқат хавсизлигига етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни кафолатловчи тизимларни шакллантириш, бу тизимларнинг ушбу соҳада юзага келувчи таҳдидларга мос жавоб бера олишини таъминлаш билан эришилади.

Яна шу муҳимки, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи барча мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигида ҳал этилиши керак. Молиявий имкониятлар ва жисмонан эга бўла олиш аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг ҳал этувчи мезонидир. Бунга боғлиқ ҳолда турли даромадга ва ресурс базаси салоҳиятига эга мамлакатлар олдида мураккаблик даражаси жиҳатидан фарқланувчи масалалар турибди.

Агар жисмонан эга бўлишга турли хил фавқулодда вазиятлар (уруш, экспорт эмбарголари ва чеклашлари) билан чекланса, иқтисодий тўсиқлар энг аввало, тўлов қобилиятининг етарли эмаслиги, яъни камбағаллик билан боғлиқдир.

Бу ерда сўз реал ва потенциал озиқ-овқат хавфи тўғрисида бориб, унинг шунингдек, сурункали ва вақтинча шакллари ажратилади.

Биринчи ҳолат ҳар бир ижтимоий бирлик, бу ё мамлакат бўлсин, ёки оила, озиқ-овқат истеъмол қилишда доимо ё тўлов қобилиятига эга бўлмаганлиги сабабли, ёки озиқ-овқат тақчиллиги, ёки бу иккала сабаб мавжуд бўлганлиги туфайли қийинчиликларга учрайди.

Вақтинча озиқ-овқат хавфи асосан маълум вазиятга боғлиқ бўлиб, озиқ-овқатга эга бўлолмасликнинг иқтисодий (нархларнинг ошиши, аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши), сиёсий (жаҳон бозори билан савдо алоқаларига нисбатан иқтисодий эмбарго жорий этилганда) ёки табиий-экологик (қурғоқчилик, сув тошқини, тупроқ эрозияси ёки унинг шўрланиши каби ҳосил бўлмаслигига олиб келувчи сабаблар) каби жиҳатларга эга муаммолари билан боғлиқдир.

Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси биринчи марта FAO томонидан 1973 йилда илгари сурилган. Бу ерда жаҳон озиқ овқат-овқат хавфсизлиги озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида барқарорликни сақлаш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг барча мамлакатлари учун етарли бўлишини кўзда тутади. ғалла етиштиришда мавсумий тебранишларга боҳлиқ бўлган жаҳон озиқ-овқат бозоридаги беқарорлик, баъзи мамлакатлар аграр сиёсатининг барқарор эмаслиги жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий стратегиясини ишлашни талаб этади.

1974 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси "Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро мажбурият" деб номланган хужжатни имзолади. Бундай чорани амалга ошириш учун аввало озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари ва меъёрларини белгилаб олиш керак эди.

FAO меъёрларига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати иккита кўрсаткич билан белгиланади:

➢ кейинги йил ҳосилигача қолган ғалла захираси;

➢ ғаллани аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи миқдори.

Заҳиранинг динамикаси ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги нисбатни билдиради. Заҳиранинг чегаравий миқдоргача камайиши озиқ-овқат хавфсизлигининг барқарор эмаслигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган икки кўрсаткич очлиқ таҳдидига баҳо бериш учун етарли. Амалда у юқори даражада мониторинг ўтказиш, яъни глобал, субрегионал, минтақавий ва миллий даражада очликнинг хавфини аниқлаш имконини беради.

Давлат доирасида ва унинг алоҳида ҳудудларида, алоҳида аҳоли гуруҳлари, оилалар даражасида эса фақат очлик таҳдиди

эмас, балки озиқ-овқат таъминотининг сифат жиҳатлари ҳам эътиборга олиниши керак.

Мамлакатлар ичида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати ва чегараларини аниқлашда миллий озиқ-овқат хавфсизлиги моделини ташкил этувчи, турли хусусият ва мезонларни қамраб олувчи етарли ва мақбул овқатланишнинг физиологик меъёр ва кўрсаткичлари асос бўлувчи услубий ёндашувлардан фойдаланиш мақбулроқдир.

Мамлакатда эришилган озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси қуйидаги кўрсаткичларни қамраб олади:

- овқатланиш рационининг таркиби ва энергетик миқдори бўйича физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида мавжуд бўлиши мумкин бўлган зарарли моддаларни чеклаш меъёрларига мувофиқлиги;
- озиқ-овқатга жисмонан ва иқтисодий жиҳатдан тўйинган мумкин бўлиш даражаси;
- мамлакат озиқ-овқат таъминоти ва агросаноат мажмуаси русурслар билан таъминланишининг импортга боғлиқлиги;
- стратегик ва оператив озиқ-овқат заҳираларининг меъёри сақланиб туриши.

Ушбу меъёрнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик.

Биринчидан, овқатланиш рационининг таркиби ва энергетик миқдори бўйича физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

- овқатланиш рационида энг юқори рейтингга эга ва шунинг учун ўрин босувчи маҳсулотнинг бўлмаслиги, асосий энергетик қувватнинг 80 фоизни таъминловчи маҳсулотларнинг миқдори минимал бўладиган, ҳар бир танланган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмоли бўйича аниқ статистик маълумотларни бўлиши билан белгиланувчи аҳоли овқатланиш таркибини аниқ акс эттирган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини аниқлаш;
- мавжуд шароитда мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлай олиш даражасига баҳо, бу баҳо аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи ва истеъмол қилинувчи маҳсулотлар кўрсаткичи билан аниқланиши керак;

- овқатланиш миқдорига энергетика жиҳатидан ҳамда озуқа моддаларининг маълум миқдори билан таъминланганлигига баҳо бериш.

Кўрсаткичлар иқтисодий хавфсизлик хусусиятига баҳо бера олувчи ва ҳисоблаш осон бўлиши керак.

Иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида мавжуд бўлиши мумкин бўлган зарарли моддаларни чеклаш меъёрларига мувофиқлиги.

Озиқ-овқат маҳсулотлари барча босқичларда заҳарли моддаларни тўпловчи хусусиятига эга. Заҳарли моддалар манбаси бўлиб тупроқ, минерал ва органик ўғитлар, аэрозоллар хизмат қилиши мумкин. Бундай нуқтаи назардан баҳо беришда радионуклидлар билан зарарланган маҳсулотлар, тупроқнинг турли кимёвий моддалар билан зарарланганлик даражаси қўлланилади.

Учинчидан, озиқ-овқатга жисмонан ва иқтисодий жиҳатдан таъминланиш даражаси юқорида таъкидланганидек, озиқ-овқатга жисмонан эга бўлиш деганда унинг савдо шохобчаларида керакли миқдорда ва ассортиментда мавжудлиги тушунилади.

Иқтисодий жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотларини тўлиқ истеъмол қилиш шаклланган нарх даражаси ва аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражаси билан баҳоланади.

Тўртинчидан, мамлакат озиқ-овқат таъминоти ва агросаноат мажмуаси ресурслар билан таъминланишининг импортга боғлиқлиги даражаси.

Бу кўрсаткич истеъмол қилинувчи маҳсулотлар ҳажмида импортнинг ҳиссаси, агросаноат мажмуаси эса қанчалик маҳаллий ёки хорижий ресурслар ҳисобига фаолият кўрсатиши билан баҳоланади.

БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган "Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро мажбурият"ига кўра хавфсизликни таъминловчи энг чегаравий кўрсаткич умумий истеъмолдаги озиқ-овқат маҳсулотларида импортнинг ҳиссаси 16 фоиздан ошмаслиги керак.

Критик даража бу 40-50 фоизни ташкил этади, чунки ушбу импортни чеклаш бирданига ички бозорда нархларнинг кўтарилиб кетишига олиб келади.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ривожланиши хусусиятларини ва баъзи маҳсулот турларини ишлаб чиқариш талабга нисбатан анча катталиги эътиборга олган ҳолда бу меъёрни 25 фоиз чегарасида белгилаш мумкин.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашига эришиш учун маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг хавфсизлигини баҳолаш учун *рақобат коэффициентидан* фойдаланиш керак. Бу кўрсаткич импорт қилинган маҳсулотлар нархининг худди шу маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарганда сарфланувчи харажатларга нисбати билан ўлчанади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигининг чегаравий кўрсаткичи 15-20 фоизни ташкил этиши керак. Яъни импорт қилинувчи маҳсулотларнинг нархи мамлакатда худди шу маҳсулотни ишлаб чиқишга сарфланган харажатлардан 15-20 фоиздан кўп бўлмаслиги керак, бу рақобат кўрсаткичи 0,75 га тенг эканлигини англатади.

Номинал ҳимояланганлик коэффициенти (қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ички бозордаги нархининг жаҳон нархларига нисбати) импорт қилинувчи маҳсулотлар нархини башорат қилиш имконини беради.

Бешинчидан, стратегик ва оператив озиқ-овқат заҳираларининг меъёри сақланиб туриши.

Ҳудудий жиҳатдан стратегик захиралар меъёрини сақлаб туриш деганда аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларнинг маълум экстремал ҳолатларда (ҳосил бўлмаган ёки бошқа ҳолатлар) нархларнинг бирданига кўтарилмаслигига ва зарур маҳсулотлар камчилиги сезилмаслигига эришиш тушунилади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги кафолоти бу аҳолининг турли ёш гуруҳлари учун истеъмол халтасига киритилган маҳсулотларнинг етарли миқдорда, етарли энергетик даражага эга, зарур маҳсулот турларининг етарли бўлишини таъминлаш тушунилади.

Аҳолининг овқатланиши учун зарур маҳсулот қандай турлардан иборат бўлиши ва бир кунда қандай энергетик

қувватга эга бўлиши кераклиги тиббий меъёрларга асосан белгиланиши ва аҳолининг мана шу меъёрларда овқатланишини таъминлашга интилиш зарур.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги даражасига баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланувчи беш баллик тизимни жорий этиш таклиф этилади:

- озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳолати;
- аҳолининг улар билан таъминланиш даражаси;
- аҳолининг барча қатламларининг уларга эга бўлиш имконияти мавжудлиги;
- фавқулодда вазиятда фойдаланилувчи стратегик заҳиранинг
- озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажми ва уни кўпайтириш имконияти;
- озиқ-овқатни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг умумий ва илмий-техникавий базасининг ҳолати;
- атроф-муҳитни сақлаш ва яхшилаш имконияти.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий ўсишнинг камайиши, ижтимоий ва миллатлараро беқарорликнинг кескинлашуви озиқ-овқатнинг етишмаслиги билан бевосита боғлиқдир.

Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси биринчи марта FAO томонидан 1973 йилда илгари сурилган. Бу ерда жаҳон озиқ овқат-овқат хавфсизлиги озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида барқарорликни сақлаш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг барча мамлакатлари учун етарли бўлишини кўзда тутади. Ғалла етиштиришда мавсумий тебранишларга боҳлиқ бўлган жаҳон озиқ-овқат бозоридаги беқарорлик, баъзи мамлакатлар аграр сиёсатининг барқарор эмаслиги жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий стратегиясини ишлашни талаб этади.

FAO меъёрларига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати иккита кўрсаткич билан белгиланади: кейинги йил ҳосилигача қолган ғалла захираси ва уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи миқдори. Захиранинг динамикаси ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги нисбатни билдиради. Захиранинг чегаравий миқдоргача камайиши озиқ-овқат хавфсизлигининг барқарор эмаслигидан далолат беради.

Мамлакатлар ичида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати ва чегараларини аниқлашда миллий озиқ-овқат хавфсизлиги моделини ташкил этувчи, турли хусусият ва мезонларни қамраб олувчи етарли ва мақбул овқатланишнинг физиологик меъёр ва кўрсаткичлари асос бўлувчи услубий ёндашувлардан фойдаланиш мақбулроқдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигининг муҳим сегменти бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини комплекс таҳлил қилиш ва унинг механизмини такомиллаштириш юзасидан аниқ назарий, услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

ФАО томонидан илгари сурилган қуйидаги тўрт компонент озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим элементлари ҳисобланади:

- озиқ-овқатнинг мавжудлиги;
- озиқ-овқатга эга бўлиш имкониятининг мавжудлиги;
- истеъмол;
- озиқ-овқат ишлаб чиқариш тизимининг барқарорлиги.

Буларнинг барчаси иқлим ўзгаришларига боғлиқдир. Ушбу боғлиқликларни бундай изоҳлаш мумкин. Маълумки, озиқ-овқатнинг мавжудлиги ишлаб чиқарилган, захира қилинган, ишлов берилган, тақсимланган ва айирбошланган озиқ-овқатнинг жисмоний миқдори билан белгиланади.

ФАО миллий озиқ-овқат балансини ҳисоблашда мазкур элементларга таянади. Озиқ-овқатнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш, захира ва импорт қўшилишидан ҳосил бўлган соф миқдор бўлиб, бунда экспорт озиқ-овқат балансини ўз ичига олган ҳар бир бирликдан айириб ташланади. Буларнинг барчаси мамлакат озиқ-овқат таклифида глобал савдонинг аҳамиятини очиб беради.

Озиқ-овқатнинг юқори бозор нархлари талабга жавоб бермайдиган мавжудликнинг ҳосиласидир. Юқори нархлар камбағал аҳоли қатлами учун бошқа соғлик ва бошқа ҳар фандай фаолият турларини минималлаштиришни талаб қилади. Сув, ер ва ёнилғи танқислиги иқлим ўзгаришларисиз ҳам озиқ-овқат нархлари ошишига сабаб бўлади. Иқлим ўзгаришлари натижасида мазкур жараёнлар янада тезлашганда эса вазият мураккаблашиб бораверади.

Озиқ-овқатга эга бўлиш имкониятининг мавжудлиги қонуний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар билан боғлиқдир. 70 йиллардан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги асосан маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ва глобал савдо билан боғлиқ бўлиб келган. Бу уй хўжаликлари ва якка шахсларни ўз ичига олган озиқ-овқатга эга бўлиш имконияти тушунчаси киритилгунча амалда бўлган. Талабга жавоб берадиган таклифнинг кичик аҳамияти кишининг озиқ-овқатни қўлга кирита олиши ва истеъмол қила олишини кафолатламайди, унда, авваламбор, озиқ-овқатга эга бўлиш имконияти мавжуд бўлиши керак.

Озиқ-овқат истеъмоли озиқ-овқатнинг ишлатилиши бўлиб, кишининг ўзи истеъмол қилган озиқ-овқатга кўра ўз озиқланиши хавфсилигига қандай эришишини назарда тутади. Бу эса мавжуд методга кўра озуқа калориясини ҳисобга олиш орқали белгиланади. Иқлим шароитлари озиқ-овқат миқдори ва сифатига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Озиқ-овқат тизимининг барқарорлиги озиқ-овқатга эга бўлиш имкониятининг вақтинчалик мавжудлигига кўра белгиланади. У қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Узоқ муддатли ҳолатда озиқ-овқат ишлаб чиқариш, захира, савдо, тақсимот ва айирбошлаш тизими ҳозирги вақтларда беқарорликдан келиб чиққан ҳимоя қилинган глобал озиқ-овқат тзимининг мавжуд механизмларини ўз ичига олади.

Озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ялпи талаб суръатини ушлаб туради, бироқ бунда маҳаллий ҳосилни ўриш андозалари ва деҳқончилик услубларида муайян ўзгаришлар мавжуд. Иқлим ўзгаришларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, етиштирилган ҳосилга таъсирлари борасида жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жами ҳосилнинг 50 фоизи ўрмон ва тоғ экотизимларидан олинади, ҳайдаладиган ерларга эса фақат 13 фоизгина улуш тўғри келади.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида кам таъминланганликни камайтириш, овқатланиш

сифати ва маданиятини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириб келмоқда[101].

Истиқлол даврида мамлакатимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўринни эгаллади. Эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар мустақиллик йилларида салмоқли бўлди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари – тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига қўйилмалар шулар жумласидандир.

[101] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.

Ўзбекистон ўз зиммасига мамлакатимизда кам таъминланган тоифа миқдорини камайтириш ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик тамойилларининг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари борасида маълум бир мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Бу борада 2015 йилгача бўлган даврдаги вазифа кам таъминланган аҳоли ҳиссасини 50 фоизга қисқартиришдан иборат.

Ўзбекистонда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юксак иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда аҳолини самарали муҳофаза қилишга ва турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент. 2014. 45-бет.*

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайиши натижасида ҳозирда жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-

иқтисодий тараққиёти мунтазам ривожланиб бормоқда. Бу жараёнлар билан боғлиқ равишда халқаро майдонда иқтисодий рақобат кескинлашиб мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун кураши ҳам кучайиб бормоқда.

Шундай шароитда ҳар бир мамлакат учун ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Ресурсларнинг дунё мамлакатлари бўйлаб нотекис жойлашганлиги, қолаверса, мамлакатлар иқтисодий тараққиёт даражасининг хилма-хиллиги, аҳолининг таъминот даражаси ҳам шунга боғлиқ равишда бир-биридан кескин фарқ қилиши ва бошқа бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ва савдо жараёнларини бошқариш ва тартибга солишни тақозо этмоқда.

Ҳозирда инсоният учун муҳим стратегик йўналишлардан бири бу барқарор озиқ овқат таъминотидан иборат. Чунки озиқ-овқат инсонларнинг яшаши ва ҳаракатланиши учун мустаҳкам асосдир.

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор таъминоти ва ишлаб чиқаришини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратган ва қисқа муддатларда дон мустақиллигига эришишга муваффақ бўлган. Хусусан, Ўзбекистонда 1990 йилда 1 млн. тоннадан зиёд ғалла ҳосили олинган бўлса, 2012 йилда 7.5 млн. тоннадан ортиқ дон етиштиришга муваффақ бўлди[102].

Маълумотларга кўра Ер куррасининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мустаҳкам таъминлаш имконияти чекланиб бораётганлиги, йилдан йилга экин майдонларининг шўрлашуви ва бир қисм ер майдонларининг ҳар йили инсонлар учун бошпана қуришга ажратилиши бу масаланинг янада мураккаблашувига омил бўлаётганлигини таъкидлаш зарур[103].

Шу билан бирга, озиқ-овқат муаммоси долзарб, кўп қиррали муаммо бўлиб, уни ҳал этиш қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал этиш доирасидан чиқиши керак. Озиқ-овқат

[102] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www. stat.uz

[103] Абдуллаев Р.В., Содиқов З., Абдирашидов А., Арифжонов Г, Ботирова Н. "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари". Тошкент, "Мовароуннаҳр" нашриёти, 2011. 4 - бет.

муаммосини ҳал этиш фақат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан эмас, балки табиий ресурслардан мақбул фойдаланиш стратегиясини ишлаш билан ҳам боғликдир.

Назорат саволлари:

1. Озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини аосланг.
2. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими нимадан иборат?
3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда иқлим ўзгариш омилини изоҳланг.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш тизимининг хусусиятлари нимадан иборат?
5. Халқаро озиқ-овқат ҳавфсизлиги концепцияси ва унинг асосий йўналишларини келтиринг.

14-боб. ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Режа:

14.1. Глобал экологик таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари.

14.2. БМТнинг Барқарор ривожланиш дастурининг (2016-2030 йиллар) экологик мақсадлари ва устувор йўналишлари.

14.3. Глобал иқлим ўзгаришининг хусусиятлари, сабаблари ва унинг иқтисодий оқибатлари, глобал яшил иқтисодий индекс (Тҳе Global Green Эconomic Index).

14.4. Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш механизми.

14.5. Барқарор ривожланиш концепцияси шароитида Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини ривожланишининг хусусиятлари ва устуворликлари.

Таянч сўзлар: *экологик таҳдидлар, экологик мақсадлар, иқлим ўзгаришига мослашиш механизми, экологик сиёсатини ривожланишининг хусусиятлари, барқарор ривожланиш, глобал иқлим ўзгариши, иқлим ўзгаришига мослашиш.*

14.1. Глобал экологик таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари

Глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган ўзгаришлар тобора чуқур ва комплекс тавсифга эга бўлиб, барқарор иқтисодий ривожланиш муаммолари билан биргаликда кўплаб экологик масалаларни кўндалак қилиб қўймоқда (глобал иқлим ўзгариши, табиий ва техноген офатлар ва ҳ.к.). 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида глобал иқлим ўзгаришлари, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайти-риш масалаларига катта эътибор қаратилган[104].

[104] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 7 февраль 2017 йил ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, www.lex.uz.

Ер юзида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби умумбашарий вазифалар тобора муҳим аҳамият касб этиб, уларни ҳал этилиши халқаро, минтақавий ва миллий даражада тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш борасида авваламбор мавжуд бўлаётган ва борган сари кескин тус олаётган бир қатор омилларни келтириш мумкин.

Жаҳон ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини тез ўсиши атроф муҳитнинг инсон фаолияти натижалари билан курашиш имкониятини 25-30 фоизга қисқартирди. Экотизимнинг 60 фоизи инсонлар томонидан хаддан ташқари кенг фойдаланилмоқда[105].

АҚШнинг Аэронавтика ва космик фазони ўрганиш бўйича Миллий агентлиги маълумотларига кўра 1880 йилдан 2013 йилга қадар глобал иқлимнинг ўртача йиллик ўзгариши мунтазам равишда кўтарилиб борган (1-расм).



3-расм. Глобал иқлимнинг ўртача йиллик ўзгариши

Манба: *www.justfacts.com/images/globalwarming/surface-full.p // "Global Land-Ocean Temperature Index (C) (Anomaly witҳ Base: 1951-1980)." NASA, Goddard Institute for Space Studies. Accessed July 22, 2015 at <data.giss.nasa.gov>; Webpage: "GISS Surface Temperature Analysis (GISTƏMP), Freқuently Asked Kuestions (FAK).*

[105] Исаджанов А.А., Дадабоев У. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг экологик жиҳатлари. //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот бюллетени. 2012 йил, 3-сон. 55-58 бет .

2017 йилда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий форуми (ЖИФ) экспертларининг фикрларига кўра (Тҳе Global Risks Report 2017), яқин ўн йил давомида асосий глобал рисклар қаторига иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги, ижтимоий табақалашув, экологик таҳдидлар, рақамли технологияларга боғлиқлик даражасининг ошиб бориши ва аҳолининг тез суръатларда қаришини киритиш мумкин[106].Иқтисодиётнинг барқарорлиги, салбий ўзгаришларга қарши туриши ҳамда уларнинг таъсиридан сўнг тикланиши, ресурслардан (хусусан, энергетик ва сув ресурсларидан) фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Иқлим ўзгариши жаҳоннинг жиддий муаммолар сифатида тан олинмоқда ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда. Ер куррасида иқлим ўзгариб бормоқда ва жаҳон илмий ҳамжамияти якдиллик билан унинг сабабларининг асосийси деб инсон фаолиятини кўрсатмоқда ва бу ўзгаришлар тезлашиб хавфли тус олмоқда.

2015 йил 12 декабрда Парижда бўлиб ўтган БМТнинг халқаро конференциясида иқлим ўзгариши муаммоларига катта эътибор қаратилди ва жаҳон ҳамжамияти якдиллик билан ушбу битимни қўллаб-қувватлади. Унда конференцияда қатнашган 195 мамлакат вакиллари 2100 йилга келиб ер юзида ўртача ҳароратни индустриал даврдан олдинги ҳолатга нисбатан 2°С дан ошмаслигига келишиб олишган эди. Натижада, жаҳон ҳамжамиятининг кун тартибида 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш соҳасида 13-чи мақсад "иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича тезкор чоралар кўрилиши"га боғлиқ бўлган масалалар ўрин олган.

Улар қаторига мамлакатларнинг иқлим қалтисликлари ва табиий офатларга мослашиш қобилиятини ошириш; иқлим ўзгариши тўғрисида БМТнинг Доиравий конвенцияси (2020 йилга қадар 100 млрд. АҚШ долларини сафарбар қилишни кўзда тутувчи) бажарилишини таъминлаш; "Яшил иқлим фондини" тезкор капиталлашуви асосида уни амалга ошириш

[106] The Global Risk Report. World Economic Forum. 2017. http://www.cnbc.com/2017/01/11/top-five-global-risks-for-2017-wef.html

ва тўлақонли фаолият юритиши соҳасида шаффофликни таъминлашни ўз ичига олди.

Иқлимнинг индустриал ривожланишдан олдинги пайтга солиштирганда атиги 2°С даражага кўтарилиши Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 4-5 фоизга тушишига олиб келиши мумкин.

Табиий ресурсларга иқлим ўзгаришининг таъсири катталиги, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиёти эса асосан табиий ресурсларга боғлиқлигини, юзага келаётган ҳавфни камайтириш ва бошқариш учун керакли молиявий ва техник имкониятлари чекланганлигини эътиборга олинса, ушбу вазиятни нақадар мураккаблигини эътироф этиш мумкин.

Ҳарорат кўтарилиши иситиш ва совутиш учун энергияга бўлган талабни ҳам ўзгартириши мумкин. 2030-йилга келиб, ҳарорат кўтарилиши иситиш мавсумининг ўртача муддати 1971-2000-йилларга нисбатан 8-9 фоизга қисқаришига олиб келиши мумкин. Совутиш мавсуми муддати эса 2030 - йилга келиб 16 фоизга узайиши эҳтимоли мавжуд, бу, ўз навбатида, ҳаво кондиционерларидан фойдаланишнинг ортиши ҳисобига энергия сарфлашга таъсир қилади.

Иқлим ўзгариши, кутилганидек, кўпроқ экстремал об-ҳаво ҳодисалари ва иқлим билан боғлиқ таҳдидлар (масалан, сув тошқинларининг кўпайиши, қуруқ қиш боис давомли қурғоқчилик), сув танқислигига олиб келади. Натижада, иқлим ўзгариши суғориш мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган сув ресурслари ҳажмининг қисқариши ва ўз навбатида, етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар миқдорининг чекланишига олиб келиши мумкин.

Глобал иқлим ўзгариши ва ҳарорат ошиши нафақат экологик вазиятга салбий таъсир ўтказади, балки озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади: ҳосилдор ерлар ҳолати ўзгаради, биодиверсификация аста-секин камайиб боради, экинларнинг табиий ўсиш ва чорва молларнинг яшаш жойлари ўзгаради, натижада ҳосилдорлик пасайиши, озиқ-овқат экспортининг камайиши ва импортининг ортиши, об-ҳаво билан боғлиқ суғуртанинг ортиши, ирригация соҳасида инвестицияларга талаб кўпайиши, озиқ-овқат таклифи ва

нархлари ҳамда озиқ-овқатдан келадиган даромаднинг беқарорлиги кузатилиши мумкин бўлади.

Ушбу омиллар таъсири остида глобал экологик ўзгаришлар сайёравий аҳамият касб этиб, иқтисодий-назарий ёндашувдан келиб чиқиб замонавий иқтисодий ривожланиш моделининг ажралмас қисмига айланганлигини эътироф этиш мумкин.

14.2. БМТнинг Барқарор ривожланиш дастурининг (2016-2030 йиллар) экологик мақсадлари ва устувор йўналишлари

Ўзбекистон "Мингйиллик Маърузаси"ни имзолаган мамлакат сифатида юқорида тилга олинган саккизта мақсадга эришиш бўйича бир қатор мажбуриятларни белгилаб олди. Мамлакатимиз ҳукумати бу мақсадларнинг миллий ривожланишда муҳимлиги ҳамда долзарблигини эътироф этган ҳолда донор ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда юртимизга хос бўлган саккизта миллий вазифани ишлаб чиққан.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида (2000-2015 йиллар) ушбу саккиз мақсади қуйидагиларни ўз ичига олган[107]:

1-мақсад: Кам таъминланганлик ва қониқарсиз озиқланишни қисқартириш;

2-мақсад: Бошланғич ва умумий ўрта таълим мактабларда таълим сифатини ошириш;

3-мақсад: Аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;

4-мақсад: Инсон ўлимини қисқартириш;

5-мақсад: Оналар саломатлигини яхшилаш;

6-мақсад: ОИВ/ОИТСга, сил касаллигига ва безгакка қарши кураш;

7-мақсад: Экологик барқарорликни таъминлаш;

8-мақсад: Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият ўртасида ривожланиш мақсадида глобал ҳамкорлик ўрнатиш.

[107] http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/post-2015/sdg-overview.html

Ҳар бир Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) эришиладиган асосий мақсадлар ва ўзгаришларни, жумладан, белгиланган давр жараёнларининг зарур мониторинги механизмларини ўзида ифода этувчи махсус вазифа ва кўрсатгичларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Барча МРМ ва улар ўзида акс эттирган ривожланишга оид масалалар, муваффақиятли ҳал этилиши зарур бўлган умуминсоний, яъни глобал миқёсдаги долзарб масалаларни ҳисобга олган ҳолда ягона платформага бирлаштирилган.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари катта аҳамиятга эга. Сўнгги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайтирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказади[108].

Ўзбекистон Минг йиллик тараққиёт мақсадлари бўйича қуйидаги ютуқларга эришди:

Ўтган давр мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат буджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, инсон ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Жаҳон молиявий-

[108] http://uza.uz/uz/politics/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimovning-bmt-sammiti-mingyillik-rivojlanish-maqsadlariga-bagishlangan-yalpi-majlisidagi-nutqi-21.09.2010-14105

иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди[109].

Маълумки, Нью-Йоркда БМТнинг Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида 2015-йилнинг 15 сентабрдан иш бошлади. Сессияда 170 га яқин мавзулар кўриб чиқилди.

Бир неча кундан кейин 25-27 сентябрь кунларда бўлиб ўтган Саммитда 193 мамлакат вакиллари 2030-йил "Барқарор ривожланиш дастури"ни қабул қилдилар. Ушбу дастур 2000 йил қабул қилинган БМТнинг Мингйиллик ривожланиш дастурининг давоми сифатида кўрилмоқда. 15 йилга мўнжалланган ушбу дастурда 17 та мақсад белгилаб олинди. 2000 йилда бу мақсадлар 8 та эди. 17 мақсадга эришиш юзасидан БМТ 169 та вазифани бажариш белгилаб олинди.

Ушбу Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (БРМ) универсал жиҳатли "инсонлар, сайёра ва равнақ манфаати йўлидаги ҳаракатлар дастури" бўлиб, у ҳар бир инсон ҳуқуқлари ва фаровонлиги учун тиришмоқнинг тарихий имконоятини ўзида мужассам этади. Барқарор ривожланиш, моҳиятан, келажак авлодлар томонидан давом эттириш мумкин бўлган ривожланишдир. Бинобарин, инсон манфаати йўлида қилинаётган танловлар тўғрилигини таъминлаш БРМ дастури учун долзарб аҳамият касб этади.

Мақсадлар, вазифалар ва инсон.

Янги ривожланиш дастурининг барча мақсадлари дунёни инсон учун янада яхши маскан қилиш юзасидан баралла режани таърифлайди. Уларнинг бариинсон ҳаётига қайси бир жиҳатдан тегишлидир, гарчи шериклик, энергетика, инфратузилма, океан ва бошқа экотизимларни муҳофаза қилиш бўйича мақсадларда айнан инсон тилга олинмаган бўлса ҳам.

[109] http://www.press-service.uz/uz/news/1280/

Қуйида 190 та мамлакатларда олиб борилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятига тааллуқли энг муҳим мақсад ва вазифалар келтирилган. Уларга қуйидагилар киради:

1-мақсад: Камбағалликка барҳам бериш.

Инсонга дахлдор жиҳати: Дунё бўйлаб қарийб бир миллиард аҳоли қашшоқликда кун кечиради. Камбағаллик барчага тааллуқли масала бўлса-да, қашшоқликда яшовчи аксарият инсонлар Жанубий Осиё ва Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатларда истиқомат қилишади. Камбағалликка барҳам бериш ҳамда қашшоқликнинг барча шаклларини бартараф қилишга даъват муҳим сарқадамлардир. Шу билан бирга, мақсад инсон камбағаллигига барҳам беришда муҳим бўлган мослашувчанлик ва ижтимоий муҳофаза тизимлари аҳамиятлилигини тан олади.

2-мақсад: Озиқланиш

2013 йилда 5 ёшгача бўлган ҳар тўрт боланинг бирида ўсишда орқада қолиш кузатилган. Орқада қолиш ва қониқарсиз озиқланиш бошқа шаклларининг оқибатлари инсон ҳаёти, саломатлиги, таълими ва келажагига хавф солади. Мисол учун, 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим ҳолатларининг деярли ярми қониқарсиз озиқланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин, ҳамда, агар қониқарсиз озиқланиш болаликнинг илк чоғлариданоқ бартараф этилса, соатлик иш ҳақлари камида 20 фоизга ошиши мумкин экан.

Мақсад озиқланиш имконияти ҳаммага, айниқса гўдакларга, яратилишини таъминлашга йўналтирилган. У инсон озиқланиши юзасидан вазифани ҳамда 2025 йилга келиб орқада қолиш ва озиб-тўзиб кетиш бўйича вазифаларни бажариш мажбуриятини ҳам ўз ичига олади.

3-мақсад: Соғлиқ.

Шу йилнинг охирига келиб, қарийиб олти миллион бола беш ёшга тўлмай ҳаётдан кўз юмади. Сўнгги йилларда бошқача турдаги саломатлик таҳликалари намоён бўлмоқда: 2013 йилда дунё бўйлаб ОИВ инфекциясига янгидан чалингаларнинг 35 фоизи 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёш аҳоли вакиллари бўлди; катталар орасида бевақт ўлимнинг 70 фоизи юқумсиз касалликлар билан боғлиқ бўлган семизлик, жисмоний ҳаракатсизлик, қон босимининг кўтарилиб кетиши,

тамаки чекиш, гиёҳвандлик ва руҳий касалликларга тўгри келади.

Мақсад инсон омон қолиши ва саломатлиги юзасидан мажбуриятларни тиклаб, дунё бўйлаб муаммо бўлиб қолаётган касалликларга, жумладан ОИВ/ОИТС ва безгакка, эътибор қаратишни давом эттирмоқда. Вазифалар соғлиқни сақлаш тизимларини кучайтириш ва ижтимоий хавсфизлик тармоқларини жорий қилиш заруратини ҳам таъкидлайди.

4-мақсад: Таълим.

Инсонга дахлдор жиҳати: 2000 йилдан буён катта муваффақиятга эришилганга қарамай, бошланғич таълимни бутун жаҳонда таъминлаш йўлида тараққиёт тўхтаб қолди. Шу билан бирга, мактабга қатнаётган кўплаб инсон ўқимайди. Ушбу мақсад таълим эрта бошланиши ва камида ўрта мактабгача давом этиши кераклигини тан олади. Таълим сифатини яхшилаш муҳимлигини ҳам эътироф этади. Вазифалар эрта болаликка жонкуярлик ва таълимни глобал ривожланиш дастури даражасида олиб чиқиб, эрта таълимнинг ҳар бир болага ҳаёт бошлашида адолат таъминланишидаги муҳим ролини эътироф этмоқда. Муҳими шуки, вазифалар ҳамма инсон учун, яъни ўгил, қиз, ногирон, маҳаллий ёки заиф шароитда ўсган бўлишидан қатъи назар, очиқ таълим олиш имкониятини яратишга даъват қилади.

5-мақсад: Гендер тенглик.

Инсонга дахлдор жиҳати: Биз хоҳлаётган дунёни барпо қилишда аёл ва қизлар камситилишига барҳам бериш ҳамда гендер тенгликка эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай бўлса-да, қизлар кўплаб тўсқинликларга дучор бўлишмоқда.

Мақсад инсонга таъсирини ўтказувчи гендер тенглигига тааллуқли долзарб масалаларга (жумладан, ваколат бериш, камситиш, аёл ва қизларга қарши зўравонлик) нисбатан қаттиқ вазифалар белгилайди. Шу билан бирга, у аёл ва қизларни муҳофаза қилувчи ҳамда уларга ваколат берувчи йўриқномалар ва қонунчиликни қабул қилишга даъват этади.

6-мақсад: Сув, санитария ва гигиена.

Ўтган 15 йил мобайнида ривожланиш бўйича хатти-ҳаракатлар дунёнинг энг заиф инсонига етиб бормади. Энг сўнгги маълумотлар қуйидагилар ҳақида хабар беради: 663

миллион киши ҳамон яхшиланган ичимлик суви манбаларига эришиш имкониятига эга эмас, тахминан 2,4 миллиард киши ножўя санитария воситаларидан фойдаланади, 946 миллион киши ични очиқ жойда бўшатиш одатига риоя қилади. Инсон сув, санитария ва гигиенага эришмоқлари йўлида ҳисса қўшиш натижасида улар оила ва жамоаларида хулқ-атворни ўзгартирувчи вакилларига айланадилар.

Тоза ва бехатар сув ва санитарияга эришиш имконияти ҳамма учун тенг ва очиқ бўлишини даъво қилиш орқали ушбу мақсад Мингйиллик ривожланиш мақсадлари хатти-ҳаракатларини янада илгари суради.

7-мақсад: Арзон ва тоза энергия.

1990 йилдан 2010 йилгача бўлган давр мобайнида электр қуввати билан таъминланган аҳоли сони 1,7 миллиардга кўпайди, бироқ дунё аҳолисининг ошиши билан бирга арзон энергияга бўлган эҳтиёж ва талаб ҳам ошиб боради. Дунё иқтисодиётининг қазиб олинадиган ёқилғиларга боғлиқлиги ва атмосферага чиқиб кетувчи иссиқхона газлари ҳажмининг кўпайиши туфайли ер шаримизнинг иқлим тизимида бир қатор туб ўзгаришлар юз бермоқда. Мазкур ўзгаришлар дунёнинг барча қитъаларига салбий таъсир кўрсатиб келяпти.

2030 йилга қадар ҳар бир инсон арзон электр қувватидан фойдаланишини таъминлаш учун қуёш, шамол ва иссиқлик энергияси манбаларини ривожлантиришга катта сармояларни жалб этиш талаб қилинади. Кенг кўламдаги технологияларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида иқтисодий жиҳатдан асосланган меъёр ва андозаларни жорий этиш орқали ҳам дунё бўйлаб турли саноат иншоотлари ва жабҳаларида электр қувватининг истеъмол этилиши 14 фоизга қисқаришига эришиш мумкин. Барча ривожланаётган мамлакатларда тоза энергияни ишлаб чиқарувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва тегишли технологияларни такомиллаштириш масаласи ниҳоятда долзарбдир. Ушбу масаланинг ечилиши нафақат иқтисодий ўсишга олиб келади, балки бутун дунё атроф-муҳитини асраб қолишга ҳам катта ёрдам бериши муқаррар.

8-мақсад: Иқтисодий ўсиш ва ишга жойлашиш.

Иқтисодий ўсиш ва ишга жойлашиш бола ва оилалар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу

билан бирга, инсон улғайиб, иш кучи қаторига қўшилган сари улар иш топиш заруратига учрайди.

Мақсад ёшлар учун ишга жойлашиш имкониятларини яратиш ва иш ҳақини оширишга даъват этади.

9-мақсад: Индустриализация, инновациялар ва инфратузилма.

Иқтисодий ўсиш ва тараққиёт жараёнининг барқарорлигини таъминлаш учун инфратузилма ва инновацияларнинг ривожланишига сармоя жалб этиш ниҳоятда муҳимдир. Ҳозирги шароитда, дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи шаҳарларда яшашини инобатга олганда, оммавий транспорт воситалари ва янгиланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, янги саноат соҳалари ва алоқа технологияларини такомиллаштириш умумий ривожланиш жараёни учун ўта муҳим омиллардандир.

Технологиялар соҳасидаги ютуқлар иқтисодий ва экологик масалаларнинг ечими ҳамдир. Хусусан, янги технологиялар янги иш ўринларини яратиш ва энергияни тежамкорона, самарали истеъмол қилиш ва ундан фойдаланиш каби долзарб масалаларни ечишга ёрдам беради. Барқарор саноат соҳаларининг ривожланиши, илмий изланиш ва тадқиқотлар, инновацияларга сармоя ажратиш – бунинг ҳаммаси барқарор тараққиётни таъминлашда ўта муҳимдир.

10-мақсад: Тенгсизликларни бартараф қилиш.

Жуда кўп инсон ҳаётни тенгсизликлар оқибатида вужудга келадиган ғам-ташвишларда бошлаб, булар уларни яшаш, курашиш ва қобилиятларини тўлиқ кашф қилиш бўйича ҳаққоний имкониятлардан маҳрум қилади. Ушбу мақсад даромадлари 40 фоиздан паст бўлган аҳолининг даромадлари ўрта миллий даражадан юқорироқ суръатларда ўсишига чорловчи вазифаларга йўналтириб, бундай тенгсизликларни эътибор доирасига олади. Бу мақсадга эришиш учун ёш, жинс, иқтисодий аҳвол, ногиронлик ва географик жойлашувга асосланган тенгсизликларни абадийлаштирган камситувчи қонунлар, йўриқномалар ва одатларни бартараф қилишга урғу бериш талаб қилинади.

11-мақсад: Аҳоли яшаш жойлари.

2012 йилда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи, 1 миллиарддан зиёд бола шулар жумласидан, катта ва кичик шаҳарларда истиқомат қилган.Бу сон борган сари ошмоқда. Кўп инсон учун шаҳар ҳаёти таълим, тиббий эътибор ва ҳордиқ қичариш учун имкониятларни янада кўпроқ очиб беради. Шу билан бирга, уларнинг анчагинаси электр энергияси, тоза сув ва соғлиқни сақлашдан четлатилган. Мақсад 2030 йилга келиб барча учун хавфсиз, мақбул, ҳаммабоп ва барқарор транспорт тизимларини жорий қилишни, йўл ҳаракати хавфсизлигини янада яхшироқ қилишни ҳамда аёллар, инсон, ногирон кишилар, ёши катталар ва заиф табақа вакиллари эҳтиёжини қондирадиган жамоат транспортини жорий қилишга чорлайди. Шу билан бирга, мақсад 2030 йилга келиб кўкаламзор ва умумий фойдаланиш жойларини очишга ҳамда қатнаштирмоқ, ресурслар самадорлиги, иқлим ўзгариш асоратларини камайтириш ва кўникиш, офатларга мослашувчанлик юзасидан яхлит йўриқнома ва режаларни тузишга даъват қилади.

12-мақсад: Маъсулиятли истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш.

Иқтисодий ўсиш ва барқарор тараққиётга эришиш учун биз ўзимизнинг экологик изимизни қисқартириш мақсадида товар ва ресурсларни истеъмол қилишимиз ва ишлаб чиқаришимиз моделларини ўзгартиришимиз зарур. Қишлоқ хўжалиги дунёда энг кўп сув ресурсларини истеъмол қилувчи соҳалардан биридир. Дунёда мавжуд бўлган ичимлик суви захираларининг 70 фоизи айнан қишлоқ хўжалиги томонидан истеъмол қилинади.

13-мақсад: Иқлим ўзгариши.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб иқлим ўзгариши ва ундан кўрилаётган зарар глобал муаммолар сафига киритилди. Иқлим ўзгаришлари остида рўй бераётган жараёнлар ва улар экотизимни мослашиш тезлигидан юқори эканлигидан далолат бермоқда. Экологик таҳдидлар қаторида, иқлим ўзгариши жаҳоннинг жиддий муаммолар сифатида тан олинмоқда ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда. Иқлим ўзгариши бўйича

хукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумотларига кўра, хароратни индустриал давридан олдинги даражасидан 2°С ошиб кетиши жуда жиддий салбий оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юқори ҳисобланмоқда.

Ушбу мақсад иқлим ўзгариши ва уни бартараф этиш бўйича миллий стратегия ва режаларни ишлаб чиқиб амалга оширишга қаратилган. Вазифалар БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Чегарадор Конвенсияси бўйича олинган мажбуриятларга, яъни ривожланаётган давлатлар иқлим ўзгариши борасидаги эҳтиёжлари учун ривожланган давлатларга томонидан ҳар йили 100 миллиард АҚШ долларини жамлаш бериш талаби, ҳам йўналтирилган.

14-мақсад: Денгиз экотизимларини асраш.

Инсон ҳаётига замин яратиб берувчи жаҳон экотизими дунё океанлари – уларинг ҳарорати, кимёвий таркиби, оқимлари билан чанбарчас боғлиқдир. Айнан шу сабабдан бутун инсоният учун, қолаверса иқлим ўзгаришига қарши туришимиз учун мазкур неъматдан оқилона, тажамкорона фойдаланишимиз, уларни бошқаришимиз ўта муҳимдир.

Уч миллиарддан ортиқ аҳолининг турмуши, тирикчилиги денгиз ва денгиз соҳилида яшўвчи биологик хилма-хилликка боғлиқ. Шунга қарамасдан, бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган барча балиқ захираларининг 30 фоизидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилмоқда, ваҳоланки, бундай ҳолатда балиқ заҳиралари қайта тикланишга улгурмайди.

Барқарор тараққиёт мақсадлари денгиз ва денгиз қирғоқларида мавжуд бўлган экотизимларни ҳимоя қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда океанларнинг ачиш даражаси кўтарилиб, ушбу экотизимларга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган чораларга мустаҳкам замин яратади. Океанларимизни муҳофаза қилиш ва океан ресурсларидан оқилона, халқаро ҳуқуқ ва битимларга риоя этган ҳолда фойдаланиш тизимини такомиллаштириб, ҳозирда дунё океанлари дуч келаётган муаммоларни ечишга ёрдам бериши мумкин.

15-мақсад: Ер экотизимларини асраш.

Инсон ҳаёти, фаолияти океанларга қандай боғлиқ бўлса, ер ресурсларига ҳам шундай боғлиқдир. Инсон истеъмол

этадиган озиқ-овқатларнинг 80 фоизи ўсимлик дунёси томонидан таъминланади. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги бизнинг иқтисодий ўсишимиз, тараққий этишимизнинг муҳим бир таркибий қисмидир. Ўрмонлар ер юзасининг 30 фоизини қоплайди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг миллионлаб вакилларига табиий яшаш жойи бўлиб хизмат қилади, тоза ҳаво ва сув манбаидир. Шу билан бирга, ўрмонлар иқлим ўзгаришига қарши кураш соҳасида ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Барқарор тараққиёт мақсадлари 2020 йилга қадар ўрмон, сув-ботқоқ ерлари, қурғоқ ерлар ва тоғлар каби ер экотизимларини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш, улардан унумли ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Ўрмонлардан унумли ва оқилона фойдаланиш амалиятини жорий қилиш, ўрмонларнинг йўқолиб кетишини олдини олиш, тўхтатиш ҳам иқлим ўзгаришига қарши курашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Бизнинг умумий меъросимиз бўлмиш ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бутун биологик хилма-хиллик ҳозирда юз тутаётган муаммолар тезкор чораларни қабул қилишимизни тақозо этади.

16-мақсад: Тинчлик, адолат ва самарадор институтлар.

Тинчлик, барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига асосланган самарали давлат бошқаруви барқарор тараққиётнинг асосий омилларидир. Мақсад олдида қўйилган вазифалар ҳақорат, ноқонуний савдо ва инсонга қарши зўравонликнинг барча шаклларига барҳам беришдан иборат. Мазкур мақсадга эришиш учун қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ноқонуний қурол савдосини қисқартириш ва ривожланаётган мамлакатларнинг умумжаҳон бошқаруви институтларидаги иштирокини янада рағбатлантириш талаб қилинади.

17-мақсад. Барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик.

Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишнинг ягона йўли дунёнинг барча мамлакатлари бири-бири билан дунё миқёсида ҳамкорлик ва шеъриклик қилишга тайёргарлиги ва бундай ҳамкорликка содиқ бўлишига эришишдан иборат. Бугунги кунда дунё халқлари, уларнинг тақдири, фаровонлиги бир-бирига янада кучлироқ боғланиб қолган. Янги ғояларнинг

алмашинуви, инновацияларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир инсон янги технологиялар ва билимлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш талаб қилинади. Барқарор тараққиётга эришишда ривожланаётган мамлакатларни молиявий қўллашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам бошқа тадбирлар қаторида муҳим аҳамият касб этади. Халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тенг ҳуқуқлилик, очиқлик, адолат тамойилларига асосланган, барча томонларнинг манфаатларини тенг инобатга олувчи ва ҳимоялўвчи хақаро савдо-сотиқ тизими ва қоидаларини ҳаётга тадбиқ этишга ёрдам беради. Глобал мақсадлар доирасида бошланган ишларни охирига етқазиш, тараққиёт жараёнидан ҳеч ким четда қолиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган.

14.3. Глобал иқлим ўзгаришининг хусусиятлари, сабаблари ва унинг иқтисодий оқибатлари, глобал яшил иқтисодий индекс (The Global Green Economic Index)

Жаҳон иқтисодиётини барқарор ривожланиши учун сайёрамиз экологик ресурсларини сақлаб қолишга қаратилган технологиялар: атроф муҳитни ифлослантиришнинг одини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шуни инобатга олган холда ривожланишнинг янги моделини излаш барқарор ривожланиш парадигмаси эволюциясига, "яшил" (экологик) иқтисодиёт юзага келишига сабабчи бўлди ва 1987 йилда БМТнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича комиссияси техноген ўсишнинг муқобили сифатида "барқарор ривожланиш" концепциясини ишлаб чиқди. Унинг бош ғояси – атроф - муҳитга зарарсиз бўлган иқтисодий ўсишни таъминлашдир.

Шу билан бирга, экологик таҳдидлар технологик инновацияларга туртки бўлиши ва саноат корхоналари акциядорлик қийматларининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Мутахассислар таъкидлашича, иқлимни таҳлил қилиш мураккаблиги унга таъсир кўрсатадиган омиллар ўртасидаги алоқалар чизиқли эмаслиги қўйидаги омиллар билан изоҳланади [110]:

тизим сифатида иқлим учун хос бўлган мавҳумлик даражаси юқорилиги;

ушбу тизимни таҳлил қилишнинг стандарт ёки универсал усуллари йўқлиги;

иқлим ўзгариши оқибатлари чизиқли характерда эмаслиги;

таҳлил қилинаётган даврлар узоқлиги ва муаммонинг глобал характердалиги.

Экотизимга иқлим ўзгаришидан етказилган зарар чуқур оқибатга эга. Масалан, ҳаво ҳарорати атиги 2-3°С га кўтарилганда барча ўсимлик ва ҳайвонларнинг деярли учдан бир қисми ҳалоқатга яқин бўлади.

Иқлим ўзгариши инсон ҳаёти шароитини анча ёмонлаштиради ва унинг фаровонлигига катта зарар етказади.

Қишлоқ хўжалигида ҳарорат режими ўзгариши, сув билан таъминланганлик камайиши ва атмосферада карбонат ангидрид концентрацияси ўсиши муносабати билан экинлар ҳосилдорлиги пасайиши кутилмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, Африкада ҳосилдорликда йўқотишлар 20 дан 50 фоизгача ташкил қилиши мумкин.

Иқлим ўзгариши табиатдан фойдаланишда муаммолар кескинлашувига олиб келади. Ёнғинлар, қурғоқчилик, сув тошқинлари, бўронлар, аномал иссиқ ва эпидемиялар натижасида инсон саломатлигига катта таъсир кўрсатади.

2015 йилда Парижда бўлиб ўтган БМТнинг халқаро конференциясида иқлим ўзгариши муаммоларига катта эътибор қаратилди[111]. Кун тартибида 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш соҳасида 13-чи мақсад айнан "иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича тезкор чоралар кўрилиши"га боғлиқ.

---

[110] Frank Ackerman and Elizabeth A. Stanton. Climate Economics. The state of the art. 2013./ http://bookez.biz/concepts-and-trends/ekonomika-izmeneniya-klimata/

[111] Energy Climate and Change. International Energy Agency.World Energy Outlook Special Report.OECD/IEA, 2015. 9 rue de la Fédération 75739 Paris Cedex 15, France

Бу чоралар: мамлакатлар қарши туришини ва уларнинг иқлим қалтисликлари ва табиий офатларга мослашиш қобилиятини ошириш; Иқлим ўзгариши тўғрисида БМТ Доиравий конвенцияси (2020 йилга қадар йилига 100 млрд. АҚШ долларини сафарбар қилишни кўзда тутувчи) бажарилишини таъминлаш; Яшил иқлим фондини тезкор капиталлашуви асосида уни амалга ошириш ва тўлақонли фаолият юритиши соҳасида шаффофликни таъминлашни ўз ичига олади[112].

Шу билан бирга, иқлим ўзгаришига мослашишга боғлиқ долзарб муаммолар қаторига иқтисодий фаолият субъектларини экологик норма ва талабларга мувофиқ ҳаракат қилишга ундовчи самарали иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш киради.

Иқлим ўзгаришига мослашишга таъсир кўрсатишнинг энг муҳим инструменти бўлиб, бир томондан, "яшил" иқтисодиётни шакллантиришга мўлжал олган, солиқ сиёсатини атроф муҳитни муҳофаза қилишга давлат субсидиялари ва инвестициялари билан уйғунлаштирувчи макроиқтисодий сиёсат, шунингдек, энергия тежамкор технологиялар, камуглеродли энергетика ва "яшил" бизнесни ривожлантириш ҳисобланади.

Бошқа томондан, мулкчилик ҳуқуқлари бозорини ташкил қилишга йўналтирилган ва нарх сиёсатига асосланган бозор механизмидан, жумладан "cap and trade" чизмасидан фойдаланиш мумкин.

Бунда чиқиндилар жами миқдори ("cap") белгиланади ва рухсатномалар ("allowances") ёки кредитлар ("credits") шаклида мулкчилик ҳуқуларининг бозор савдоси ҳамда чиқиндиларни сотиш тизими ("emissions trading") ташкил қилинади.

"Emissions trading" тизими "European Union Emission Trading Sheme" Европа тизимида шакллантириладиган ва Киото баённомасига мувофиқ ташкил қилинадиган глобал бозорда фойдаланилади.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида экологик хавфсизлик, энергия самарадорлиги ва ресурс тежамкорлигининг юқори даражаси, шунингдек тегишли

[112] http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/summit/

инновацион талабни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар алоҳида долзарбликка эга [113].

Муаммонинг ушбу жиҳати экологик муаммоларга нисбатан аҳамиятини қатор халқаро рейтинглар маълумотлари ҳам тасдиқлайди, жумладан улардан энг нуфузлиларидан бири – Соф технологиялар глобал индекси (The Global Cleantech Innovation Index). Мазкур индексни шакллантиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида инновациялар билан шуғулланувчи компаниялар қайси мамлакатларда энг фаол ҳаракат қилиши ва уларнинг маҳсулоти қандай қилиб бозорда ўз ўрнини топиши масаласини тадқиқ қилади.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун экологик сиёсий инструментлари тўплами (environmental policy mix) таклиф қилинмоқда, буларга қуйидагилар киради:

- экологик омилларга кўра тўғриланган нархлар;
- экологик стандартлар ва углеводород хомашёсига солиқлар;
- салбий экологик таъсир учун тўловлар;
- иссиқхона газлари чиқиндиси учун рухсатномалар савдоси;
- экологик ҳавфли ишлаб чиқариш объектларини суғурта қилиш ва бошқалар.

Ушбу вазиятда, миллий энергетика сиёсати ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ чоралар минтақа мамлакатларининг диққат-марказида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш турибди. Шу туфайли энергия самарадорлигини оширишни рағбатлантириш ва унинг тикланадиган манбаларидан фойдаланиш асосий вазифлардан ҳисобланмоқда.

Амалга оширилаётган ишларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш диққатга сазовордир, шу шумладан[114]:

[113] Пахомова Н.В., Рихтер К.К., Малышков Г.Б. Инклюзивный устойчивый рост: приоритеты, индикаторы, международный опыт, потенциал согласования с моделью реиндустриализации // Проблемы современной экономики. –2014. – № 3 (51). – С.15–24.

[114] Исаджанов А.А. Экологик йўналтирилган баркарор ривожланишнинг хусусиятлари ва устуворликлари. // Илмий-таҳлилий ахборот бюллетени – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2017 й. № 3. 90-95 б.

- табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, "кўк" инвестицияларни жалб қилиш ва иқлим ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш;

- ривожланиш соҳасида режалаштирилаётган тижорат ва бошқа турдаги лойиҳаларнинг атроф - муҳитга таъсирини баҳолаш (экологик экспертиза);

- атроф - муҳит ифлосланиши ҳисоби ва ҳисоботи ўлчамлари тизимини мукаммаллаштириш;

- табиий бойликлардан фойдаланишни рационаллаштириш билан бирга экологик назорат ва мониторингнинг турғун тизимини яратиш;

- экологик солиқларни такомиллаштириш ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан харид қилиш ва "яшил" инвестицияларни амалга ошириш воситасида "яшил" (экологик тоза) технологияларни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;

- энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- атроф - муҳит сифатини тиклаш ёки сақлашга ёрдам берадиган янги иш ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий соҳаларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва бошқалар.

Барқарор кенг қамровли (инклюзив) ўсиш моделига эга "яшил иқтисодиётга" ўтиш энергия баланси тузилмасини тубдан ўзгартиришга қаратилган экологик инновацияларни жорий қилиш асосида экологик мўлжал олган ўсишни амалга ошириш учун имкон беради.

Бунда энергия баланси таркибида тикланадиган энергия манбалари улушини ошириш, ресурсларни тежаш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Инновацион моделни амалга оширишга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган омилларни ўрганишга қатор тадқиқотлар бағишланган. Масалан, янги билимлар турткисини амалга ошириш ("knowledge-push") ва ихтиролар ўсиши, инновацияларни талаб томонидан рағбатлантириш ("demand-pull") муаммолари диққатга сазовордир.

Давлат томонидан янги технологиялар ва маҳсулотни тарқатиш учун керакли шароит яратган ҳолда, инновацияларга талабни рағбатланитириш шаклларига эътибор қаратиш лозим ва мамлакатимизнинг ривожланиш дастурларида экологик вазиятни яхшилаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экологик муаммоларни ҳал этиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш масалалари катта аҳамиятга эга.

14.4. Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш механизми

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги моделини яратиш ва татбиқ этишда, мамлакатларнинг модернизация жараёнларини жадаллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда ва "кам углеродли жамият" шаклланиши устувор мақсад қилиб қўйилмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришига мослашишга ҳамда унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган меъёрларнинг самарали амалга оширилиши зарур. Авваламбор, мамлакатлар ўз ҳудудида углерод чиқимлари миқдорини камайтириш учун фаол ҳаракатлар амалга оширишлари зарур ва янада муҳимроқ жиҳати – бу инновация ва янги технологияларга талабни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Экологик инновациялар натижасида электр энергиясига бўлган талабни муқобил ва қайта тикланувчи энергияларни қўллаш доирасини кенгайтириш эвазига қондириш, атмосферани зарарловчи турли газларнинг миқдори экоинновациялар ва олиб борилаётган яшил бизнес ҳисобига камайтириш катта аҳамиятга эга.

Бу чоралар иқлим ўзгаришининг келажакдаги салбий оқибатларининг олдини олиш учун инсоният томонидан ўйланган энг маъқул ечимлардан биридир. Маълумки, Ўзбекистон 1993 йилда озон қатламини асраш бўйича Вена конвенцияси ва унинг Монреал протоколига қўшилди, 1998 йилда Лондон ва Копенгаген қўшимчаларини имзолади, 2006

йилда эса протоколнинг Монреаль ва Пекин тузатилишларини ратификация қилди.

Марказий Осиё мамлакатларнинг ривожланиш стратегияси, концепциялари ва дастурларида экологик вазиятни яхшилаш ва унинг эвазига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш катта ўрин эгаллаган.

Амалга оширилаётган ишларда атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторига қуйдагиларни киритиш мумкин:

табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда экологик тоза технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, "кўк" инвестицияларни жалб қилиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукаммаллаштириш;

ривожланиш соҳасида режалаштирилаётган тижорат ва бошқа турдаги лойиҳаларнинг атроф - муҳитга таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштириш (экологик экспертиза);

атроф-муҳит ифлосланиши индикаторлар (кўрасткичлар) тизимини мукаммаллаштириш;

табиий бойликлардан фойдаланишни рационаллаштириш билан бирга экологик назорат ва мониторингнинг турғун тизимини яратиш;

давлат томонидан харид қилиш ва "яшил" инвестицияларни амалга ошириш воситасида "яшил" (экологик тоза) технологияларни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;

энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

атроф-муҳит сифатини тиклаш ёки сақлашга ёрдам берадиган янги иш ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий соҳаларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашни таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича минтақавий ва миллий дастурларни амалга ошириш Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлашда, мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида ва минтақада яшовчи аҳоли учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Шундай шароитда, катта эътибор "экологик инновация"лар қаратилиши лозим, яъни ишлаб чиқариш, махсулот яратишда илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, шартлари ва бошқарувида ҳамда бизнес юритиш усулларида атроф - муҳитга салбий таъсирни камайтириш ёки ресурслардан оптимал фойдаланишдир.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида экологик хавфсизлик, энергия самарадорлиги ва ресурс тежамкорлигининг юқори даражаси, шунингдек тегишли инновацион талабни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар алоҳида долзарбликка эга.

Экологик инновациялар соҳасидаги сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан иссиқхона газларини чиқариш таъсирида иқлим ўзгариши, жуда катта ҳажмда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари юзага келиши билан боғлиқ экологик ташқи самаралар мавжудлиги билан белгиланади.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун экологик инструментлар тўплами катта аҳамиятга эга (экологик омилларга кўра мувофиқлаштирилган нархлар; экологик стандартлар ва углеводород хомашёсига солиқлар; салбий экологик таъсир учун тўловлар; иссиқхона газлари чиқиндиси учун рухсатномалар савдоси; экологик хавфли ишлаб чиқариш объектларини суғурта қилиш ва бошқалар).

Экологик инновациялар Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида ва атроф муҳит мусаффолигини сақлашда муҳим омил бўлиши мумкин. Мамлакатимизнинг турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш – барча ютуқларимизнинг бош гарови деб ҳисобланмоқда. "Улар орасида, экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эътиборимиз марказида туриши зарур" деб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида (2018 йил 28 декабрь) таъкидланди[115].

[115] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. //http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-122018.

Бу борада бир қатор долзарб маслалар белгиланиб олинди: 2019 йил давомида минтақадаги давлатлар экспертлари билан биргаликда Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқилиши; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Орол бўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида "Траст фонди"нинг тузилиши ва фаолиятини амалга ошиши; Орол денгизининг сувсиз қолган ҳудудида яшил ўрмонлар барпо этиш; аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва қишлоқларида янги қурилишлар амалга ошириш алоҳида эътиборга эга.

Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланиш стратегия, концепция ва дастурларида экологик вазиятни яхшилаш ҳисобига иқлим ўзгаришнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган мослашиш (адаптация) механизмини жорий этиш ва шунинг натижасида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш катта аҳамият касб этади. Минтақада кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда охирги даврда Ўзбекистоннинг ташаббуслари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Резолюция БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлади Маълумки, ушбу резолюциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси ҳисобланади[116].

Резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс

[116] БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси бўлган резолюцияни қабул қилди. https://kun.uz/news/2018/06/24/bmt-bos-assambleasi-uzbekiston-tasabbusi-bulgan-rezoluciani-kabul-kildi.

фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақада илғор технологиялар, инновациялар соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилади.

Ушбу резолюциянинг ўта муҳимлиги Жаҳон иқтисодий форумининг 2018 йилда чоп этган ҳисоботида яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътибори қаратилди. Экологик хавфсизликни таъминлашда ва иқлим ўзгаришига мослашишга ҳамда унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган меъёрларни самарали амалга ошириш борасида, авваламбор, мамлакатлар миллий ва минтақавий дастурлар доирасида амалга оширишга қаратилган углерод чиқимлари миқдорини камайтириш учун фаол ҳаракатлар амалга оширишлари зарур.

14.5. Барқарор ривожланиш концепцияси шароитида Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини ривожлантириш хусусиятлари ва устуворликлари

Глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган ўзгаришлар чуқур тавсифга эга бўлиб, жамият ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик ўлчамларини мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Маълумки, дунёдаги бугунги вазият тизимли равишда молиявий, иқтисодий, экологик, энергетик ва ижтимоий-демографик инқироздан чиқиш заруратининг долзарблиги билан тавсифланади.

Шу билан бирга, мазкур ўзгаришларнинг тезлиги экотизимларга мослашиш тезлиги ва инсон ҳаракатлари суръатидан анча юқоридир. Буларнинг бари ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ёндашувларга сезиларли даражада ўзгартириш заруратига олиб келди.

Тадқиқотларга кўра XXI асрнинг бошида табиатга хўжаликнинг таъсири жуда катта бўлиб, табиат ўзини ўзи тиклаш қобилиятини йўқота бошлаган. Геосиёсий, ижтимоий ва экологик рисклар яқин йилларда дунёдаги бош хавф ҳисобланади, дея таъкидланади Жаҳон иқтисодий форуми

(ЖИФ)нинг Marsh&McLennan Companies, Swiss Reinsurance Company, Zurich Financial Services, Уортон бизнес - мактабининг Рискларни бошқариш маркази, Оксфорд бизнес маркази ва Сингапур Миллий университети билан бирга тайёрлаган "Глобал рисклар 2015" маърузасида [117].

Таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан, бешта етакчи глобал рисклар қаторига сув ресурслари танқислиги ва глобал эпидемиялар (ижтимоий рисклар) ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш муаммолари (экологик рисклар) киритилди.

Шу боис, охирги ўн йилликда жаҳон иқтисодиётининг янги модели ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистонда экологик муаммоларга катта эътибор қаратила бошланди.

Жумладан, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадида таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни[118] табиий муҳит шароитларини сақлаб қолиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Унинг муҳим мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни уйғунлашган, мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, экологик тизимлар, табиий комплексларни ва алоҳида объектларни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборат.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасида мазкур Қонун билан, шунингдек ер, сув, ўрмон қонунчилиги билан, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини

[117] Global Risk Report.World Economic Forum. 2015.
[118] Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 09.12.1992 г №754-XII-сон.

муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади (Қонуннинг 1-моддаси).

Қонуннинг 33-моддаси:

табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан, чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўллаганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда товон пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чора-тадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

экологик тоза маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни ва бошқа чора-тадбирларни кўзда тутади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида Атроф - муҳитни ҳимоя қилиш бўйича 1999-2005-йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури ва бу Дастурни 2006-2010 йилларда амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Экология соҳасида Ўзбекистонда 2015 йилга қадар ҳал этилиши лозим бўлган миллий вазифалар, давлат дастурлари:

атроф муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаш ва табиий захираларни асраб-авайлаш жараёнини кучайтириш;

тоза сувдан ва санитария хизматларидан баҳраманд бўладиган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг улушини кўпайтиришдан иборат;

миллий чора-тадбирлар билан биргаликда мамлакатимиз иқлимнинг ўзгариши, биологик ранг-баранглик, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ерларнинг унумдорлиги пасайиши билан боғлиқ бўлган минтақавий ва халқаро экологик лойиҳаларда иштирок этиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишга янгича – замонавий ёндашувнинг асосий хусусиятларидан бири экологик тафаккурни шакллантириш;

мамлакатимиз экологик муаммоларни ҳал этишда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлаш, минтақада экотизим мониторинги ва экологик жараёнлар прогнози самарадорлигини оширишдан иборат[119].

Назорат саволлари:

1. Глобал экологик таҳдидлар ва уларнинг оқибатларини келтиринг.
2. БМТнинг Барқарор ривожланиш дастурини қачон қабул қилинган ва унинг асосий вазифалари нимадан иборат?
3. Глобал иқлим ўзгаришининг хусусиятлари ва сабабларини келтиринг.
4. Глобал яшил иқтисодий индекс тушунчасини изоҳланг.
5. Ўзбекистон Республикасида Атроф - муҳитни ҳимоя қилиш бўйича дастурларни келтиринг.

[119] Isadjanov A. Central Asia: Ecological Threats and Priorities of the Regional Cooperation. "Environmental Security and Eco-terrorism", NATO Science for Peace and Security, NATO Advanced Research Workshop. Moscow, April 27-29, 2010.

ГЛОССАРИЙ

АСЕАН -1967 йилда ташкил этилган уз ичига Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин мамлакатларини аъзо килиб олган Жануби- Шаркий Осиё мамлакатларининг субминтакавий ташкилоти Ассоциациядир.

1984 йилда Бруней АСЕАНга аъзо булиб кушилди. АСЕАНнинг бош мақсади, аъзо мамлакатларнинг иктисодиётининг усиш суръатларини, ижтимоий тараққиётини ва маданий ривожланишини тезлаштиришдан иборатдир.

Ташкилотнинг бош органи булиб ташқи ишлар вазирларининг Кенгаши ҳисобланади, бу кенгашга Джакарта шахридаги Котибият ва унга бириктирилган 11 та муқим тармоқ қўмитаси бошчилик қилади.

1977 йилда АСЕАНга аъзо мамлакатлар киска муддатли ссудалар бериш тўғрисида қўшма фонд ва кредитлаш билан шугулланувчи Тижорат банкини таъсис этдилар.

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ)- (Asian Development Bank, ADB) – Тинч океани ҳавзасида вузида ва Осиё мамлакатларидаги ривожланиш лойихаси учун бериладиган узоқ муддатли кредитлар билан шугулланувчи минтакавий давлатлараро банк.

1966 йили БМТнинг Осие ва Тинч океанига багишланган иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг XXI сессиясида таъсис этилган.

1968 йилда кредит фаолиятини бошлаган. ОТБ нинг олий органи булиб-Бошкарувчилар кенгаши хисобланади.Банкнинг бошкарув фаолиятини Директорлар кенгаши амалга оширади. ОТБ нинг штабквартираси Филиппиннинг Манила шахрида жойлашган.

Африка иктисодиети ривожланишига каратилган Араб Банки. Араб булмаган Африка мамлакатларига ривожлантириш максадида кредитлаш ва техник ердам курсатиш асносида 1975 йилда араб мамлакатлари томонидан таъсис этилган банкдир.

Альтерглобализм – Глобаллашувнинг асосий параметрларини узгартиришни бош мақсади килиб олган

бутунжаҳон харкати .Антиглобаллашув ҳаракатининг илк намоендаларидандир.

Альтернативистика – жорий глобал муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишга қаратилган, цивилизацияга утиш йулларини замонавий тадкикот йуллари билан илмий текширувлар олиб борувчи йуналиш. Глобалистиканинг илк шаклланишига сабаб булган Рим клубининг биринчи маърузаларига жавоб тарикасида пайдо булган.

Глобаллашувнинг альтернативалари – Ички карама-каршиликларни узида акс эттирувчи глобаллашув жараёнининг турли хил вариантлари. Глобаллашув жараёнига ҳеч қандай узгартиришлар киритмай, балки глобаллашувнинг альтернативалари факатгина уларнинг ички хилма хиллигини намоён этади .Бу эса глобаллашув соқасида қулланиладиган моделлардир.

Антиглобализм- XX аср охирларида инсон манфаатларини илгари сурувчи "тубдан" глобаллаштириш шиори остида пайдо булган ижтимоий-сиёсий ҳаракат. Ҳаракатнинг бош максади , демократияга, ижтимоий адолатга, эркинликка ва миллий-маданий таълимнинг узига хослигига ҳурмат тариқасида асосланган иқтисод, халқлар ва маданаиятнинг интеграциялашувини ривожлантиришдан иборат.

Антиглобалистик харакат- Трансмиллий корпорациялар ва дуненинг етакчи мамлакатларининг бирлашмалари томонидан урнатилган янги дуне тартибига қарши, яъни глобаллашув сиёсатига қарши радикал ҳаракатдир. Антиглобалистик ҳаракат Европа, АҚШ, Канада, Лотин Америкаси, Осиё ва Австралиянинг турли хил жамоат ташкилотлари, хусусан, талабалар, касаба уюшмалари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, табиатни муҳофаза килувчи, фермерлар уюшмалари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ва олимлар ассоциациясини бирлаштиради.

"Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши" - мамлакатдан "интеллектуал элита" вакилларини чет элда ишга жойлашиш мақсадида чикиб кетиши.

Банк ўтказмалари -ўтказувчи (тўловчи) талабига мувофик унинг хисобидан олувчи (бенифициар) фойдасига бир

банк томонидан бошка банкка тўлов талаблари воситасида бажариладиган ҳисоб-китоб кўриниши.

Бартер - товарни товарга тўғридан-тўғри айирбошланадиган савдо битими.

Божхона божи - товар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган махсус пул солиғи.

Божхона иттифоки - икки ва ундан ортик давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган тариф сиёсатини ўтказишидир.

Божхона тарифи - товар окимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган солик микдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

Буфер захиралари - салбий иктисодий тамойилларнинг миллий иқтисодиётга таъсири ва фавкулодда вазиятлар учун моддий бойликларнинг жами.

Валюта - маълум бир давлатнинг конун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон захира пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган ҳалқаро валюта бирликлари.

Валюта арбитражи - своплар ва ссуда капитали бозорида битимлар биргаликда амалга оширилишини назарда тутувчи банклараро операциялар.

Валюта бозорлари - миллий валюта иштирокида талаб ва таклиф таъсирида юзага келувчи валюта курсига мувофиқ хорижий валюталарини олди-сотди килинадиган расмий марказлар.

Валюта интервенцияси - давлат органлари томонидан миллий бозорда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш.

Валюта клиринги - икки ва ундан ортик хукуматлар ўртасида молиявий талаблар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш ҳақида келишув.

Валюта котировкаси - бир валюта баҳосини бошка валюталарда ифодаланишининг сонли ёзуви.

Валюта курси - миллий валюталар ўртасидаги нисбат, бир мамлакат валютасининг хорижий пул бирликларида ифодаланиши.

Валюта позицияси - банкнинг хорижий валюта талаб ва мажбуриятлари нисбати.

Валюта режими - валюта айирбошлаш курсини аниклаш асосидаги механизм.

Валюта захиралари - хорижий валюта, олтин, СДР, ХВФдаги резерв позиция кўринишидаги валюта-ликвид воситаларнинг жами.

Валюта сиёсати - мамлакатда хорижий валюталарнинг пул-кредит айланмасини тартибга солишга йўналтирилган тадбирлар тизими.

Валюта хатари - валюта курси ўзгариши окибатида экспортёр, импортёрнинг зарар кўриш имконияти.

Валюта чеклашлари - хориж валютаси ва бошка кимматли нарсалар (олтин) бўйича операцияларни чеклаш учун йўналтирилган маъмурий ва қонуний тартибда белгиланган меъёрий коидалар тизими.

Валютанинг конвертацияланганлиги - миллий валютани хорижий валюталарга резидентлар учун хам, резидент бўлмаганлар учун хам тўлов балансининг жорий операциялари бўйича алмаштириш имконияти.

Вексель - белгиланган кўринишда тузилган ёзма карздорлик мажбурияти, вексел эгаси унда кўрсатилган муддат тугагандан сўнг белгиланган пул суммасини карздордан талаб килишга хакли.

ГАТТ - Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув — ташки савдо операцияларини ўтказишда белгиланган тамойилларга амал килишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халкаро ҳужат

Глобал муаммолар - оламшумул ахамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жахондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

"Демографик портлаш" - жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат килиб бўлмайдиган даражада ахоли сонининг ўсиши.

Девалвация - миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбатан пасайтирилиши (тескари жараён - ревальвация).

Евро - универсал европа хисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

Европа валюта тизими (ЕВТ) - ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гурухи.

Европа Иттифоки (ЕИ) - Ғарбий Европанинг 25 та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гурух.

Жахон баҳоси – талаб ва таклиф эгри чизиклари таъсирини хисобга олган холда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халкаро савдо марказларида хосил бўлади.

Жахон бозори — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишдаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол боскичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва худудий иктисодиётлар, ҳалқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иктисодий таъсирлашиш глобал мухитидир.

Жахон валюта-молия тизими (ЖВМТ)-халқаро иктисодий муносабатлар доирасида узоқ давом этган эволюция натижасида шаклланган ва давлатлараро битимлар оркали мусатхқамланган валюта муносабатларини ташкил этиш кўринишидир.

Жахон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) - миллий хўжалик тизимлари ва жахон иктисодиёти доирасида ишлаб чикарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иктисодий фаол ахолининг мамлакатлар ва худудлар ўртасида жами миграцион айланмаси

Жахон савдо ташкилоти (ЖСТ)-(World Trade OrganizationWTO).

Бу ташкилот 1.01.1995 йилда бошланган ГАТТ доирасидаги Уругвай раунди музокаралари натижасида пайдо булган. Унинг штаб-квартираси Женева шаҳрида жойлашган. ЖСТ бу-ГАТТ (Тарифлар ва савдолар туғрисидаги Бош битим, 1994 й.), ГАТС (Хизматлар курсатиш савдоси туғрисидаги Бош битим) ва ТРИПС (Интеллектуал мулк ҳуқукининг савдо аспектлари тугрисидаги бош битим)лар асосида ташкил этилган куптомонлама савдо-иктисодий ташкилотдир. Юқоридаги битимларга, шу жумладан бир нечта унлаб битимлар шартномалар, карорлар, протоколларва аъзо

мамлакатларнинг хар кайсисига бир хил хукук берувчи декларациялар киради.

Жахон банки - Халкаро Молия Ташкилоти булиб, штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган.Унинг 150 дан ортиқ аъзолари мавжуд.

Банкнинг бош мақсадларидан бири, бу учинчи дунё мамлакатларига, хусусан, унча ривожланмаган давлатларга маълум бир фоиз ставкалари доирасида ва техник ёрдам тарикасида кредитлар беридан иборат.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЕКОСОС) - БМТнинг асосий бошкарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ сохасидаги фаолиятини мувофиклаштириб туради.

Иктисодий интеграция — худудий микёсда сифат жихатдан янги иктисодий мухитни яратиш йўли оркали миллий хўжалик комплексларини ўзаро якинлашниши ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

Иктисодий иттифок - иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқукий меъёрлар, солиқ базасининг соддалаштирилиши, ишлаб чикариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Иммиграцион квота - хорижий фукароларни кириб келишининг давлат томонидан микдорий чеклаш.

Инвестицион мухит — мамлакат иктисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

Инжиниринг - ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектини қуриб, ишга тушириш бўйича хизматлар.

Инновацион фаолият — Назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат узок жараёндир.

Информация ва технологиялар жахон бозори (ИТЖБ) —интеллектуал фаолият натижалари айирбошлаш халкаро сохаси.

Картел — ташки савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алохида товар гурухлари бўйича ишлаб чикариш ва нарх сиёсатини мувофиклаштириб олишади).

Катта еттилик- Биринчи Дуненинг етакчи индустриал етти давлати(АКШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония ва Италия). Бу ташкилот хар йили жахон хужалигидаги долзарб муаммоларни хал килишга каратилган юксак даражадаги учрашувларни уюштиради.

Қашшоклик-Инсониятнинг глобал муаммоларидан биридир. ижтимоий-иктисодий ,минимал хаетийлик стандартнинг паст даражасини акс эттирувчи категориядир.

Хозирги замонда кашшокликнинг турли хил куринишлари мавжуд:

Очлик, тоза сув танкислиги ва элементар санитар мухитнинг йуклигисабабидан касалланган еш болалар, уз оиласини кераклик маблаг билан таъмилашга кодир булмаган ката ешли кишилар.

Қашшок жануб- Ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси буйича етакчи индустриал давлатлардан ортта колу вчи ер шарининг жануб улкаларида жойлашган мустакил давлалардан ташкил этилган гурух.

Квоталаш — давлат томонидан экспорт ва импортнинг киймат ва жисмоний хажмини тўгридан-тўгри чеклаш амалиёти.

Клиринг — карама-карши товар окимларида валютадан фойдаланмасдан (накдсиз) воситачи оркали ўзаро хисоб-китобни назарда тутувчи савдо операцияси.

Конверсия — Харбий саноат комплекси корхоналарини фукароларга мўлжалланган махсулотлар ишлаб чикаришга ўтказиш жараёни.

Консалтинг — консалтинг фирма томонидан хар кандай ицеъмолчига кенг кўламдаги маслахат хизматлари кўрсатиш.

Кўнгилли экспорт чеклашлари (КЕЧ) - бир ташки савдо хамкори томонидан иккинчи билан келишилган холда экспорт операциялари хажмини чегаралаш.

Лизинг — машина, курилмалар, технология ва кўчмас мулкни ишлаб чикариш жараёнида фойдаланиш учун узок муддатга ижарага бериш.

Лицензиялаш — давлат томонидан хукукий ва жисмоний шахсларга ташки иктисодий операциялар олиб боришга рухсат бериш амалиёти.

Махсус карз олиш хукуки — Халкаро валюта фондининг махсус хисобларидаги кредит ёзувлари кўринишидаги халкаро активлар (яъни захира ва тўлов воситалар) бўлиб, уларнинг микдори ХВФга аъзо-мамлакатларнинг квоталарига мос келади.

Монетаризм — бу назарияга кўра, давлат томонидан пул массаси ўсиш суръатларини баркарор ушлаб туриш (йилига 3-5 фоиз) ва давлат харажатлариникискартириш хусусий капитал учун бир иктисодиётдан бошкасига эркин окиб ўтиш каналларини очади, бу янги иш жойларини яратиш ва ахоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятинии беради.

Мониторинг (хўжалик) — жами иктисодий кўрсаткичларни кузатиш ва цатицик ишлов бериш жараёни.

Мутлак устунлик — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чикариш харажатлари микдорининг турличалигидан (масалан, бир жугрофий шароитга эга бўлмаслик) фойдаланиши туфайли кўрган фойдаси.

Нарх — товарнинг ижтимоий фойдалилиги кийматининг пул бирлигида ифодаланиши.

Нисбий устунлик — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чикариш харажатлари йигиндисидаги нисбий фаркдан фойдаланиши туфайли кўрган фойдаси.

Ноу-хау — муаллифлик гувохномаси (патент) билан химояланмаган ишлаб чикариш тажрибаси ва махорат сирлари.

Озик-овкат хавфсизлиги — миллий ва глобал эхтиёжларни озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш имконияти.

Оферта — аник шарт-шароитлар асосида битим тузиш таклифи.

Оффшор худудлар — миллий иктисодий маконнинг бир кисми бўлиб, бу ерда хорижий хукукий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширашади.

Очик хисоб — хисоб-китоб товар импортёр томонидан олингандан сўнг амалга ошириладиган форма. Экспортёр импортёрга хисоб-фактурани хужжатлар билан биргаликда почта оркали банклар иштирокисиз юборади.

Портфел инвестициялар — хўжалик объектини эксплуатация килиш туфайли даромад олиш хукукини кафолатловчи капитал кўйилмалари.

Протекционизм — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар оркали фаол аралашувини назарда тутувчи иктисодий сиёсат.

Резидент — фукаролиги ва паспорт цатусидан катъий назар давлат худудида бир йилдан ошик яшаган жисмоний ва хукукий шахс тушунилади (бу мамлакатда штаб-квартирага эга бўлган дипломатик миссия ишчилари, харбий персонал ва халкаро ташкилотлар ходимларидан ташкари).

Савдо ва тараккиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) — БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Савдода энг кулай шароит яратиш режими — мамлакатлар ўртасида келишилган холда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

Саноат тараккиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) — БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Ташки қарз- Мамлакатнинг чет эл карзлари, кредитлари ва уларга хизмат курсатиш буйича молиявий мажбуриятларининг умумий суммаси. Ташки карз асосан бошка давлатларга, чет эл банкларига, халкаро валюта-молия муассасаларига ва ташки дунега булган хусусий карзда уз аксини топади.

Ташки қарздорлик инкирози — давлат томонидан ташки карзлар ва заёмларни тўлаш графигини бузилиши

Ташки савдо сиёсати — экспорт-импорт товар оқимлари хажми, товар таркиби ва географик йўналишини тартибга солиш билан боглик бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

ТИФни тартибга солишнинг тарифли усуллари — солик чеклашлари (божхона йиғимлари, божлар, акцизлар ва бошкалар) ёрдамида ташки савдога таъсир ўтказиш воситалари йиғиндиси.

ТИФни тартибга солишнинг тарифсиз усуллари - ташки савдога таъсир ўтказишнинг бевосита, маъмурий воситалари гурухи (квоталаш, лицензиялаш, техник стандартларни жорий қилиш, санитар меъёрлар ва бошкалар).

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иктисодий ташкиллаштириш кўриниши.

Трансмиллий банклар (ТМБ) - Кредит-Молия соҳасидаги замонавий ТМКларнинг узига хос шакли .Банклар байналминаллашувининг илк шакллари XX аср бошларида пайдо булган. 60-70 йилларга келиб ТМКларнинг жипслашуви натижасида банк капиталининг байналминаллашув жараени жадаллашди.Ташки савдони кредитлашга ТМКларга хизмат курсатиш (яъни, кредитлаш, накд пулларни жойлаштириш), шартномаларни валюта билан таъминлаш,бозор конъюнктураси , айрим давлатлардаги молиявий мухит , ускуналар ижараси(Лизинг)сохасидаги хизматлар ва валюта рискларидан сугурталаш(Ҳedging) тугрисидаги маълумотларни такдим этиш каби функциялари кушилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар — фойда олиш билан бирга капитал қўйилаётган объект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал қўйилмалари.

Тўлов баланси — мамлакатнинг барча резидентларининг колган барча мамлакатлар билан маълум вакт оралигидаги (одатда бир йил) иктисодий битимлари натижаларини тизим лаштирилган ҳолда қайд этилишидир.

Тўлов балансининг асосий моддалари - товар ва хизматлар экспорт-импорти, хорижий инвестиция капитали харакатини ўз ичига олади.

Тўлов балансининг балансловчи моддалари - валюта захираларининг ҳаракати, киска муддатли активлар хажмининг ўзгариши, давлат карзлари ва кредитлари, икки томонлама битимлар хамда халкаро ташкилотлар линияси бўйича молиявий ёрдамларни акс эттиради.

Умумжахон банки - ўзаро бир-бири билан боглик бешта инцитутдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

Умумий бозор - ишлаб чикариш омилларини миллий чегаралар оркали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иктисодий интеграция кўриниши.

ЖСТ - Жхон савдо ташкилоти — халкаро савдони инцитуционал ва хукукий асосини ташкил этувчи мустакил давлатлараро ташкилот.

Франчайзинг - бир компаниянинг бошка йирикрок ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошка атрибутларидан фойдаланиши

Фритред (эркин савдо) - хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатнинг энг кам даражада аралашуви шароитида ўз фаолиятларини эркин равишда танлашини назарда тутувчи иктисодий сиёсат.

Фючерс -катнашчилар томонидан хатарларни сугурталаш максадида келишилган курс бўйича фонд биржасида бажариладиган тезкор муддатли валюта-молиявий операциялар.

Хавфсизлик-1)Хавф ва тахдидлардан химояланиш.

2)Узга объектлар томонидан содир етиладиган негатив холатларга ўзининг хусусий параметларини саклашга кодир булган объект еки жараен;3)узига ташкаридан зарар еки зиен етишига тускинлик килувчи объект.4)Хаетийлик фаолиятида юз бериши эхтимоли булган хуш курилмаган узгаришларга бардош берувчи объект.5)тахдидлардан мувофик тарздаги хавфсизлик даражаси.

6)Бошка объектларга моддий зарар еки зиен етказишдан холи булган узига хос объектлар.

Глобал хавфсизлик (оммавий) - умумпланетар микесда инкирозни келтириб чикарувчи,жахондаги атроф мухитни дестабиллашти-

ришга кодир булган тахдидларга карши экологик холат ва халкаро муносабатлар микесидаги хавфсизлик тизими.

Халкаро хавфсизлик-1)Халкаро муносабатлар микесидаги бекарорлик(дестабилизация), конфронта-ция,куролли тукнашувлар ва урушлар куринишидаги тахдидларга карши хавфсизликтизими. Умумжахон микесдагихолатларнибузиш ва миллатлар хавфсизлигига хар кандай шаклдаги тахдидларни солишни истисно килувчи халкаро муносабатлар холати. Барча дав-латлар томонидан риоя килинувчи умумий принциплар ва халкарохукук нормаларига асосланган халкаро хавфсизликни таъминлаш.

Минтакавий хавфсизлик-Минтакавий микесда бекарорлик (дестабилизация) хавфини тугди-рувчи, инкироз ва тукнашувлар келтириб чикарувчи тахдидларга карши дуненинг у еки бу минтакасидаги давлатлар уртасидаги хи-мояланиш тизими. Минтакавий хавфсизлик миллат хавфсизлигини таъминлаш шартларидан булиб,халкаро хавфсизликнинг органик тузилмаларидан биридир.

Экологик хавфсизлик- Инсоният яшаб турувчи мухитни, биосферани, атмосферани, гидросферани, литосферани ва узида хайвонот ва наботот оламини акс эттирувчи якин космик борликни, колаверса табиий ресурсларни инсоннинг фаолияти давомида юзага келувчи ички ва ташки тахдидлардан химояланиш мухити.

Халкаро валюта фонди (ХВФ) — йирик хукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслахат бериш ва молия-кредит сохасидаги вазифаларни бажаради.

Халкаро иктисодий муносабатлар - мамлакатлар ва худудлар ўртасидаги, халкаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алокалари тизими.

Халкаро ишлаб чикариш кооперацияси - ишлаб чикариш боскичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиклаштириш максадида миллий иктисодий комплексларнинг хамкорлик килиши.

Халкаро ишлаб чикаришнинг ихтисослашуви - мамлакатлар ўртасидаги мехнат таксимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эхтиёжларидан ортикча бир турдаги махсулотлар тайёрлаш билан шугулланувчи миллий ишлаб чикаришларнинг табакаланиши юз беради.

Халкаро кредит - валюта ва товар ресурсларини кайтаришлик, шошилинчлик ва тўловлилик шартларида бериш.

Халкаро савдо — миллий хўжаликлар ўртасида тўланадиган жами товар айланмаси кўринишидага мехнат махсулотлари айирбошлашнинг ўзига хос шакли.

Халкаро товар номенклатураси - мамлакатлар ўртасида келишилган, таснифланган товар позициялари рўйхати бўлиб, хар бир товар позицияси кодлаштирилган ракамларга эга.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиши ташкилоти (ОЭСР) - энг ривожланган индуцриал мамлакатлар бирлашмаси.

Халкаро хисоб-китоблар - турли давлатларнинг хукукий ва жисмоний шахслари ўртасида иктисодий, сиёсий ва маданий муносабатлардан келиб чикувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёни.

Харид кобилияти паритети назарияси - валюта курси икки мамлакат пул бирликларининг нисбий киймати билан аникланади, у муомаладаги пул микдорига боғлик. Жумладан, Дж. М. Кейнс тамойилига кўра, давлат томонидан фоиз цавкасини манипуляция килиш мамлакатга хориждан инвециция окимларини куйидагича ўзгартиради: фоиз цавкаси камайтирилса, ташки карзлар хажми ортади, фоиз ставкаси оширилса, аксинча, камаяди.

Хекшер—Олин—Самуэлсон тамойили — мамлакатнинг экспортга ихтисослашуви миллий иктисодиётдаги ортикча ишлаб чикариш омилларининг мавжудлигига асосланган.

Чек - чек имзолаганнинг жорий хисобидан муайян суммани бериш ёки бошка хисобга ўтказиш хакида банкка берган ёзма фармойиши.

Экспорт квотаси - мамлакат экспорти кийматининг унинг ялпи ички махсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

Эмбарго — алохида мамлакат ёки давлатлар гурухи билан савдони бутунлай такиклаш.

Эркин иктисодий ҳудудлар - мамлакатнинг шундай худудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташкарида хисобланади, бинобарин божхона назорати ва соликка тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иктисодиётнинг бир кисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошка худудларида кўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСҲ) - преференциал худуд хисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан холи савдо тартибига риоя қилинади.

Ялпи ички махсулот (ЯИМ) - маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат худудида яратилган жами киймат.

"Янги индустриал мамлакатлар" ("ЯИМ") — иктисодий жихатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гурухи.

Карз конверсияси - карз мажбуриятларини иккиламчи бозорда ликвидли бўлган кимматли когозларга айлантириш.

Карзга хизмат кўрсатиш меъёри - карзга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва миллий экспорт орасида нисбат.

Карзни дисконтлаш — кредитор ва карз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир кисмини ўчириш.

Карзни реструктуризациялаш — кредитни тўлаш муддатларини фоизларни тўлашни оркага суриш оркали чўзиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 09.12.1992 г №754-XII-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги, ЎРҚ-380-сон "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 587-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президент фаромонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. //http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-122018.

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 7 февраль 2017 йил ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, www.lex.uz.

4. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, имлий монографиялар, мақолалар ва даврий нашрлар

1. Globalization of Business. International Business Press, 2000. - 342 p.

2. Исаджанов А.А. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Ўқув қўлланма. Тошкент. ЖИДУ. 2008.

3. The Global Economy and Its Economic Systems (Upper Level Economics Titles) 1st Edition. by Paul R. Gregory (Author), Robert C. Stuart (Author). 2013. - 704 p.

4. Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь. Гл. ред. д.т.н., проф. И.И. Мазур, д.ф.н., проф. А.И. Чумаков. – М.- Спб. – ИЦ - «Елима», ИД «Питер», 2006.

5. Elgar Edward. Handbook on the Globalization of the World Economy. Amnon Levy-Livermore. 1998. – 748 p.

6. Хасбулатов Р.И. Международные экономические отношения. Учебник. М.: Юрайт. 2012.

7. Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. М.: «Логос». 2001.

8. Maxmudov Э.R. Zamonaviy iqtisodiy tizimlar. Darslik. Jaxon iqtisodiёti va diplomatiy universiteti. 2011.

9. Экономическая и национальная безопасность. Учебник. Под ред. проф. Е.А. Олейникова.изд. М.: «Экзамен». 2005.

10. Исаджанов А.А. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви фанидан талабаларнинг мустақил иши бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент. ЖИДУ. 2013.

11. Jaxon iqtisodiyoti va xaqqaro iqtisodiy munosabatlar: o'quv qo'llanma. / A.V. Vaxabov, Sx.X.Xajibakiev, Sx.l.Raxmanov, X.A.Usmanova. - T.: «Voris-nasxriёt», 2014.

12. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. / A.V. Vaxabov, D.A. Tadjibaeva, Sh.X. Xajibakiyev. – Toshkent.: «Baktriy press», 2015.

13. Мировая экономика в век глобализации: Учебник /О.Т. Богомолов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007.

14. Mahmudov E.R. Zamonaviy iqtisodiy tizimlar. Jahon iqtisodiyoti va diplomatiyasi universiteti. Darslik. Toshkent. 2011.

15. Делягин М,Г, Мировой кризис, обшая теория глобализация», Москва.2003.

16. Олейников Е.А. Экономическая безопасность (теория и практика): учебник. Москва. Издательство «Классика плюс», 1999.

17. Экономическая безопасность: производство – финансы – банки. Под ред. В.К. Сенчагова. – И.: ЗАО «Финстатинформ», 1998.

18. Абдуллаев Р.В. ва б. "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари". –Тошкент, "Мовароуннаҳр" нашриёти, 2011.

19. Energy Climate and Change. International Energy Agency.World Energy Outlook Special Report.OECD/IEA, 2015.

20. Stigliz J. Globalization and Its Discontents. New York, W.W. Norton. 2002.

21. Industrial Development Report 2018: Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development, UNIDO, 2017.

22. Global Value Chains and Development: Investment and Value Added Trade in the Global Economy. UNCTAD, 2013.

23. We the Peoples, The Role of the United Nations in the 21 st Century. UN. Briefing Papers for Students. Tashkent. 2003.

24. Commins S. Globalization and Foundations for Human Security.FF World Visions discussion papers, Number 8, Spring 1999.

25. Ashford N.A., Hall R.P. Techlnology, globalization, and sustainable development. Transforming the Industrial State. Yale University Press. 2011.

26. China's National Defense in 2000. Beijing: Information Office of the PRC State Council, October 2000.

27. FAO, World agriculture towards 2030/2050. Interim report. Rome 2006,

28. Global Risk Report.World Economic Forum. 2015.

6. Интернет-сайтлар

1. www. Ziё.net
2. www. un.org – BMT sayti
3. www. worldbank.org – Jaxon banki sayti
4. www. unctad.org –ЮNKTAD sayti
5. www. wto.org – JST sayti
6. www.undp.org. –BMTning Тараққиёт dasturi
7. www. un.org – БМТ сайти
8. www. worldbank.org
9. www. unctad.org
10. www. wto.org
11. www.undp.org.
12. www.press-service.uz.
13. www.gov.uz.
14. www.stat.uz.
15. www.cer.uz.

ИЛОВАЛАР

1-илова

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар

Миллий мақсадлар	Миллий вазифалар
1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш.	**1.1-вазифа.** 2030 йилгача фуқароларнинг ўта қашшоқлик шаклини бартараф этиш.
	1.2-вазифа. 2030 йилгача кам таъминланган эркаклар, хотин-қизлар ва барча ёшдаги болаларнинг улушини кам таъминланишнинг барча кўринишларида икки баробарга қисқартириш.
	1.3-вазифа. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтожларнинг барчаси тўлиқ қамраб олинишига эришиш.
	1.4-вазифа. 2030 йилгача бутун аҳолининг, жумладан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралар (ер участкалари, янги технологиялар, банк кредитлари ва б.)дан фойдаланишлари учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар, янги технологиялар ва молиявий хизматлар, шу жумладан микромолиялаштириш билан таъминлаш.
	1.5-вазифа. 2030 йилгача аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг иқлим ўзгариши юзага келтирган кутилмаган ҳолатлар ва бошқа иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик ларзалар ва мусибатлар олдидаги ҳимояланмаганлиги ва заифлигини камайтириш.
	1.a-вазифа. Аҳолининг кам таъминланганлигини унинг барча шаклларида тугатиш бўйича дастурлар ва стратегияларни амалга оширишга етарли ва прогноз қилинадиган маблағни таъминлаш учун турли манбалардаги, жумладан, ривожланиш мақсадида ҳамкорликни фаоллаштириш асосидаги салмоқли захираларнинг сафарбар этилишига эришиш.
	1.b-вазифа. Аҳолининг кам таъминланганлигини тугатиш бўйича тадбирларга тезкор сармоя киритилишига кўмаклашиш учун кам таъминланган фуқароларнинг манфаатларини ҳамда гендер жиҳатларни инобатга оладиган ривожланиш, мониторинг ва баҳолашни стратегик прогнозлаштириш механизмларини такомиллаштириш.
2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш	**2.1-вазифа.** 2030 йилгача зарур ҳажмда овқатланишнинг юқори сифати ва баланслашганлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг барча қатламлари, айниқса, гўдаклар билан бир қаторда, ижтимоий заиф кишиларнинг ҳаёт учун муҳим ва

рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш.	хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан йил бўйи эркин фойдаланишларига эришиш.
	2.2-вазифа. 2030 йилгача тўйиб овқат емасликнинг барча шаклларига барҳам бериш, жумладан, 2025 йилгача беш ёшгача бўлган болаларнинг ўсиши ва вазнидаги кечикишга қарши курашишга оид халқаро даражада келишилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳамда ўсмир қизлар, ҳомиладор ва эмизувчи хотин-қизлар, кекса одамларнинг овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш.
	2.3-вазифа. 2030 йилгача қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача самарадорлигини ҳамда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат етиштирувчиларининг даромадини анча ошириш.
	2.4-вазифа. 2030 йилгача озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимлари яратилишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган қишлоқ хўжалигини юритиш усулларини жорий қилиш.
	2.5-вазифа. Уруғ ва маданийлаштирилган экинларнинг, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва уй ҳайвонларининг ҳамда уларнинг тегишли ёввойи турларининг генетик рангбаранглиги сақланишини, жумладан уруғ ва экинларнинг турли-туман захираларини тегишли тарзда сақлаш орқали, таъминлаш.
	2.a-вазифа. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги салоҳиятни мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва агроташвиқот, технологияларни ривожлантириш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик захираларини яратишга сармоя киритилишини, жумладан, халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш йўли билан, кўпайтириш.
	2.b-вазифа. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларида савдо чекловлари киритилиши ва хатолар юзага келишини бартараф этиш ҳамда бунга йўл қўймаслик.
	2.c-вазифа. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари бозорларининг тегишли тарзда фаолият юритишини таъминлаш чораларини кўриш, озиқ-овқат нархларининг кескин ўзгаришини чеклашга ёрдам бериш мақсадида бозор маълумотларидан, жумладан озиқ-овқат захиралари ҳақидаги маълумотдан ўз вақтида фойдаланишга кўмаклашиш.
3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш	**3.1-вазифа.** 2030 йилгача оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир бараварга қисқартириш.
	3.2-вазифа. 2030 йилгача янги туғилган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимни икки бараварга камайтириш.
	3.3-вазифа. Аҳолининг туберкулёз ва ОИВ билан зарарланиш даражасини камайтириш ҳамда сув орқали

	юқадиган гепатит ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашишни таъминлаш.
	3.4-вазифа. 2030 йилгача аҳоли ўртасида юрак-томир, онкологик, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлар туфайли бевақт ўлимни 30 фоизга қисқартириш.
	3.5-вазифа. Руҳий фаоллаштирувчи моддаларга қарамлик, шу жумладан, гиёҳванд моддалар ва алкоголли ичимликларни суиистеъмол қилишнинг профилактикаси ва даволанишини яхшилаб бориш (алкоголнинг зарарли истеъмол қилинишини 10 фоизга камайтириш).
	3.6-вазифа. 2025 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари сонини, жумладан, пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келадиган ЙТҲ ҳолатларини икки баравар қисқартириш.
	3.7-вазифа. 2030 йилгача жинсий ва репродуктив саломатликни асраш бўйича хизматлардан, шу жумладан, оилани режалаштириш ва ўн саккиз ёшгача бўлган қизлар учун никоҳ ёшини узайтириш хизматларидан умумий фойдаланишни ҳамда миллий стратегия ва дастурларда репродуктив саломатликни асраш масалаларининг ҳисобга олинишини таъминлаш.
	3.8-вазифа. Соғлиқни сақлаш хизматлари билан умумий қамраб олишни, шу жумладан, соғлиқни сақлашга сарфланаётган катта харажатлар туфайли ҳимоялашни, асосий сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш ва барча учун хавфсиз, самарали, сифатли ва арзон асосий доривор ва эмлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.
	3.9-вазифа. Хавфли кимёвий моддаларнинг таъсири, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши натижасида, жумладан кимёвий ишлаб чиқариш ҳамда зарарли моддалар кўмилган жойларда, ўлим ва касалланиш ҳолатларини қисқартириш.
	3.a-вазифа. Заруратга кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш Ҳадли конвенцияси (2003 йил май ойида қабул қилинган халқаро битим) амалга оширилишини фаоллаштириш.
	3.b-вазифа. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни даволаш учун эмлаш ва доривор воситалар бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларга кўмаклашиш; Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспектлари бўйича битимининг аҳоли саломатлигини асраш мақсадида мослашишини намоён этиш ва, хусусан, барча учун доривор воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича қоидалардан ривожланаётган мамлакатларнинг тўлиқ ҳажмда фойдаланиши кўзда тутилган «ТРИПС бўйича битим ва жамоатчилик соғлиғини сақлаш» Доха декларациясига (Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳомийлигидаги музокаралар туркумига) мувофиқ, арзон асосий доривор ҳамда эмлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятини

	яратиш.
	3.c-вазифа. Соғлиқни сақлашни молиялаштиришни изчил ошириш, кадрларни тайёрлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш.
	3.d-вазифа. Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг (ХТСҚ ЖСТнинг базавий ҳужжати, қоидаларнинг ҳозирги таҳрири Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 2005 йил 25 майдаги 58 сессиясида қабул қилинган) жорий қилиниши ҳамда умумий соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулодда вазиятларда чора-тадбирларни амалга оширишга тайёрликни таъминлаш.
4-мақсад.Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.	**4.1-вазифа.** 2030 йилгача бошланғич ва умумий ўрта таълимни, умумий қамровни сақлаб қолган ҳолда, ўқитишнинг долзарб ва самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш.
	4.2-вазифа. 2030 йилгача барча ўғил болалар ва қиз болалар учун кичик ёшдаги болаларни ривожлантириш, парваришлаш ва мактабгача ўқитишнинг сифатли тизимларидан улар бошланғич таълимни олишга тайёр бўлишлари мақсадида бемалол фойдаланиш имкониятини таъминлаш.
	4.3-вазифа. 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркаклар учун арзон ва сифатли ўрта махсус, олий, касб-ҳунар ҳамда қўшимча таълимдан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш.
	4.4-вазифа. 2030 йилгача ишга жойлашиш, муносиб ишга эга бўлиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун меҳнат бозорида талаб катта бўлган кўникмаларга, шу жумладан, касбий-техник кўникмаларга эга ёшлар ва катталар сонини жиддий равишда кўпайтириш.
	4.5-вазифа. Таълим муассасалари шароитларини имконияти чекланган болаларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган даражада яхшилаш билан ногиронлар учун барча даражадаги таълим ва касбий-техник тайёргарликдан тенг фойдаланиш имкониятини, барча учун хавфсиз ва самарали ўқитиш муҳитини таъминлаш.
	4.7-вазифа. 2030 йилгача барча ўқувчилар ва талабаларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш.
	4.a-вазифа. Ўқув муассасаларининг барча учун хавфсиз ва самарали ўқув муҳитини таъминлайдиган шарт-шароитларини яхшилаш.
	4.b-вазифа. 2020 йилгача олий ўқув юртларида таълим олиш учун кредитлар ва грантлар, шу жумладан халқаро миқдорини жиддий равишда кўпайтириш.
	4.c-вазифа. 2030 йилгача малакали ўқитувчиларнинг сонини, жумладан ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта

	тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш орқали, жиддий равишда кўпайтириш.
5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.	**5.1-вазифа.** Ҳамма жойда барча хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш.
	5.2-вазифа. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларини, шу жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда эксплуатациянинг бошқа шаклларини тугатиш.
	5.3-вазифа. Эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлашни тугатиш.
	5.4-вазифа. Коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимларини тақдим этиш орқали парваришлаш ва уй хўжалигини юритиш бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнатни тан олиш ва қадрлаш, миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда оилада хўжалик юритиш учун умумий масъулият тамойилини рағбатлантириш.
	5.5-вазифа. Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш.
	5.6-вазифа. Репродуктив саломатликни асраш соҳасида умумқамровли тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш хизматларидан умумий фойдаланишни таъминлаш.
	5.a-вазифа. Хотин-қизларни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишларида қўллаб-қувватлайдиган дастурларни кенгайтириш.
	5.b-вазифа. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаолроқ фойдаланиш.
	5.c-вазифа. Гендер тенглик тамойилларини бошқарувнинг турли босқичларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига тўла сингдириш.
6-мақсад. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.	**6.1-вазифа.** 2030 йилгача барча учун тоза ичимлик сувидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш.
	6.2-вазифа. 2030 йилгача тегишли санитария-гигиена воситаларидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш.
	6.3-вазифа. 2030 йилгача сув муҳитининг ҳар қандай, жумладан, қуруқликдаги фаолият натижасида ифлосланишини сезиларли равишда камайтириш ҳамда оқова сувларни хавфсиз тарзда қайта ишлатиш ҳажмини ошириш.
	6.4-вазифа. 2030 йилгача иқтисодиётнинг барча секторларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини

	сезиларли ошириш.
	6.5-вазифа. 2030 йилгача барча даражаларда сув ресурсларининг комплекс, шу жумладан, заруратга кўра транс-чегаравий ҳамкорлик асосида бошқарилишини таъминлаш.
	6.6-вазифа. 2030 йилгача сув билан боғлиқ экотизимлар, шу жумладан, тоғлар, ўрмонлар, сувли-ботқоқли ҳудудлар, дарёлар, сувли қатламлар ва кўлларнинг қўриқланиши ва тикланишини таъминлаш.
	6.b-вазифа. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сув хўжалиги ва санитарияни яхшилаш ишидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.
7-мақсад. Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учунумумфойдаланиш имкониятини таъминлаш.	**7.1-вазифа.** 2030 йилгача арзон, ишончли ва замонавий энергия таъминотидан умумий фойдаланишни таъминлаш.
	7.2-вазифа. 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинадиган энергия улушини жиддий равишда кўпайтириш.
	7.3-вазифа. 2030 йилгача энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки баравар ошириш.
	7.b-вазифа. 2030 йилгача замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш.
8-мақсад. Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларнимуносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш.	**8.1-вазифа.** 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда икки баравар ўсишини таъминлаш.
	8.2-вазифа. Диверсификация, техник модернизациялаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш воситасида иқтисодиётда самарадорликнинг ўсишига эришиш, бунда юқори қўшилган қиймат ва меҳнат талаб секторларга алоҳида эътибор қаратиш.
	8.3-вазифа. Меҳнат бозорида фаол ва суст чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва йирик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тезкор ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш орқали аҳолини, айниқса, ёшлар, ногиронларни муносиб иш билан таъминлаш ва самарали бандликни кенгайтиришга йўналтирилган қулай шарт-шароит яратиш.
	8.4-вазифа. 2030 йилнинг охиригача бўлган бутун муддат давомида истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш тизимларида ресурслардан фойдаланишнинг глобал самарадорлигини аста-секин ошириб бориш ҳамда Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларидан фойдаланишга ўтиш бўйича ўн йиллик ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилганидек, иқтисодий ўсиш атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви билан бирга кечмаслигига интилиш.
	8.5-вазифа. 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркакларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронларни барқарор ва самарали бандлик ҳамда муносиб иш билан,

	шунингдек, тенг қийматли меҳнат учун тенг иш ҳақи тўланишини таъминлаш.
	8.6-вазифа. 2020 йилгача ишламаётган, ўқимаётган ва касбий малакаларни эгалламаётган ёшларнинг улушини жиддий равишда қисқартириш.
	8.7-вазифа. Болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатнинг энг ёмон шаклларига йўл қўймасликни назорат ва мониторинг қилишни кучайтириш.
	8.8-вазифа. Ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш.
	8.9-вазифа. 2030 йилгача янги иш ўринларини яратиш ҳамда маҳаллий маҳсулотга бўлган талабни кучайтиришга кўмаклашувчи туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлаш.
	8.10-вазифа. Миллий молиявий муассасаларнинг барчанинг банк, суғурта ва молиявий хизматлардан бемалол фойдаланишини рағбатлантириш ва кенгайтириш қобилиятини мустаҳкамлаш.
	8.b-вазифа. 2020 йилгача ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича глобал стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг иш ўринлари ҳақидаги Глобал пактини (2009 йил 19 июлда Халқаро меҳнат конференциясида қабул қилинган) амалга ошириш.
9-мақсад. Барқарор инфратузилмани яратиш, умумқамровли ва барқарор саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш.	**9.1-вазифа.** Иқтисодий ривожланиш ва одамлар фаровонлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида сифатли, ишончли, барқарор ва чидамли инфратузилмани, шу жумладан, ҳудудий ва трансчегаравий инфратузилмани ривожлантириш, бунда барча учун арзон ва тенг ҳуқуқли фойдаланишни таъминлаш.
	9.2-вазифа. Умумқамровли ва барқарор саноатлашувга кўмаклашиш ва ишлов берувчи тармоқларнинг жадал ривожланиши, ресурс тежовчи и экологик хавфсиз технологияларни кенг қўллаш орқали мавжуд корхоналарни модернизациялаш ҳамда янгиларини ташкил этиш йўли билан 2030 йилгача саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 40 фонзга етказиш.
	9.3-вазифа. Майда саноат корхоналари ва кичик корхоналарнинг молиявий хизматлардан, шу жумладан арзон кредитлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш-сотиш босқичларида қўшилган қийматни ҳосил қилиш ва бозорларга интеграциялашувни кучайтириш.
	9.4-вазифа. 2030 йилгача инфратузилмани модернизациялаш ва саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш, ресурслардан фойдаланиш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларидан кенг фойдаланиш ҳисобига уларни

	барқарор қилиш, бунда барча манфаатдор мамлакатларнинг уларнинг индивидуал имкониятларига мувофиқ иштирокини таъминлаш.
	9.5-вазифа. Иқтисодиёт тармоқларининг технологик салоҳиятини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни, жумладан инновацион фаолият учун қулай шарт-шароит яратиш ва илмий тадқиқот ҳамда конструкторлик соҳасидаги ходимлар сонини жиддий равишда кўпайтириш орқали жонлантириш.
	9.b-вазифа. Маҳаллий технологиялар соҳасидаги ишланмалар, тадқиқотлар ва инновацияларни, жумладан саноатнинг диверсификацияси учун қулай бўлган сиёсий иқлимни яратиш ва хомашё соҳаларида қўшилган қийматни кўпайтириш орқали қўллаб-қувватлаш.
	9.c-вазифа. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини жиддий равишда кенгайтириш ҳамда Интернет тармоғидан умумий ва арзон фойдаланишни таъминлаш.
10-мақсад. Мамлакат ичида тенгсизликни унинг барча кўринишларида қисқартириш.	**10.1-вазифа.** 2030 йилгача аҳолининг энг кам таъминланган 40 фоизи даромадларининг мамлакат бўйича ўртача даражадан ошишига эришиш ва даромадлари ўсишини қўллаб-қувватлаш.
	10.2-вазифа. Барча одамларнинг, уларнинг ёши, жинси, ногиронлиги мавжудлиги, миллати, дини ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қонунчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.
	10.3-вазифа. Қонунчиликнинг камситишга қарши меъёр ва қоидаларининг амалда, айниқса аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига нисбатан тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш.
	10.4-вазифа. Тегишли сиёсатни, айниқса, бюджет-солиқ сиёсатини ҳамда иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича сиёсатни қабул қилиш, аста-секин кўпроқ тенглик таъминланишига эришиш.
	10.7-вазифа. Тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатига кўмаклашиш.
11-мақсад. Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш.	**11.1-вазифа.** 2030 йилгача барча учун турар жой ва уй-жой коммунал хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.
	11.2-вазифа. 2030 йилгача йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш, хусусан, жамоат транспортидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш асосида барчага хавфсиз, арзон, қулай ва экологик барқарор транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, бунда аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш.
	11.3-вазифа. 2030 йилгача барчага очиқ бўлган ва экологик барқарор урбанизация кўламини ҳамда аҳоли

	яшаш пунктларини комплекс ва барқарор режалаштириш ҳамда уларни бошқариш имкониятларини кенгайтириш.
	11.4-вазифа. Маданий ва табиий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаш бўйича хатти-ҳаракатларни жонлаштириш.
	11.5-вазифа. 2030 йилгача фалокатларда ҳалок бўлганлар ва жабрланганлар, айниқса хотин-қизлар ва болалар сонини жиддий равишда қисқартириш ҳамда фалокатлар натижасида келиб чиқадиган тўғридан-тўғри иқтисодий зарарни сезиларли тарзда қисқартириш, бунда аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш.
	11.6-вазифа. 2030 йилгача шаҳарлар экологиясининг аҳолига салбий таъсирини камайтириш, бунда ҳавонинг сифатига ҳамда шаҳар чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларнинг чиқариб ташланишига алоҳида эътибор қаратиш.
	11.7-вазифа. 2030 йилгача шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари, болалар учун ўйин майдончалари майдонини кенгайтириш, бунда ногиронларнинг дам олиши учун зарур шароитларни яратиш.
12-мақсад. Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтишни таъминлаш.	**12.1-вазифа.** Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларидан фойдаланишга ўтиш бўйича Ўн йиллик ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш.
	12.4-вазифа. 2030 йилгача, келишилган халқаро тамойилларга мувофиқ, кимёвий моддалар ва барча чиқиндилардан уларнинг бутун ҳаётий цикли давомида экологик жиҳатдан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда уларнинг одамларга ва атроф-муҳитга салбий таъсирини энг кам даражага етказиш учун ҳавога, сувга ва тупроққа тушишини жиддий равишда қисқартириш.
	12.5-вазифа. 2030 йилгача чиқиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш, қайта ишлаш ва такрорий фойдаланиш бўйича чораларни қабул қилиш орқали уларнинг ҳажмини жиддий равишда қисқартириш.
	12.6-вазифа. Корхоналарга, айниқса йирик корхоналарга, ишлаб чиқаришнинг барқарор усулларини қўллаш ва ўз ҳисоботларида ресурслардан самарали фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришни тавсия қилиш.
	12.7-вазифа. Давлат харидларини амалга ошириш давомида экологик стандартларнинг қўлланишини кенгайтириш.
	12.8-вазифа. 2030 йилгача аҳолини барқарор ривожланиш ва табиат билан уйғун турмуш тарзи ҳақида тегишли маълумот билан таъминлаш.
	12.b-вазифа. Иш ўринларини ташкил этиш, маҳаллий маданият ва маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқишга кўмаклашувчи барқарор туризм томонидан барқарор ривожланишга кўрсатиладиган таъсир мониторингининг

	воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
	12.c-вазифа. Қазилма ёқилғининг беҳуда сарфланишига олиб келадиган самарасиз фойдаланишга субсидиялар ажратишни — миллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бозор номутаносибликларини, жумладан солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш орқали бартараф этиш ва улар мавжуд бўлган жойларда зарарли субсидиялардан аста-секин воз кечиш, бунда уларнинг экологик оқибатлари ҳисобини юритиш, айни пайтда аҳолининг муҳтож ва ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун улар ривожланиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни энг кам даражага келтириш орқали оптималлаштириш.
13-мақсад. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш.	**13.2-вазифа.** Иқлим ўзгаришига акс-таъсир чораларини миллий даражада сиёсатга, стратегияга ва режалаштиришга киритиш.
	13.3-вазифа. Одамлар ва муассасалар, ташкилот ва корхоналарнинг иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ҳодисаларининг таваккалчилигидан эрта огоҳлантириш бўйича хабардорлиги, маълумотларнинг тарқатилишини ҳамда имкониятларини яхшилаш.
15-мақсад. Қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши жараёнини тўхтатиш.	**15.1-вазифа.** Халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ, ер усти ва ички чучук сувли экотизимлар, жумладан ўрмонлар, сувли-ботқоқли ҳудудлар, тоғлар ва қурғоқчил ерларни сақлаш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.
	15.2-вазифа. Ўрмонларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиш усулларини жорий этишга кўмаклашиш, ўрмонларнинг йўқолиб кетишини тўхтатиш, емирилган ўрмонларни тиклаш ҳамда ўрмонзорлар ва ўрмонларни тиклаш кўламини жиддий равишда кўпайтириш.
	15.3-вазифа. 2030 йилгача саҳроланишга қарши кураш, емирилган ерлар ва тупроқларни, шу жумладан, саҳроланиш, қурғоқчилик ва сув тошқинига учраган ерларни тиклаш ва ерларнинг емирилишининг нейтрал балансига эришиш.
	15.4-вазифа. 2030 йилгача тоғ экотизимларининг, шу жумладан уларнинг биохилмахиллиги, сақланишини барқарор ривожланиш учун зарур бўлган неъматларни яратиш салоҳиятини кучайтириш мақсадида таъминлаш.
	15.5-вазифа. Ҳайвонларнинг табиий яшаш муҳити емирилишини чекловчи жиддий чораларни кўриш, йўқолиб кетиш хавфи остида турган биологик турларнинг сонини камайтириш.
	15.7-вазифа. Браконьерлик ҳамда флора ва фаунанинг қўриқланадиган турларининг контрабанда савдосини тугатиш учун шошилинч чоралар кўриш, жонли табиатнинг ноқонуний маҳсулотларига талаб, шунингдек, уларни таклиф қилишга оид муаммоларни ҳал қилиш.

	15.8-вазифа. Бегона инвазив турлар кириб келишининг олдини олиш ва уларнинг ер усти ва сув экотизимларига таъсирини жиддий қисқартириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, устувор турлар миқдорининг қисқариши ёки йўқ қилинишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш.
	15.9-вазифа. Иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ривожлантиришнинг миллий стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқишда экотизим ва биологик хилмахиллик қимматининг ҳисобга олинишини таъминлаш.
	15.а-вазифа. Биологик хилмахиллик ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида молиявий ресурсларнинг барча манбаларини сафарбар этиш ва жиддий равишда кўпайтириш.
16-мақсад. Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида тинчликсевар ва очиқ жамиятлар барпо этилишига кўмаклашиш, барча учун одил судлов имкониятидан фойдаланишни таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва кенг иштирокка асосланган муассасаларни ташкил этиш.	**16.1-вазифа.** Зўравонликнинг барча турлари тарқалишини қисқартириш ва ушбу ҳодиса сабабли ўлиш кўрсаткичларини камайтириш.
	16.2-вазифа. Болалар ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча турларини тугатиш.
	16.3-вазифа. Қонун устуворлигига кўмаклашиш ҳамда барча учун одил судловдан фойдаланиш бўйича тенг имкониятларни таъминлаш.
	16.4-вазифа. 2030 йилгача ноқонуний пул ва қурол-яроғ оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шаклларига қарши кураш олиб бориш.
	16.5-вазифа. Коррупция, экстремизм ва порахўрлик кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш.
	16.6-вазифа. Бошқарувнинг барча босқичларида давлат органларининг самарадорлиги, ҳисобдорлиги ва шаффофлигини ошириш.
	16.7-вазифа. Бошқарувнинг барча босқичларида қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотларининг иштирокини кенгайтириш.
	16.10-вазифа. Фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқини амалга оширишлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот ошкоралигини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг асосий эркинликлари ҳимоясини таъминлаш.
	16.а-вазифа. Зўравонликнинг олдини олиш, террорчилик, экстремизм ва жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашиш ишида миллий ва халқаро даражаларда ҳамкорликни кенгайтириш орқали тегишли миллий муассасаларни мустаҳкамлаш.
17-мақсад. Барқарор ривожланиш мақсадларида Глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириш.	**17.1-вазифа.** Ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг талаб қилинадиган даражасини таъминлаш учун ички ва ташқи манбалар ресурсларининг сафарбар этилишини кучайтириш.
	17.3-вазифа. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун ташқи манбалардан қўшимча молиявий ресурсларни сафарбар этиш.
	17.4-вазифа. Давлат қарздорлиги даражасини мамлакатнинг молиявий-иқтисодий ҳолати барқарорлигини таъминлайдиган даражада ушлаб туриш.
	17.6-вазифа. Фан, техника ва инновациялар соҳаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, тузилмалар ислоҳотларини кучайтириш манфаати йўлида ўзаро билим алмашинувини рағбатлантириш.
	17.8-вазифа. 2019 йилгача технологиялар банки ва фан, технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш механизмининг тўлиқ кўламда амал қилишини таъминлаш ҳамда юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш.
	17.13-вазифа. Глобал макроиқтисодий барқарорликни, жумладан, сиёсатни мувофиқлаштириш ва сиёсатнинг изчиллигини таъминлаш орқали, кучайтириш
	17.14-вазифа. Қабул қилинаётган қарорлар, ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган стратегиялар ҳамда дастурларга барқарор ривожланиш тамойилларини интеграция қилишнинг узоқ муддатли механизмларини шакллантириш.
	17.17-вазифа. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда давлат билан хусусий сектор ўртасида, фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасидаги самарали шерикликни рағбатлантириш.
	17.18-вазифа. 2020 йилгача даромадлар даражаси, жинси, ёши, ирқи, миллати, фуқаролиги, ижтимоий мақоми, географик жойлашуви ва миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда аҳамиятли бўлган бошқа характеристикалари бўйича тақсимланган юқори сифатли, долзарб ва ишончли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини жиддий равишда кўпайтириш.
	17.19-вазифа. Ҳозирги ташаббусларга асосланган ҳолда, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот кўрсаткичига қўшимча тарзда барқарор ривожланиш соҳасида тараққиётни ўлчаш бўйича бошқа ўлчов кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, статистика соҳасидаги салоҳиятни ошириш.